

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАР**

Дарслик

ТОШКЕНТ- 2016

Хўжалик жамиятининг барча жабҳаларида интеграция ва глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган бир даврда жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлардаги асосий ривожланиш тенденция ва йўналишларини аниқлаб олиш мухим аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг умумий ривожланиш хусусияти ўзгариб бораётган бир даврда Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳон ҳамжамиятига кириб бормоқда. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликлар ривожланмоқда. Хусусан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини ўрганиш, шунингдек бозор иқтисодиётининг ривожланишидаги ютуқ – камчиликлари, ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги тўғри ёндашувлар бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бораётган Республикамиз иқтисодиётини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишида тажриба сифатидаги аҳамияти каттадир.

Дарслик олий таълим, коллеж ва лицей талабалари, аспирант, илмий ходим, магистрант, шунингдек жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар билан шуғулланувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул мухаррир: академик Ғуломов С. С.

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
фан арбоби, и.ф.д., проф. Абирқулов К.
и.ф.н., доц. Ханова И. М.

Тузувчилар: проф. Г.Ф. Назарова, доц. Х. Халилов,
доц.А.А.Эштаев, катта ўқитувчилар Н. З.Хакимов,
Н.М. Салихова, Б.Р.Бобоҷонов

КИРИШ

Фанни ўрганишнинг долзарбилиги. Республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иқтисодчи мутахассисларини тайёрлайдиган барча факультетларида фундаментал иқтисодий фанлардан бири ҳисобланган “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанини ўқитишнинг аҳамияти каттадир.

Хўш, фаннинг мақсади ва вазифалари, унинг ўқув жараёнидаги тутган ўрни нимадан иборат. Маълумки, жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 290 дан ортиқ давлатлар мавжуд бўлиб, бу давлатлар ўз иқтисодиётини ва халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришлари билан уч гурухга (rivожланган, ривожланаётган, паст ривожланган давлатларга) бўлинади. Улар ўзларининг бир неча асрлар давомидаги иқтисодий ривожланишида турли ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий босқичларни босиб ўтганлар.

Кишилик жамиятида синфий жамиятнинг вужудга келиши (бу жараён турли давлатларда турли даврларда рўй берган) билан боғлиқ ҳолда, бозор муносабатлари ҳам турлича шаклланиб борди. Бозор муносабатлари дастлаб XVII- XIX асрларда Гарбий Европанинг бир қатор давлатларида (Голландия, Англия, Франция, Германия, АҚШ) тез ривожланиб борган бўлса, ушбу мамлакатлар томонидан мустамлака қилинган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари (Ҳиндистон, Туркия, араб давлатлари, Мексика ва бошқалар) иқтисодиёти эса ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ниҳоятда тушкунликка тушиб қолган эди. Шундай қилиб, бозор муносабатлари бу даврда жаҳоннинг деярли барча давлатларида ҳукмрон бўлгани билан унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий оқибатлари турлича бўлган эди.

Маълумки, иқтисодий ривожланиш жаҳоннинг барча давлатлари учун умумий табиий қонуниятлари асосида боради, яъни, айтмоқчимизки бозор муносабатларининг алоҳида ажратиб олинган кўриниши ёки миллий либоси йўқ, аммо ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари, йўллари мавжуд бўлиб, улар жаҳоннинг у ёки бу мамлакатларини жуғрофий ўрни, табиий шароити, иқлими, табиий ресурслари, аҳолиси, иқтисодий ривожланиш даражаси ва муносабатларининг кўпгина бошқа сабабларига кўра турлича бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳондаги баъзи бир давлатлар юқори даражада, айримлари ўртача ва паст (қолоқ) ривожланган бўлади. Бу давлатларнинг (айниқса, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Голландия) иқтисодий ютуқларини атрофлича таҳлил этиш, уларнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ривожланиш йўлларидан ўrnak олиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. “Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар - АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамкамлашга алоҳида эътибор беради”¹ - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Хуллас, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Университет ва институтларини иқтисодий ўналишидаги барча факультетларида “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанини ўқитиш муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг жаҳоннинг кўплаб (160 дан ортиқ) мамлакатлари билан савдо-иктисодий, сиёсий-дипломатик ва маданий ҳамкорлик қилмоқда. Шу сабабли жаҳон мамлакатлари билан халқаро иқтисодий муносабатларни тўғри олиб бориши учун ҳам бошқа бир қатор давлатларнинг (айниқса, ривожланган етакчи давлатлар билан бир қаторда ривожланаётган давлатларни ҳам) иқтисодий ривожланиш йўлларини (моделларини) кенг, ҳар томонлама ўрганиши ва хулосалар чиқариш зарур ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясида Республика Президенти И.А. Каримов, - “Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз Республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитларини ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урфодатларини ҳар томонлама ҳисобга асосланган. Айни пайтда жаҳон мамлакатлари

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон, 1996

амалиёти тўплаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига ўтган мамлакатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади”, - деб кўрсатган эди.

Дарслик Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг профессор-ўқитувчилари, Олий таълимнинг бизнес соҳасидаги барча иқтисодий йўналишлар талабалари, илмий ходим ва магистрантлари, шунингдек жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар билан шуғулланувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Дарсликни тайёрлашда ўзларининг қимматли маслаҳатларини ва фикрларини берган профессор-ўқитувчиларга, шунингдек ишнинг техник жиҳатларини тайёрлашда яқиндан ёрдам берган ТДИУ “Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар” факультетининг З – курс талабалари Отабек Алтиев, Аъзам Парсаевларга муаллифлар ўз миннатдорчилигини билдиради.

Фан бўйича ўқув адабиётларнинг қиёсий таҳлили. “Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар” фанидан дарсликни тайёрлашда Е.Ф. Авдокушин, А.С. Булатов, И. Дюмулен, А. Киреев, П. Кругман, Н. Ливенцев, В.Ломакин, Г.Ф. Назарова, Х. Халилов, А. Эштаев, Р.Х.Шодиев, Н.Т.Ҳайдаров каби хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Интернет ахборот материалларидан кенг фойдаланилди. Бундан ташқари ушбу дарсликни тайёрлашда қуидаги талабаларнинг битирув малакавий ишларидан ва шунингдек магистрлик диссертацияларидан фойдаланилди: Фармонов М.Ж “Ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида хорижий сармояларни жалб қилиш муаммолари”, Мадисаков Б.Ш “Трансмиллий корпорациялар жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий омили сифатида”, Муродов О.О. “Жаҳон иқтисодиётида ҳалқаро интеграция ва унинг иқтисодиётда тутган ўрни”, Салимов Х.У. “Жаҳон хўжалигига интеграцион жараёнларнинг ривожланиш тенденциялари”.

Дарсликнинг кириш, 1, 2, 5, 7, 8, 11-боблари и.ф.д., профессор Г.Ф. Назарова, и.ф.н., доцентлар Х..Халилов, А.А. Эштаев, 3, 4, 6, 9, 10-боблари эса катта ўқитувчилар Н.З.Хакимов, Н.М. Салихова, Б.Р.Бобожоновлар томонидан тайёрланди.

1-боб. Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишилари ва хусусиятлари

§ 1.1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанинг предмети

ХХ асрнинг иккинчи ярмида жаҳон хўжалигини фаолиятининг ўзига хос томонларидан бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг жадал равишда ривожланиб боришидир. Жаҳон хўжалигига давлатлар гурухлари ва иқтисодий гурухлар, алоҳида фирма ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тобора кенгайиб, чукурлашиб бормоқда. Бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашуви ва хўжалик ҳаётининг байналминаллашувида, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва яқинлашувида, минтақавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишида намоён бўлмоқда.

Шуниси характерлики, ўзаро ҳамкорлик ва яқинлашиш жараёнлари қарама-қарши, диалектик характерга эга. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг диалектикаси шундаки, айrim мамлакатларнинг иқтисодий мустақилликка, миллий хўжаликни мустаҳкамлашга интилиши, оқибат натижада жаҳон хўжалигини янада кўпроқ байналминаллашувига, миллий иқтисодиётнинг очиқлигига, халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашувига олиб келади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар предмети икки асосий қисмдан, яъни, халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзи ва уни амалга ошириш механизмидан иборатdir. Халқаро иқтисодий муносабатлар ўз ичига алоҳида мамлакатларни, уларнинг минтақавий бирлашмаларини, шунингдек алоҳида корхоналарнинг (трансемиллий, кўпмиллий корпорацияларни) жаҳон хўжалиги тизимидағи бир-бирига қарама-қарши бўлган иқтисодий муносабатларининг мажмуини олади. Халқаро иқтисодий муносабатлар механизми эса ўз ичига хуқуқий меъёрларни ва уларни амалга ошириш воситаларини (халқаро иқтисодий шартномалар, келишувлар, “кодекслар”, ҳартиялар ва х.к.), халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида амалга оширишга йўналтирилган халқаро иқтисодий ташкилотларнинг фаолиятини олади. Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) тизимига қуидагилар киради:

- 1 Халқаро меҳнат тақсимоти.
- 2 Халқаро товар ва хизматлар савдоси.
- 3 Халқаро капитал ва хорижий инвестициялар ҳаракати.
- 4 Халқаро ишчи кучи миграцияси
- 5 Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари.
- 6 Халқаро иқтисодий интеграция.

Халқаро иқтисодий муносабатлар (асосан савдо) жаҳон хўжалиги вужудга келмасдан олдин хам мавжуд бўлган. Масалан: Европа давлатлари ўртасидаги ХИМ, минтақалар (Европа-Шимолий Африка, Европа-Яқин Шарқ ва х.к.) ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатлар. Бу муносабатлар минтақавий характерга эга бўлган. Жаҳон хўжалигининг вужудга келиши (XVIII аср охири ва XIX аср бошлари) ва ривожланиши билан халқаро иқтисодий муносабатлар кенгайди ва чукурлашиб, глобал характерга эга бўлди.

Замонавий жаҳон хўжалиги бу - бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига бўйсинувчи, ўзаро боғлиқ бўлган миллий иқтисодиётлар бирлашмаси, глобал иқтисодий организмдир.

§ 1.2. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари

Жаҳон хўжалиги ўзининг вужудга келиши ва ривожланишида узоқ ва қийин йўл босиб ўтди. Айrim тадқиқотчилар унинг вужудга келишини Рим империяси даври билан боғлашади (эр.авв.ги II ва эрамизнинг I асрлари). Бунда улар Рим империясини ўша вақтдаги бутунжаҳон хўжалик тизими деб баҳолайдилар. Бошқа олимлар жаҳон хўжалигини фаолият кўрсата бошлаган даврни XV-XVI асрлар, яъни буюк жуғрофий қашфиётлар даври билан боғлайдилар. Айнан шу қашфиётлар қимматбаҳо тошлар, металлар, ширинликлар ва қуллар

билин халқаро савдонинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Аммо бу даврдаги жаҳон хўжалиги чекланган бўлиб, фақат савдогарларнинг сармоялари ишлайдиган соҳа бўлган эди халос.

Замонавий жаҳон хўжалиги саноат инқилобидан кейин, капиталнинг монопол босқичига ўтиши давомида вужудга келди.

XXI аср бўсағасидаги жаҳон хўжалиги - ўз миқёсига кўра глобалdir; у тўлиқ равишда бозор иқтисодиётининг тамойиллари, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятларига, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига асосланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликларда жаҳон хўжалигини ривожланиш етакчи тенденцияларидан бири, бу кўплаб давлатларнинг бирин-кетин ёпиқ миллий хўжаликдан ташки бозорга юз тутган иқтисодий очиқ типдаги хўжаликка ўтишидир. Айнан ана шу даврда АҚШ олимлари “Очиқ савдо”, “Очиқ иқтисодиёт” деган тезислар билан чиқдилар. Бу аввало жаҳон бозорида ўз хукмронлигини ўтказиш билан боғлиқ эди. Иккинчи жаҳон урушидан ғолиб ва янада бойиб чиқсан АҚШ хукумати томонидан янги иқтисодий тартиб қўлланмалари таклиф этилди. Бундай “Эркин савдо” ва “очиқ иқтисодиёт” тезислари хукмрон иқтисодиётнинг камроқ ривожланган давлатларга қарши қаратилган қуроли, шунингдек америка корпорацияларининг тутиб бўлмас экспансияга интилишлари эди.

Аммо урушдан кейинги йилларда дунёда ижтимоий-иктисодий ҳолатнинг ўзгара бориши билан боғлиқ ҳолда “Очиқ иқтисодиёт” ҳақидаги тезис америка экспансионизмининг манфаатларига йўналтирилганликни йўқота бориб, жаҳон хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви маъносини ола бошлади.

§ 1.3. Очиқ иқтисодиётнинг моҳияти

Жаҳон иқтисодиётда очиқ иқтисодиётни шаклланишида давлат муҳим роль ўйнади. Давлат товар ва хизматлар олиб чиқиши рағбатлантириб, хорижий фирмалар билан кооперацияларга, ташки иқтисодий алоқаларни ривожланишига ёрдамлашиб, ўзига экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функциясини олди. Чет элдан инвестициялар, технологиялар, ишчи кучи ва ахборот воситаларини оқиб келишини енгиллаштирувчи мустахкам хукуқий асос яратилди.

Жаҳон иқтисодиётида ва ХИМда “Эркин савдо” ва “Очиқ иқтисодиёт” тушунчаларини фарқлаш лозим. “Эркин савдо” ҳақидаги концепция А.Смитнинг сиёсий иқтисодиётидан бошланиб у ва замонавий америка иқтисодчиларининг кашфиёти эмас. “Очиқ иқтисодиёт” тушунчаси аслида ишлаб чиқариш омиллари, ахборот, миллий валюталарнинг ўзаро алмашувининг эркин ҳаракатини ўз ичига олган товарлар савдоси кўринишида бўлиб ,у “Эркин савдо” тезисидан кенгрок тушунчадир.

Очиқ иқтисодиётни автаркия, ўз-ўзини таъминлаш иқтисодиёти, ҳаддан ташқари ўз кучига суюнишнинг антиподи сифатида ҳам тушуниш лозим. Очиқ иқтисодиётнинг вужудга келиши - бу жаҳон ривожланишининг объектив тенденциясидир. Очиқ иқтисодиёт тамойилларига мос равиша ҳаракат қилиш бу – жаҳон бозори стандартларини тан олиш, унинг қонунлари асосида ҳаракат қилишдир.

Очиқ иқтисодиёт ички бозорнинг чет эл капитали, товарлари, технологиялари, ахборотлари, ишчи кучининг оқими учун ақлга тўғри келадиган даражада очиқлигини назарда тутади.

Очиқ иқтисодиётнинг афзалларини кўйидагилардир:

- ишлаб чиқаришни ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чукурлашиши;
- ресурсларни мулоҳазакорлик билан самарадорлик даражасига қараб тақсимлаш;
- халқаро иқтисодий алоқалар тизими орқали жаҳон тажрибасининг тарқалиши;
- жаҳон бозоридаги рақобат томонидан рағбатлантириладиган миллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатнинг қучайиши.

Шаклланиб бўлган очиқ иқтисодиёт ва очиқ иқтисодиётга ўтиш бир хил нарса эмас. Очиқ иқтисодиёт давлатнинг ташки иқтисодий алоқаларида назоратсизлик ва ҳамма нарса

мумкин, чегаралар очиқ дегани эмас. Очиқ иқтисодиёт унинг ақлга сиғадиган даражада амалга ошириш механизмини шакллантиришда давлатнинг сезиларли аралашувини талаб қиласди. Хеч бир мамлакатда иқтисодиётнинг мутлак (абсолют) очиқлиги йўқ.

Очиқлик миқдорининг биринчи даражали индикаторига экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улушини киритиш мумкин. Уларнинг комбинацияси алоҳида миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозори билан алоқаларининг миқёси ҳақида тушунча беради. Шундай килиб, экспортнинг ЯИМга муносабати экспорт квотаси сифатида аниқланади:

$$\mathbf{Эк} = \mathbf{\mathcal{E}/ЯИМ} \times 100\%,$$

бу ерда **Эк** - экспорт квотаси, **Э** - экспорт ҳажми.

Агар **Эк** 10% бўлса, иқтисодиётнинг очиқлиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодиёт очиқлигининг бошқа кўрсаткичи импорт билан ЯИМ муносабатидан келиб чиқувчи импорт квотаси кўрсаткичидир:

$$\mathbf{Ик} = \mathbf{\mathcal{I}/ЯИМ} \times 100\%,$$

бу ерда **Ик** - импорт квотаси, **И** - импорт ҳажми.

Очиқликнинг комплекс кўрсаткичларидан бири деб одатда ташқи савдо квотаси кўрсатилади:

$$\mathbf{ТСк} = \mathbf{\mathcal{TС}/ЯИМ} \times 100\%,$$

бу ерда **ТСк** -ташқи савдо квотаси, **ТС** - ташқи савдо айланмасининг ҳажми.

Бу кўрсаткичининг камчилиги унда капитал экспорти катталигининг ҳисобга олинмаганлигидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўрсатиб берилган коэффициент ва кўрсаткичлар ҳар доим ҳам иқтисодиёт Очиқлигининг ҳолатини тўлиқ кўрсата олмайди. Масалан, ташқи савдо квотаси маълум маънода иқтисодиёт очиқлигини намойиш қиласа ҳам, унинг синтетик кўрсаткичи бўла олмайди. Ташқи савдо квотаси асосан давлатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини кўрсатади. Бу эса очиқ иқтисодиёт тушунчасининг бир қисми холос. Иқтисодиёт очиқлиги кўрсаткичи эса мураккаброк комплекс кўрсаткичидир.

§ 1.4. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари

Интенсив давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражаси қуйидагиларни кўрсатади:

- жаҳон хўжалигига халқаро меҳнат тақсимоти даражасининг чуқурлигини;
- анъанавий халқаро тайёр маҳсулотлар савдоси миқёсларининг кенгайиши ва характерининг ўзгарганлигини (у кўп жиҳатдан миллий ишлаб чиқариш жараёнларига тўғридан-тўғри хизмат қила бошлади);
- капитал миграциясининг интенсивлашганлигини;
- илмий-техник билимлар алмашувининг тезлашганлиги ва шунингдек хизматлар соҳасининг ривожланганлигини;
- ишчи кучи миграциясининг сезиларли даражада ўсганлигини (халқаро ишчи кучи миграцияси халқаро хўжаликнинг байналминаллашувининг мухим қисми бўлиб қолмоқда);
- давлатлар ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг тезлашиши ва кенгайишини. Саноати ривожланган давлатларнинг савдо, ишлаб чиқариш ва кредит-молия соҳасида эришилган ютуқлар даражаси жаҳон хўжалигининг шаклланишини кўриниши бўлиб хизмат қиласди. Унинг иштирокчилари давлат чегараларининг мавжудлигига қарамай умумий хўжалик тизимининг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатадилар. Хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви тушунчаси ортида алоҳида давлатларни глобал жаҳон мажмуига бирлаштирувчи кўп даражали жаҳон хўжалик алоқалари тизимининг самарали ишлаши туради.

Байналминаллашув алоҳида миллий иқтисодий тизимларнинг ўсиб бораётган ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлигини характерлайди. XX асрда айирбошлашнинг

байналминаллашуви капитал ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига айланади, ИТИ таъсирида ривожланишда сезиларли турткি олади (ХХ аср 50-йилларининг ўрталари). Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси кескин ўсди. Йирик миқёсдаги ихтисослашган ишлаб чиқариш учун ички бозорлар доираси торлик қила бошлаб, у объектив равишида миллий чегаралардан чиқа бошлайди.

ИТИ таъсирида ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви шундай ҳолатни юзага келтирадики, у ҳар қандай мамлакат учун “шахсий ишлаб чиқаришга” эга бўлиш фойдасиз бўлиб алоҳида миллий иқтисодиётлар эса янада кўпроқ жаҳон хўжалигига интеграциялашадилар. Ишчи кучи ҳаракати, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар билан алмашиш янада байналминал характерга эга бўлади.

Ушбу алоқалар ва ривожланишининг истиқболи шаклланиш қонуниятларини текшириш шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон хўжалигини ривожланишининг асосий тенденцияси бўлиб капитал, товар ва хизматларнинг ягона планетар бозорини ташкил қилиш ва алоҳида давлатларни ягона жаҳон хўжалиги мажмуига бирлаштиришга бўлган ҳаракат ҳисобланади. Бу эса глобал иқтисодиёт масалаларини халқаро иқтисодиёт муносабатлар тизими мажмуи сифатида ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса халқаро иқтисодий муносабатларнинг бошқача қилиб айтганда юкорирок даражасидир.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда глобализация феноменини икки томонлама, яъни макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада кўриб чиқиши мумкин. Макроиқтисодий даражада глобализация – бу, давлатлар ва алоҳида минтақаларнинг чегараларидан ташқарида иқтисодий фаолият кўрсатишга бўлган умумий интилишлари тушинилади. Бундай интилишларнинг кўринишлари - либерализация, савдо ва инвестицион тўсиқларнинг олиб ташланиши, эркин тадбиркорлик зоналари ташкил этиш ва ҳ.к.лар ҳисобланади. Микроиқтисодий даражадаги глобализация эса корхона фаолиятининг ички бозор чегараларидан ташқарида кенгайиши тушинилади. Тадбиркорлик фаолиятининг миллатлараро ёки кўпмиллий йўналганлигидан фарқли равишида глобализация жаҳон бозори ёки “жаҳон учлиги” (Шимолий Америка, гарбий Европа, Япония) бозорларини ўзлаштиришда ягона ёндашишни тушинилади.

Таянч иборалар: жаҳон хўжалиги, халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро иқтисодий муносабатларни амалга ошириш механизми, “очик иқтисодиёт”, автаркия, ташқи савдо квотаси, байналминаллашув, глобаллашув.

Бобнинг қисқача хуросаси:

Жаҳон хўжалиги фаолиятининг ўзига хос тамонларидан бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг интенсив ривожланиб боришидир. Жаҳон хўжалигига давлат гурухлари, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Ушбу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотини чўкурлашуви ва хўжалик хаётнинг байналминаллашувида, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва яқинлашувида, минтақавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишида намоён бўлмоқда.

Замонавий жаҳон хўжалиги вужудга келмасдан олдин ҳам халқаро иқтисодий муносабатлар (асосан савдо кўринишда) мавжуд бўлиб, унинг ривожланиши саноат инқилоби билан чанбарчас боғлиқдир. Ана шу даврда халқаро иқтисодий муносабатлар кенгайди ва чуқурлашиб, глобал ҳарактерга эга бўлди. Замонавий жаҳон хўжалиги – бу бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига бўйсунувчи, ўзора боғлиқ бўлган миллий иқтисодиётлар бирлашмаси, глобал иқтисодий организмдир.

Назорат учун саволлар:

1. Жаҳон хўжалиги нима?
2. ХИМ тизимига нималар киради?
3. Жаҳон хўжалигини ривожланишининг босқичларини тавсифлаб беринг.
4. “Автаркия” нима?

5. Мамлакатларни “очиқлиги” қандай кўрсаткичлар бўйича белгиланади.
6. “Очиқ иқтисодиётнинг” мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
7. Глобаллашув нимани англатади?
8. Ташқи савдо квотаси нимани англатади

Адабиётлар:

- Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т. Ўзбекистон, 1999.
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
- Спиридовон.И.А Мировая экономика . Учебное пособие . М., 2002
- Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. С.-П., 2003 .
- Булатов А.С. Мировая экономика.М ., Учебник. 2003
- Киреев А. Международная экономика. Часть 1.М ., 2004 .
- Киреев А. Международная экономика. Часть 2. М ., 2004 .
- Кругман П..Международная экономика. 5-е изд. Питер, 2004.
- Ломакин В. Мировая экономика. Учебник. М.,1998,2002, 2004 .
- Шодиев Р.Х. Жаҳон иқтисодиёти . Т., 2004
- Назарова Г.Ғ.,Халилов.Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти.Ўқув қўлланма. Т., 2005
- Назарова Г.Ғ., Ҳайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. Т., 2005

2-боб. Жаҳон хўжалигига инсон ресурслари ва халқаро меҳнат тақсимоти

§ 2.1. Жаҳон хўжалигига инсон ресурслари. Бандлик ва ишсизлик

Жаҳон иқтисодиётида демография – аҳоли сонининг ҳаракати ва меҳнат ресурслари билан шуғулланувчи фан бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий, биологик ва географик омиллар асосида аҳоли таркибини, динамикасини, шунингдек, жойлашуви ва қўчишининг умумий қонуниятларини ўрганади. Шулар асосида турли мамлакат ва минтақаларда аҳоли сонининг ўзгаришлари, истиқбол даври учун тахминлар ишлаб чиқилади. Демографик статистикада туғилиш коэффициенти (ҳар 1000 кишига туғилганлар сони), ўлим коэффициенти (ҳар 1000 кишига ўлганлар сони), никоҳ коэффициенти, табиий ўсиш коэффициенти, яъни туғилиш ва ўлим коэффициенти ўртасидаги фарқлар каби кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

Туғилиш ва ўлим натижасида аҳолининг узлуксиз янгиланиш жараёни давом этади ва у аҳолини тақорор ишлаб чиқариш деб номланади. Бу жараён эса икки тушунча билан, яъни аҳолининг табиий қўшимча ўсиши ва авлодлар алмашуви билан боғлиқдир. У ёки бу аҳоли динамикасини ўрганишнинг энг оддий усули - бу унинг йиллик қўшимча ўсишини аниқлашдан иборат. Йиллик қўшимча ўсиш коэффициенти - бу мазкур йил давомида (яъни икки кетма-кет 1 январь орасида) аҳолининг ўртача арифметик қўшимча ўсишидир.

Йиллик қўшимча ўсиш коэффициенти

$$Р_к = Р_к \times Р_м$$

Бу ерда $Р_к$ - йил давомида қўшимча ўсиш; $Р_м$ - аҳолининг ўртача йиллик сони.

Авлодлар алмашинуви қанчалик таъминланганлигини билиш учун айрим олинган авлодни туғилган вақтидан бошлаб то насл яратишгacha бўлган даврини кузатиш зарур бўлади. Агар маълум бир авлоднинг 1000 кишиси 1000та фарзандни дунёга келтирган бўлса, демак авлод алмашинуви тўла таъминланган бўлади.

Аҳоли динамикасини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина Европа мамлакатларида ва шунингдек Шимолий Америка давлатларида XIX ва XX асрларда аҳоли ўртасида ўлим даражаси камайганлигини кўришимиз мумкин. Дунёнинг бошқа мамлакатларида эса ўлимнинг камайиши асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда колониал империяларни тутатилишидан кейин бошланди. Ўлимнинг камайиши қуидаги сабабларга асосланади:

- ◆ аҳоли турмуш даражасининг ўсиши;
- ◆ медицина хизматининг яхшиланиши;
- ◆ юқумли ва бошқа касалликлар олдини олувчи чора-тадбирларнинг ўтказилиши ва ҳ.к. лар.

Шундай қилиб, аҳоли ўртасида ўлимнинг камайиши аҳолининг кескин ўсиш жараёнини келтириб чиқарган омиллардан бири бўлди. 2000 йилга келиб Ер шари аҳолиси сони 6 млрд.кишига етиб, 2030 йилларга бориб эса 10 млрд. кишига етиши кутилмоқда. Аҳоли ўзгаришини ўрганиш динамикасининг таҳлили асосида кўрсатилган демографик коэффициентлар натижасида қуидаги ўзига хос босқичлар ёки популяцион циклларни ажратиш мумкин:

1. Дастрлабки популяцион характердаги циклга қуидагилар хос:

- юқори даражада туғилиш;
- юқори ўлим ва бунинг натижасида аҳоли ўсишининг секин бориши;

Бундай хусусиятлар кам ривожланиб бораётган мамлакатларга, жумладан, Африканинг бир катор тропик давлатлари (Габон, Нигерия) ва баъзи бир Жанубий-Шаркий Осиё (камрок даражада) мамлакатларига хосдир.

2. Иккинчи популяцион характердаги циклга қуидагилар хос:

- юқори даражада туғилиш;
- ўлимнинг пасайиши ва натижада аҳолининг кескин ўсиши;

Бундай хусусиятлар Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига, Шарқий Осиёнинг кўпгина давлатларига, нисбатан ривожланган баъзи бир Лотин Америкаси давлатларига

(Парагвай ва Аргентина) хосдир.

3. Учинчи ўзига хос популяцион циклга қўйидагилар хос:

- Туғилишнинг пасайиши;
- ўлимнинг қисқариши;

Бундай популяцион характерда туғилиш ўлимга нисбатан (унча катта бўлмаган ҳолда) юқорироқ бўлиши сақлансада, ахолининг ўсиш даражаси доимо пасайиб бориши кузатилади.(Масалан, Замонавий АҚШ).

4. Тўртинчি популяцион характердаги циклга қўйидагилар хос:

- Туғилишнинг пастлиги;
- ўлимнинг камлиги ва натижада нисбатан барқарорлашув ёки аҳоли ўсиш динамикасининг минимал ривожланиши. Буларга қўплаб Европа давлатларини кўрсатса бўлади.

Шу билан бир қаторда баъзан демографияда ўзига хос кўринишга эга бўлган популяцион характердаги цикллар ҳам намоён бўлмоқда. Яъни ўлим туғилишга нисбатан ошиб бориши билан ахолининг табиий характерда минус белгисига эга бўлган коэффициент пайдо бўлади (депопуляция, яъни мамлакатларда ахолининг табиий қисқариши юз беради). Бундай тенденция ҳозирги кунда Россияда аниқ кўринмоқда.

Ер шари ахолисининг ўсиш даражаси борган сари давом этиб, XXI асрнинг охирги йилларига келиб таҳминан 10,5 млрд. кишига етиши ва барқарорлашуви кутилмоқда. Хуллас, дунё ахолисининг ўсиш даражаси пасайиб бораётган бўлсада, абсолют миқдорда унинг ўртача йиллик ўсиши 80 млн. кишидан ортиқроқни ташкил этмоқда (Буни биз асосан Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги баъзи мамлакатлар мисолида кўришимиз мумкин).

Маълумки, ҳалқаро статистикада “иктисодий фаол аҳоли” ва “иктисодий фаол бўлмаган аҳоли” категориялари кенг қўлланилади. Ҳалқаро меҳнат ташкилоти тавсияномасига биноан иктисодий фаол аҳолига товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда қатнашувчи барча кишилар киради. Булар қаторига ёлланма меҳнат кишилари - ишчилар ва хизматчилар, мустақил ишчилар, оиласининг ҳак тўланмайдиган аъзолари, мавсумий ва тасодифий ишчилар, объектив сабабларга кўра (касаллик, таътил) вақтинча ишламаётган кишилар, тўлиқсиз иш вақти режимида ишлаб ўқишини давом эттираётган ўқувчилар, стипендия ёки иш ҳақи олиб ишлаб чиқаришда касб ўрганаётган шогирдлар киради.

Ҳозирги вақтда бозор иктисодиёти мамлакатларида иктисодий фаол аҳоли - ишчи кучи деб юритилади. Иктисодий фаол ахолининг меҳнат статуси миқдорий жиҳатдан маълум муддат (1 йил) ичida ишлаган ҳафта ёки кунлари сони билан аниқланади. Шунга кўра иктисодий фаол аҳоли - бандлар, ишсизлар ва қисман бандларга бўлинади.

Иктисодий фаол бўлмаган аҳолига ёшидан қатъий назар иктисодий фаол аҳоли категориясига кирмайдиган кишилар таалуклидир. Бундай аҳоли таркибига кундузги бўлим талабалари, уй бекалари, қариллик ва ногиронлик бўйича нафақаҳўрлар, ижтимоий ташкилотлар ва хусусий шахслардан моддий ёрдам олувчи кишилар ва бошқалар киради. Иктисодий фаол бўлмаган аҳолига шунингдек бир қанча алоҳида функционал гуруҳлар киради. Ҳақ тўланмайдиган ижтимоий иш билан машғул кишилар, ихтиёрий текин хизматлар кўрсатувчи кишилар, субъектив ва объектив сабабларга кўра иш қидирмаётган меҳнатга яроқли ўшдаги кишилар ҳам киради.

Меҳнатга яроқли ахолининг ижтимоий маҳсулот яратишдаги фаолияти бандлик дейилади. Бундан ташқари ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳоли тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, уларга ишсизлар ва мажбурий банд бўлмаган кишилар киради.

XX асрнинг 70-йилларида саноати ривожланган мамлакатларда иктисодий фаол ахолининг асосий қисми (30-45 %) саноат ва қурилишларда банд бўлган эди. Аммо кейинчалик бу муносабат нисбатан ўзгариб бориши билан боғлиқ ҳолда бу тармоқларда аҳоли сонининг аввал нисбий, кейинчалик абсолют бандлиги кескин қамайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Шу билан бир қаторда ахолининг иктисодий фаоллигини пасайиши кишлоқ хўжалигида ҳам кузатилмоқда.

Ҳалқаро Меҳнат ташкилотининг таърифига кўра ишсизлар деб - охирги 4 ҳафта ичida

иш қидираётган ва ишга эга бўлмаган ёки ишга жойлашиб хали ишга киришмаган кишиларга айтилади. Бу категория турли мамлакатларда турлича талқин этилади. Турли мамлакатларда ишсизлар сонини аниқлашда икки хил ёндашув мавжуд. Биринчиси - 1 ҳафталик текширишда ишсизлар статусига жавоб берувчи кишилар сонини аниқлайди, бу усул АҚШ, Японияда ишлатилади. Буюк Британияда бу усул қиммат ҳисобланаб, ишсизлар сони давлат бандлик хизматларига ишсизлик нафақасини олишга топширилган талабномалар асосида ҳисобланади.

Ишсизларнинг асосий қисмини иш стажига эга ишдан бўшатилган кишилар ташкил қиласди. Бу категорияга иқтисодиётда ва ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар натижасида корхоналарнинг бекилиши, янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиши, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви натижасида ишини йўқотган ишчилар киради. Бола тарбияси билан машғул аёллар, ўқиши тутатиб иш қидираётган ёшлар ишсизлар сафига киритилмайди.

Замонавий саноати ривожланган мамлакатлар учун характерли тенденциялардан бири ишсизликнинг ўсиб боришидир, 2004 йилда улар иқтисодий фаол аҳолининг 8-10% ни ташкил этган.

Ривожланаётган мамлакатларда ишсизлар сонини аниқлаш ҳозирги кунда энг қийин муаммолардан бири бўлиб турибди. Халқаро Мехнат ташкилотининг берган маълумотига кўра, 2003 йилда саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ишсизларнинг умумий сони 600 млн.кишидан ортиб, бу Ер шари аҳолисининг 10дан бир қисмини ташкил қилган.

§ 2.2. Халқаро ишчи кучи миграцияси

Аҳолининг оммавий миграцияси жаҳон ҳамжамиятининг XX аср иккинчи ярмидаги ҳаётининг энг характерли ҳолатига айлантириди. Аҳоли миграцияси деганда маълум худудларда инсонларнинг доимий яшаш жойини алмаштириши ёки унга қайтиш билан кўчиб ўтиши тушинилади.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда халқаро (ташки) миграциянинг турли шакллар – меҳнат, оилавий, рекреацион, туристик ва бошқа турдаги шакллари мавжуд. Халқаро ишчи кучи миграциясида биз асосан халқаро меҳнат миграцияси, халқаро ишчи кучи бозори муаммоларига эътиборни қаратамиз. Халқаро ишчи кучи бозори миллий чегараларни кесиб ўтувчи турли-туман меҳнат ресурслари оқимини қамраб олади. Халқаро меҳнат бозори ишчи кучининг миллий ва минтақавий бозорларини бирлаштиради. Халқаро меҳнат бозори эса меҳнат миграцияси шаклида мавжуд бўлади. Жаҳон бўйича 1960 йилда 3,2 млн., 2004 йилда эса 35 млн.дан ортиқроқ меҳнаткаш мигрант мавжуд бўлган. Агар ҳар бир меҳнаткаш мигрант қарамоғида уч киши бор деб ҳисобласак, у ҳолда XXI асрнинг дастлабки йилларида миграциядаги аҳоли сони 100 млн.дан ортиқни ташкил этиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда ишчи кучи халқаро бозори бошқа жаҳон бозорлари билан масалан, товар ва хизматлар, капитал бозорлари билан биргаликда мавжуд бўлади. Ишчи кучи миграциясига ҳам иқтисодий, ҳам ноиқтисодий характердаги омиллар сабаб бўлади. Ноиқтисодий характердаги сабабларга – сиёсий, миллий, диний, ирқий, оилавий ва бошқаларни айтиш мумкин. Иқтисодий характердаги сабаблар алоҳида давлатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини турличалигига бориб тақалади. Ишчи кучи асосан турмуш даражаси паст бўлган давлатлардан турмуш даражаси баланд бўлган давлатларга кўчади.

Ишчи кучи миграциясини белгиловчи муҳим иқтисодий омил айрим давлатларда, авваламбор кам ривожланган давлатларда органик ишсизликнинг мавжудлигидир. Халқаро меҳнат миграциясининг муҳим омилини биз капитал олиб чиқиш ва халқаро корпорацияларнинг фаолиятида кўришимиз мумкин. Трансмиллий корпорациялар ишчи кучи билан капитал ҳаракатини амалга оширишлари орқали ёки уз капиталларини ишчи кучи ортиқча бўлган минтақаларга кўчириш орқали ишчи кучининг капитал билан қўшилишига имкон яратадилар.

Транспорт алоқа воситаларининг ривожланиши ҳам ўз навбатида халқаро меҳнат миграциясининг сезиларли ривожланишига имкон яратади. Миграцион оқимларни асосан ишчилар, қисман хизматчилар ташкил этади. Жаҳон иқтисодиётида халқаро ишчи кучи миграциясининг 5та йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1.Ривожланаётган давлатлардан саноати ривожланган давлатларга миграция.
- 2.Саноати ривожланган давлатлар доирасидаги миграция.
- 3.Ривожланаётган давлатлар орасидаги миграция.
- 4.Собиқ социалистик давлатлардан саноати ривожланган мамлакатларга миграция.
- 5.Илмий ходимлар, малакали мутахассисларнинг саноати ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга миграцияси.

Саноати ривожланган давлатлар учун хорижий ишчи кучи нормал ишлаб чиқариш жараёни учун, баъзида эса нормал кундалик ҳаёт учун зарур бўлган соҳаларни ва шунингдек, инфраструктуравий хизматларни ишчилар билан таъминлашни англатади. Масалан, Францияда эмигрантлар қурилишда банд бўлган ишчиларнинг 25%ини, автомобилсозликда эса 3 дан 1 қисмини ташкил этади. Бельгияда тоғ-кон саноати ишчиларининг ярмини, Швейцарияда банд бўлган қурувчиларнинг 40% ни эмигрантлар ташкил этади.

Саноати ривожланган давлатлар доирасида мавжуд бўлган халқаро ишчи кучи миграцияси иқтисодий омилларга нисбатан кўпроқ ноиктисодий омилларга боғлиқдир. Аммо саноати ривожланган давлатлар учун ҳам “ақллиларни кетиши” характерлидир, масалан, Европадан АҚШга кетиши.

Европа Итифоқи (ЕИ) доирасидаги халқаро ишчи кучи миграциясини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. ЕИда “ЕИХ ишчиларининг ижтимоий ҳукуқлари Хартияси” қабул қилинган (1989 йил 9 декабрда имзоланган) бўлиб, “Хартиянинг” биринчи бўлимида шундай деб ёзилгандан: 1) “ЕИХнинг ҳар бир ишчиси жамият тартиби, хавфсизлиги ва соғлиги билан боғлиқ бўлган барча қоида ва чеклашларга бўйсунган ҳолда ҳамжамият худуди ичida эркин кўчиб юриш ҳуқуқига эгадирлар”. 2) “Кўчиш эркинлиги ҳар бир ишчига ЕИХда қабул қилувчи давлатдаги ишга жойлашиш, шунингдек меҳнат шароитлари ва ижтимоий ҳимояга таалуқли тенглик тамойиллари асосида иш ёки касб танлаш ҳуқуқини бермоғи лозим”. Бундан ташқари “Хартияда” ягона иқтисодий худуднинг қурилиши ижтимоий таъминот билан ҳам мустаҳкамланиши кўриб ўтилган.

XX-XXI асрлар бўсағасида ривожланаётган давлатлар ўртасида ҳам ишчи кучи миграцияси кучайиб бораётганлигини қўришимиз мумкин. Бундай ҳолни асосан бир томондан “Янги индустрисал давлатлар” ва араб амирликлари, ОПЕКка аъзо-давлатлар ўртасида ва шунингдек, иккинчи томондан бошқа ривожланаётган давлатлар ўртасидаги миграциядир. Масалан, урушдан кейинги йилларда (60-80-йилларда) Хитой, Въетнам ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг бошқа давлатларидан Гонконгга миграция оқими айниқса сезиларли бўлган эди. Сингапур ҳам ишчи кучини фаол импорт қилган. Масалан, Қувайт ва Саудия Арабистонида Яманлик 1 млн.га яқин ишчи ишлаган. Бу миграциянинг асосий иқтисодий сабаблари - ишчи кучини импорт қилувчи давлатларда иқтисодий ҳаётнинг, иш ҳакининг юқори даражадалиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари Осиёнинг “Янги индустрисал давлатларида”, ва шунингдек Форс кўрфазининг бой давлатларида доимий равишда паст малакали ишчи кучи етишмаслигидир.

Саноати ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга ишчи кучи миграцияси ҳам мавжуд. Бундай ҳолни биз асосан Европа ва Шимолий Америка давлатларидан ривожланаётган давлатларга келаётган малакали кадрлар оқимида қўришимиз мумкин, бу миграциянинг сабабларини биз иқтисодий (ўқув юртларида ўқитувчилик қилиш, инженерлик, инструкторлар ва бошқаларнинг юқори маошлари, масалан, ОПЕК давлатларида) ва шунингдек кундалик сабабларда (дунёни кўриш ва ўзини синааб кўриш ва ҳ.к.ларда) қўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда ишчи кучини олаётган давлатлар қуйидаги афзалликларга эга бўладилар:

- хорижий ишчи кучининг арzonлиги туфайли ишлаб чиқариш ҳаражатларининг камайиши орқали мамлакатлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлиги ошади;
- хорижий ишчилар борган давлатларда товар ва хизматларга қўшимча талаб туғилиб, ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва қўшимча бандликни вужудга келтиради;
- қабул қилувчи давлат малакали кадрларни импорт қилиб таълим ва профессионал тайёргарлик соҳаларида маблагини тежайди;
- хорижий ишчилар мамлакатда инқироз ва ишсизлик рўй берганда маълум амортизатор ролини ўйнайди, улар биринчи навбатда ишдан бўшатилиши мумкин;
- хорижий ишчилар нафақа билан таъминланмайди ва турли ижтимоий дастурларни амалга оширишда эътиборга олинмайди.

Иккисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) иммигрантлар қариликдан қийналаётган ривожланган давлатларда демографик аҳволни яхшилади, деб ҳисоблайди. Ҳозирги кунда Франция, Германия, Швецияда янги туғилганларнинг 10-12%, Швейцарияда-24-25%, Люксембургда-қарийб 36-38% кўчиб келганларнинг оиласида туғилади.

Ишчи кучи импорти билан боғлиқ бўлган салбий ҳолатларни ҳам биз айтиб ўтишимиз зарур. Уларга жамиятда ижтимоий кескинлик элементлари, миллатлараро келишмовчиликлар ва бошқаларнинг пайдо бўлишини киритиш мумкин (маҳаллий ишчилар ишлайдиган иш жойлари банд бўлганда).

Ишчи кучини экспорт қилувчи давлатлар ҳам ўз навбатида бир қатор афзалликларга эга бўлиб, уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборатдир.

1.Ишчи кучи экспорти давлатга конвертиланган валюта олиб келувчи муҳим манба ҳисобланади. ХВФнинг маълумотларига қараганда фойданинг ўртача миқдори товар экспортида 20%ни, хизматлар соҳасида эса-50%ни ташкил этади. Ишчи кучи экспортида эса бу анча юқорироқ кўрсаткичидир. Масалан, собиқ Югославия 80-йилларда йилига товар ва хизматлар экспортидан 10 млрд. долл.фойда кўриб, унинг 2,5 млрд. соф фойдани ташкил этган. Ишчи кучи экспортидан давлат биргина пул кўчиришлар йўли орқали 3,5 млрд. долл. фойда кўрган. Ишчилар уйларига кайтганларидан сўнг эса яна шунча фойда олишган. Ҳуллас, ишчи кучи экспорти амалда Югославия учун валютанинг асосий манбаси ҳисобланган.

90-йилларда ишчи кучи экспортидан фойда олиш ривожланаётган давлатларда тез суръатларда ривожлана бориб йилига 10% ни ташкил этган. Ушбу манбадан йилига сезиларли маблағ олаётган кўплаб ривожланаётган давлатлар меҳнат хизматларига ихтисослаша бошладилар. Ишчи кучи экспорти ушбу мамлакатлар учун муҳим валюта манбаига айланган эди. Масалан, Миср Араб Республикаси 90-йилларнинг охирида Сувайш каналидан йилига 970 млн. долл., туризмдан – 600 млн. долл., эмигрантларнинг пул кўчиришларидан эса – 3 млрд. долл.га яқин фойда кўриб турган. Яманда эса эмигрантларнинг пул кўчиришлари айрим йилларда экспорт тушумларидан 30 марта кўпроқ бўлган. 90-йилларнинг охиридаги маълумотларга қараганда, жаҳоннинг 40га яқин мамлакати мигрантлардан камида 100 млн. долл., 10та энг йирик давлатлари эса 1млрд. долл.фойда кўришган.

2. Ишчи кучи миграцияси давлатда ортиқча иш кучининг босимини камайтиради ва натижада давлатдаги ижтимоий кескинликни камайтиради.

3. Экспортёр давлат учун ишчиларни бепул янги профессионал тажрибаларга ўргатиш, меҳнатни ташкил қилишининг илгор усуслари билан таништириш.

Айни бир пайтда ишчи кучи экспортёrlари баъзан салбий ҳолатларга ҳам дуч келадилар. Энг асосийси - “ақллиларнинг кетиши”, миллий иқтисодиётга жуда керак бўлган малакали, ташаббускор кадрларнинг кетиб қолишидир.

Жаҳон иқтисодиётида ҳозирги кунда иккита кучларини ўзига тортувчи марказлар бўлиб, улар анъанавий равишда АҚШ ва Ғарбий Европадир. АҚШнинг меҳнат ресурслари доимо иммигранлар ҳисобидан тўлдирилган. 50-йиллардан бери АҚШ ўзига юқори малакали кадрларни жалб қилиш сиёсатини юргизиб келмоқда. Ҳозирги кунда ҳам

АҚШ юқори профессионал ишчи кучини ўзига тортувчи марказ бўлиб қолмоқда. Кам ва уртача малакали ишчилар ҳам кўп жалб қилиб (айниқса, Мексикадан), булар ҳозирги кунда АҚШдаги иммигрантларнинг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Ўзига ишчи кучини тортувчи бошқа бир анъанавий марказ бу Фарбий Европадир. ЕИда ҳозирги кунда 13 млн.дан ортиқ (мигрант оила аъзолари билан мавжуд. 80-90-йилларда ЕИ да хорижий ишчиларнинг бандлиги структурасида баъзи бир ўзгаришлар рўй берган бўлсада, аммо ЕИ давлатларига мигрантлар оқимини келиши деярли тўхтамаган эди.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда 60-90-йилларда ривожланган капитализмнинг янги марказлари вужудга келиши билан боғлиқ ҳолда янги ишчи қучларини ўзига тортувчи марказлар ҳам шаклланди. Бундай марказлар қаторига Яқин ва Ўрта Шарқдаги нефть қазиб оловучи давлатларни - Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Қатар, Қувайт, ва бошқаларни киритиш мумкин. Масалан, 90-йилларнинг ўрталарида фақат Саудия Арабистонининг ўзида бутун дунёдан келган 4 млн.га яқин меҳнат мигрантлари фаолият кўрсатган эди. Улар нефть қазиб оловучи ушбу бой давлатда ишлаб чиқариш, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида банд бўлган эдилар. Осиёнинг Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасига Жанубий ва Жануби-Шаркий Осиё, шунингдек баъзи бир араб давлатларидан кўплаб мигрантлар келмоқдалар. Ушбу минтақада Миср асосий ишчи кучи экспортёри бўлиб ҳисобланади. Араб давлатларининг бошқалари эса бир вақтнинг ўзида ҳам ишчи кучи импортери ҳам экспортёри ҳисобланади. Бундай давлатлар қаторига Яман, Ироқ, Ливияни киритиш мумкин. Австралия ҳам муҳим ишчи кучини ўзига тортувчи марказ бўлиб ҳисобланади. Мамлакат 200 мингга яқин хорижий ишчи кучидан фойдаланади.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларда Жанубий Африка ишчи кучини ўзига тортувчи асосий марказлардан бирига айланиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётида Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари, айниқса, “Янги индустрисал давлатлар” янги ишчи кучини ўзига тортиш марказлари сифатида кучга кирмоқдалар. Тайвань матбуотининг берган маълумотига қараганда 90-йилларнинг оҳирларида бу мамлакатга 100 мингга яқин ишчи ва 20 мингга яқин инженер ва техник хизматчилар керак бўлган. 60-йилларда Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам ишчи кучини ўзига тортувчи марказлар шаклдан бошланди (асосан Аргентина ва Венесуэлада).

§ 2.3. Халқаро меҳнат тақсимотининг мазмуни ва моҳияти. Ишлаб чиқаришда нисбий ҳаражатлар назарияси

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг моҳияти, маъносини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири халқаро меҳнат тақсимотидир. Дунёнинг барча мамлакатлари у ёки бу жиҳатдан халқаро меҳнат тақсимотига (ХМТ) қўшилган. Унинг чуқурлашуви илмий-техника инқиlobининг (ИТИ)нинг таъсири остида бўлган ишлаб чиқариш қучларининг ривожланишидан келиб чиқади.

Халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш давлатларга қўшимча иқтисодий самара бериб, ўз эҳтиёжларини энг кам ҳаражатлар билан тўликроқ қондириш имконини беради.

Меҳнат тақсимоти – бу тарихан белгиланган ижтимоий меҳнат тизимиdir. У жамият ривожланиши жараёнида фаолиятнинг сифат жиҳатдан дифференциацияси натижасида келиб чиқади.

Меҳнат тақсимоти турли шаклларда намоён бўлади. Халқаро иқтисодий муносабатлар курсида халқаро меҳнат тақсимоти ўрганилади.

Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ишлаб чиқариш жараёнининг меҳнат фаолиятини турли шаклларининг ихтисослашуви ва уларнинг кооперациялашувида, ўзаро ҳамкорлигига намоён бўлади. Меҳнат тақсимотини фақат ажратиш жараёни сифатида эмас, балки, жаҳон миқёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида ҳам кўриш мумкин.

Халқаро мәхнат тақсимоти давлатлар ўртасыда мәхнатнинг ижтимоий-худудий тақсимотининг даражаси ҳисобланади. У алохидә бир давлатлар ишлаб чиқаришларининг ихтинослашувига асосланади.

Халқаро мәхнат тақсимоти назарияси сиёсий иқтисод классиклари А.Смит ва Д.Рикардо ишларидә асослаб берилди ва ривожлантирилди. Адам Смит “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари” китобида (1776 й.) халқаро мәхнат тақсимотини таҳлил қилиб, савдо ва тадбиркорлик эркинлиги зарурлигини исботлайди. Унинг фикрича, савдо эркинлигини чеклашлар алохидә мінтақалар ва бутун бир давлатлар рўй берәётган мәхнат тақсимотини чукурлашишига ҳалақит беради. Тўсиқларнинг йўқотилиши ва халқаро алмашинув майдонининг кенгайиши миллий иқтисодиётни ихтинослашувига ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини оширишга, умужаҳон хўжалигининг юзага келишига олиб келиши керак. А.Смит кейинчалик жаҳон иқтисодиётидә жуда машхур бўлиб кетган эркин савдо шиорини олға сурган эди (*laisser-faire*). А.Смит ғояларини кейинчалик инглиз иқтисодчилари Давид Рикардо, Р. Торренс ва Жон Стюарт Милл ва бошқалар ўз ишларидә ривожлантиришди.

Классикларнинг халқаро мәхнат тақсимоти тўғрисидаги илмий назариясининг асосий ютуқларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришнинг нисбий ҳаражатлари назариясидир. Бу назария халқаро савдо ҳақидаги иқтисодий таълимотнинг “классик” асоси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг нисбий ҳаражатлари назариясининг асосида мамлакатлар орасида ишлаб чиқариш шароитларида фарқ мавжудлиги ҳақидаги ғоя ётади. Бунга кўра ҳар қандай мамлакатда ҳам ва шунингдек ҳар қандай табиий ва иқлимий шароитларда ҳам ҳар қандай товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин деб ҳисобланади.

Нисбий ҳаражатлар назарияси бирон-бир товар ишлаб чиқаришда бир давлатнинг бошқа бир давлатдан абсолют устунлиги мавжудлигига эмас, балки бундай устунлик мавжуд бўлмаган ҳолатда ҳам ихтинослашув фойдали эканлиги исботланади. Агар халқаро даражадаги ҳаражатларга нисбатан кам ҳаражат билан товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаса, ҳаражатларнинг ўртача даражадан кўплиги қайсиdir бир товарда энг кам бўлади. Бошқа товарларга нисбатан фойдалироқ бўлган шу товар ишлаб чиқаришга ихтинослашиш керак (бунда ихтинослашиш самара беради). Бунда тескари ҳолат ҳам назарда тутилган. Мамлакат бир неча товарлар бўйича устунликка эга бўлса, бу устунлик максимал бўлган товар ишлаб чиқаришга ихтинослашиш керак. Иқтисодий классикларининг ушбу ғоялари Э. Хекшер, П. Самуэльсон, Б. Олин, В. Леонтьев ва бошқа замонавий иқтисодчилар томонидан янада ривожлантирилди.

§ 2.4. Халқаро мәхнат тақсимотини ривожланишига таъсир қилувчи омиллар

Жаҳон хўжалигини ривожлантириш учун биринчи навбатда ишлаб чиқаришда мәхнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда самарадорликни кўтариш, шунингдек ишлаб чиқаришда ҳаражатларни камайтиришга интилиш зарур. Халқаро мәхнат тақсимотини ривожланиши жараённида асосий нарса, бу шу жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ХМТдаги иштирокидан иқтисодий фойда қидириши ва топишидир.

Ҳар қандай давлатнинг халқаро алмашув жараённида халқаро мәхнат тақсимотининг устунликларини амалга ошириши – биринчидан, экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ташқи ва ички бозор нархларидаги фарқни олиш; иккинчидан, арzonроқ бўлган импортдан фойдаланиб, миллий ишлаб чиқаришдан воз кечган ҳолда ички ҳаражатларни камайтириш имконини беради.

Жаҳон хўжалигини тизим сифатида кўриб чиққанда ХМТни бу тизимни ташкил қилган бирлаштирувчи асос деб кўриш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётидә саноати ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариши кўп ҳолатларда ташқи истеъмолчиларга, ички талаб эса импортга йўналган бўлади деб тахмин қилинса, ривожланаётган давлатларда эса ички бозорнинг нисбатан тез, лекин экстенсив кенгайиши тахмин қилинмоқда.

Хуллас, XX-XXI асрлар бўсағасида жаҳонда мисли қўрилмаган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнлар рўй берган бўлиб, улар албатта халқаро меҳнат тақсимотини ривожланишига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатган эди.

§ 2.5. Халқаро меҳнат тақсимотини ривожланишининг замонавий ўзига хос томонлари. Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси

Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосий йўналишини биз халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперациясининг кенгайишида қўришимиз мумкин. Халқаро кооперация (ХК) ва халқаро ихтисослашув (ХИ) халқаро меҳнат тақсимотининг шакллари бўлиб, унинг моҳиятини намоён қиласади.

Турли давлатларнинг корхоналарини маълум бир товарга ихтисослашувни замонавий ИТИ билан боғлиқдир. Ишлаб чиқаришнинг технологик тизимини мураккаблашиб бориши билан тайёр маҳсулотда ишлатиладиган деталлар сони кўпайди. Масалан: енгил автомобил саноатида 20 минггатача, прокат дастгоҳларида 100 мингтacha, электровозларда эса 250 мингтacha деталларнинг қисмлари ишлатилиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро ишлаб чиқаришни ихтисослашувни (ХИИ) иккита йўналиш бўйича – ишлаб чиқариш ва худудий йўналишлар бўйича ривожланиб бормоқда. Ўз навбатида ишлаб чиқариш йўналиши:

- а) соҳалараро;
- б) давлатлар гурухи;
- в) алоҳида корхоналарнинг ихтисослашувига бўлинishi мумкин. Бундан ташқари худудий халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашувни эса:

 - а) алоҳида давлатлар;
 - б) давлатлар гурухи;
 - в) худудларнинг жаҳон бозори учун маълум товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувига бўлинади.

Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашувининг асосий турларига:

- предметли (маҳсулот ишлаб чиқариш);
- деталии (маҳсулотни ташкил қилувчиларни ишлаб чиқариш);
- технологик ёки босқичли (яъни, алоҳида технологик жараёнларни, масалан йиғиш, бўяш ва бошқаларни амалга ошириш) ихтисослашиш киради.

Халқаро меҳнат тақсимотининг бошқа бир шакли - халқаро ишлаб чиқариш кооперациясидир. Унинг объектив асоси бўлиб, ишлаб чиқариш кучларини ривожланишининг ўсиб бораётган даражаси, ҳамда мамлакат ичида ёки ташқарисида рўй беришидан қатъий назар мустақил корхоналар ўртасидаги барқарор ишлаб чиқариш жараёнларини бориши ҳисобланади. Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ўзининг ривожланган шаклларида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олади. Жумладан, биринчидан, ишлаб чиқаришда технологик ҳамкорлик. Ушбу ҳамкорликларга қуйидагилар киради:

- а) лицензиялар бериш ва мулкчилик хукуқларидан фойдаланиш;
- б) лойиҳа конструкторлик ҳужжатларини, технологик жараёнларни, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини, қурилиш ва монтаж ишлари замонавий, кооперациялашган корхоналарни ишлаб чиқиш ва мослаштириш;
- в) ишлаб чиқаришни бошқариш, стандартлаштириш, унификациялаш, сертификациялашни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш ва ҳ.к.лар.

2. Кооператив маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган савдо-иқтисодий жараёнлар.

3. Сотилган техникага хизмат кўрсатиши.

Жаҳон иқтисодиётида кооперация алоқаларини ўрнатишида фойдаланиладиган қуйидаги уч асосий усулга алоҳида эътибор берилади:

- Ҳамкорлиқдаги дастурларни амалга ошириш.
- Шартнома асосида ихтисослашиш.

- Кўшма корхоналар ташкил қилиш.

Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш ўз навбатида икки асосий шаклда.(пудратли ишлаб чиқариш кооперацияси ва ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш) амалга оширилади. Шартнома асосида ихтисослашиш эса ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимланишини назарда тутади. Кўшма корхоналар бу интеграциялашган кооперациядир.

Таянч иборалар: демографик муаммолар, ишсизлик, урбанизация, миграция, меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни ихтисослашуви, кооперация, илмий-техника инқилобининг таъсири.

Бобнинг қисқача холосаси:

Жаҳон хўжалигини демографик асосда ўрганиш, яъни, меҳнат ресурсларининг, ижтимоий, иқтисодий, биологик ва географик омиллар асосида аҳоли таркибини ривожланиш динамикасини, жойлашуви ва миграциясининг умумий конуниятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Демографик статистикада туғилиш ва ўлим коэффицентларидан (хар 1000 кишига), табиий ўсиш ва никоҳ коэффицентлари каби кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади. Халқаро статистикада “иктисодий фаол аҳоли” (товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда қатнашувчи барча кишилар) ва “иктисодий фаол бўлмаган аҳоли” (уй бекалари, нафақаҳўрлар ва талабалар) категориялари, бандлик, ишсизлик ва унинг ўсиб боришлик тенденцияси, халқаро ишчи кучи миграцияси ва унинг шакллари, йўналишлари, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ишчи кучи миграциясининг ўзига хос кўринишлари, халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва ривожланишнинг ўзига хос томонлари, халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперациясининг ўзига хос тамойилларини ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

Назорат учун саволлар:

1. Замонавий жаҳон иқтисодиётидаги демографик муаммолар ҳақида гапириб беринг.
2. Ишчи кучи миграциясининг асосий сабаблари нималардан иборат?
3. Ишчи кучи миграциясининг асосий йўналишларини тавсифлаб беринг.
4. Ишчи кучи миграцияси экспортёр ва импортёр давлатлар иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади?
5. Халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти қайси олимларнинг назарияларида акс эттирилган?
6. Халқаро меҳнат тақсимотига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни характерлаб беринг.
7. Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви нима?
8. Ишлаб чиқариш ихтисослашувининг шаклларини кўрсатинг.

Адабиётлар:

- Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” Т. Ўзбекистон,. 1999.
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
- Спиридовон.И.А Мировая экономика . Учнебное пособие . М., 2002
- Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. С.-П., 2003 .
- Булатов А.С. Мировая экономика.М ., Учебник. 2003
- Киреев А. Международная экономика. Часть 1.М ., 2004 .
- Киреев А. Международная экономика. Часть 2 М ., 2004 .
- Кругман П..Международная экономика. 5-е изд. Питер, 2004.

- Ломакин В. Мировая экономика. Учебник. М., 1998, 2002, 2004 .
- Шодиев Р.Х. Жаҳон иқтисодиёти . Т., 2004
- Назарова Г.Ф., Халилов.Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти.Ўқув қўлланма .Т., 2005
- Назарова Г.Ф., Ҳайдаров Н. Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма.Т.,2005

3-боб. Халқаро савдо. Ташқи савдо сиёсати

§ 3.1. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Халқаро савдо концепцияси

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва энг ривожланган кўринишларидан бири ташқи савдо ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида рўй берадиган халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг 75-80%и ташқи савдонинг улушига тўғри келади.

Дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай мамлакат учун ташқи савдонинг роли каттадир. Иқтисодчи олим Ж.Сакснинг фикрича “дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода кўринади. Ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ”.

Халқаро савдода халқаро меҳнат тақсимоти асосида пайдо бўладиган турли давлатларни товар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларнинг бир шакли бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқликни намоён қилади.

Мамлакатлар иқтисодиётида ИТИ таъсири остида рўй берадиган тузилмавий ўзгаришлар, (саноат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви) миллий хўжаликларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтирумокда. Бу эса халқаро савدونи фаоллашувига имкон яратмоқда. Халқаро савдо ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ўсмокда. Ташқи савдо айланмасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жаҳонда ишлаб чиқариш 10%га кўпайган ҳолда жаҳон савдоси 16%га ўсмокда.

“Ташқи савдо” деганда бир мамлакатнинг бошқа бир мамлакат билан ҳақ тўланадиган олиб кириши, яъни, импорт ва ҳақ тўланадиган олиб чиқиши, яъни, экспортдан иборат савдоси назарда тутилади. Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ тўланадиган товар айланмаси йиғиндиси халқаро савдо деб аталади. Халқаро савдо тушунчаси торроқ маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, саноати ривожланган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси, ривожланаётган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси ва х.к.

Жаҳоннинг барча давлатлари олдида ташқи савдо бўйича миллий сиёсат муаммоси ётиб, 200 йиллар мобайнида бу мавзуда қизғин тортишувлар бўлиб турибди.

Эркин савдо ёки протекционизм сиёсатини танлаш ёки уни қандай бўлса шу ҳолда сақлаш олдинги асрларнинг характеристи эди. Бизнинг давримизда бу икки йўналиш ўзаро боғлиқдир. Аммо кўп ҳолларда уни бу қарама-қарши бирлик эркин савдо тамойилининг бош вазифасини бажаради.

Жаҳон иқтисодиётида эркин савдо сиёсатига биринчи бўлиб Адам Смит ўз таърифини берган эди. Адам Смит “айирбошлаш ҳар бир мамлакат учун фойдали бўлиб, ҳар бир мамлакат бунда мутлоқ устунликка эга бўлишини” таъкидлаган эди. Адам Смитнинг таҳлиллари классик назариянинг асоси бўлган ва эркин савдо сиёсатининг ҳар қандай шакли учун асос бўлиб келган.

Давид Рикардо “Сиёсий иқтисод ва солиқ солишининг бошланиши” (1817йил) номли асарида боши берк кўчадан классик назарияни келтириб чиқарди. У халқаро ихтисослашув мезонларини ажратган ҳолда, давлатлар учун қандай ҳолатларда давлатлараро айирбошлаш манфаатли эканини кўрсатиб берди. Ҳар бир давлат учун устунлик қилган ёки кучсизлиги нисбатан камроқ бўлган соҳага ихтисослашиш манфаат келтиради деган фикри берди. Унинг қарашлар концепцияси таққосланиши назарияси ёки принципида ўз аксини топди.

Д. Рикардо ўз таълимотида халқаро айирбошлаш барча давлатлар учун мумкин ва манфаатлигини, айирбошлаш барча учун фойдали бўлган нарҳ зоналарини аниқлаб берган бўлса, Джон Стюарт Милль ўзининг “Сиёсий иқтисод асослари”(1848йил) номли асарида қандай нархда айирбошлашни амалга оширилишини фойдали эканлигини кўрсатган эди. Стюарт Милльнинг таълимоти бўйича айирбошлаш нархи талаб ва таклиф қонунига кўра, ҳар бир давлатнинг ялпи экспорт миқдори ялпи импорт миқдорини қопладиган даражада билан белгиланади. Джон Стюарт Милльнинг муҳим хизматларидан бири унинг халқаро

нарх қонуни ёки “халқаро нарх назарияси”дир. Халқаро нарх қонунида таъкидланишича, шундай нарх мавжудки у давлатлар орасидаги товар айирбошлашни оптималлаштиради. Бу бозор нарҳи бўлиб, у талаб ва таклифга боғлиқдир.

Классик сиёсий иқтисодчиларнинг назариясини ривожлантириб Готфрид Хаберлер ўз қарашлар концепциясини нафақат меҳнатга, балки ишлаб чиқаришнинг барча омилларига эътиборни қаратган эди.

Халқаро савдо оқимини нима билан аниқланиши ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертиль Олинлар ўзларининг замонавий қарашларида акс эттирилар. Улар нисбий устунлик тушунасини изоҳлаб у ёки бу давлатнинг маълум бир товарларга ихтисослашишини уларнинг ишлаб чиқариш омилларига эгалик даражасига боғлиқдир дейилган эди. Э.Хекшер ва Б.Олин “нархларнинг ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш” назариясини илгари сурдилар.

1948 йилда Америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В. Столпер ўз назарияларини киритиб Хекшер-Олин таълимотининг исботини янада мукаммаллаштириб, ишлаб чиқариш омилларидан бири, техника асосан бир мукаммал рақобат ва товарларнинг тўла ҳаракатчанлиги мавжуд бўлганда халқаро айирбошлаш ишлаб чиқариш омилларининг давлатлар орасидаги нархини тенглаштиради деган эди.

Ташки савдо назарияси Америка иқтисодчиси В. Леонтьевнинг “Леонтьев парадокси” номли ишида янада ривожлантирилди. Парадокс шундаки В. Леонтьев Хекшер-Олин таълимотидан фойдаланиб, Америка иқтисодий урушдан кейинги даврда капиталга нисбатан меҳнатни кўпроқ талаб қиласиган ишлаб чиқаришга ихтисослашганлигини кўрсатиб берган эди. Бошқача айтганда, АҚШ экспорти импортига нисбатан кўпроқ меҳнатараб ва камрок капиталталабдир. Ушбу хулоса АҚШ иқтисодиётидаги олдинги барча фикрларга тамоман тескаридир. Умумий фикрга кўра, АҚШ иқтисодиётидаги доимо капитал ортиқча эди ва Хекшер-Олин таълимотига кўра АҚШ капиталталаб товарларни импорт эмас, экспорт қилишлари керак эди.

Кейинги йилларда В. Леонтьев ихтироси кент резонанс олди. Турли давлатларнинг кўплаб иқтисодчи олимлари “Леонтьев парадоксини” тушунтириб бу мавзуда тортишдилар. Натижада нисбий устунлик назарияси янада ривожланди. Ушбу назария техник ривожланиш ва уни тақсимланишининг тенг эмаслиги, маблағларни фирмадан ташқарида иқтисод қилиш, давлатлардаги иш хақининг фарқи ва бошқа тушунчалар ҳам киритилди.

§ 3.2. Халқаро савдо динамикаси ва ўзгаришларининг хусусиятлари

XX асрнинг 50-йилларидан сўнг жоҳон иқтисодиёти халқаро савдо тез суръатлар билан ривожлана бошлади. 1950-2000 йиллар орасидаги даврда халқаро савдода товар айланмаси 14-15 баробар ўсди. Ғарб мутахассисларининг фикрича 1950 ва 1970 йиллар орагидаги даврни халқаро савдонинг “олтин асли” деб айтиш мумкин. Айнан ана шу даврда жаҳон экспорти йилига ўртacha 6-7%га ўсди. Аммо, 70-йилларда у 5.5% га тушиб 80-йилларда яна камайган эди. 80-йилларнинг охирида ва 90-йилларда жаҳон экспорти сезиларли равишда жонланганлигини кўришимиз мумкин (90-йилларнинг ўртасида 8-9% ни ташкил этган). Бу даврда халқаро савдонинг барқарор ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатган бўлиб, улар қўйидагилардир:

- халқаро меҳнат тақсимотни ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувининг ривожланиши;
- илмий-техника инқилоби (ИТИ);
- жаҳон бозорида трансмиллий корпорацияларнинг фаолияти;
- халқаро савдонинг Тариф ва Савдо Бош Битими (ТСББ) фаолияти орқали тартибга солиниши (эркинлаштирилиши);
- халқаро савдонинг эркинлаштирилиши, кўплаб давлатларнинг импортни сон жиҳатдан чеклашни бекор қилувчи ва божларни кескин қисқартирувчи режимга ўтишлари, эркин савдо худудларининг ташкил топиши;

- савдо-иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши. Минтақавий тўсиқларнинг олиб ташланиши, умумий бозорлар, эркин савдо худудларининг ташкил этилиши;

- собиқ мустамлака давлатларнинг мустақилликка эришишлари. Улар орасидан ташқи бозорга йўналтирилган иқтисодиёт моделини танлаган “Янги индустриал давлатларнинг” ажralиши ва x.к.

XX асрнинг 50-йилларидан сўнг жоҳон иқтисодиётида ташқи савдо динамикасининг нотекислиги намоён бўла бошлади. Бу эса ўз навбатида жаҳон бозоридаги давлатлар ўртасидаги кучлар нисбатига таъсир кўрсатди. Жоҳон иқтисодиёти ва ХИМ да АҚШнинг ҳукмронлиги пасая бошлади. Масалан, 1950 йилда АҚШнинг улушкига жаҳон экспортининг 1/3 қисми тўғри келган бўлса, 2000 йилга келиб фақат 1/8 қисми тўғри келган эди. Ўз навбатида Германия экспорти Американикига яқинлашиб ва ҳатто айрим йилларда ундан ҳам ошиб кетди. Германиядан ташқари бошқа ғарбий Европа давлатларининг экспорти ҳам ўси. 90-йилларда Ғарбий Европа - халқаро савдонинг асосий марказларидан бирига айланди. Унинг экспорти АҚШнигiga нисбатан қарийб 4 баробарга ўси.

ХХ асрнинг 80-йилларга келиб халқаро савдо соҳасида Япония катта ўсишга эришди. 1983 йилда у биринчи марта машина ва экспорти бўйича биринчи ўринга чиқди. Япония жаҳонда енгил ва юк автомилларини, кундалик электротехника асбоб-ускуналар ва бошқаларни олиб чиқиш бўйича бошқа давлатлардан анча олдинлаб кетди. Япония экспортининг 1/3 қисми АҚШга тўғри келади. АҚШнинг Япония билан бўладиган савдодаги дефицити 90-йилларда 50-60 млрд. долл.ни ташкил этди.

80-йилларнинг охирига келиб Япония рақобатбардошлик омиллари бўйича илфор давлатлардан бири бўлиб қолди. Бу даврда унга нинг “Янги индустриал давлатлари” - Сингапур, Гонконг, Тайвань қўшилди. Аммо 90-йилларнинг ўрталарига келиб АҚШ яна рақобатбардошлик омиллари бўйича олдинги ўринларга чиқиб олди. Ундан кейин Сингапур, Гонконг, Япония бормоқда. Франция рақобатбардошлик омиллари бўйича-17, Хитой-34, Туркия-40, Россия-48 ўринда бормоқда. Рўйхатнинг энг охирида эса Греция, Мексика, Польша, Венгрия ва Венесуэла туради..

Ривожланаётган давлатлар хозирча ривожланган давлатлар учун асосан хом-ашё етказиб берувчи бўлиб қолмоқда. Жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган давлатлар жаҳон озиқ-овқат ва хом-ашё (нефтдан ташқари) экспортидаги улушкини йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ривожланаётган давлатларнинг товарлар экспортидаги улushi эса 40%дан (1960й.) 28%га (2000 й.) қисқарди.

Ривожланаётган давлатлар ўз экспортларини саноат товарлари ҳисобига диверсификация қилишга ўринишлари саноати ривожланган давлатларнинг у ёки бу шаклдаги қаршилигига дуч келмоқда. Шу билан бирга баъзи бир ривожланаётган давлатлар, айниқса, “янги индустриал давлатлар” ўз экспортларининг реструктуралаштиришда анча муваффақиятга эришиб, унда тайёр маҳсулотлар, саноат маҳсулотларни, шу жумладан машина ва ускуналарнинг улушкини кўпайтирмоқда. Масалан, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон саноат экспортидаги улushi 90-йилларда 16-17%ни ташкил этди.

Бошқа ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равища “янги индустриал давлатлар”, айниқса, Осиёнинг тўрт “кичик аждархоси” (Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур) ўз экспортларини тез суъратларда кўпайтириб бормоқда. Уларнинг жаҳон экспортидаги улushi 90-йилларнинг ўрталарида 10-11%ни ташкил қилган эди. Охирги ўн йилликларда тез ривожланаётган XXРнинг 2-3%ни, АҚШнинг жаҳон экспортидаги улushi 12,3%ни, Ғарбий Европанинг экспортидаги улushi 43%ни, Япониянинг улushi 9,5 ни ташкил этган эди.

Жаҳон савдосининг энг динамик ва интенсив ривожланаётган соҳаси илмталаб товарлар билан савдодир. Жаҳон иқтисодиётида илмталаб маҳсулотлар экспорти йилига 500 млрд. долл.ни ташкил қиласди. Юқори технологияли маҳсулотларнинг саноати ривожланган давлатлар экспортидаги улushi 40%га яқин.

Машина ва ускуналар билан савдонинг роли сезиларли равища усди. 1980 йилдан

2000 йилгача машина ва ускуналарнинг саноати ривожланган давлатлардан экспорти уч марта усди. Энг тез суръатлар билан электротехника ва электрон ускуналар экспорти ўсмоқда. Уларнинг улушкига машина-техника маҳсулотлари экспортининг 25%и тўғри келади.

Халқаро савдонинг тез ривожланаётган соҳаларидан бири химия маҳсулотлари билан савдодир.

Жаҳон савдосининг XX асрнинг биринчи ярмидаги (2-жоҳон урушига қадар) ва кейинги йиллардаги структурасини ўрганишда сезиларли ўзгаришларни куриш мумкин. XX асрнинг биринчи ярмида жаҳон товар айланмасининг 2/3 қисми озиқ-овқат, хом-ашё ва ёқилғига тўғри келган бўлса, 90-йилларнинг охирида уларнинг улуси 1/4 қисмни ташкил этди. _Қайта ишлаш саноати маҳсулотлари билан савдо қилишнинг улуси 1/3 дан 3/4 гача ошганлигини кўришимиз мумкин.

Халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ХВФ) берган маълумотларига қараганда 1981 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда халқаро савдо йилига ўрта ҳисобда 5,2%га ўсган, аммо 1990 йилдан бошлаб унинг ўсиши бир текис бўлмай секинлашиш тенденциясига ҳам эга бўлган. Масалан, 1989 йилда у 8,2% ни ташкил этган бўлса, 1993 йилда 4%ни ташкил килди. Айни бир пайтда Осиё-Тинч океан минтақасининг “Янги индустрисал давлатларининг” ташқи савдосининг ўсиш суръатлари 10-11% ни ташкил этган.

1994 йилда халқаро савдо ҳажми 9,5%га усди. Бу эса БСТ эксперталари фикрича 90-йиллар бошидаги камайиш тенденциясидан чиқиши билдиради. 1995 йилда халқаро савдо ҳажмининг яна ошиши бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлади.

90-йилларнинг ўрталари ва 2000 йилларнинг бошларида жаҳон савдосининг тез ўсиши асосан АҚШ, Италия, Канада, Испания импортининг кескин ўсиши билан ва шунингдек саноати ривожланган давлатларнинг (Япониядан ташқари) Узоқ Шарқ мамлакатлари ва Лотин Америкасида конъюктураларининг яхшиланиши билан боғлиқдир.

Жаҳон иқтисодиёти алоҳида давлатларнинг дунё савдоси тараккиётида аҳамиятини куриб чиқар эканмиз, 1990- йилларнинг ўрталарида дунёдаги энг катта импорт ва экспорт қилган давлат АҚШ бўлганлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Бу давлатнинг ташқи савдо ҳажми 1-1.5 млрд. долларни ташкил қилиб, бу бутун дунё умум савдо ҳажмининг 28-29% ни ташкил килган эди. АҚШ кетидан Германия (802 млрд доллар – 18,8%) Япония (672 млрд доллар – 15,8%)турган. Ҳозирги кунда дунёнинг ўнта энг йирик савдо мамлакатларига – Франция, Буюк Британия, Италия, Канада, Голалндия, Гонконг, Бельгия (Люксембург билан биргалиқда) киритиш мумкин. Экспортнинг энг юқори ўсиш суръатларини Хитой, Сингапур, Чили ва Финляндияда кузатишмиз мумкин. Марказий ва Шаркий Европа, бир худуд сифатида, Осиёдан кейин экспортнинг ўсиш суръатлари бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турубди (1998 й).

§ 3.3. Халқаро савдони ривожланишида халқаро ташкилотларнинг роли

Халқаро савдодаги содир бўлётган жараёнларни таҳлил қиласиз эканмиз эркинлаштириш унинг энг асосий йўналиши эканлигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Бож тўловларида сезиларли камайтиришлар юз берди, кўпгина чеклашлар, квоталар ва бошқа тўсиқлар йўқ қилинди. Бироқ халқаро савдода бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийси – протекционизм сиёсатининг кўп нарсаларда, жумладан иқтисодий гурухлар ва мамлакатларнинг савдо-иктисодий блоклари миқиёсида ривож топишидир.

Савдо-иктисодий блокларнинг пайдо бўлишидаги биринчи қадам бу эркин савдо худудларининг яратилишидир. Халқаро банкнинг ахборотларига қараганда 90-йилларнинг ўрталарида дунё савдосининг 42-45% худди шундай худудларда олиб борилган. Жаҳонда энг машҳур эркин савдо худудлар бу Европанинг эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ), Европа Иттифоқи (ЕИ), Шимолий Америка эркин савдо зонаси (НАФТА), Осиё-Тинчкеани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (АТЭС) ва бошқалардир.

Жаҳон хўжалиги ва ХИМда халқаро худудий савдо блокларнинг энг йирик 9 сининг таркиби қуйидагилар бўлган :

1 Европа Иттифоқи (ЕИ) - Австрия, Германия, Буюк Британия, Италия, Ирландия, Франция, Испания, Португалия, Финляндия, Швеция, Дания, Бельгия, Люксембург, Нидерландлар, Греция. Бундан ташқари ушбу иттифоқа 2004 йилнинг биринчи майидан Польша, Чехия, Эстония, Литва, Латвия, Словения, Словакия, Венгрия, Кипр, Мальта каби давлатлар аъзо бўлиб киришди.

2 Шимолий Америка эркин савдо ҳақидаги келишуви (НАФТА) - АҚШ, Канада, Мексика.

3 Европа Эркин Савдо Ассоциацияси (ЕАСТ) - Исландия, Норвегия, Швейцария, Лихтенштейн.

4 Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АТЭС) Австралия, Бруней, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Индонезия, Филиппин, Тайвань, Гонконг, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Канада, АҚШ, Мексика, Чили, Россия, Перу, Эквадор.

5 “Меркосур” - Бразилия, Аргентина, Парагвай, Уругвай.

6 Жанубий Африка Тараккиёт қўмитаси (САДК) - Ангола, Ботсвана, Лесото, Малави, Мозамбик Маврикий, Намибия, ЖАР, Свазиленд, Танзания, Зимбабве.

7 Фарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоки(ЮЭМОА)- Кот-д’Ивуар, Буркина-Фасо, Нигерия, Того, Сенегал, Бенин, Мали.

8 Жанубий Осиё худудий ҳамкорлик ассоциацияси (СААРК)-Хиндистон, Покистон, Шри-Ланка, Бангладеш, Мальдив ороллари, Бутан, Непал.

9 Анд пакти давлатлари Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Перу, Боливия.

Бундай блокларнинг тузилишига сиёсий, иқтисодий ва тарихий характерга эга бўлган объектив жарёнлар сабаб бўлган эди. Бир томондан бундай жараёнларнинг кучайиши халқаро савдони кучайтиrsa(иктисодий зона, блок ва иқтисодий худудлар миқиёсида), бошқа бир тарафдан эса ҳар қандай ёпик тузилма учун хос бўлган баъзи бир тўсиқлар яратилди. Ягона, глобал савдо базори йўлида савдо-иктисодий гурухларнинг бир-бирлари билан алоқаси натижасида вужудга келиши мумкин бўлган кўплаб тўсиқ ва қарама-қаршиликлар мавжуд.

Халқаро савдони бошқариш, унинг тараққиётига бўлган тўсиқларни йўқ қилиш ва эркинлаштиришида халқаро иқтисодий ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади. Бундай ташкилотларнинг энг асосийларидан бири Тарифлар ва савдо бош битимиdir (ГАТТ). 1947 йилда ГАТТ ташкилотини тузилиши ҳақидаги келишув 23 мамлакат тарафидан имзоланди ва 1948 йилда кучга кирди. 1994 йилнинг 31 декабрида ГАТТ ўз фаолиятини тугатди ва унинг ўрнига Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) барпо қилинди.

ГАТТ – бу кўп томонлама халқаро келишув бўлиб, у аъзо мамлакатларнинг ўзаро савдосига алоқадор кўпгина принциплар, хукуқий нормаларни, шунингдек савдони олиб

бориш ва давлат бошқарувига оид қоидаларни уз ичига олади. Жаҳон иқтисодиётидаги ГАТТ энг йирик халқаро иқтисодий ташкилотлардан бири бўлиб, унинг фаолият доираси дунё савдосининг 94-95%ни қамраб олган ГАТТнинг хуқуқий механизми бир қатор қонун-қоидаларга асосланган:

- савдода хуқуқий бузилишни олдини олиш учун биринчидан, экспорт, импорт ва транзит операцияларни, улар билан боғлиқ бўлган бож ва тўловлар борасида энг қулай шарт-шароит яратиш, иккинчидан, импорт ва миллий моллар орасида ички солиқ ва тўловлар борасида, шунингдек ички савдони бошқарадиган қонун-қоидалар борасида тенг хуқуқликни таъминлайдиган миллий тартиблар яратилади;

- энг қулай шарт-шароит, яъни келишувга киришаётган тарафлар орасида улар тарафидан учинчи давлатларга берилаётган(ёки берилижак) барча имтиёз ва устунликлардан фойдаланиш хуқуқини яратиш. Бу қоида товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши, бож тўсиқ тўловлари, ишлаб чиқариш, дengизчилик юридик ва жисмоний шахсларнинг хуқуқий аҳволига таъаллуклидир;

- милилий бозорни ҳимоя қилишда кўпроқ тариф қуролларидан фойдаланиш, импорт ва бошқа нотариф чеклашлардан воз кечиш;

- кўп томонлама музоқаралар олиб бориш йўли билан бож тарифларини пасайтирилиши;

- ривожланаётган мамлакатлар билан савдода преференциалтизимни (имтиёз бериш) ўрнатиш;

- савдо борасида пайдо бўлган келишмовчиликларни музоқаралар йўли билан ҳал қилиш;

- бир-бирига савдо-сиёсий ён босища ҳамкорлик қилиш.

ГАТТнинг фаолияти раундларга бирлашган кўп томонламали музоқаралар йўли билан олиб борилган. ГАТТ ўз фаолиятини бошлаганидан бери 8 раунд ўтказилган бўлиб, бунинг натижасида ўртacha бож миқдори ўн баробар камайган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда 40%ни ташкил қилган бўлса, 2000-чи йилларнинг бошларида улар тахминан 4%ни ташкил қилган.

1996 йилнинг ўртасида ГАТТга 130 мамлакат аъзо бўлган. Юқорида айтиб ўтканимиздек, 1996 йилнинг январида ГАТТнинг ўрнини Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) эгаллади. Уни 81 мамлакат таъсис этди. ЖСТни ташкил топишига 7 йиллик “уругвай раунди” музоқаралари сабаб бўлди. 2005 йилга келиб ЖСТга аъзо давлатлар сони 150 тага етди. Ушбу ташкилотга МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар - Кирғизистон, Арманистон, Озарбайжон, Грузия ва Молдаво давлатлари ҳам аъзо бўлиб кирган. Узбекистон Республикаси эса 1994 йилдан бери ЖСТда кузатувчи сифатида иштирок этиб келмоқда. Ҳозирги кунда ҳам ЖСТга аъзо бўлиш жараёнлари давом этмоқда.

Таянч иборалар: ташки савдо, халқаро савдо, экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт, мутлоқ устунлик, нисбий устунлик, ташки савдо айланмаси, ГАТТ, ЖСТ.

Бобнинг қисқача хуносаси:

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг ривожланган кўринишларидан бири бу ташки савдо ҳисобланади. Иқтисодчи олимларнинг (Ж.Сакс ва бошқалар) фикрига қараганда дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий мувффақияти ташки савдодо кўринади. Ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажralган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ.

Халқаро савдо ХМТ асосида пайдо бўлган турли давлатларнинг товар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги олақаларининг бир шакли, бўлиб улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқни намоён қиласи.

Илмий-техника инқилоби таъсирида жаҳон ҳўжалигига рўй бераётган структуравий ўзгаришлар миллий ҳўжаликларни ўзаро ҳамкорлигини кучайишига, халқаро ташки савдони фаоллашувига имкон яратмоқда. Халқаро савдонинг ривожланишида фаоллият курсаётган

савдо-иктисодий ташкилотларнинг (ЖСТ, ЕИ, НАФТА, АСЕАН ва бошқалар) аҳамияти катта бўлмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Ташқи савдо деганда нимани тушунасиз?
2. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро савдонинг жадал ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатган?
3. Сизнинг фикрингизча, XXI асрда ташқи савдонинг ривожланишига асосан қандай омиллар таъсир кўрсатади?
4. Минтақавий интеграцион жараёнларнинг кучайиши халқаро савдонинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатмоқда?
5. Мутлоқ устунлик назариясини тушунтириб беринг.
6. Нисбий устунлик назариясини тушунтириб беринг.
7. ГАТТ ва ЖСТ ўртасида қандай фарқлар мавжуд?
8. Халқаро савдени ривожланишида ЖСТ нинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

Адабиётлар:

- Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т. Ўзбекистон, 1999.
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
- Киреев А. Международная экономика. Часть 1.М ., 2004 .
- Киреев А. Международная экономика. Часть 2 М ., 2004 .
- Кругман П..Международная экономика. 5-е изд. Питер, 2004.
- Ломакин В. Мировая экономика. Учебник. М.,1998,2002, 2004 .
- Шодиев Р.Х. Жаҳон иқтисодиёти . Т.,2004
- Назарова Г.Ф.,Халилов.Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти.Ўқув қўлланма .Т., 2005
- Назарова Г.Ф., Ҳайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма.Т., 2005

4-боб. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдоси ва уни бошқарув механизми

§ 4.1. Республика ташқи савдосининг ҳозирги аҳволи

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликни қўлга киритишига қадар, мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти собиқ СССРнинг тегишли вазирликлари ихтиёрида бўлган эди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон бир қатор хорижий мамлакатлар билан бевосита иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга киришди. Бу масала республика ривожининг устивор, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Бу йўналишда дастлаб 1992 йилнинг 12 февралида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган СССР Ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат комитети Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига айлантирилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 17-ноябрида қабул қилинган “ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари ва янги стратегияси” қарорига мувофиқ Ташқи иқтисодий алоқалар Вазирлигини иши қайта ташкил этилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ ушбу вазирлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигига (21 июль 2005 й.) айлантирилди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати ташкил топди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасида, Вазирлик ва идораларда, корпорация, концерн ва ўюшмаларда, шунингдек маҳаллий бошқарув идораларда тегишли ташқи иқтисодий бўлинмалар тузилди . Хорижий ҳамкорлар иштирокида республикада халқаро савдо-сотиқ маркази ташкил топган. Дунёнинг бир қатор мамлакатларида савдо уйлари очилди. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Германия ўртасида ва шунингдек манфаатдор бўлган бошқа мамлакатлар ўртасида савдо-саноат палаталари барпо этилди. Ислоҳот амалга оширила бошланган кундан буён ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларини таркиби ва тузилмаси тубдан ўзгарди. Республиkaning 2000 дан ортиқ хўялик субъектлари ташқи бозорга чиқиши хуқукини олди.

Республикамизнинг экспорт қувватини бутун чоралар билан ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш иқтисодиётни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Ўтказилган иқтисодий ислоҳатларнинг биринчи босқичини асосий вазифаси жаҳон ҳамжамиятида қатъий ўринга эга бўлиш, ишончли шерик эканлигимизни кўрсатиш ва шунингдек ғоят кенг ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатишдан иборат бўлади. Бунинг учун эса:

- ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган ихтисослашган ташкилий структураларни вужудга келтириш, тегишли кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим;

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзловчи сиёсатни ўтказиш, чет эллик шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда корхоналар ва фуқароларга кўпроқ эркинлик бериш лозим;

- товарларни экспорт ва импорт қилишнинг имтиёзли тартибини жорий этиш, квота белгилаш ва лицензия олиниши керак бўлган товарлар рўйхатини босқичма-босқич қисқартириб бориш зарур;

- экспорт ва импорт таркибини такомиллаштириш. Анъанавий маҳсулот турларини (пахта ва ундан олинган маҳсулотлар, рангли металлар, минерал угитлар ва бошқалар)ни экспорт қилиш билан бир қаторда чет элга техникавий жиҳатдан мураккаб тайёр товарлар ва буюмларни етказиб беришни кенгайтириш. Турли хизматлар соҳасига- транспорт, туризм, валюта-кредит хизматлари кўрсатиш;

- имтиёзлар тизимини вужудга келтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, чет эллик инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг химоя қилинишини таъминлаш воситасида корхоналарнинг экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидаги инвестиция фаолиятини рағбатлантириш;

- чет элдан олинаётган кредитларни, биринчи навбатда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларнинг энг муҳим турлари, дори-дармон билан таъминлашга сарфлаш, чет эл

инвестицияларини ҳалқ хўжалигининг асосий тармоқларига - кончилик, ёкилги-энергетика саноатига, қишлоқ хўжалик хом- ашёсини саноат усулида қайта ишлашга, шунингдек, иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини ривожлантиришга жалб қилиш;

- ташқи иқтисодий фаолият инфраструктурасини, яъни - ташқи иқтисодий алоқаларнинг шартларига мос келадиган коммуникация тизимини (ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмалар, транспорт ва алоқа) ҳамда, ривожлантириш учун чет элда ўз ваколатхоналаримизни очилишини талаб этиш.

1994 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Тарифлар ва Савдо бўйича Бош битим (ГАТТ)да кузатувчи мақомини олди. Бу ташкилот жаҳон савдосининг ҳозирги тизимини бошқаришда марказий ўринни эгаллаб турибди. Республикаиз ГАТТга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилганимиздан сўнг мазкур битимнинг тўла ҳуқуқли иштирокчилари бўлмиш 110 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо-сотик қилиш учун мустахкам ҳуқуқий асосларга ва имтиёзларга эга бўлиши мумкин. ГАТТ ташкилоти 1995 йилнинг январида ўз номини ўзгартирди ва Жаҳон Савдо Ташкилотига (ЖСТ) айлантирилди. Ҳозирги кунда ушбу ташкилотга 150дан ортиқ давлатлар аъзодир.

§ 4.2. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиши

Мустақил Республиканинг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги сиёсати жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришда узифодасини топмоқда. Чет эл давлатлари билан ўзаро муносабатларда республика миллий манфаатларини амалга оширишнинг асосий механизмларидан бири бўлиб, савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича икки томонлама ҳукуматлараро комиссиялар фаолияти хисобланади. Ҳозирда бундай комиссиялар 30 дан ортиқ мамлакатларда асосий шерикларимиз билан ташкил этилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон 140 дан ортиқ мамлакатлар билан савдо-иктисодий алоқаларни ўрнатган. Уларнинг орасида Жанубий Корея, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Туркия, Франция, Япония, Эрон, Голландия, МДҲ мамлакатлари – Россия, Украина, Қозоғистон, Туркманистоннинг билан савдо алоқалари кенг йўлга қўйилди. Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо кўрсаткичлари қуидаги 1-жадвалда кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси экспорти тузилмасида хом-ашё товарлари асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон пахта толаси экспорти бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирида туради. 2003 йилнинг 9 ойида пахта толаси экспорти 450,5 млн. АҚШ долларини (24,8 %га кўпайган), энергия ташувчилар экспорти - 254,2 млн. АҚШ долл.ни (49,7 %га кўпайган), қора ва рангли металлар - 177,3 млн. АҚШ долл.ни (20,0 %га кўпайган), кимёвий маҳсулотлар ва пластмасса - 76,0 млн. АҚШ долларни (19,1 %га кўпайган) ташкил этган. Шу даврда машина ва асбоб-ускуналарни четга чиқариш 160,9 млн. АҚШ долл.ни (113,7 %га кўпайган), озиқовқат маҳсулотлари - 68,7 млн. АҚШ долл.ни (11,1 %га камайган) ташкил этди.

1-жадвал

2001-2002 йилларда Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо кўрсаткичлари

Кўрсаткич	2001	2002	Ўтган йилга нисбатан	
			2001	2002
Жами ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долларда.	6307,3	5700,4	101,5	90,4
МДҲ мамлакатлари	2258,7	1823,8	98,3	80,7
Хорижий давлатлар	4048,6	3876,6	103,4	95,8
Жами экспорт, млн. АҚШ долларда.	3170,4	2988,4	97,1	94,3
МДҲ мамлакатлари	1090,6	823,5	93,0	75,5
Хорижий давлатлар	2079,8	2164,9	99,4	104,1
Жами импорт, млн. АҚШ долларда.	3136,9	2712,0	106,4	86,5
МДҲ мамлакатлари	1168,1	1000,3	103,8	85,6

Хорижий давлатлар	1968,8	1711,7	108,0	86,9
Савдо баланси, млн. АҚШ долларда.	33,5	276,4	X	X
МДҲ мамлакатлари	-77,5	-176,8	X	X
Хорижий давлатлар	111,0	453,2	X	X
Ташқи савдо айланмаси % ҳисобида	100,0	100,0	X	X
МДҲ мамлакатлари	35,8	31,9	X	X
Хорижий давлатлар	64,2	68,1	X	X

Манба: "Узбекистан в цифрах 2002 г." Статсборник ГСК РУз. Т.:2003.

Бошқа бандларга нисбатан нодир металлар (31,7%) ва хизматлар (14,9%) экспорти катта улушга эга бўлди. 2003 йилнинг 9 ойида экспортда хомашё товарлар улуши 65,8 %ни (ўтган йилнинг шу даврида-67,0%). Табиий ресурслар улуши эса 48,2 %ни (ўтган йилнинг шу даврида-49,3%) ташкил этди. Шуни таъкидлаш зарурки, жаҳон амалиётида қабул қилинган энг юқори чегаравий миқдордан (7-10%) ортиб кетиши табиий ресурслар потенциалининг камайиб кетишига ва иқтисодиётнинг хом-ашёвий ихтисослашувига, тўлов балансининг жаҳон бозорлари конъюнктурасига боғлиқлигини кучайишига олиб келиши мумкин. Кўрилаётган даврда пахта толаси экспорти улуши 17,2 %ни (ўтган йилнинг шу даврида-17,0%) ташкил этди. Бу эса анча юқори кўрсаткичdir. (2-жадвал)

2-жадвал

Экспорт тузилишининг ўзгариши

Товарлар групхи	Экспорт умумий ҳажмида улуши, % ҳисобида.	
	2001	2002
Пахта толаси	22,0	22,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	3,5
Кимёвий маҳсулотлар, пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар	2,7	3,0
Энергия ташувчилар	10,2	8,1
Қора ва рангли металлар	7,0	6,4
Машина ва асбоб-ускуналар	3,9	3,9
Хизматлар	14,6	15,9
Бошқалар	35,7	36,8
Жами	100	100

Манба: "Узбекистан в цифрах 2002 ." Статсборник ГСК РУз. Т.:2003.

Ўзбекистонга 30 дан ортиқ маҳсулот тури четдан келтирилади. Жумладан, буғдой, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, сариёф, шакар, мойли ўсимликлар уруғи ва мевалар, чой, кофе ва ширинликлар, картошка, фармацевтика маҳсулотлари, кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлари, чарм ва пойабзал маҳсулотлари, автомобиллар, қора ва рангли металлар ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотлар, телерадиоаппаратура, машина ва уларнинг ускуна-жихозлари импортнинг асосий бандларини ташкил этади.

2003 йилнинг 9 ойида импорт тузилишида машина ва асбоб-ускуналар улуши 44,1 %ни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,1%га ўсиб 929,2 млн. АҚШ долл. ни) ташкил этди. Ушбу кўрсаткич мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига мос келади. Қора ва рангли металлар - 8,2% (1,8%га ўсиб, 172,6 млн. АҚШ долл. ни), энергия

ташувчилар - 2,3% (56,0%га ўсиб, 47,9 млн. АҚШ долл.ни) ташкил этди. Ушбу даврда хизматлар импорти 8,6%га ўсиб (208,8 млн. АҚШ долл.). Бошқа моддалар бўйича ўсиш 22%ни (258,5 млн. АҚШ долл.) ташкил этди. Шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари импорти 11,6%га қисқариб 212,6 млн. АҚШ долл.ни (умумий импорт ҳажмида 10,1%), кимё маҳсулотлари ва пластмасса -15,4%га камайиб 274,9 млн. АҚШ долл.ни (13,1%) ташкил этди (3-жадвал).

3-жадвал

Импорт тузилишининг ўзгариши

Товарлар гурӯҳи	Импорт умумий ҳажмида улуши, % хисобида		
	2001	2002	2003
Озиқ-овқат маҳсулотлари	10,8	12,5	11,6
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар	12,7	15,1	15,4
Энергия ташувчилар	1,9	1,3	2,3
қора ва рангли металлар	10,9	8,0	8,2
Машина ва асбоб-ускуналар	41,2	41,4	44,1
Хизматлар	10,3	10,6	8,6
Бошқалар	12,2	11,1	22
Жами	100	100	100

Манба: “Узбекистан в цифрах 2002 .” Статсборник ГСК РУз. Т.:2003.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг (ЕИ) Марказий Осиёдаги энг йирик савдо-иқтисодий шериги ҳисобланади. 1994 йилнинг октябрида Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва Брюсселда, ЕИ хузурида Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси ишлай бошлади. 1995 йилда ЕИ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузилди. Бу битим ЕИга аъзомлакатлар ва Ўзбекистон ўртасида иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқалар учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича ҳам битим тузилган. Республикада Европа Иттифоқининг “ТАСИС” техникавий кўмаклашиш дастури муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ чўяжалиги соҳасида кўрган чора-тадбирлар натижасида республикада ғалла етишириш кескин кўпайди, жумла-дан, ғалла импорти 2 марта, гуруч импорти эса 10 марта кўпайиб умуман озиқ-овқат маҳсулотлари импорти анча қисқарди. Аҳоли жон бошига экспортнинг микдори жиҳатидан Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида олдинги ўринлардан бирида турибди. Ўзбекистоннинг ташқи савдо баланси актив сальдога эгадир.

Республика хўжалик юритувчи субъектлари экспорт салоҳиятининг кенгайиши 2004 йилда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатига эришига ёрдам берди. Маҳаллий маҳсулотлар ракобатбардошлигини ошириш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни доимий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, замонавий технологиялар импортини рағбатлантириши натижасида 2004 йилда ташқи савдо айланмаси 2003 йилга нисбатан 29,6 фоиз ошди ва 8669,0 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Экспортнинг умумий ҳажми 30,3 фоиз ўсиб, 4853,0 миллион АҚШ долларини ташкил қилди, бунда тайёр маҳсулотлар экспортининг ўсиши 52,6 фоизни ташкил этди.

Ташқи савдода эришилган ижобий сальдо 1037,0 миллион АҚШ долларига етди, бу 2003 йилга нисбатан 276,2 миллион АҚШ доллари кўп демакдир. Хуллас, 2004 йилда қўйидаги маҳсулотларнинг экспорт ҳажми кўпайган эди: кимё маҳсулотлари (2 марта), энергия манбалари (1,7 марта), рангли ва қора металлар (1,7 марта), машинасозлик маҳсулотлари (1,6 марта). Озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти эса 1,6 марта ошди.

§ 4.3. Ташқи савдо сиёсати соҳасида олиб борилаётган концепциялар

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи алоқаларни кенгайтириш, республиканинг экспорт имкониятларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш учун бир катор хуқуқий негизларни яратиб берган асосий хужжатлар, Президент фармонлари ва хукумат қарорлари қабул қилинди. Булар аввало, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида”ги конунлар ҳамда бошқа қонуний ва меёрий хужжатлар бўлиб, улар ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳалқаро шартномаларни тўзиш ва уларни бажариш учун асосий шарт-шароитини яратишга имкон берди.

Ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида бир талай имтиёзлар жорий этилди. Аввало, товарларни импорт қилиш учун божхона тўловлари анча камайтирилди, қўшма корхоналар маҳсулотини экспорт қилиш учун эса божхона тўловлари олинмайдиган бўлди. Валюта тушумидан солиқ олиш ўрнига унинг 30% дан иборат қисмини Республика Марказий банкига мажбурий сотиш жорий этилди. Корхоналарнинг экспортидан олинган валюта тушумларини моддий базани ва экспорт имкониятини кенгайтиришга сарфлашдан манфаатдорлигини ошириш учун кўпгина корхоналар валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан озод этилди. Хорижий сармоя иштирокида корхоналар барпо этиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва четга чиқариладиган маҳсулот учун рухсатнома (лицензия) бериш тартиблари анча соддалаштирилди. Бундай маҳсулотлар турларининг сони 1994 йилнинг ўзидаёқ 74 тадан 11 тагача камайтирилди. Кўрилган бундай чора-тадбирларнинг барчаси республика ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтиришга, экспорт ва импорт таркибини яхшилашга ижобий таъсир қилди.

Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқалари ва яқин ҳамкорлигини мустахкамлаш ва ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Мазкур республикаларнинг иқтисодиёти бир-бири билан туташиб кетган ва улар бир-бирига таъсир ўтказиб турибди.

Вужудга келган шароитга асосланиб Қозогистон Республикаси Президенти Н.Назарбаев билан 1994 йилнинг 10 январида Тошкентда бўлиб утган учрашувда Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида шартнома имзоланди. Қайд этилган ушбу шартнома Ўзбекистон билан Қозогистон ўртасида товарлар, хизматлар, капитал, иш кучининг эркин ҳаракатланишини, баҳамжихат кредитнинг ҳисобкитоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини ўтказишни кўзда тутади. Бишкеқдаги учрашувда Қирғизистоннинг ҳам бу шартномага қўшилганлиги Марказий Осиё миintaқасидаги ўзаро яқинлашув жараёнларини чуқурлашувида янада кенг имкониятлар очди.

МДҲ га кирган мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устивор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон ҳамдўстлик гоясини қўллаб-қувватлади, унинг муассислари қаторига кириб, яқинлашув ва кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишларни жонбозлик билан амалга оширмоқда. Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамдўстлик муассасалари, Давлатлараро иқтисодий қўмита, давлатлараро банк ва бошқа муассасаларда иштирок этади. Ҳамдўстлик доирасида Россия, Украина, Белорусия, Молдава ва МДҲ даги бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ташқи сиёсий, савдо-иктисодий ва бошқа шартномалар ҳамда битимларни имзолаган.

МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг таркиби ва шакли тубдан ўзгариб бормоқда. МДҲ даги қўпгина мамлакатлар билан савдо-тўлов соҳасида Ўзбекистон ижобий сальдога эгадир. 1998 йилнинг март ойидан 2004 йилгacha бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги стратегияси қўйидагиларни ўз ичига олган эди:

экспорт-импорт операцияларини марказлаштирмаслик;

давлат эҳтиёjlари учун зарур товарларнинг экспорти ва импорти устидан назоратни

кучайтириш;

давлат учун стратегик мухим бўлмаган товарлар экспортини осонлаштириш;

экспортнинг хом-ашёвий йўналишини бартараф этиш;

хорижий инвестициялар оқимининг кенгайишига кўмаклашиш.

Ҳозирги вақтда экспортни ошириш ва уни диверсификацияланган тузилмасини шакллантиришга мухим аҳамият берилмоқда. Бу жиҳатдан республиканинг катта экспорт салоҳиятига эга худудлари ва вилоятларини ташқи иқтисодий фаолият тизимиға фаол жалб қилиш зарур. Минерал ва қишлоқ хўжалик хом - ашёсига ишлов берувчи, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, тугалланган технологик циклга эга бўлган ишлаб чиқаришлар иқтисодиётда мухим ўринларни эгаллаши керак.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг стратегик йўналишлари. Ҳозирги вақтда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёни республика иқтисодий тизимни унумли ислоҳ қилиш жараёнининг ажralmas қисми сифатида изчил ва мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда экспорт фаолияти бутунлай эркинлаштирилган. Республикада барча товар ва хизматлар учун экспорт божлари, экспортни лицензиялаш ва квоталаш тизими бекор қилинган. Импорт режими ҳам жиддий эркинлаштирилган. Ўзбекистонда импорт учун чекловлар йўқ. Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий комплекснинг қуйидаги стратегик ва долзарб масалаларини ҳал қилиш бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ишлар амалга оширилмоқда:

- маркетингни кучайтириш, сифатни ошириш, ҳалқаро стандартларга мослашиш йўли билан миллий экспорт таркибида хом-ашё ва табиий ресурслар улушкини қисқартириш мақсадида тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш;

- Ўзбекистонда рақобат афзалликларига эга бўлган пахта толасини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишини ташкил этишини рағбатлантириш;

- республикада ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш мумкин бўлган энг мухим маҳсулотлар импортига иқтисодиётнинг кескин боғланиб қолишига йўл қўймаслик;

- обрўйли ҳалқаро молиявий институтлар ва иқтисодий ташкилотлар (ХВФ, ЖБ, ЕТТБ, ОРБ ва бошқалар) билан ҳамкорликни фаоллаштириш ва самарадорлигини кўтариш;

- етакчи иқтисодий мамлакатлар (АҚШ, Япония, ЕИ, Россия) билан ҳамкорликни кенгайтириш;

- йирик компаниялар ва банклар ўзларининг тўғри инвестицияларини қайта ишлаш, хусусан агросаноат комплекси маҳсулотини қайта ишлаш соҳаларига, шу жумладан маблағларни кичик бизнес вв тадбиркорликни ривожлантиришага йўналтириш билан жалб қилиш;

- мавжуд транспорт коридорларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, муқобил транспорт магистралларини барпо этиш;

- экспорт сиёсатини юритиш ва республика экспорт ҳажмини ошириш мақсадида потенциал сотиш бозорларини ўрганиш ва кузатиш;

- республиканинг жами товар айланмаси таркибида хизматлар (ахборот маҳсулотлари, ишлов бериш бўйича хизматлар - толлинг, ишчи ресурслари экспорти ва бошқалар) ҳиссасини кўпайтириш;

- республиканинг чет элдаги ташқи савдо инфраструктураси фаолияти самарадорликни кўтариш;

- Ўзбекистонда ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини амалга оширилишини фаоллаштириш ва ҳ. к.лар.

Таянч иборалар: ташқи савдо ҳажми, экспорт, импорт ҳажми, ташқи савдода саноат маҳсулотларининг улуси, ЖСТ билан ҳамкорлик, ривожланган мамлакатлар билан савдо-иктисодий ҳамкорлик, ташқи иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш.

Бобнинг қисқача хulosаси:

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий мустақиллигини қўлга киритишга қадар, мамлакатнинг ташки иқтисолий фаолияти сабиқ СССРнинг тегишли ва вазирлеклари ихтиёрида бўлган эди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон 160 дан ортиқ ҳорижий мамлакатлар билан савдо-иктисодий алоқаларни йўлга қўйди. Ўзбекистон 1994 йилнинг июнида ЖСТ нинг кузатувчи мақомини олди. Республикамиз МДХ, ЕИ, Шанхай гуруҳи каби ўнлаб минтиқавий давлатлар билан савдо-иктисодий муносабатларни кенгайтириб, ривожлантириб бормоқда. Ушбу жараёнларни боришида республикада ташкил топган ташки иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизматини ташкил топиши ва шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ва унинг идора- ташкилотларида тегишли ташки иқтисодий фаолият бўлимларининг фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида (РФ, АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва бошқалар) Ўзбекистоннинг савдо- саноат палаталари фаолият кўрсатиб турибди.

Назорат учун саволлар:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётida ташки савдонинг тутган ўрни ва аҳамиятини гапириб беринг.
- Ўзбекистон Республикаси ташки савдосининг 2003-2004 йиллардаги кўрсаткичларини гапириб беринг.
- Ташки савдо структурасида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?
- Республикамиз қайси халқаро ташкилотлар билан ташки иқтисодий алоқаларини ривожлантириб бормоқда?
- Ташки савдони эркинлаштириш деганда нимани тушунасиз?
- Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиш истиқболларини характерлаб беринг?
- Кейинги йилларда ташки савдо соҳасида рўй бераётган ўзгаришларни кўрсатиб беринг.
- Республикамизнинг экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш моделини танлаши ташки савдони ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини тавсифлаб беринг?

Адабиётлар:

- “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 25.04.1996.
 - “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 30.04.1998.
 - Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодиё ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.Ўзбекистон, 1996.
 - Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т. Ўзбекистон,. 1999.
 - Каримов И.А. Узбекистонда демократик узгаришларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август.
 - Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
 - Халилов Х. ,Ли Д. М. Развитие внешне экономических связей республики Узбекистан. ГНК РУз.2000.
 - Шодиев Р.Х. Жоҳон иқтисодиёти . Т.,2004.
 - Назарова Г.Ф.,Халилов.Х. ва бошқалар. Жоҳон иқтисодиёти.Ўқув қўлланма .Т.,2005.
 - Назарова Г.Ф., Ҳайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма.Т.,2005.

5- боб. Халқаро капитал миграцияси

§ 5.1. Капитал экспорти - халқаро иқтисодий муносабатларнинг илғор шакли сифатида

Капитални хорижга чиқариш, унинг давлатлар орасида фаол миграцияси замонавий жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим ажратиб турувчи томонига айланди.

Капитал олиб чиқиш жаҳон хўжалигининг чуқур ривожланиши даврида товар олиб чиқиши монополиясини синдиради. Товар олиб чиқиши тўлдирувчиси ва унинг воситачиси бўлиб, капитал олиб чиқиш халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида аниқловчи омилга айланаб бормоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (ИҲРТ) баҳолашига қараганда, 80-йиллардан бошлаб тўғридан-тўғри йўнатирилган инвестицияларнинг йиллик ўсиши тахминан 34-35% ни ташкил этиб, халқаро савдо ўсишидан қарийб 5 марта кўпроқдир.

Капитал олиб чиқиш маълум бир миллий давлат ўз айланмасидан бир қисм капитални олиб, уни бошқа бир давлатнинг ишлаб чиқариш жараённига ва айланмасига товар ёки пул формасида жойлаштиришида намоён бўлади. Дастребки йилларда капитал олиб чиқиш жаҳон хўжалиги перефериясига капитални экспорт қиласидан кам саноати ривожланган давлатларга хос бўлган холос эди. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши эса бу жараён доирасини сезиларли равишда кенгайтирди, натижада капитал чиқариш ҳар қандай муваффақиятли, динамик ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётнинг функцияси бўлиб қолди. Ҳозирги кунда капитални илғор саноати ривожланган давлатлар ҳам, ўртача ривожланган давлатлар ҳам, ривожланаётган, айниқса “янги индустрисал” давлатлар ҳам чиқармоқдалар.

Капитал олиб чиқишининг асосий сабаби унинг маълум бир давлатларда “нисбатан” ортиқча бўлиб қолишилигидир. Ишбилармонлик фойдаси ёки фоиз олиш мақсадида капитал чет элга чиқарилади. Капитал экспорти ички инвестиция учун капитал етишмаган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. 90-йилларда умумжаҳон бўйича ортиқча капитал 180-200 млрд. долларга тенг деб баҳоланганди. XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг четга капитал чиқариш тинимсиз ўсиб борди. Капитал экспорти ҳозирги кунда ўшиш суръатлари бўйича товар экспортини ҳам, саноати ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўшиш даражасини ҳам орқада қолдирмоқда. Капитал олиб чиқиш масштабининг кескин кенгайиши халқаро миграциянинг кучайишига олиб келмоқда.

Халқаро капитал миграцияси- капитал эгаси учун фойда келтирувчи, давлатлар орасидаги қарама-қарши ҳаракатдир. Ҳар бир давлат бир вақтнинг ўзида капиталнинг импортёри ва экспортёри бўлиб ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида катта фойда учун капитал олиб чиқишининг энг муҳим сабаблари қуидагилардан иборатdir:

- капитал олиб чиқилаётган давлатда унинг ортиқча тўпланганлиги;
- жаҳон хўжалигининг турли звеноларида капитал талаби ва таклифининг мос келмаслиги;
- маҳаллий бозорни монополизация қилиш имконияти мавжудлиги;
- капитал экспорт қилинадиган давлатда арzonроқ ҳом-ашё ва ишчи кучининг мавжудлиги;
- барқарор сиёсий ҳолат ва умуман қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги.

Амалий ҳаётда инвестиция қилиш зарурияти ўзида инвестицион муҳитнинг барча қисмларини мужассамлаштирган сабаблар комплекси ва шунингдек айrim бозорларнинг нисбий устунлиги тамойиллари билан белгиланади. Капитал олиб чиқишга сабаб бўлувчи ва уни рағбатлантирувчи омиллар қуидагилардир:

1. Капитал олиб чиқиши фаоллаштирувчи, ҳаракатлантирувчи куч бўлиб миллий иқтисодиётларнинг ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви халқаро капитал ҳаракатига катта таъсир кўрсатади. Капитал экспортининг бош омили бўлиб, тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар ишлаб чиқаришни халқаро ишлаб чиқаришга айланishi ва шунингдек халқаро маҳсулот яратишидир. Халқаро маҳсулот-глобал халқаро бозорда сотиладиган маҳсулотдир. У

унификация қилингандын жана географик жойлашиши, миллий ёки бошқа ўзига хосликтардан қаттың назар сотилади (автомобиллар, самолётлар, радиоэлектроника, компьютерлар, асбоб-ускуналар ва х.к.лар).

2. Халқаро саноат кооперацияси, трансмиллий корпорацияларнинг шўъба корхоналарига қўйиладиган қўйилмалари.
3. Саноати ривожланган давлатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларини ушлаб туриш, саноатнинг илғор соҳаларини ривожлантириш, бандлик даражасини сақлаш учун сезиларли ҳажмда капитал жалб қилишга йўналтирилган иқтисодий сиёсати.
4. Хорижий капитал жалб қилиш ёрдамида ўз иқтисодий ривожи учун сезиларли турткни бериш, “камбағаллик доирасидан” чиқиб кетишга ҳаракат қилаётган ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ўз-ўзини тўтиши.
5. Экология омиллари сезиларли таъсир кўрсатади. Халқаро корпорациялар қаттиқлашаётган экологик нормалар туфайли ишлаб чиқаришни саноати ривожланган давлатлардан ривожланаётган мамлакатларга кўчириши.
6. Капитал оқимини йўналтирувчи ва тартибга солувчи халқаро молиявий ташкилотлар муҳим рол ўйнаши.

§ 5.2. Капитал экспортининг асосий шакллари ва унинг ўзига хос томонлари

Жаҳон хўжалигига капитал олиб чиқиш асосан қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- саноат, савдо ва бошқа корхоналарга тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар;
- портфель инвестициялар (хорижий облигациялар, акция, қимматбаҳо қоғозлар);
- ссуда капиталининг саноат ва савдо корпорациялари, банк ва бошқа молиявий ташкилотларига ўрга ва узок муддатли кредитлари ёки заёмлари;
- иқтисодий ёрдам- текинга ва имтиёзли кредитлар шаклида (фоизсиз, кам фоизли).

Жаҳон иқтисодиётида капитал кўчиши ва хорижий инвестициялар ўртасида аниқ фарқ белгиланган. Капитал кўчиши қуйидагиларни ўз ичига олади: хорижий ҳамкорлар билан операциялар бўйича тўловлар, заёмлар бериш (5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда), фақат капитал жойлаштириш мақсадида хорижий компанияларнинг акция, облигация ва қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш, қимматбаҳо қоғозлар портфелини диверсификация қилиш ва х.к.лар.

Хорижий инвестициялар бу капитал қабул қилувчи давлатда компания устидан назорат ўрнатиш ва уни бошқаришда иштирок этиш мақсадида капитал кўчиришdir. Тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар шаклида капитал олиб чиқиш бу капитал қабул қилувчи давлат худудида капитал экспортёри томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этишини билдиради. Бу шунингдек, кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга рақобатчилик таъсиридир.

Тўғридан-тўғри инвестициялар халқаро корпорацияларнинг жаҳон хўжалигидаги хукмронлигининг асосини ташкил қиласи. Улар корпорацияларнинг хорижий корхоналарига тўлиқ эгалик қилиши ёки акционерлик капиталининг амалда эгалик қилишига имконият беради. Одатда, бу шундай инвестицияларки бунда хорижий инвестор компаниянинг акционерлик капиталининг 25% дан кам бўлмаган миқдорига эгалик қиласи. АҚШ, ГФР, Япониянинг статистика бошқармалари акционерлик капиталининг 10% и ва ундан кўпроғини ўзига олган инвестицияларни Тўғридан-тўғри инвестициялар деб ҳисоблайди. П.Х.Линдертнинг фикрича, “Тўғридан-тўғри инвестициялар ва портфель инвестициялари орасидаги фарқ авваламбор капитал қўйиладиган фирма устидан назорат қилиш муаммосига бориб тақалади”.

Портфель инвестициялари йирик корпорациялар, марказий ва хусусий банклар томонидан чиқариладиган облигация заёмларини молиялаштириш учун хорижий капитални

жалб қилувчи муҳим манбадир. Хорижий портфель инвестицияларини жалб қилишда одатда йирик инвестицион банклар воситачилик қиласиди. Портфель инвестицияларнинг ҳаракатига кўп жиҳатдан алоҳида давлатларда облигациялар учун тўланадиган фоиз ставкаларидағи фарқ таъсир қиласиди.

Жаҳон иқтисодиётида 50-йиллардан кейинги даврда капитал экспорти структурасида сезиларли ўзгаришлар рўй бериб жаҳон хўжалиги ривожланишининг ўзига хос томонларини намоён қиласиди. Улардан энг муҳими 70-80-йилларда халқаро кредитларнинг ўсиши ва капиталнинг кредит-молия соҳасини пайдо бўлганлигидир. Иқтисодиётда ссуда капиталининг роли кескин ошди.

Халқаро ссуда капитали бозори: а) пул бозори; б) капитал бозорига бўлинади. **Пул бозори** – бу асосан қисқа муддатли кредитлар (1 йилгача) бозоридир. Бундай кредитлар одатда айланма маблағлар етишмовчилигини қоплаш учун ишлатилади. **Капитал бозори** эса ўзида банк кредитлари ва узоқ муддатли кредитларни намоён қиласиди. Улар асосан облигациялар чиқариш ва сотиб олишда намоён бўладилар.

Саноати ривожланган давлатлар томонидан текин ёки имтиёзли кредитлар шаклида кўрсатиладиган иқтисодий ёрдамни биз жаҳон давлатларига ёрдам бериш бўйича дунёда иккинчи ўринда (Япониядан кейин) турадиган АҚШ мисолида кўриб чиқишишимиз мумкин. Масалан, “Хорижий давлатларга ёрдам хақидаги” қонунга мувофиқ, АҚШ 1998 молиявий йилда ёрдам учун 13 млрд. доллардан ортиқ ассигнация қилган эди (унинг 76% иқтисодий ва 24% ҳарбий мақсадларга ажратилган). Бу даврда кредит олувчилар рўйхатида биринчи ўринда Истроил (3 млрд. долл.) турган бўлса, иккинчи ўринда Миср (2,1 млрд.долл.) турган. Кўрсатилган ушбу ёрдамнинг 65% ни текин ва 35% ни имтиёзли кўринишдаги кредитлар). Хорижий мамлакатларга иқтисодий ёрдамнинг кўрсатишдан мақсад АҚШ миллий хавсизлигини таъминлаш, давлатларга очиқ бозор иқтисодиёти тизимини ўрнатиш ва шунингдек демократияни ривожланишига ёрдам беришдир.

Жаҳон иқтисодида капитал олиб чиқиш асосан саноати ривожланган давлатлардан олиб чиқилади. Саноати ривожланган давлатлар ўртасида ҳам капиталнинг фаол миграцияси рўй бермоқда. Саноати ривожланган давлатлар доирасида рўй берётган капитал миграциясини бир неча холатларида кўриб чиқишишимиз лозим:

“Учлик” давлатлар ўртасидаги капитал миграцияси (АҚШ - Ғарбий Европа-Япония) ўртасида.

Алоҳида саноати ривожланган давлатлар ўртасидаги капитал миграцияси.

Саноати ривожланган давлатларнинг бир хил соҳалари ўртасида рўй берётган капитал миграцияси.

Капитал миграция ўз субъектлари нуқтаи назаридан макро ва микро даражалар билан фарқланади. Мақродаражаси - бу, капиталнинг давлатлараро оқими бўлиб, статистикада у давлатларнинг тўлов балансида тасвиrlenади. Микродаражаси - бу, капиталнинг халқаро монополиялар ичида корпорациялар ички каналлари орқали рўй берётган ҳаракатидир. Жаҳон таснифида энг йирик капитал “донорлари” бўлиб Япония (53%), Швейцария ва Тайвань ҳисобланаса, энг йирик “заёмчилар” эса – АҚШ (27%), Буюк Британия, Мексика ва Саудия Арабистони ҳисобланади.

Капитал олиб чиқишининг замонавий аломатлари орасида ишлаб чиқариш капитали экспортининг ўсиб бораётган аҳамиятини ажратиб кўрсатиш лозим. Ишбилармонлик фаолиятида портфель инвестициялар қатнашишдан тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларга ўтди. 50-йиллардан бошлаб тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестицияларни қазиб чиқариш саноатидан қайта ишлаш саноатига, шунингдек хозирги кунда йиллик ҳажмининг 50%дан ортиғи тўғри келаётган хизмат соҳаларига йўналтирилиши рўй бермоқда. Тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг тенденциясида сезиларли ўзгаришлар рўй бера бошлади: 1990 йилда банк заёмлари суммаси 468 млрд. долл.ни ташкил этди, қимматли қоғозлар бозорида эса инвестициялар 756 млрд. долларни ташкил этиб, 1993 йил охирида бу нисбат хусусий капитал тўпланган фонд бозори ҳисобига кескин ўзгариб, 2.3 трлн. долл. капитал бозорини ташкил этди.

90-йилларда капитал бозорларини байналминаллашуви жараёнининг асосий хусусияти намоён бўлди. Агар 70-80- йилларда байналминаллашув жараёни асосан ривожланган бозор иқтисодиётидаги давлатларни қамраб олган бўлса, 90-йилларда у ривожланаётган давлатларни ҳам биринчи навбатда Осиё-Тинч океани миңтақаси ва шунингдек, Лотин Америкаси давлатларига ҳам тарқалди. Бу эса албатта ушбу давлатлаининг молиявий салоҳияти, валюта аҳволининг мустаҳкамланиши ва уларнинг кредитга лаёқатлигини ўсиши, миллий молиявий бозорларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган эди.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда 80-90 йилларнинг муҳим томонларидан бири ривожланаётган давлатлар ўртасида ва айниқса “янги индустрисал давлатлар” ўртасида капитал миграциясининг фаоллашувидир. Капиталлар бозорида ҳамон нефть экспортёр - давлатлари ташкилоти (ОПЕК) фаолдир. Масалан, Қувайт хусусий секторининг хориждаги инвестициялари 1995-йилда 100 млрд. долл.ни ташкил этиб, ўз навбатида давлат қўйилмалари 30 млрд. долл.га етган. 90-йилларда тўғридан-тўғри йўналтираётган инвестицияларнинг ҳажмлари асосан ривожланаётган давлатларга тўғри келиб 1993-йилда 65 млрд. долл.ни, 1994 йилда 74 млрд. долл.ни ташкил этган. Бу 1991 йилга нисбатан икки баробар кўп демакдир. Инвестицияларнинг асосий қисми Осиё ва Лотин Америкасининг 10-15 та ривожланаётган давлатларида тўпланган. Хитой хорижий инвестицияларни жалб қилишда анча ютуқларга эришди. Бу кўрсаткич бўйича у АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб 1993 йилда 26 млрд. долл.ни (1991 йилга нисбатан 6 марта кўп) ташкил этди.

Хорижий капиталнинг аҳамиятини авволо биз Хитойнинг юқори иқтисодий суръатларда ўсиши билан таъминланганлигига ишончлигига ва шунингдек сиёсий барқарорлигига кўришимиз мумкин. Хитой ЯММнинг ўсиши 10-13% га teng. Худди шундай ўсишликтар даражасини биз баъзи бир Осиё “аждарҳо”лари давлатларида ва шунингдек баъзи бир Лотин Америкасининг “Янги индустрисал давлатлари”да ҳам кўриш мумкин.

Айни бир пайтда камбағал давлатлар қаторига кирувчи баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар эксперталарнинг фикрича саноати ривожланган давлатларнинг инвесторлари учун озроқ қизиқиши уйғотмоқдалар. Бундай давлатлар қаторига тобора камайиб бораётган тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар оқими тўғри келади. 90-йилларда кам ривожланган давлатлар қаторига хорижий инвестицияларнинг 5-6%ти тўғри келган эди холос.

Урушдан кейинги 50-йилларда капитал олиб чиқиш жараёнининг муҳим аломатларидан бири давлатнинг тартибга солувчи, назорат қилувчи, рағбатлантирувчи функциялар билан бу жараёнга фаол аралашувидир.

Саноати ривожланган давлатларнинг капитал миграциясига таъсири, миллий ва давлатлараро даражада капиталнинг экспорт ва импортини рағбатлантириш йўли билан амалга оширилади. Заём, портфель инвестициялари шаклидаги капитал кўчишиши асосан давлат сиёсатининг ҳаракати йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш асосида олиб борилмоқда. Давлат тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга нисбатан иқтисодиётда миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳар қандай чекланишларни қўллаш хукуқи сақлаб қолинган. Характерли томони шундаки капитални хорижга олиб чиқиш, хорижий капитални олиб киришдан кўра кўпроқ тартибга солинади. Давлат қуйидаги тартибга солиш чораларидан кенг фойдаланади:

1. Молиявий тартибга солиш усууллари. Ушбу усуулларга тезлаштирилган амортизацияни, солиқ имтиёзларини, субсидия ва заёmlар беришни, кредитларни суғирталаш ва кафолатлашни киритиш мумкин.
2. Номолиявий усууллар. Ушбу усуулларга ер майдонларини бериш, керакли инфраструктура билан таъминлаш, техник ёрдамларни кўрсатишни киритиш мумкин.

Хорижий капитал қўйилмаларни тартибга солишнинг муҳим амалий ҳужжати бўлиб Осиё-Тинч океани ҳамкорлик ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган “Кўнгилли кодекс”дир (1994 йил Жакарта). Мутахасисларнинг фикрича истиқболда Жаҳон савдо ташкилоти томонидан фойдаланиладиган ушбу “Кодекс” да қуйидаги инвестицион тамойиллар белгилаб

берилган:

- донор давлатларга дискриминациясиз ёндашув;
- хорижий инвестициялар учун миллий режим;
- инвестицион рағбатлантиришлар соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва атроф-муҳит ҳимояси соҳаларидаги талабларнинг күчсизланишига йўл қўймаслиги керак;
- савдо ва капитал соҳалар чекловчи ва тартибга солувчи инвестицион талабларни минималлаштириш;
- етарли ва самарали компенсация тўлаш шарти билан ижтимоий жамият мақсадларига, миллий қонун ва халқаро хукуқ тамойилларига мувофиқ дискриминациясиз инвестицияларни экспроприация қилишдан воз кечиш;
- руйхатга олиш ва конвертация имкониятини таъминлаш;
- капитал олиб чиқишдан чеклашларни олиб ташлаш;
- хорижий инвесторни миллий инвесторлар билан teng равишда давлат қонунларига, маъмурий қоида ва ҳолатларига риоя қилиниши;
- инвестицион лойиҳани амалга ошириш муносабати билан хорижий персоналга келиш ва вақтингачалик туришга рухсат бериш;
- келишмовчиликларни консультатциялар ва музоқаралар ёки хўжалик судлари орқали ҳал қилиш.

Иқтисодий амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, инвестицияларни жалб қилишда рағбатлантириш сиёсати бозор омилларига нисбатан камроқ таъсир кўрсатади. Иқтисодий эркинлик, бозор механизмларининг тўсиқсиз ишлаши ташқи инвестицияларни жалб қилишда муҳим критерий ҳисобланади. Америка иқтисодчилари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий эркинликнинг интеграл кўрсаткичи у ёки бу мамлакатда давлат хўжалик субъектларига нисбатан канчалик фаол аралашувининг 10 дан ортиқ турли кўринишдаги хусусий кўрсаткичларининг агрегираня килинган ҳарактеристикаси ишлаб чиқилган бўлиб, улар қўйидаги соҳалардаги ҳолларда намоён бўлади:

- савдо сиёсати соҳасида;
- солик сиёсати соҳасида;
- монетар сиёсати соҳасида;
- банк тизимининг ишлаши соҳасида;
- хорижий инвестицияларни хукукий тартибга солиш соҳасида;
- мулк хукуки соҳасида;
- мамлакатда ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар соҳасининг умумий ҳажмида давлат истеъмолининг улуши;
- иқтисодий рағбатлантириш сиёсати соҳасида;
- давлатда мавжуд “қора бозор”нинг миқёси;
- нархнинг ташкил топиши ва иш ҳақини тартибга солиш соҳасида ва бошқалар.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича давлат 1 дан 5 баллгача олиши мумкин (давлатнинг иқтисодиётга энг кам ва энг кўп аралашувига мувофиқ). Тадқикотлар натижасига кўра 1995 йилда энг эркин (банк иши ва монетар сиёсатдан бошқа барча кўрсаткичлар бўйича бир бал олган) Гонконг иқтисодиёти тан олинди. Айни бир пайтда Хитой юқоридаги диаграммада охирги ўринни эгаллайди. Аммо бу Хитойга ҳар йили миллиардлаб хорижий инвестицияларни жалб қилишига ҳалақит бермайди.

§ 5.3. Жаҳон хўжалигига трансмиллий корпорациялар

БМТ эксперtlарининг фикрича трансмиллий корпорациялар (ТМК) “жаҳон мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишидаги асосий двигателлари” дан бири бўлиб ҳисобланади. 90-йилларнинг ўрталарига келиб жаҳон хўжалигига 40 мингдан ортиқ ТМКлар мавжуд бўлиб, улар ўз давлатларидан ташқарида фаолият кўрсатиб келаётган 250 мингга яқин шўъба корхоналарни ҳам назорат қилиб туришган. ТМКларнинг сони охирги йигирма йиллар мобайнида 5 баробар кўпайган эди (1970 йилда 7 мингта бундай фирмалар рўйхатга

олинган). Ҳозирги кунда жаҳон хўжалигида мавжуд бўлган 100 та энг йирик халқаро компанияларнинг 40% мулки (шу жумладан молиявий мулки ҳам) бошқа давлатлар худудига тўғри келади.

Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорацияларнинг асосий қисми АҚШ, ЕИ давлатлари ва Японияда жойлашгандир. ТМК жаҳон хўжалигида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 40% ни халқаро савдони эса 50 – 55%и устидан ўз назоратини ўрнатган. ТМКнинг корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларнинг йиллик миқдори 1 трлн. АҚШ долларидан ошикроқни ташкил этиб, уларда 73 млн.дан ортиқроқ киши ишлайди (яъни жаҳонда иш билан банд аҳолининг 1/10 қисмини ташкил этади).

Хўш, жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар нима, уларга қандай компаниялар киради? БМТ анъанавий халқаро корпорациялар фаолиятини ўрганиб, ТМКлар таркибига уларга йиллик айланмаси 100 млн. АҚШ долларидан ошувчи ва камида 6 давлатда филиали бўлган фирмаларни қўшарди. Кейинги йилларда ушбу қўрсаткич таркибига резидент-давлатдан ташқарида сотилган маҳсулотлар миқдорини қўрсаткичи ҳам киритилади. Бу қўрсаткич бўйича жаҳонда Швейцариянинг “Нестле” фирмаси (98%) илғорлардан бири саналади.

БМТ методологияси бўйича халқаро корпорацияни унинг структурасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Трансмиллий корпорациялар ичида энг кўп хорижий активга (молия сектори-трансмиллий банклардан ташқари) Англия-Голландия концерни “Рояль-Датч Шелл” кирса ундан кейинги ўринда эса АҚШнинг 4та фирмаси - “Форд”, “Женерал моторс”, “Эксон Мобиль” ва “Ай-Би-Эм” туради.

Ғарб давлатларининг иқтисодий адабиётларида халқаро монополияларнинг қўплаб турларини (кўпмиллий корпорациялар, байналминал корпорациялар, Трансмиллий корпорациялар, глобал корпорациялар ва х.к) учратиш мумкин. Ф.Котлер ташкилий тамойиллар асосида айнан ана шундай халқаро компанияларни қўрсатиб ўтган эди.

Россиялик иқтисодчилар, одатда, қуйидаги таърифларни берадилар: трансмиллий корпорациялар - бу хорижий активга эга бўлган миллий монополиялардир. Уларнинг ишлаб чиқариш ва савдо-сотик фаолиятлари бир давлат чегарасидан чиқиб кетади.

АҚШ иқтисодиётида ҳиссадорлик жамиятларни ҳам “корпорация” деб айтишади. Жаҳон хўжалигида замонавий трансмиллий корпорацияларнинг қўпчилиги Америка компанияларининг экспансияси туфайли вужудга келганлиги туфайли бу термин кириб келган. Ҳозирги кунда трансмиллий корпорацияларнинг хукуқий филиаллари ва шўъба корхоналари жаҳоннинг турли давлатларида фаолият юритиб келмоқда. Бу компаниялар нисбатан мустақил бўлиб, ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни сотиш, илмий тадқиқот ва истеъмолчиларга хизмат қўрсатиш каби ишларни бажаради. Умуман улар ягона ишлаб чиқариш-сотиш мажмуини ташкил этиб, бу мажмууда ҳиссадорлик капиталга фақат таъсисчи давлат эгалик қиласи. Шу билан бирга ТМКларнинг филиал ва шўъба корхоналари аралаш корхоналар қўринишида ҳам бўлиши ва уларда миллий капитал устунлик қилиши ҳам мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида кўпмиллий корпорациялар (КМК) - ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотчилик асосида бир неча давлатларнинг миллий корпорацияларини бирлаштирувчи халқаро корпорациялардир. Бунга 1907 йилдан буён мавжуд бўлган Англия – Голландиянинг “Рояль-Датч шелл” компаниясини, кимё-техннология концерни “Юнилевер” ни, машинасозлик электрон инженерлик соҳаларига ихтисослашган Европанинг машҳур Швейцария-Швеция ABB (Asea Brown Bovery) компаниясини ва бошқаларни қўрсатиш мумкин.

Жаҳон хўжалигида трансмиллий ва кўпмиллий корпорациялар қаторига халқаро компаниялар ичида ажralиб турувчи глобал корпорацияларни (ГК) ҳам киритиш мумкин. Ушбу компаниялар XX асрнинг 80-йилларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда кучайиб бормоқда. Глобал корпорациялар замонавий жаҳон молия капиталининг бутун қудратини намоён қиласи. Жаҳон иқтисодиётида глобализация жараёнлари ҳозирги кунда қўпроқ химия, электротехника ва электрон соҳаларда нефть ва автомобиль соҳаларида ахборот, банк

ва бошқа бир неча соҳаларда рўй бермоқда.

Хўш, трансмиллий корпорацияларни пайдо бўлишига сабаб нима? ТМКлар пайдо бўлишининг асосий сабаби миллий-давлат чегараларидан чиқиб кетган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши асосида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви йирик компаниялар томонидан хорижий мамлакатларда ўз бўлимларини ташкил этиб, миллий корпорацияларнинг ТМКга айланиши орқали экспансия характеристига эга бўлади. Жаҳон иқтисодиётида капитал олиб чиқиши халқаро корпорацияларнинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим омилларидан биридир.

Трансмиллий корпорациялар вужудга келишининг сабабларидан яна бири ҳаддан ташқари фойда олишга бўлган интилишидир. Ўз навбатида, кучли рақобат бу курашда ғалаба қозониш зарурити, халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрацияси ҳам ТМКларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Жаҳон хўжалигида рўй бераётган иқтисодий жараёнларнинг объектив натижасига кўра вужудга келган трансмиллий корпорациялар ўзига хос хусусиятга эга. Жаҳон иқтисодиётида ТМКлар халқаро меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчиси бўлиб, унинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Трансмиллий корпорацияларда капиталининг ҳаракати, одатда, корпорация жойлашган давлатда бўлаётган жараёнлардан мустақил равища содир бўлади.

Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар йирик инвестиция ва юқори малакали мутахасисларни талаб қилувчи юқори технологияли, илмталаб соҳаларга кириб боради. Ушбу соҳаларни трансмиллий корпорациялар томонидан монополия қилиш тенденцияси рўй бермоқда. Ҳозирги кунда 500 дан ортиқ энг кучли трансмиллий корпорациялардан 90 га яқини хорижий мамлакатлардаги инвестицияларнинг 70-75% и устидан ўз назоратини ўрнатган бўлиб, бу 500 дан ортиқ гигант ТМКлар ҳиссасига жаҳон бозорларига чиқарилаётган электроника ва химия саноатининг 80-82% и, фармацевтиканинг 93-95%, машинасозликнинг 76-80% саноат маҳсулотлари тўғри келмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кучли ишлаб чиқариш базасига эга бўлган трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқаришни, товар бозорларини самарали режалаштиришни таъминловчи ишлаб чиқариш-савдо сиёсатини юргизадилар. Режалаштириш бош компания доирасида амалга оширилади ва шўъба корхоналарига тарқатилади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро корпорацияларни вужудга келиши ва ривожланишига мисол қилиб, ўз қўлида жаҳон кундалик электр жиҳозлари ва саноат ускуналари бозорининг 25% ини ушлаб турган “Электролюкс” ТМКни кўрсатиш мумкин. 1912 йилда икки швед компанияларининг бирлашиши натижасида вужудга келган “Электролюкс” 20-йилларда ёқ Австралия ва Янги Зеландия бозорига чиқиб, у ерда ишлаб чиқаришини ташкил қилган эди. Охири ўн йилликларда “Электролюкс” АҚШда учинчи ўринда турувчи, “Вестингауз”, “Гибсон” ва бошқа маркалар остида кундалик техника ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи “Уайт Консолидейтед” компаниясини, Италия ва бутун жанубий Европада энг йирик электр товарлари ишлаб чиқарувчи “Занусси” фирмаси ва шунингдек ГФРда асосий электр товарлари ишлаб чиқарувчи “АЭГ” фирмасини акцияларини сотиб олган эди. Хуллас, бу уч фирмани кушиб олганидан кейин Шведларнинг “Электролюкс” компанияси жаҳоннинг 75 мамлакатида кундалик электротехника буюмларини ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш бўйича ривожланган тизимга эга бўлган лидер компанияга айланди.

90-йилларнинг ўрталарида ушбу трансмиллий корпорациянинг корхоналарида 110мингдан ортиқ киши ишлаб, унинг йиллик айланмаси ўртача 16 млрд. АҚШ долларни ташкил этган эди.

Жаҳон иқтисодиётида ўз экспансиясини кенгайтира бориб, трансмиллий корпорациялар жаҳон бозорини ўзлаштиришнинг турли шаклларидан фойдаланадилар. Бу шакллар кўп жиҳатдан шартномага асосланади ва ҳиссадорлик капиталида бошқа фирмаларнинг қатнашишига боғлиқ бўлмайди. ТМК иқтисодиётининг бундай шаклларига кўпинча қуидагилар киритилади:

- лицензия бериш;
- франчайзинг;
- бошқарув шартномалари;
- техник ва маркетинг хизматларни кўрсатиш;
- корхоналарни “калит остида” топшириш;
- вақт бўйича чекланган қўшма корхоналар тузиш ҳақидаги шартномалар ва алоҳида операцияларни амалга ошириш бўйича келишувлар ва бошқалар.

Лицензион келишув юридик шартнома бўлиб, унга кўра лицензиар лицензиантга бир қанча муддатга маълум тўлов эвазига маълум хукуқлар беради. Лицензия бериш трансмиллий корпорациянинг ички фирма шартномалари бўйича ҳам, технология беришнинг ташки каналлари бўйича ҳам амалга оширилади.

Франчайзинг – узоқ муддатга мўлжалланган лицензион келишувдир. Бунда франчайзер клиент-фирмага маълум ҳукуқлар беради. Бу ҳукуқлар ўз ичига маълум тўлов эвазига савдо маркаси ёки фирма номидан фойдаланиш, шунингдек техник ёрдам кўрсатиш, ишчи кучи малакасини ошириш, савдо ва бошқариш бўйича хизмат кўрсатиш соҳаларини олади.

80-йиллардан сўнг жаҳон иқтисодиётида охиридан бошқарув ва маркетинг хизматларини кўрсатиш каби трансмиллий корпорациялар экспансиясини шакли кенг тарқалди. Бошқарув хизматларини кўрсатиш бўйича шартномага кўра, корхонани оператив назорат қилиш маълум тўловлар эвазига бошқа корхонага берилади. Техник хизмат кўрсатиш ҳақидаги шартномага кўра трансмиллий корпорациялар ушбу фирма фаолиятининг қандайдир маҳсус томонига боғлиқ бўлган техник хизматларни амалга оширадилар. Кўпинча бундай шартномалар машина ва ускуналарни ремонт қилиш, “ноухау” дан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар, аварияларни тугатиш ва сифатни назорат қилиш билан боғлиқ бўлади.

Жаҳон иқтисодиётида заводларни “калит остида” топшириш ҳақидаги шартномалар кенг тарқалди. Бунда трансмиллий корпорациялар маълум объектни режалаштириб кўриш учун зарур бўлган барча (асосий ишни) фаолиятни амалга ошириш жавобгарлигини бўйнига оладилар.

Трансмиллий корпорациялар томонидан халқаро бозорларни эгаллашнинг энг муҳим шаклларидан бири хорижда маҳсус инвестицион компаниялар ташкил қилишдир. Бу компанияларнинг вазифаси ТМКнинг шўъба ва ҳамкорликдаги корхоналарининг маҳсулотларини минтақавий бозорларга чиқаришни рағбатлантириш учун уларни инвестициялашдир. Бундай усулдан ҳозирги кунда алкоголсиз ичимликларни сотиш бўйича энг йирик халқаро компаниялар “Пепси-кола” ва “Кока-кола” Африкада фойдаланишмоқда.

Маълумки, трансмиллий корпорациялар замонавий жаҳон хўжалигининг муҳим иштирокчиларига айланиб бормоқда. Саноати ривожланган давлатлар учун айнан ТМКларининг хориждаги фаолияти уларнинг ташки иқтисодий алоқаларинг характеристини белгилаб беради. Бу давлатлар экспортида миллий компанияларнинг узларининг хориждаги филиалларига товар етказиб беришлари ва хизмат кўрсатишларининг улуши каттадир. 80-йилларнинг иккинчи ярмида бундай фирма ичидаги савдонинг улушига АҚШ экспортининг 14-20% и, Япония экспортининг 23-29% и ва ГФР экспортининг 24-28% и тўғри келган эди. ТМК жаҳондаги хусусий ишлаб чиқариш капиталининг 1/3 қисми устидан, хориждаги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг эса 90% ини назорат қиласидилар.

Трансмиллий корпорацияларнинг соҳавий структураси ҳам турли тумандир. Халқаро корпорацияларнинг 60% и ишлаб чиқариш соҳасида, 37% и хизмат кўрсатиш соҳасида 3% и қазиб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида банддир. Американинг “Форчун” журнали маълумотларига қараганда жаҳоннинг энг йирик 500 дан ортиқ корпорацияси ичida 4та мажмуа - электроника, нефтни қайта ишлаш, химия ва автомобилсозлик саноат тармоқлар асосий рол ўйнайди. Улар жаҳон иқтисодиётида ТМКларнинг олиб бораётган ташки савдо фаолиятининг 80%ти ана шу тармоқларга тўғри келади.

Трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий

муносабатлар тизимидағи фаолиятининг яхши томонларини айтганда, уларнинг фаолият кўрсатаётган давлатлар иқтисодиётига салбий таъсирини ҳам айтиб ўтиш лозим бўлиб, улар қуидагилардан иборатdir:

- ТМК фаолият кўрсатадиган давлатларнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишга халақит бериши;
- давлат қонунларини бузиши;
- монопол нархлар ўрнатиши, ривожланаётган давлатларнинг хуқуқини чекловчи шартларга мажбур этиши ва бошқалар.

Хуллас, жаҳон иқтисодиётида ТМКлар хўжаликларо алоқаларнинг ривожига доимо эътибор бериб, ўрганиш ва етарли даражада халқаро назорат талаб қилувчи мураккаб ва доимий равишда ривожланиб бораётган феноменdir.

§ 5.4. Эркин иқтисодий ҳудудлар

XX асрнинг иккинчи ярмида “эркин (маҳсус) иқтисодий ҳудудлар” жаҳон хўжалигининг сезиларли ҳолатига айланди. Эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ) дунёning кўплаб давлатларида кенг ёйилди. 90-йилларнинг ўрталарида дунёда турли хилдаги 4 мингдан ортиқ ЭИХ мавжуд бўлган. Халқаро корпорациялар ўз фаолиятлари учун имтиёзли шароитларни қидириб, ЭИХлардан фойда олиш мумкин бўлган жой сифатида фойдаланишади. Йирик халқаро корпорациялар эркин иқтисодий ҳудудларни ўз ишлаб чиқаришларини ташкил қилишнинг муҳим йўналиши деб ҳисоблайдилар.

Эркин иқтисодий ҳудудлар мамлакатнинг бошқа қисмларида ишлатилмайдиган имтиёз ва рағбатларнинг ўзига хос тизими қўлланиладиган миллий иқтисодий ҳудуднинг бир қисмидир. Одатда ЭИХ жуғрофий жиҳатдан у ёки бу даражада алоҳида ажратиб олинган ҳудуддир.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилувчилар очиқ иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишдаги муҳим босқич сифатида кўришди. Уларнинг фаолият кўрсатиши ташки иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш ва эркинлаштириш билан боғликдир. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг иқтисодиётининг ташки дунёга очиқлигидаги аҳамияти каттадир. Божхона, солиқ ва инвестицион режими эса ташки ва ички инвестициялар учун қулайдир. Амалда эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон капитал хўжалиги миқёсида миграция қилиб юрган капитал учун қопқон ҳисобланади.

Мамлакат ичидаги иқтисодий жараёнларни фаоллаштиришда фойдаланиш учун хорижий капитални жалб қилишдан ташқари саноатда эркин иқтисодий ҳудудларнинг яна учта вазифаси кўрсатиб ўтилади:

- саноат экспортини рағбатлантириш ва шу оркали валюта маблағларини жалб қилиш;
- бандлик даражасини ошириш;
- ҳудудларни хўжалик юритишнинг янги усувларини синаш майдонига, миллий хўжалик ривожланишининг марказига айлантириш;

Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг муҳим сабабларидан бири шундаки, кўпинча давлат иқтисодиётини капитал оқими учун тўлиқ очишни, ўзига хос инвестицион оқимни ҳамма жойда ишлатишни истамайди. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдик, жаҳон бозори билан интеграцияни чуқурлаштириш, халқаро иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида тузилган ҳудудлар (эркин савдо ҳудуди, экспорт ишлаб чиқарилиши, божхона ва бошқа ҳудудлар) билан бирга маълум бир фаолият шакли ва ишлаб чиқариш соҳасини рағбатлантириш учун ташкил қилинган алоҳида режимли маҳсус зоналар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, қолоқ туманларни ривожлантиришни, қолоқ туманларни саноатлаштиришни рағбатлантирувчи маҳсус ҳудудларни кўрсатишимиш мумкин. Шунинг учун эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил қилишнинг сабаблари ва мақсадлари ҳам ўзгача бўлиб, бир-бирига ўхшамаслиги мумкин. Масалан, АҚШ, Буюк Британия каби саноати ривожланган давлатларда эркин иқтисодий ҳудудлар депрессияга учраган туманларда кичик

ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган минтақавий сиёсатни амалга оширишга қаратилган. Ушбу мақсадда тадбиркорларга (кичик ва ўрта) мамлакатнинг бошқа туманларидағига нисбатан кўпроқ фаолият эркинлиги ва шунингдек, сезиларли молиявий имтиёзлар берилади. Худди шу мақсадда ривожланаётган давлатларда ҳам эркин иқтисодий худудлар ташкил топади. Бу эса қолоқ ривожланмаган туманларни динамик равишда ривожланаётган туманларга айлантириш имкониятини беради. (Саноати ривожланган давлатлардан фарқли равишда бу мамлакатларда кўпроқ хорижий капитални жалб қилишга ҳаракат қилинади).

Эркин иқтисодий худудларнинг ташкилий, хукуқий тизими турли-тумандир. Айрим ҳолларда у ёки бу эркин иқтисодий худудни аниқ классификациялаш қийин, чунки улар кўплаб худудларнинг хусусиятларига эга. Россиялик мутахассислар хўжалик ихтисослашувини худудда фаолият кўрсатаётган асосий кўпчилик фирмаларнинг ихтисослашуви бўйича классификациясини ишлаб чиқишиган. Эркин иқтисодий худудлар классификациясидаги марказий ўрин саноатда қайта ишлаш ҳудудларига берилган.

Эркин иқтисодий худудларни ташкил топишида иккита концептуал (худудий ва функционал) ёндашув қўлланилади. Биринчи ҳолатдаги худудда барча резидент корхоналар хўжалик фаолиятида имтиёзлардан кенг фойдаланадилар. Иккинчи ёндашув бўйича эса фирма мамлакатнинг қайси туманида жойлашишидан қатъий назар тадбиркорлик фаолиятининг маълум кўринишлари учун қўлланиладиган имтиёзли режимлардан фойдаланиши мумкин холос. Биринчи ёндашувга мисол қилиб Хитойдаги эркин иқтисодий худудларни, Бразилиядаги “Манаус” худудини, ривожланаётган давлатлардаги экспорт-ишлаб чиқариш ҳудудларини кўрсатиш мумкин. Иккинчи ёндашувга мисол қилиб, оффшор фирмаларни, “дьюти фри” магазинларини кўрсатиш мумкин (4-жадвал).

Эркин иқтисодий худудларнинг энг оддий кўринишларидан бири эркин божхона (божсиз) худудлари (ЭБХ) ҳисобланади. Бу худудлар эркин савдо худудлари каби биринчи авлод худудларига киради. Улар XVII-XVIII асрлардан буён мавжуд. Бу худудларда транзит ёки кассигнацион омборлар, экспортга мўлжалланган товарларни қадоқлаш ва кам миқдорда қайта ишлаш соҳалари киради. Бундай ҳудудлари қўпинча бонд омборлари ёки эркин божхона ҳудудларида ҳам деб аталади. Эркин божхона ҳудудлари товар олиб кириш ва олиб чиқиша бождан озод қилинади.

4 – жадвал

Эркин иқтисодий худудларнинг кўринишлари

I. Савдо	II. Саноат-ишлаб чиқариш	III. Техника киритиш	IV.Хизмат
1. Эркин божхона 2.Банд ҳудудлари омборлари 3. Эркин савдо портлар 4. Эркин савдо ҳудудлари	1.Импорт ўрнини босувчи махсулотлар. 2. Экспортга ишлаб чиқарувчи махсулотлар. 3.Саноат боғлари 4. Илмий-саноат боғлари. 5.Маклодорас (Мексика)	1.Технополис. 2.Технобоғ. 3.Янги ва илфор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари.	1.Оффшор зоналар. 2.Молиявий марказлар. 3.Банк хизматлари ҳудуди. 4.Туризм хизматлари ҳудуди. 5.Экобоғлар
V. Мажмуавий			
VI. Халқаро			

Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ) ҳам дунёда кенг тарқалган бўлиб, 1934 йилдаги махсус қонун қоидалар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Эркин савдо ҳудудлари АҚШда энг кўп ривож топган. ЭСХларнинг мақсади ҳалқаро савдони рафбатлантириш, савдо операцияларни тезлаштириш, савдо ҳаражатларни камайтиришдан иборатdir. АҚШ қонунчилигига ташки иқтисодий фаолиятда нисбатан имтиёзлар ўрнатилган. Қонунда ҳар бир расмий порт қошида

камиди битта эркин ташқи савдо худуди ташкил қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган. АҚШ қонунчилигига мувофиқ мамлакат худудидаги эркин савдо худудлари умумий ва маҳсус (субхудуд) худудларга бўлинади. Умумий худудлар кичик худудда (бир неча кв. км.) жойлашиб ва миллий бож худудидан ташқарида бўлади. Уларда киритилган товарларни омборларга жойлаштириш ва қайта ишлаш ишлари амалга оширилади (қадоклаш, сортларга ажратиш ва х.к.).

Субхудудлар фаолияти умумий худуддан ташқарига чикувчи алоҳида йирик компаниялар учун ташкил қилинади. Субхудудларда экспорт учун ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилади. 90-йилларнинг ўрталарига келиб АҚШда 500дан ортиқ эркин савдо худудлари фаолият кўрсатган эди.

Оддий эркин савдо худудлари қаторига йирик халқаро аэропортлардаги маҳсус “дьюти фри” магазинларини ҳам киритиш мумкин. Сиёсий режим нуқтаи назаридан улар давлат чегараларидан ташқарида деб ҳисобланади. Эркин савдо худудлари қаторига имтиёзли ҳолатга эга бўлган анъанавий эркин портларни ҳам киритиш мумкин.

Саноат ишлаб чиқариш худудлари иккинчи авлод худудлари бўлиб ҳисобланади. Улар эркин савдо худудларига фақат товар эмас, капитал ҳам олиб кирилиши ва шунингдек уларда фақат савдо билан эмас, ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланилиши оқибатида вужудга келган эди. Саноат ишлаб чиқариш худудлари маҳсус бож режимига эга бўлган худудларда ташкил қилинади. Уларда экспорт учун ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилади. Бу худудлар солиқ ва молиявий имтиёзларга эга бўлади.

Экспорт ишлаб чиқариш худудлари (ЭИЧХ) айниқса ривожланаётган давлатларда кенг тарқалган. Бундай худудларнинг замонавий модели 1959 йилда Ирландиянинг Шенон аэропортида ташкил қилинган худудий тизимга асосланади. Бундай худудлардан “янги индустрисл давлатлар” энг катта самара кўрмоқда. Экспорт ишлаб чиқариш худудларини ташкил топиши мантиқан олганда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ. 50-60-йилларда ривожланаётган мамлакатларда саноат экспортини рағбатлантириш ва хорижий капитал оқими ёрдамида бандлик даражасини ошириш заруряти туғилган эди.

Жаҳон иқтисодиётида техника киритиш худудлари учинчи авлод худудлари ҳисобланади (70-80-йиллар). Улар стихияли тарзда ёки маҳсус давлат ёрдамида йирик илмий марказлар атрофида ташкил топиши мумкин. Уларда ягона солиқ ва молиявий тизимдан фойдаланувчи миллий ва хорижий тадқиқотчилар, лойихачилар, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари фаолият кўрсатади. Ҳозирги кунда техника киритиш худудлари асосан, АҚШ, Япония, Хитойда фаолият қўрсатмоқда. АҚШда уларни технопарклар, Японияда-технополислар, Хитойда-янги ва илғор технологиялар худуди деб юритилади.

Жаҳоннинг энг машҳур ва АҚШдаги энг йирик “Силикон Вэлли” номли технопарк жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ҳисоблаш техникаси воситалари ва компютерларни 20%ини бермоқда. АҚШда ҳозирги кунда 80дан ортиқ бундай худудлар мавжуд. Японияда маҳсус хукумат дастурлари доирасида илғор илмий ташкилотлар асосида йигирмага яқин технополислар ташкил қилинган. XXРда ҳам бундай худудлар давлатнинг илмий – техникани ривожлантириш режаларини амалга ошириш пайтида ташкил топди. Хуллас, 90-йилларнинг ўрталарида Хитойда 50дан ортиқ янги ва илғор технологияларни ривожлантириш худудлари фаолият кўрсата бошлаган эди.

Жаҳон иқтисодиётида турли молиявий, иқтисодий, сұғурта ва бошқа соҳалар бўйича хизматлар кўрсатувчи фирма ва ташкилотлар учун тадбиркорлик фаолиятининг имтиёзли шароитлари яратиладиган худудлар сервис худудлар деб аталади. Сервис худудлар қаторига оффшор худудлар (ОХ) ва солиқ гаванлари (СГ) киради. ОХ ва СГлар тадбиркорларни қулай валюта-молия ва фискал шароитлар, банк ва тижорат сирларининг яхши сақланиши ва давлат бошқарувининг камлиги билан ўзига жалб қиласди.

Оффшор худудда рўйхатга олинган солиқ ва бошқа имтиёзларга бўлган компанияларга қўйиладиган асосий талаб - оффшор марказ жойлашган давлатнинг резиденти бўлмаслик ва бу давлатнинг худудида даромад олмаслиkdir. Солиқ гаванларининг оффшор

худудлардан фарқи шундаки, у ердаги фирмалар (хорижий ва маҳаллий фирмалар ҳам) фаолиятнинг барча турлари ёки шуғулланишда имтиёзларга эга бўладилар. Ҳозирги кунда жаҳонда 300 дан ортиқ оффшор марказлар мавжуд бўлиб, улардан 70таси солик гаванлари хисобланади.

Оффшор компаниялар фаолият кўрсатаётган давлатлар қаторига Лихтенштейн, Панама, Нормандия ороллари, Мэн ороллари (Британия), Антил ороллари, Гонконг, Мадейра, Либерия, Ирландия, Швейцария ва бошқалар киради. Охириги ўн йилликларда Буларга Мальта, Маврикий, Фарбий Самоа, Истроил, Малайзия (Лабуан ороли) ва бошқа давлатлар ҳам қўшилган эди.

Оффшор худудлардаги саноат, савдо, банк сугурта ва бошқа компаниялар умуман соликка тортилмайди (Ирландия, Либерия) ёки кичик миқдордаги соликлар тўлайди (Лихтенштейн, Антил ороллари, Панама, Мэн ороли ва бошқалар) халос. Масалан, Швейцарияда оффшор бизнесга нисбатан кам солик миқдори белгиланган. Бу солик маълум ҳолатларда умуман тўланмаслиги ҳам мумкин. Шунингдек оффшор худудлар валюта чеклашларининг йўқлиги билан, даромадни олиб чиқиш эркинлиги билан, хорижий инвесторлар учун божларнинг йўқлиги билан ҳам ажралиб туради. Оффшор худудларни ташкил қилувчи давлатлар қўшимча хорижий капитал жалб қилиш, рўйхатга олинган корхонадан фойда олиш, маҳаллий мутахассислар учун қўшимча иш жойлари ташкил қилиниши орқали фойда кўрадилар.

Одатда, оффшор бизнес банк сугурта иши, денгиз кемачилиги, кўчмас мулк операциялари билан трест фаолияти, экспорт-импорт операциялари билан консалтингда жамланади. Маълумотларга кўра ҳозирги кунда оффшор бизнесда банд бўлган капитал 500 млрд.АҚШ долларини ташкил этиб, унда қарийб 2 млн. киши қатнашган. Ҳар йили бир неча минглаб янги оффшор бизнесга оид компаниялар рўйхатга олинади.

Мажмуавий худудлар алоҳида бир маъмурий районлар худудида хўжалик юритиши режимига нисбатан алоҳида, имтиёзли режим ўрнатиш йўли билан ташкил қилинади. Уларга Хитойнинг 5та маҳсус иқтисодий худудларини, Бразилиядаги “Манаус” худудини, Аргентинанинг “Оловли ер”ни, саноати ривожланган давлатларнинг кам ривожланган худудларидаги эркин тадбиркорлик худудларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Турли кўринишдаги эркин иқтисодий худудларнинг ўхшаш томонларидан бири тадбиркорлар учун молиявий ва божхона, солик имтиёzlари, шунингдек умумий режимга нисбатан устунликларга эга бўлган қулай инвестицион иқлимни мавжудлигидадир. Турли кўринишдаги ЭИХда имтиёз ва рағбатлантиришлар ўзларининг баъзи жиҳатлари билан фарқ қиласи. Бундай имтиёзларни тўртта асосий гурӯхга ажратиб ўрганиш мумкин:

- Ташки савдо имтиёzlари. Бунга алоҳида божхона-тариф режими кириб (экспорт-импорт божларини камайтириш ёки бекор қилиш) унда ташки савдо операцияларини амалга ошириш тартиб) лари соддалаштирилади.

- Солик имтиёzlари. Бунда фаолиятнинг маълум кўринишлари солик имтиёzlари орқали рағбатлантирилади. Бу имтиёzлар солик базаси (даромад, мулк киймати ва х.к.лар) ва шунингдек унинг таркибий қисмлари (амортизация ажратмалари, иш ҳақига ҳаражат, транспорт), соликка тортилишдан доимий ёки вақтинчалик озод қилинади.

- Молиявий имтиёzлар. Ўз ичига турли шаклдаги субсидияларни олади. Уларга коммунал хизматларнинг арzonлиги, ер майдонлари ва ишлаб чиқариш бинолари учун ижара ҳакини камайтириш, имтиёzли кредитлар киради.

- Маъмурий имтиёzлар. Бунга корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хорижий фуқароларни кириб-чиқишиларини енгиллаштириш, шунингдек хизматлар кўрсатиш мақсадида маъмурият томонидан маҳсус худудларни ажратилиши киради.

Эркин иқтисодий худудлар ташкил қилишининг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг умумий ютуқлари ва хусусиятларини шунингдек ривожланишининг ўзига хос томонлари ҳақида маълум бир холосалар чиқаришга имкон беради. Саноати ривожланган давлатлардаги эркин иқтисодий худудларнинг муваффақияти уларнинг яхши режалаштирилганлигига ва бошқарув тизимининг мослашувчанлигига боғлиқдир. Жаҳон

хўжалигидаги иқтисодий ҳолатларнинг ўзгариб туриши эркин иқтисодий худудларни ривожланишига таъсир кўрсатиб, уларга мос жавоб қайтаришни талаб қилади.

Эркин иқтисодий худудларни ташкил қилиниши ижтимоий-иктисодий жиҳатдан фойдалидир. Бу худудлар кўплаб иш ўринлари ташкил қилишда, халқаро товар айирбошлишни жонлантиришда, ташқи савдо натижаларини яхшилайди, илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган давлатлардаги эркин иқтисодий худудлар бир қатор ўхшашликларга эга бўлиб, улар қўйидагилардан иборат. Биринчидан, бу давлатларда экспорт учун ишлаб чиқариш худудлари (ЭИЧХ) кенг тарқалган. Юқорида айтилганидек, ЭИЧХ ташкил қилишга қатор иқтисодий сабаблар, авваламбор, экспорт учун саноат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакатга хорижий капитал, илғор фан ва техника, замонавий техник ахборотларни жалб қилиш зарурияти туртки беради. Иккинчидан, эркин иқтисодий худудлардаги хўжалик юритиш режими хорижий ишбилиармонлар учун эркинроқ ва имтиёзли бўлади. Бу эркин иқтисодий худудлар орасида халқаро рақобатнинг кучайиши билан боғлик бўлган жараёнлардан келиб чиқади. Учинчидан, эркин иқтисодий худудлар фаолиятида товар-саноат диверсификацияси рўй беради. Замонавий ИТИ янги ва юқори технологик ишлаб чиқиши билан боғлик бўлган илмталаб ишлаб чиқариш жамланган эркин иқтисодий худудларни илғор ўринларга олиб чиқади.

Ривожланаётган давлатлар орасида Хитойдаги эркин иқтисодий худудлар ҳозирги кунда сезиларли ривожланиб бормоқда. 80-йилларнинг бошида маҳсус эркин иқтисодий худудларга бирлашган кичик-кичик худудлар Хитой хукуматини 90-йилларнинг бошларига келиб йирик эркин иқтисодий худудларга айланган давлатлардан бири бўлиб қолишига сабаб бўлди. Мамлакатда ва хорижда машҳур бўлган эркин иқтисодий худудлар “Шеньчжен”, “Чжухай”, “Сямень”, “Шаньтоу”, “Хайнань”дан ташқари техник-иктисодий худудлар (20 дан ортиқ) ва янги юқори техникани ривожлантириш худудлари - технопарклар ҳам сезиларли ривожланган. Хитойдаги “Пудун” иқтисодий ривожланиш худуди бир неча ўн йиллар мобайнида Шанхайни Осиё-Тинч океани миңтақасидаги йирик савдо ва молиявий марказга айлантирган эди.

Хитойда эркин иқтисодий худудларни ташкил топиши хукумат томонидан 70-йиллар охирида эълон қилинган Очик ташқи иқтисодий сиёсатнинг натижасидир. Эркин иқтисодий худудларни ривожлантириш моделини танлашда Хитой раҳбарияти хорижий тажрибаларини эътиборга олди. Сингапур, Тайвань ва АҚШ тажрибаларига алоҳида эътибор берди. Эркин иқтисодий худудларни ташкил қилишнинг бир неча вариантлари ишлаб чиқилди. Натижада экспортга ва шунингдек хорижий капитални жалб қилишга, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилашга йўналтирилган ЭИХ модели танлаб олинди. Маҳсус иқтисодий худудлар “Очиқ эшиклар” сиёсатини амалга оширган ҳолда, мамлакатнинг бошқа туманларини боғлаб турувчи ролни ўйнай бошлади.

90-йилларнинг бошида XXРнинг денгиз порт шаҳарларида, маҳсус иқтисодий худудлар – эркин божхона худудлари (эркин (божсиз) савдо худудлари) вужудга кела бошлади. Хитойлик мутахассисларни фикрича эркин божхона худудлар бошқа хорижий давлатлардаги эркин божхона худудлардаги моделлар бўйича ривожлантирилган. Хуллас, Хитойдаги маҳсус иқтисодий худудлар ва шунингдек бошқа имтиёзли инвестицион иқлимдаги районлар фаолиятининг амалиёти шубҳасиз муваффақиятга эришди. Хитойлик ва хорижий мутахассислар ЭИХ лар эришган ютуклар қаторига аввалом бор барқарор иқтисодий ўсиш суръати, худудларга кўп микдорда хорижий инвесторларни жалб қилинишини, меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада ўсишини ва ниҳоят, аҳолини турмуш тарзи даражасини ўсишини ва ҳ.к.лар киритишади.

Хитойдаги маҳсус эркин иқтисодий худудлар умуман олганда давлат мулки устунлик қилган ҳолатдаги бозор муносабатларидан фойдаланиш бўйича тажрибадир. Маълумки, бирданига бозор иқтисодиётига ўтиш халқ учун ва миллий иқтисодиёт учун жиддий қийинчиликлар туғдириши мумкин шунинг учун ҳам Хитой хукумати томонидан қабул қилинмади. Хитойлик иқтисодчиларнинг айтишларича Хитойнинг маҳсус иқтисодий

худудлари XXI асрда Хитой яшashi лозим бўлган иқтисодий моделларни синаб кўриш полигони бўлиб фаолият кўрсатган.

Жаҳон иқтисодиёти эркин иқтисодий худудларлар турли давлатларнинг алоҳида районлари ижтимоий-иктисодий, ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасининг ривожланиши учун хорижий капитал жалб қилиш ёки маҳаллий кичик ва ўрта бизнес фаолиятини жонлантиришдаги ролига асос бўлолмайди. Эркин иқтисодий худудларнинг фаолияти мамлакатнинг бошка худудига таъсири жуда чекланган ҳолда қолмоқда. Саноати ривожланган мамлакатларда эса бундай масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тадқиқотларга қараганда, эркин иқтисодий худудларга хорижий капитал жалб қилишга кетадиган ҳаражат ўрта ҳисобда 1 доллари хориж капиталининг 4 долларига тўғри келади. Масалан, 80-йилларнинг охиридаги XXРнинг 4 та ЭИХларидаги хорижий капитал 4 млрд. долларни ташкил қиласа, Хитойнинг ўзи киритган маблағлари эса 22 млрд. долларни ташкил қиласа. Шундай қилиб амалда Хитойда ЭИХларнинг инфраструктураси марказий давлат маблағлари ҳисобига вужудга келтирган. Хуллас, эркин иқтисодий худудлар жаҳон иқтисодиётида нафақат муваффақият муваффақиятсизликка ҳам учраши мумкин. Масалан, Шри Ланка, Гватемала, Либерия, Сенегал ва бошқа давлатларда турли кўринишдаги эркин иқтисодий худудлар нафақат муваффақиятсизликка учраган эди, балки умуман ўз фаолиятини тўхтатган эди. Бунинг асосий сабаблари қилиб сиёсий, иқтисодий ва ташкилий сабабларни кўрсатиши мумкин. Сиёсий сабабларга мамлакатдаги умумий сиёсий бекарорлик фуқаролар ўртасидаги келишмовчиликлар ва бошқалар кирса, иқтисодий сабабларга энг авваломбор, эркин иқтисодий худудлардаги жуда мураккаб инвестицион режим ҳақидаги қонунчилик киради. ЭИХлардаги бюрократик башқарув ва шунингдек инвесторларни рўйхатга олишдаги бюракратик процедураларнинг мавжудлиги, рекламанинг сустлиги ва ҳ.к.лар ҳам эркин иқтисодий худудлар тақдирига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Таянч иборалар: капитал миграцияси, портфель инвестициялар, тўғри инвестициялар, ТМК, оффшор худудлар, “дьюти фри”, янги технологиялар киритиш худудлари.

Бобнинг қисқача хуносаси:

Капитални хорижга чиқариш, унинг давлатлар орасида фаол миграцияси замонавий жаҳон ҳўялиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим кўринишларидан биридир. Капитал олиб чиқиш жаҳон ҳўялигининг чўкур ривожланиши даврида ривож топиб келаётган тавор олиб чиқиш монополиясини инқизорзга учратмоқда. Товар олиб чиқишини тўлдирувчиси ва унинг воситачиси бўлиб капитал олиб чиқиш халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида аниқловчи омилга айланиб бормоқда.

Жаҳон капитал бозорининг замонавий кўриниши асосан XIX асирнинг охири XX асирнинг бошларида шаклланди. Яъни, бу даврда капитални эчки муомаладан олиб (асосан ТМКлар орқали) максимал даражада фойда олиш мақсадида хорижга чиқариш учун шартшароит етилди. Жаҳон иқтисодиётида ривожланган капитал бозорларини молиявий ресурслар билан таъминлашда Жаҳон Банки ва унинг бўлимлари муҳим роль ўйнамоқда. Халқаро капитал миграциясини ривожида ЭИХ ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Назорат учун саволлар:

4. Капитал миграциясининг асосий сабабларини тавсифлаб беринг.
5. Капитал миграциясига таъсир кўрсатувчи омилларни кўрсатинг.
6. Халқаро капитал бозорларида рўй бераётган ўзгаришларни характерлаб беринг.
7. Трансмиллий корпорацияларни тавсифлаб беринг.
8. ТМКларни жаҳон бозорларига кириб бориш усувларини очиб беринг.
9. ЭИХларнинг қандай шаклларини биласиз.
10. Эркин садо худудлари қаерларда ташкил қилиниши мумкин.
11. Ўзбекистон Республикаси худудида ЭИХ ташкил этиш истиқболларини

характерлаб беринг.

Адабиётлар:

- Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т. Ўзбекистон,. 1999.
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
- Спиридонов.И.А Мировая экономика . Учебное пособие . М., 2002
- Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. С.-П., 2003 .
Бўлатов А.С. Мировая экономика.М ., Учебник. 2003
- Киреев А. Международная экономика. Часть 1.М ., 2004 .
- Киреев А. Международная экономика. Часть 2 М ., 2004 .
- Кругман П..Международная экономика. 5-е изд. Питер, 2004.
- Ломакин В. Мировая экономика. Учебник. М.,1998,2002, 2004 .
- Шодиев Р.Х. Жоҳон иқтисодиёти . Т.,2004
- Назарова Г.Ғ.,Халилов.Ҳ. ва бошқалар. Жоҳон иқтисодиёти.Ўқув қўлланма .Т.,2005
- Назарова Г.Ғ.Ҳайдаров .Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма.Т.,2005

6-боб. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида чет эл инвестицияларининг роли

§ 6.1. Ўзбекистон Республикасининг инвестицион мухити

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича давлат сиёсати республика иқтисодиётининг устувор тармоқларида тузилмавий ўзгаришларнинг кучли қуроли бўлиб хисобланади. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов,-“Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, экспорт ривожи, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашнинг муҳим шарти бўлган хорижий инвестициялар, аввалобор, хусусий сармояларни жалб этиш, бунинг учун тегишли инвестицион мухит ва инвесторлар учун кафолатлар яратиш бу борада, айниқса, катта аҳамиятга эга” - деган эди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида чет эл инвестицияларининг ҳиссаси ошиб бормоқда. Агар 1993 йилда чет эл инвестициялар умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг факат 0,8 %ини ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 20,3 %ни ташкил этган эди.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида қулай инвестицион мухит яратилиб, хорижий инвесторлар учун кенг хукуқий кафолатлар ва имтиёзлар тизими ишлаб чиқилган. Бундан ташқари чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у ўз ичига қўйидагиларни олади:

- умумий чоралар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестицион дастурига киритилган лойиҳалар учун имтиёзлар;
- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторлар иштирокини рағбатлантириш;
- техник – технологик қайта жиҳозлаш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг қулай инвестицион мухити қабул қилинган бир қатор хукуқий ҳужжатларга - “Хорижий инвесторларнинг хукуқларини ҳимоялаш кафолатлари ва чоралари тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантиришлар ва имтиёзлар тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулоти экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги Фармонлари ва қонунларига асосланади. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, “Хорижий инвесторларга кафолатлар тўғрисида”ги қонунда шунингдек чет эл инвестицияларини улар киритилган вақтдан бошлаб 10 йил мобайнида қонунчиликда инвестициялаш шароитларини ёмонлаштирувчи ўзгартиришлардан ҳимоялаш ишлари назарда тутилган.

Хорижий инвестор Ўзбекистон Республикасида қўйидаги йўллар билан инвестицион фаолиятни амалга ошириши мумкин:

- Ўзбекистон резидентлари - хукуқий ва жисмоний шахслар билан биргалиқда ташкил этилган компаниялар, банклар, трестлар, картеллар, бирлашмалар ва бошқа корхоналардаги улуши билан иштирок этиш йўли билан;
- 100%ли чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналар тузиш йўли билан;
- портфель инвестициялари - Ўзбекистон компаниялари томонидан чиқарилган акциялар, облигациялар, ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сертификатларини ҳарид қилиш йўли билан;
- ер ости ва ер усти фойдали қазилмаларидан фойдаланишга тегишли (концессия) хукуқларини ўз ичига олувчи ер ва кўчмас мулкни тўла ёки қисман сотиб олиш йўли билан.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари фаолият кўрсатаётган корхоналар қўйидаги солиқ имтиёзларига эга:

- чет эл инвестициялари Давлат инвестицион дастуридаги лойиҳалар қаторида амалга оширилса - 7 йил муддатга даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод этилади;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 25%и болалар учун ишлаб чиқарилаган товарларни ташкил этса - ишлаб чиқариш йўлга қўйилган вақтдан бошлаб 5 йил

муддатга даромад (фойда) солигидан озод этилади;

- низом жамғармасининг 50%дан кам бўлмаган қисми чет эл инвестицияларидан иборат ва шунингдек компания экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарса - ишлаб чиқариш йўлга қўйилган вақтдан бошлаб 2 йил муддатга даромад (фойда) солигини тўлашдан озод этилади;
 - компания ўз маҳсулотининг (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг 30% дан кам бўлмаган қисмини экспорт қилса - даромад (фойда)га солиғи 50%га камайтирилади;
 - компания ўз маҳсулотининг (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмини 15% дан 30% гача қисмини экспорт қилса - даромад (фойда) солигини 30%га камайтирилади;
 - компания қишлоқ худудида ташкил этилган бўлса - ишлаб чиқариш йўлга қўйилган вақтдан бошлаб 3 йил муддатга даромад (фойда)га солиқ тўлашдан озод этилади ва кейинги 2 йил мобайнида ушбу солиқ 50%га камайтирилади;
 - компания ўз маҳсулотини (ишлар, хизматлар) сотувидаги умумий ҳажмининг 50% дан кам бўлмаган қисмини экспорт қилса - мулк солигидан озод этилади;
 - компания ўз маҳсулотини (ишлар, хизматлар) сотувидаги умумий ҳажмининг 25%дан 50% гача қисмини экспорт қилса - мулк солиғи 50%га камайтирилади;
 - компания ўз маҳсулотини (ишлар, хизматлар) сотувидаги умумий ҳажмининг 15%дан 25% гача қисмини экспорт қилса - мулк солиғи 30%га камайтирилади;
 - ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғуланаётган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона ер солиғи тўлашдан 2 йилга озод этилади;
 - иш хақи фондига чекловлардан озод қилинади;
- қайта ташкил этилган корхоналар қайд этилган вақтдан бошлаб 2 йил мобайнида мулк солиғи тўлашдан озод этилади.

2002 йил учун даромад (фойда) солигининг умумий ставкаси 24 % миқдорида белгиланган. Ушбу ставка Республикамизда йилдан-йилга камайиб бормоқда. Ўзбекистонда низом жамғармасининг 50% ва ундан ортиқ қисмини чет эл инвестицияларидан иборат ишлаб чиқариш корхоналари учун даромад (фойда) солиғи ставкалари корхона низом жамғармасига қараб қўйидагича белгиланади:

- 300 минг АҚШ долларидан 1 млн. АҚШ долларигача эквивалент миқдордан бошлаб 20% солиқ ставкаси;
- 1 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган эквивалент миқдордан бошлаб 16%.

Бундан ташқари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар даромаднинг 60%дан ортиқ қисмини ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлар сотишдан олса, у чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхонаси хисобланади. Бундай корхоналар турига солиқ, божхона ёки бошқа имтиёзлар берилади. Агар чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ишлаб чиқаришида камида 70% маҳаллий ускуна ва материаллардан фойдаланса, қўйидаги пасайиб борувчи даромад солиғи ставкаси коэффициентлари қўлланилади:

70%дан кам - 0,70;
70%-80% - 0,80;
80%-90% - 0,75;
90%дан юқори - 0,70.

Ўзбекистонда ер ости бойликларини ишлаб чиқариш ва қидириш ишларини амалга оширувчи чет эл компаниялари учун энг қуляй шароитлар режими берилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

- маълум худудда қидириш ва разведка ишларини олиб бориш, аниқланган ҳар қандай фойдали қазилмаларни концессия ёки маҳсулотни бўлиш шартларида қўшма корхоналар тўзиш йўли билан қазиб чиқариш хуқуқи;
- саноат аҳамиятига эга ресурслар топилмаган тақдирда қидириш ва разведка ишларини давом эттириш учун янги худудларни бериш хуқуқи;
- қўшма корхоналар таъсис хужжатлари ёки концессия шартномасида қўзда тутилган қазиб олинган углеводородлар, шунингдек улардан қайта ишланган маҳсулотлар бир

қисмига эгалик қилиш ва тўсиқсиз олиб чиқиши ҳукуки.

2005 йилнинг 11 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Фармони эълон қилинди. Ушбу фармонга мувофиқ Республикамиздаги ортиқча ишчи қучига эга бўлган, ҳамда узоқ қишлоқ аҳоли пунктларидаги хорижий инвестицияларни жалб қилган корхоналар учун 3 йилдан 7 йилгача турли солиқлардан озод қилиш бўйича имтиёзлар берилди.

§ 6.2. Миллий иқтисодиётда чет эл капиталининг аҳамияти

Чет эл инвестициялари – капитал экспорти қилувчи мамлакатларнинг импортёр мамлакатларнинг иқтисодий субъектлари ҳамда қўшма корхоналарнинг реал ва молиявий активларига киритган маблағлардир. Чет элдан инвестициялаш капитал оқимининг бир иқтисодиётдан бошқасига чиқиб кетишини билдиради, бойликларни янада фойдалироқ шартларда жойлаштириш ва инвестициялар чет эллик капитал эгасига қайтишига қадар нисбатан узоқ вақт давомида маблағлар оқимини таъминлаш мақсадларини назарда тутади. Уларга оқиб ўтиш, қочиш, яъни мамлакатлараро кўчиб юриш хосдир.

Ҳукукий нуқтаи назардан улар ўзларининг миллий ҳукукий шароитларини қабул қилувчи мамлакатнинг ҳукукий шароитларига алмаштирадилар. Чет эл инвестициялари моҳият жиҳатидан ўз миллий инвестиция мухитини ўзга мухитга алмаштиради. Хавфсизлик, дароматдорлик, капиталлашувдан ташқари чет эл инвестицияларининг ўзига хос мухим белгиси аниқ мақсадларни кўзлайди. Шу сабабли, ўзаро манфаатларнинг мос тушиши, ишончли муносабатлар, кириб бориш шароитларини ҳисобга олиш инвестицияларнинг бир мамлакатдан бошқасига қўчишининг асосини ташкил этади.

Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли равишда мамлакат, валюта, миллийлаштириш, реквизиция каби қўшимча таваккалчиликка тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади. Демак, чет эл инвестицияларининг риск доираси анча кенгdir.

Хорижий инвестициялар капитални қулайроқ жойлаштириш ҳамда узоқ муддат давомида ундан фойда кўриш мақсадида экспорт қилувчи мамлакатларнинг капитал қабул қилувчи мамлакатларнинг реал ва молиявий активларига қўйилишини билдирган ҳолда бир иқтисодиётдан иккинчисига ўтаётган капитал оқимиdir.

Ўзбекистон учун бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида бевосита чет эл инвестицияларини жалб этиш воситалари ишлаб чиқарадиган базавий саноат тармоқларда янги қўшма корхоналар барпо этиш орқали жалб қилиш маъқулроқ. Бу билан янги технологияларни, интеллектуал потенциални ва менежментни ривожлантириш таъминланади, бунинг учун инвестиция мухитини яхшилаш, қўшма корхоналарни ташкил қилишда ва янги лойиҳаларга бевосита чет эл инвестиция оқимини ҳар томонлама рағбатлантириш, қонун хужжатларини такомиллаштириш керак.

Чет эллик инвесторларни биз учун керакли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига киритиш, рағбатлантириш керак. Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий қайта қуриш тубдан янгилашни, мавжуд техника жиҳозларини алмаштиришни, янги технологиялар сотиб олишни, юқори малакали кадрлар тайёрлашни, илғор тажрибаларни жалб қилишни талаб этади.

Хорижий инвестицияларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг мамлакатлараро кўчиши, фақат ўз мақсадини кўзлаши, амал қилиш шароитларининг ўзгариши, анча қулай шартлар билан қўйилиши, ишонч қозониши ҳисобланади. Демак, чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъектларининг капиталини бошқасига боғлаб қўйиш бўлиб, бунинг натижасида мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради. Хорижий тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бевосита чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг салбий томонлари ҳам бор. Чет эл корхоналарининг салбий томонлари – ички бозорни бошқариш имкониятлари, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви оқибатида кўплаб чет эл валютасининг чиқиб кетишидир.

Бевосита чет эл инвестициялари экспортёр мамлакатнинг ишлаб чиқариш капиталини уни қабул қилувчи мамлакатда бевосита товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш мақсадларида киритишдан иборат. Бундай инвестициялар корхоналар акциялари умумий ҳажмининг 10-25 %дан ортиқ бўлмайдиган назорат пакетини сотиб олиш шаклида ёки ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ёхуд кўшма корхона акцияларининг камидаги 25 %ини (АҚШ ва Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт банки статистикаси бўйича эса камидаги 10%) сотиб олинганда бевосита инвестициялар хисобланади.

Барча ҳолларда ҳам бевосита чет эл инвестициялари (БЧИ) капитал экспортёrlарига инвестициялаш обьектининг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришда самарали қатнашиш имкониятларини яратади. Улар ўз эгасига мамлакат чегараларидан ташқарида инвестициялар киритган фирмалар ва корхоналар устидан назорат ўрнатишни таъминлайди, монополияларга қўйилган тўсикларни бартараф этиш, ўз маҳсулоти экспортини кенгайтириш, ҳом ашё ва энергия манбалари устидан назорат ўрнатиш, анча арzon ишчи кучидан фойдаланиш имкониятларини беради.

Тадбиркорлик капитали оқимларида ривожланган илмталаб тармоқларга киритиладиган маблағлар, ҳом ашё манбалари билан ёнма-ён жойлашадиган корхоналарга киритиладиган маблағлардан устунлик қиласди. Табиийки, чет эллик инвесторларни, аввало, арzon манба салоҳияти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича маблағларнинг тежалиши, юқ ташиш ҳамда меҳнат ресурслари ҳаражатларининг қисқариши қизиқтиради. Ресурслар потенциалидан ташқари, уларнинг инвестиция муҳити, хусусийлаштириш ва ислоҳотларининг бориш жараёни, лойиҳаларни молиялаштиришда ўз капиталининг қанчалик қатнашиши, давлатнинг айирбошлиш курсини назорат қилиши ҳамда унинг барқарорлигини қўллаб-қувватлаши ҳам қизиқтиради.

Капиталга бўлган талаб ва таклиф банк фоиз сиёсати билан тартибга солинади. Банк фоиз ставкасидан фарқ қилган ҳолда инвестициялардан тушадиган натижа қанчалик юқори бўлса, инвестицияларга талаб шу қадар кўпроқ бўлади. Бу эса ўз навбатида инвестицияларни молиялаштиришнинг манбай тарзида банк кредитига талабни янада оширади. Банк кредитига талабнинг кўтарилиши фоиз ставкаларининг янада кўтарилишига олиб келади.

Республикада кўп укладли хўжалик иқтисодиётни шакллантириш шароитида инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

- ижтимоий ва хусусий манфаатларни;
- айрим мамлакатларни, корпорацияларни, ҳалқаро молия институтларини, - инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлаш;
- уларнинг ўзаро мақбул нисбатларини тўғри аниқлаш;
- уларнинг ҳуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилаш ва бошқалар.

Маълумки, чет эллик инвесторлар ўз инвестицияларини киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди, биринчи навбатда ўзларининг манфаатлари ва мақсадларини хисобга олади. Ўзбекистонда чет эл инвестициялари давлат томонидан қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Инвестициялашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ишлаб чиқилган ҳалқаро шартномаларнинг тамойилларига мувофиқ белгиланган. 2003 йилнинг 9 ойида молиялаштиришнинг ҳамма манбалари хисобига инвестиция ҳажми 1129,8 млрд. сўмни ташкил қилди (бу 2002 йилга нисбатан 2,8 % кўпдир). Саноат тармоқлари тизимидағи инвестициялар таркибида металлургия улуши-16 %дан 19,3 %га, енгил саноат - 10,9 %дан 18,2 %га, кимё ва нефт-кимё - 8,9 %дан 9,8 %га ошди. Бу асосан ташқи, яъни чет эл инвестицияси хисобига бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати иқтисодиётда, айниқса унинг устувор тармоқларида саноатлаштириш ва замонавийлаштириш борасидаги сиёсатни амалга оширишда бевосита хорижий инвестицияларни рағбатлантириш сиёсатини ёқлайди. Кулай инвестицион иқлим мамлакат тармоқларида тузилмавий ўзгаришларни тез амалга ошишига, хорижий инвестициялар ҳажми ошишига ёрдам бермоқда. Ўзбекистон Республикасида реал

иктисодий тармоқларга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 12 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетган эди.

Ўзбекистонда инвестицион сиёсатнинг ривожлантиришни асосий омилларидан бири – Давлатнинг инвестицион дастуридир. Ушбу дастурнинг асосий мақсади инвестирларни манбаатлари ва интилишларини мувофиқлаштириш ва шунингдек улар учун имтиёзли режимлар жорий этилган соҳаларни аниқлашга қаратилган. Давлат Статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2003 йилнинг 9 ойи мобайнида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг (ЧИИК) ташқи савдо айланмаси 1013,6 млн. АҚШ долларини, шу жумладан экспорт ҳажми - 409 млн. АҚШ долларини (республика экспортининг 15,6 %), импорт ҳажми - 604,6 млн. АҚШ долларини (республика импортининг 28,7 %) ташкил этди. ЧИИК экспорти 2002 йилга нисбатан 26,2 % га кўпайди. Инвестицияларнинг узоқ хорижий мамлакатларга йўналтирилган қисми 21,7 % га ўсиб, 294,5 млн. АҚШ долларини, яқин хориж мамлакатларига йўналтирилган қисми 39,8 %га кўпайиб, 114,5 минг АҚШ долларини ташкил этди. Хуллас, республиканинг жами экспортида ЧИИК экспорти улушкининг кўпайиш тенденцияси кузатилади. Агар 1998 йилда бу кўрсаткич 9,7 %ни ташкил этган бўлса, 2003 йилнинг 9 ойи ичida эса 15,6 %га етган эди. ЧИИКнинг ташқи савдо фаоллиги ҳозирги кунда етарли даражада ривожлангани йўқ, уларнинг ўртacha 29%и экспорт-импорт фаолияти билан шуғулланади, холос. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг, энг катта қисми- (80%га яқини) Тошкент шаҳри, Андижон, Навоий ва Тошкент вилоятларига тўғри келади.

Ҳозирги кунда ЧИИК халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият юритмоқда, бироқ улар томонидан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг энг катта қисми қуидаги тармоқларга тўғри келади:

машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати - 30 %;
озиқ-овқат саноати - 17%;
енгил саноат - 17%;
рангли металлургия - 9%;
алоқа тармоғи - 8%;
кимё ва нефт-кимё - 6%;
савдо ва умумий овқатланиш - 3%.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг умумий ишлаб чиқарган маҳсулотининг 80,5 %и ўрта ва кичик корхоналарга тўғри келади. ЧИИКни экспорти тузилмасида машина ва асбоб-ускуналар, энергия ташувчилар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар соҳаси етакчи ўринларни эгаллаб турибди. ЧИИКнинг импорти тузилмасида эса машина ва асбоб-ускуналар, кимё маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қора ва рангли металлар етакчи ўринларни эгаллайди. Бунда ташқи савдо айланмаси қатор йиллар давомида пассив сальдога эга бўлиб келмоқда.

Таянч иборалар: Ўзбекистон Республикаси инвестицион сиёсати, инвестиция оқимлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, қўшма корхоналар, Ўзбекистон Республикасида инвестицион мухит.

Бобнинг қисқача хуносаси:

Ўзбекистон Республикасининг қўлай инвестицион мухити қабул қилинган қатор хуҳуқий ҳужжатларга, фармон ва қонунларга асосланади. Республикаизда чет эль инвестиирлари иштироқида фаоллия қўрсатаётган корхоналар ўнлаб солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, фаолият қурсатиб келмоқда. Чет эль инвестициялари – капитал экспорт қилувчи мамлакатларнинг импортёр мамлакатларнинг иқтисодий субъектлари ҳамда қўшма корхоналарнинг реал ва молиявий активларига киритилган маблағлардир. Хориж инвестиирларни республикамизнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат қўрсатиш соҳаларига киритилиши, рафбатлантирилиши мухим аҳамият касб этмоқда. Чунки Ўзбекистон иқтисодиётининг мухим хўжалик тармоқларининг (айниқса, ёқилғи-энергетика,

машинасозлик, тоғ-кон саноати ва бошқа соҳаларни) тубдан янгилашни, модернизилашни, янги техналогиялар сотиб олишни, юқори малакали кадр таёrlашни, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг илғор ишлаб чиқариш тажрибарини жалб қилишни талб этади.

Назорат учун саволлар:

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар учун қандай имкониятлар яратилган?

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни қандай?

Хорижий инвестициялар асосан иқтисодиётнинг қайси тармоқларига жалб қилинмоқда?

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган қайси қўшма корхоналарни биласиз?

Қўшма корхоналарнинг ташқи савдодаги улуши қандай?

Адабиётлар:

- “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 25.04.1996
- “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 30.04.1998.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Т. Ўзбекистон, 1996.
- Каримов И.А. “Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда” Т. Ўзбекистон, 1999.
- Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
- Халилов Х., Ли Д.М. Внешнеэкономическая связь Республики Узбекистан. (Учебное пособие). ГНК РУз. Ташкентский налоговый колледж, 2000.
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник .М., 2003.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отнош. Учебник. М., 2004.
- Ломакин В. Мировая экономика. Учебник. М., 2004.
- Назарова Г.Ф., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. “Жаҳон иқтисодиёти” (Ўкув қўлланма). Т., 2005.

7-боб. Ривожланган мамлакатлар – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида

§ 7.1. Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни

ХХ-XXI асрлар бўсағасида жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, бундай гурухга кирувчи давлатлар асосан Европа қитъаси ва Шимолий Америка материгида жойлашгандир.

Маълумки, ривожланган “катта еттилик” давлатлар (ҳозирги кунда ушбу давлатлар гурухига Россия Федерациясини қўшилиши билан “катта саккизлик” давлатлар деган сўзлар ҳам жаҳон иқтисодиётида ишлатилмоқда) иқтисодиётини ривожланиши асосан табиий ресурслардан қандай фойдаланишлиқ даражасига ва шунингдек узоқ йилларга мўлжалланган замонавий илмий-техникавий тараққиётдаги ўзгаришларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлар иқтисодиётида табиий ресурслардан тежамли фойдаланилади, ишлаб чиқаришда эса энергетика қуввати пасайишига йўл қўйилмайди. Масалан, АҚШ ишлаб чиқаришида асосан кам ҳаражат қилиш эвазига ялпи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот 1900-1990 йиллар давомида 8-9 бараварга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса 4-5 бараварга ортган эди.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда саноат тармоқларининг ривожланиши қанчалик юқори бўлмасин нарх-навонинг кўтарилиши ушбу давлатларда юқорилигича қолмоқда. Бу ҳолат албатта хизмат кўрсатиш соҳалари ва шуниндек илмий-техникавий инқилобга асосланган янги тармоқли саноат корхоналарининг вужудга келиши билан боғлиқдир.

Жаҳон хўжалигининг ривожланишида ривожланган мамлакатларнинг қай даражада саноат энергетикаси билан таъминланганлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги кунда бир қатор ривожланган мамлакатлар ўзлари ишлаб чиқараётган саноат энергетикаси маҳсулотларидан тежамкорлик билан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, 1970-1990 йиллар давомида АҚШ саноат энергетикаси истеъмолини 40% га, Япония ва Франция давлатлари эса, 30% га қисқартириш имкониятига эга бўлишган эди.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг барчасида қайта ишлаш соҳалари яхши ўйлга қўйилган бўлиб, улар асосан тежамкорлик билан самарали фойдаланишнинг ижтимоий дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Масалан, 90-йиллар бошида АҚШда қалайнинг 72-73% хом-ашёга бўлган талаби, миснинг 60% и, пўлатнинг 50% и, олтиннинг 47% и, рухнинг 43% и қайта ишлаш саноат корхоналари ҳисобига қондирилган эди. Хуллас, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларнинг ишлаб чиқаришида қимматбаҳо нодир металлар ўрнини босувчи маҳсулотларни кенгроқ ишлатилиши муҳим рол ўйнамоқда.

Жаҳон хўжалиги ривожланишида етакчи саноати ривожланган мамлакатлар (АҚШ, ГФР, Япония, Буюк Британия, Франция, Канада, Италия) иқтисодиёти муҳим рол ўйнамоқда. Ушбу мамлакатлар улушига ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларнинг 79-80%и ва дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларнинг 59-60%и, товарлар экспортининг 60-61%и ва хизмат кўрсатиш соҳаларнинг 49-50%и тўғри келмоқда.

Ривожланган мамлакатлар гурухи ҳозирги кунда ўз таркибида жаҳоннинг 30 дан ортиқ давлатини бирлаштирган бўлиб, бу давлатлар дунё мамлакатлари хўжалигида тутган ўрнига кўра бир неча классификация бўлиб ўрганилади. Улар қуидагилардан иборат:

1. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми бўйича ривожланган катта “еттилик” давлатлар гурухи (ушбу давлатлар гурухига Россия Федерациясини қўшилиши билан “катта саккизлик” давлатлар гурухи деган сўзлар ҳам ишлатилмоқда). Ушбу гурухга АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада каби давлатларни киритиш мумкин.

2. Европа Иттифоқи кирувчи давлатлар гурухи. Ушбу гурухга ГФР, Бельгия, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Буюк Британия, Франция, Швеция, Финляндия, Австрия каби давлатларни киритиш мумкин.

3. Европа Эркин Савдо ассоциацияга (ЕАСТ) кирувчи давлатлар гурухи. Ушбу

гурухга Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швеция каби давлатларни киритиш мумкин.

4. Бенилюкс гурухига киравчи давлатлар гурухи. Ушбу гурухга Бельгия, Нидерландлар ва Люксембург каби давлатлар киради.

5. Шимолий Америка Эркин савдо шартномасига (НАФТА) киравчи давлатлар гурухи. Ушбу гурухга АҚШ, Канада, Мексика киради.

90-йиллар бошида аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) тўғри келиши бўйича жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қўйидагича тавсифланган эди: Япония дунёда ушбу кўрсаткич бўйича учинчи ўринда турган бўлса, Канада 11, Норвегия 6, Швеция 1, Швеция 5, АҚШ 10, Австрия 20, Франция 13, Нидерландия 17, Буюк Британия 21, Исландия 9, ГФР 8 ўринда турган. Хуллас, жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар ўз ривожланиши соҳалари бўйича катта имкониятларга эга бўлиб, жаҳон мамлакатларини ривожланишида асосан генераторлик ролини ўйнаб келмоқда.

§ 7.2. Фарбий Европа давлатларининг жаҳон хўжалигидаги ўрни

Жаҳон хўжалиги ва ХИМда Фарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий рибожланиши алоҳида ўрин эгаллайди. ҳозирги кунда Фарбий Европа давлатлари ҳиссасига жаҳонда ишлаб чиқарилаётган жами ялпи миллий маҳсулотнинг 28-29% и, дунё аҳолисининг 7-8% и тўғри келади.

Фарбий Европа давлатлари гурухига жами 25 давлат кириб, бу давлатлар гурухи ўз ҳудудларининг катта-кичиклиги, аҳолисини оз-кўплиги ва турли-туманлиги, бой табиий ресурсларга эгалиги билан бир-биридан кескин фарқ қиласи. Фарбий Европа давлатлари базасида 1957 йилда “Умумий бозор” ҳамкорлик ташкилоти ташкил топди. 1962 йилда Европа Эркин Савдо Ассоциацияси тузилди. Ушбу давлатлар ўртасида саноат товарлари билан эркин савдо алоқаларни олиб бориш тўғрисида қатор шартномалар тузилди. “Европа иқтисодий кенгаши тўғрисида”ги шартномага мувофиқ 1992 йилнинг майида Фарбий Европа Эркин Савдо зонаси ва минтақавий иқтисодий комплекси тузилди. Ушбу минтақавий иқтисодий комплекс Фарбий Европанинг 19 давлатини ўз таркибига бирлаштирган бўлиб, Фарбий Европа ва дунё мамлакатларида товарларнинг эркин ҳаракатини, хизмат кўрсатиш соҳаларни, капитал ва аҳоли миграциясини доимо назорат қилиб туради.

Фарбий Европа Эркин Савдо зонаси ҳиссасига жаҳон савдоси айланмасининг 48-50% и тўғри келиб, бу иқтисодий зона ҳозирги кунда 400 млн. га яқин истеъмолчига эгадир.

Фарбий Европа давлатларининг иқтисодий тараққиётида жаҳон мамлакатлари билан олиб борилаётган ташқи савдо алоқалар муҳим рол ўйнайди. Ўтган асрнинг 70-йиллардаги Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатлари дунёда энг йирик савдо блокдан бирига айланган эди. ЕИ давлатларининг товарлар экспорти даражаси АҚШнинг товарлар экспорти даражасига нисбатан уч баробар юқори бўлиб, 90-йилларда бу мамлакатлар ҳисобига жаҳон савдосининг 41-42% и, валюта заҳираларининг эса 36-37% и тўғри келган.

Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларининг хўжалик алоқаларида товарлар экспортини капитал экспорти билан алмашуви ҳолатлари кенгайиб бормоқда. Агар Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳиссасига тўғридан-тўғри йўналтирилган капитал экспорти 1961-1964 йилларда 8,7% ни, 1974-1975 йилларда 37,4% ни ташкил этган бўлса 1980-1995 йилларда эса 60-65% ни ташкил этган эди. 1970 йилда жаҳон товарлар экспортида Фарбий Европа ҳамжамияти давлатларининг ҳиссаси 34,4% ни ташкил этган бўлса, 1995 йилда 45,8% ни ташкил этган.

§ 7.3. Ривожланган мамлакатларининг интеграцион бирлашмалари

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ). Иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти ва шунингдек ҳалқаро иқтисодий муносабатларни кескин ривожланиб бориши билан боғлиқ ҳолда бир қатор бирлашган умуниқтисодий ташкилотлар ташкил топди. Ана шундай ташкилотлардан бири Иқтисодий

ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотидир. Бу ташкилот дунёда энг йирик умумиқтисодий ташкилотлардан биридир. Унинг таркибида жаҳоннинг 24 та давлати, яъни, барча ривожланган капиталистик (Жанубий Африка Республикаси ва Истроилдан ташқари) давлатлари бирлашган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (аъзолари - АҚШ, Япония, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Исландия, Норвегия, Швейцария, Туркия давлатлари, шунингдек ЕИ мамлакатларига кирувчи 25 мамлакат) 1961 йилда ягона иқтисодий сиёсатни назорат қилиш мақсадида тузилган бўлиб, қуйидаги мауммоларни ҳал этиб келмоқда.

1. Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг аҳволи ва келажақда уларнинг ривожлантириш йўллари;

2. Жаҳон мамлакатлари ўртасида рўй бераётган халқаро савдони эркин қўйиш ва тартиба солиш;

3. Валюта-кредит тизимини барқарорлаштириш;

4. Саноати ривожланган мамлакатларнинг ривожланган давлатлар ва шунингдек бозор иқтисодиёти асосида ривожланиб бораётган янги мустақил давлатлар билан иқтисодий муносабатларни олиб бориши ва ҳ.к.лар.

Ривожланган “катта еттилик” давлатларининг вакиллари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Ижроия қўмитасининг доимий аъзолари бўлиб ҳисобланади.

80-йиллардан сўнг жаҳон хўжалиги ва ХИМда пайдо бўлган кучли халқаро уюшмалардан бири Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (1989 й.) ва 1994 йилда ташкил топган Шимолий Америка мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (НАФТА) ҳисобланади.

Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти шу худуддаги 20 дан ортиқ мамлакатни (Япония, Филиппин, Таиланд, Бруней, Янги Зеландия, Гонконг, Хитой, Австралия) бирлаштирган бўлиб, бу давлатлар ҳиссасига жаҳон мамлакатларининг ялпи миллий маҳсулотини 23-24% и, жаҳон савдосининг 40-42% и ва дунё аҳолисини 40-41% тўғри келади. Бу ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар 1991 йилда Осиё зонасида эркин савдони ривожлантириш ва савдо соҳасидаги самарадорликни янада кўтариш мақсадида 15 йилга (2005-йилга қадар) савдо чегараларини ва чегара божларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишган. ҳозирги кунда Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари жаҳоннинг кўплаб минтақаларида молиявий ишларни ривожлантириш, воситачилик, ахборотлаштириш ва шунингдек транспорт хизматларини кэнгайтириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Хуллас, ҳозирги кунда Осиё-Тинч океани мантақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти нафақат Осиё минтақаси, балки жаҳон мамлакатлари ичida ҳам етакчилик ролига даъвогарлик қилиб турибди.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида Шимолий Американинг уч йирик давлатини 1994 йилнинг 1 январида бирлашиши (НАФТА давлатлари) муҳим аҳамиятга эгадир. Бу мамлакатлар (АҚШ, Канада, Мексика) ҳиссасига жаҳон мамлакатларининг ялпи маҳсулотининг 31-32% и, дунё аҳолисининг 7-8% тўғри келади (НАФТА давлатлари худудида 370 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди). Бу давлатлар томонидан ишлаб чиқарилган йиллик товар ва хизматлар ҳажми 7 трлн. АҚШ долларини ташкил қиласди. НАФТА давлатлари улушига жаҳон савдоси умумий ҳажмининг 19-20% тўғри келади.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган шартноманинг асосий ҳуқукий ҳолатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари ўртасида савдо товарларга нисбатан божларни бекор қилиш;

2. Шимолий Америка бозорларини Мексика орқали кириб келаётган товарларга нисбатан божларни тўламасликка ҳаракат қилувчи Осиё ва Европа компанияларининг экспансиясидан ҳимоя қилиш;

3. Мексиканинг банк ва сурʼута компаниялари ичida АҚШ ва Канада

компанияларини капитал қўйилмаларига нисбатан бўлиб турадиган турли тазийқ ва таъкиqlарни олиб ташлаш;

4. Экологик атроф-муҳитни ҳимоялаш билан, боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш ва х.к.лар.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган ушбу шартномага мувофиқ 5 йил мобайнида (2005 йилга қадар), АҚШ Мексикадан импорт қилинадиган маҳсулотлар тўрининг 2/3 қисми учун божхона тарифларини бекор қилиши кўзда тутилган. Имзоланган келишувлардан энг кўп фойдани савдо блокларида қатнашувчи истеъмолчилар оладиган бўлишди, чунки рақобатнинг кучайиши ва товарларга нисбатан тарифларнинг пасайтирилиши натижасида кенг товарлар бўйича нархлар пасаяди.

НАФТА давлатлари шартномасига мувофиқ АҚШ саноатчилари арzon ишчи кучи оқимиини кучайиши билан боғлиқ ҳолда кўплаб фойда кўришни мақсад қилиб қўйган эди. Кафолатланган даромаднинг ўсиши билан боғлиқ ҳолда Америка иқтисодиётининг - электроника компьютер таъминоти, қурилиш материаллари, автомобил эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш кўзда тутилган. Айни пайтда, шакар, цитрус мевалари, қишиги сабзовот етиштирувчи АҚШ фермер хўжаликлари зарар ҳам кўриши мумкин. Мексика давлати НАФТА ёрдамида ўз иқтисодий ўсиш суръатларини кўтармоқчи бўлишди (тахминан йиллик ЯИМнинг ўсиш суръатлари 1,6-2,6% га). Бундай иқтисодий ривожланишлар Мексикани саноати ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш муддатини 45-50 йилдан 10-15 йилга қисқартиши мумкин эди.

НАФТА дан энг кам фойда кўраётган давлатлардан бири Канададир. Чунки, унинг иқтисодий ривожланиши АҚШ иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Мексика иқтисодиёти билан жуда кам алоқададир. Аммо, НАФТА ривожланиб бориши билан Канада интеграцион жараёнга янада кўпроқ тортилиб боради ва кенгаётган бозордан дивидендлар олади. Хуллас, НАФТАнинг дастлабки иш фаолияти даврида экспорт ҳажмининг ошиши ҳисобига қўшимча иш ўринларини ҳосил бўлишига бўлган умид оқланмади. Бундан ташқари АҚШ нинг Мексика билан савдодаги ижобий сальдоси йўқолиб, 1995 йилда камомад пайдо бўлди. Умуман олганда НАФТАни ташкил қилувчиларнинг режасига кўра, тўлақонли Шимолий Америка бозори 2010 йилларга бориб ташкил қилиниши башорат қилинмоқда.

§ 7.4. Жаҳон машинасозлик саноати ва унинг ривожланиш хусусиятлари

Ҳозирги кунда дунё минтақасида ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тараққиёт йилдан-йилга кучайиб, ривожланиб бормоқда. Айниқса, 60-70 - йиллардан сўнг рўй берган илмий-техника инқилиби таъсирида Осиё минтақаси ўз тараққиёт жабҳасида етакчи ўринлардан бирига кўтарилди. Яқин кунларга қадар учинчи дунё мамлакатлари хисобланган Осиёнинг кўпгина ривожланаётган давлатлари эндиликда жаҳон бозорларида турли соҳалар ва тармоқлар бўйича асосий ўринларни эгаллашди. Хўш, бугунги кунда жаҳон мамлакатлар иқтисодиётида автомобилсозлик саноатида аҳвол қандай деган саволлар туғилиши мумкин.

“Корниф” нинг хабар беришича, 90-йилларга келиб автомобилсозлик саноатида жиддий ўзгаришлар юз берган. Америка автомобилсозлик фирмалари ассоциациясининг берган маълумотига кўра, 1996 йилда дунё миқёсида автомобил ишлаб чиқариш қўйидаги тартибда рўй берган: Осиё қитъасида жойлашган мамлакатлар дунё бўйича 1996 йилдаги автомобилларнинг 33,3%ни, Фарбий Европа мамлакатлари 32%ни, Шимолий Америка давлатлари 30,3%ни, Лотин Америкаси мамлакатлари 3,7%ни берган ҳолда жаҳоннинг бошқа барча мамлакатлари эса 1% атрофида автомобил ишлаб чиқарганлар. Агар ишлаб чиқариш фирмалар ҳисобидан қараладиган бўлса, дастлабки ўнликдан АҚШ ва Япониянинг 3 тадан, Франциянинг 2та, Германия ва Италиянинг биттадан фирмалари асосий ўринни олганлар. 1996 йилдан АҚШнинг “Женерал Моторс” (6 млн. 865 минг дона) ва “ФОРД” (5 млн. 744 минг дона) фирмалари автомобиллар ишлаб чиқарип, дунёда етакчилик қилганлар. Япониянинг “Тоёта” (4 млн. 487 минг дона) фирмаси учинчи ўринни эгаллаган. Шу йили Германиянинг “Фолксваген” фирмаси (3 млн.дан ортиқ), Франциянинг “ПСА” (2.5 млн.

дона) ва “Рено” (2 млн. дона) автомобил ишлаб чиқарган. Енгил автомобиллар ишлаб чиқаришда АҚШнинг “Женерал Моторс” компанияси етакчилик қилган (5 млн.га яқин ишлаб чиқарган).

“Маграу-Хилл” компаниясининг тайёрланган маълумотига кўра, 1996 йилда дунё миқёсида сотилган автомобиллар сони 31,3 млн. донани, 1997 йилда esa 35,3 млн. донани ташкил этган. Тадқиқотчиларни фикрича 90-йилларнинг охирларига бориб дунё бўйича машина сотиш даражаси 3-5%га ўсиши кузатилиб, Буюк Британия, Франция ва Испанияда esa машина савдосини кучайиши башорат қилинган.

Маълумки, 1996 йилда Фарбий Европада янги моделдаги машиналар ишлаб чиқариш кескин камайган (11.4 млн. дона ишлаб чиқарилган). Бу эса иқтисодчилар томонидан иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги кескин камайиш деб хисобланади. Чунки 1996 йилда Фарбий Европанинг 6 та автомобилсозлик фирмаларидан тўрттаси (“Фолксваген”, “ПСА”, “Фиат”, “Форд оғ Европа”) фойда ўрнига зарар кўришган, фақат “Рено” ва “Женерал Моторс оғ Европа” фирмалари нисбатан фойда билан чиқишиган. 1997 йилнинг дастлабки олти ойида Фарбий Европада сотилган автомобиллар сони, 3.5 млн. донани ташкил этган. Демак, олдинги 1996 йилга нисбатан машина савдоси анча ривожланиб борганлигини кўриш мумкин.

90-йилларнинг охирларига бориб Фарбий Европа автомобилларига талаб нисбатан камайиши кузатилган (яъни 85%дан 79% га). Бунинг асосий сабаби Осиё материgidаги Япон машиналари Фарбий Европа машиналарини жаҳон бозорларидан сиқиб чиқараётганлиги билан изоҳланади. Япон машиналарининг Фарбий Европа бозорларига кўплаб (11%дан 15%га) кириб келиши кузатилган. Европа Иттифоқи мамлакатларига импортдаги барча чеклашлар олиб ташланди. Япониянинг “Тоёта”, “Ниссан”, “Хонда” компанияларининг Буюк Британияда жойлашган саноат корхоналарида 2000 йилдан бошлаб йилига 1 млн. дона автомобил ишлаб чиқарила бошланди. 1997 йилда Швециянинг “Вольво” компанияси билан Япониянинг “Мицубиси Моторс” компанияси ҳамкорликда тузган қўшма корхонаси 200 минг дона машина ишлаб чиқаради.

§ 7.5. Япония иқтисодиёти ва унинг жаҳон хўжалигига тутган ўрни

Япония Шаркий Осиёнинг Тинч океани оролларида (мамлакат 4 та йирик ва 4 мингдан ортиқ кичик ороллардан иборат) жойлашган етакчи саноати ривожланган давлатdir. Япониянинг умумий майдони 372,3 минг кв.км бўлиб, аҳолиси 128 млн. (2002 йил) кишини ташкил этади. Мамлакат териториясининг 70% дан ортиғи тоғликлардан иборат бўлиб, текислик қисми жуда камдир. Япония демографиясида 65 ёшдан ўтган аҳоли кўпчиликни ташкил этиб, жами аҳолининг 13,1% ни, аҳолининг 14 ёшдан кичиклари esa жами аҳолининг 17,2% ни ташкил этади. Аҳолининг йиллик ўсиш даражаси esa бошқа ривожланган давлатларга нисбатан анча кам бўлиб, 1991 йилга нисбатан 1992 йилда бор йўғи 0,33% ни ташкил этган. Бироқ, японлар жаҳон мамлакатлари ичida ўртacha энг узок умр кўрувчи аҳоли бўлиб, ҳозирги кунда эркаклар 75 ёшни, аёллар esa 81 ёшни ташкил этади.

Маълумки, “Осиё йўлбарси” деб ном олган Япониянинг дунё мамлакатларини иқтисодий ривожланишига бўлган таъсири каттадир. Япония иқтисодиёти 1868-1912 йилларда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари учун ёпилган эди. Чунки ана шу йиллар Фарбий Европа давлатлари томонидан Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларини мустамлака қилинишидан хавотирга тушган Япония хукумати ташки иқтисодий алоқаларда ва ҳатто туризм соҳасида сайёҳларнинг мамлакатга кириб чиқишилари устидан ҳам назорат ўрнатиб, дengiz савдосида ҳам маълум чекланишларни амалга оширган. Бу давр Япониянинг иқтисодий тарихида Мейдзи революцияси даври деб номланиб, мамлакат ўз ривожланишини тўхтатмаган, жумладан, Японияда эски пуллар муомаладан чиқарилиб, қиймати стандартлашган янги миллий валюта муомалага чиқарилди. 1882 йилда АҚШни иқтисодий ривожланиши модели асосида Маркази Банк ташкил топди. Нарижада мамлакатда савдо айланмаси ва ишлаб чиқариш компанияларнинг эркин фаолият кўрсатишига замин

яратилди. Хуллас, XIX аср охир ва XX аср бошларида “Мицубиси”, “Кавазаки”, “Явата Айрен”, “Стил Уорк” каби йирик монополистик үюшмалар ташкил топдики, ҳозирги кунда ҳам ушбу трансмиллий компаниялар (ТМК) жаҳондаги энг йирик компаниялардан ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Япония иқтисодиёти (айниқса, ташқи савдоси) катта зарап кўрди. Бироқ, 1950 ва 1960 йиллар бошида Япония саноат товарлари экспорти соҳасида бир қатор ижобий муваффақиятларни қўлга киритди. Хорижий мамлакатларнинг сармоялари эвазига Япониянинг ишлаб чиқариш корхоналари янги техник-технология билан қайта жиҳозланди. Натижада 1960 йилларнинг ўрталарига келиб, мамлакатни ташқи савдо баланси юқори кўрсаткичга қўтарилиди. ҳатто 1973-1979 йилларда жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида юз берган кучли нефть кризиси Япония иқтисодиётини ривожланишига ўз таъсирини кўрсата олмади. 1987 йилда мамлакат ташқи савдо соҳасида энг юқори кўрсаткичга, яъни, 96,4 млрд. доллар миқдорида йиллик даромад кўришга муюссар бўлди. Хуллас, 1960 йиллардан сўнг Япония ташқи савдосининг йиллик ўсиш суръатлари 18,4% ни ташкил этган. Мамлакатнинг товарлар экспортида тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ўрнини оғир саноат масулотлари эгаллади. 70-йилларга келиб мамлакат экспортининг асосий қисмини рангли телевизорлар, автомобил ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ташкил этган бўлса, 80-йилларга келиб бундай экспорт товарлар қаторига электрон маҳсулотлар - компьютерлар, видеомагнитофонлар қўшилди.

1973-1979 йиллардаги жаҳон мамлакатларида рўй берган нефть инқизозига қадар Япония импортининг 1/3 қисми эса Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларига тўғри келган. Бироқ, нефть кризиси йилларида бу вазият анча ўзгарди. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари Японияни 70% нефть маҳсулотлари билан таъминлаб, мамлакат умумий импортининг 30% ни ташкил этди. 1980 йиллардан сўнг Японияга Европа Иттифоқи давлатлари ва АҚШдан, Осиё-Тинч океани минтақасини ривожланаётган мамлакатларидан тайёр маҳсулотларни кириб келиши миқдори кенгайиб борди.

Маълумки, Япония иқтисодиёти иккинчи жаҳон урушига қадар секин ривожланиб жаҳон мамлакатлари ичида қолоқ мамлакат бўлиб қолаверган эди. Бироқ, урушдан сўнг, айниқса, 60-йиллардан сўнг мамлакат саноати тез суръатларда ривожлана бориб, жаҳон мамлакатлари ичида саноати ривожланган етакчи давлатлардан бирига айланди. Ҳозирги кунда Япония ялпи саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш жиҳатидан АҚШ ва Европанинг баъзи мамлакатларидан кейинги ўринда туради. 80-йилларнинг ўрталарига жаҳоннинг ривожланган мамлакатларини ишлаб чиқарган ялпи саноат маҳсулотини 15% и Японияга тўғри келиб, ҳатто 1987 йилда Япония жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ичида аҳоли жон бошига ўртacha ялпи миллий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариши жиҳатидан биринчи ўринга чиқиб олган ҳам эди.

Япония иқтисодиётини ана шу йилларда тез ривожланиш сабабларидан бири ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг юқори даражада бўлишидир. Маълумки, Японияда табиий ер ости ресурслари нихоятда кам бўлиб, унинг саноати асосан хом-ашё маҳсулотларини келтириш ҳисобига ишлайди. Жумладан, Япония нефтнинг 99,7% ни, темир руданинг 99,9% ни, рангли металларнинг 75%дан 99% гача, боксит, никел ва бошқа нодир металларнинг деярли 100% ни четдан олиб келади. Япония қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан жами аҳолисининг 75-76% ни, буғдойи билан аҳолини 1/3 қисмини, гуруч ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан эса аҳолини 107% ни таъминлайди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Япония ҳукумати ва унинг парламенти ўз олдига жаҳон бозорларига сифатли рақобатбардош товарларни “экспорт қилиш ёки ҳалок бўлиш” (бу йили Туркия ва бошқа ривожланаётган давлатлар ҳам қўллашган) деган қарашлар концепциясини қўйган эди. Шунинг учун ҳам Япония ҳукумати иккинчи жаҳон урушидан сўнг, айниқса, 60-йиллардан кейин иқтисодиётни нафақат интенсив ривожлантириш йўлини, балки бир йўла жаҳон бозорларида рақобатбардош экспорт товарлар ишлаб чиқариш йўлини ҳам танлаган эди.

Япония ҳукумати мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган арzon ва қулай табиий

ресурсларни жаҳоннинг турли хорижий мамлакатларидан олиб келиб, уларни жаҳон бозорларида рақобатбардош ўта сифатли маҳсулотлар даражасида қайта ишлаб чиқариб, фойда кўрадиган давлат бўлғанлиги учун ҳам ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларига 50 дан ортиқ “ўрганиб қайтувчи” гурухларни чиқариб турди. Бундан мақсад, хорижий мамлакатлардаги илғор замонавий фан-техника соҳасидаги янгилик ва ютуқларни, илмий-технологияни, саноатдаги илғор бошқарув усулларни ўрганиб қайтиш ва ўзларининг ишлаб чиқариш фирма ва корхоналарида жорий қилишдир. Шунинг учун ҳам Япония ҳукумати ўз инвестициясининг асосий қисмини экспорт товарлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарни ривожлантиришга сарфламоқда.

Япония ҳукуматининг асосий бойлиги унинг ҳалқи ҳисобланади. ҳақиқатдан ҳам унинг ҳалқи “иктисодий мўъжиза”ни мамлакатда шакллантирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Япон ҳалқи жаҳон мамлакатлари ичida меҳнатсеварлиги, тиришқоклиги, тежамкорлиги, интизомлиги ва тадбиркорлиги билан ажralиб турди. Шунинг учун ҳам Япония ишчи ва хизматчиларнинг ўртacha иш ҳақи ривожланган мамлакатларнинг барчасидан юқори бўлиб, ишлаб чиқаришда саноат корхоналарининг барчаси ўта автоматлаштирилган.

Япония иктисодиётининг тез суръатлар билан ривожланишининг яна бир муҳим омилларидан бири ишлаб чиқаришда чиқим даражасини бошқа ривожланган хорижий мамлакатларга нисбатан камлигидир. Японияда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришда чиқим даражаси 1.0% ни ташкил этган ҳолда (90 йиллар бошида), АҚШ да 7.0% ни, Англияда 5.0% ни, ГФРда 3.0% ни ташкил этган. 1988 йилда собиқ СССРда биргина ҳарбий соҳага сарф қилинган ҳаражат 9.0% бу ташкил қилган.

60-90 - йилларда Япония ҳукумати бюджет харажатининг 75-76% ни саноат, савдо ва коммерция ишларини ривожлантиришга, саноат корхоналарини такомиллаштириш, ЭВМ ва ахборот воситалари билан жиҳозлаш ишларига қаратди. Японияда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларнинг асосий қисми кичик ва ўрта ривожланган қайта ишлаш саноат корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Бундай саноат корхоналарга, ҷарм (ишлаб чиқарилган тайёр саноат маҳсулотнинг 94-95% ини беради), тўқимачилик (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 88-99% ини беради), озиқ-овқат (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 83-84% ини беради) киради. ҳозирги кунда мамлакатда 800 мингдан ортиқ қайта ишлаш саноат корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 70-72%и бир кишидан 9 кишига қадар ишлайдиган кичик корхоналарни, 10-12%и эса 10 кишига қадар ишлайдиган йирик саноат корхоналар ташкил этади.

Японияда савдо-тижорат ишлари ҳам ниҳоятда ривожланган соҳадир. Кичик бизнес кўринишидаги дўконлар мамлакатда кўпчиликни ташкил этади. Бундай дўконлар сони мамлакатда 4 млн.дан ортиқ бўлиб, уларнинг 50-52%да бир ёки икки киши меҳнат қиласиди. Японияда 4 ва ундан ортиқ киши ишлайдиган оилавий бизнес дўконлар сони ҳам кўпчиликни ташкил этиб, уларни бизнес корхоналар ҳам дейилади. Япониянинг жаҳон мамлакатларига машҳур бўлган “Тоёта”, “Хонда” каби автомобилларнинг қисмлари фақатгина йирик ишлаб чиқариш заводларида йигилади холос. Унинг алоҳида деталларини эса 10 минглаб кичик хусусий корхоналар (фирмалар) тайёрлаб беради. Хуллас, Япония саноат корхоналари ҳозирги кунда замонавий илмий-техникавий ютуқларга асосланган станоклар билан, сифатли технологик ускуналар билан, электроника ва оптик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, тўлиқ компьютерлашган. Япония ҳукумати ўзининг сифатли, чиройли ва бежирим, ихчам ишлаб чиқарган саноат товарлари билан жаҳон бозорларини эгаллаб турибди. 1950-1990 йиллар давомида ишлаб чиқаришни ўртacha йиллик ўсиш даражаси 7,8%ни (АҚШда 1.9%ни) ташкил этган. 1991 йилда Япония аҳоли жон бошига олганда ўртacha ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш даражаси бўйича жаҳон мамлакатлари ичida иккинчи ўринда (Швейцарияда кейин) турди.

Япония қишлоқ хўжалиги мамлакатда рўй берган Мейдзи инқилобидан сўнг (1868-1912 йиллар) тез суръатлар билан ривожланиш даврига қадам қўйди. Мамлакат қишлоқ хўжалигига ер ислохотлари ўтказилиб, ерга бўлган хусусий мулкчилик қонунлаштирилди.

1946-1949 йиллардаги аграр ислоҳотлар даврида помешчик ер эгалиги мамлакатда мутлақо тутатилди. Японияда “Ер” тұғрисидаги мулкчилик қонунга мувофиқ хусусий ер эгалигининг умумий майдони 3 гектар қилиб белгиланды (Хоккайдо оролида 4 гектар). Япония қишлоқ хұжалиги тұлиқ механизациялашган бўлиб, ўз халқини гуруч, полиз-сабзавот экинлари ва боғдорчилик мевалари билан тұлиқ таъминлайды. Япония қишлоқ хұжалиги ҳозирги кунда интенсив ривожланиб бораётган соҳа бўлиб, олинаётган ҳосил юқори ва сифатли бўлишилиги билан бир қаторда жаҳон мамлакатлари ичиде экологик энг тоза маҳсулотдир.

Энди биз қисқача Япониянинг йирик трансмиллий компанияларига тавсиф берамиз.

Япониянинг “Тоёта мотор компани лимитед” компанияси дунёнинг йирик капиталистик мамлакатлари ичиде автомобил ишлаб чиқарувчи ТМКдан биридир. Ушбу компания 1937 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларнинг 58-60%ни, юқ машиналари ва автобусларнинг 22-23%ни ва бошқа техник маҳсулотларнинг 20-21%ни ишлаб чиқармоқда. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 йиллар давомида 20%дан 50%га қадар ўсади. “Тоёта” компанияси ўз капиталини хорижий мамлакатларга экспорт қилишни 1960 йилларда бошлаган. ҳозирги кунда компаниянинг йигирмадан ортиқ филиаллари, йигма заводлари (Австрия, Малайзия, Индонезия, Тайланд, Филиппин, Перу, Коста-Рико, Венесуэла, Португалия, Янги Зеландия ва х.к.ларада) фаолият кўрсатмоқда.

Япониянинг “Ниссан мотор компани лимитед” компанияси ўзининг катталиги жиҳатидан мамлакатнинг иккинчи энг йирик автомобил ишлаб чиқарувчи ТМКдан бири ҳисобланади. Компания 1933 йилда ташкил топган бўлиб, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг 88-90% и ушбу компания ҳиссасига тұғри келади. Бундан ташқари компания автомобил қисмлари ва унинг узатгичлари, шунингдек текстил машиналари, денгиз двигателлари, автоюклагич машиналар, ракетага тегишли бўлган двигателларни ҳам ишлаб чиқармоқда. Компания Япониядан ташқарида 20 дан ортиқ ўз филиалларига эга. ҳозирги кунда компания йилига 3 млн.га яқин автомобилларни (30%га яқин) ишлаб чиқармоқда. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 йиллар давомида 21% дан 55%га қадар ўсан. “Ниссан” компаниясининг йигув цехлари Тайванда (1959 й.), Мексикада (1961 й.), Чилида (1962 й.) фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек компаниянинг заводлари Малайзия, Сингапур, Тайланд, Индонезия, Хиндистон, Филиппин, Перу, Боливия, Венесуэла, Сингапур, Никарагуа, Коста-Рика, Австралия, Янги Зеландия, Португалия, Исландия, Жанубий Африка Республикаси, Греция, Кения каби давлатларда ҳам ишлаб турибди.

Япониянинг “Хонда мотор компани лимитед” компанияси жаҳон капиталистик дунёсида мотоцикллар ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Автомобил ишлаб чиқариш бўйича эса компания мамлакатда 5-үринда туради. “Хонда” компанияси 1948 йилда ташкил топган бўлиб АҚШнинг “Форд” ва “Крайслер” компаниялари билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Компания ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг 60-62%и, мотоциклларнинг 28-30% и, қишлоқ хұжалик машиналарининг 12-13% и тұғри келади. “Хонда мотор” компанияси 1990 йиллар бошида 900 мингдан ортиқ кичик ҳажмли автомобилларни ишлаб чиқарган бўлиб, унинг 2/3 қисмини экспортга (асосан АҚШга) чиқарган. Компания Япониянинг автомобил бозорларини 6-8% ни эгаллаб турибди. “Хонда мотор” компаниясининг квотаси 1970-1990 йиллар давомида 32% дан 75% га қадар ўсан. Компания жаҳон мамлакатларининг олтитасида автомобил, 27 тасида эса мотоцикллар ишлаб чиқаради. Компаниянинг йирик филиаллари Тайланд, Австралия, Бразилия, Бельгия ва АҚШда ишлаб турибди. Япониянинг “Сони корпорейшн” компанияси капиталистик дунёнинг энг йирик рангли телевизор ва видеомагнитофонлар ишлаб чиқаришга асосланган компанияларидан биридир. Компания жаҳон бозорларига юқори сифатли овоз тарқатувчи аппаратлар, радиоприёмниклар ва магнитофонларни чиқаради. Компания 1946 йилда ташкил топган, 1990 йилларда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган магнитофонларнинг 19-20% и, овоз тарқатувчи қучли аппаратураларнинг 9-10% и, шунингдек бошқа электрон асбоб-ускуналарнинг 16-17% и ушбу компания ҳиссасига

тўғри келган. “Сони” компанияси АҚШ, Англия, Испания, ГФР, Бразилия, Жанубий Корея ва Сингапурда телевизор ва магнитофон ленталари ишлаб чиқармоқда. “Сони” компаниясининг филиаллари Австралия, Бельгия, Франция, Голландия, Дания, Швейцария, Канада, Панама, Венесуэла, Фиджи каби хорижий давлатларда ҳам ишлаб турибди.

Япониянинг “Мицубиси электрик корпорейшн” компанияси йирик электротехника компанияларидан бири бўлиб, 1921 йилда ташкил топган. Компания 1923 йилдан бери АҚШнинг “Вестингауз электрик” технологик компанияси билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Япониянинг “Мицубиси электрик” компанияси электр машиналари (лифт, электрон компьютерлар), электрон-саноат жиҳозлари, майший-хизмат кўрсатиш буюмлари (телевизорлар, юқори овоз чиқарувчи сифатли аппаратлар, кондиционерлари, кир ювиш машиналари) ишлаб чиқаради. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 йилларда 7%дан 20% га қадар ўсган компаниянинг қўшма корхоналари Жанубий Корея, Сингапур, Малайзиай, Тайван, Филиппин, Тайланд, Ҳиндистон, Мексика, Коста-Рика, Канада, АҚШ ва Англияда фаолият кўрсатмоқда.

Япониянинг “Мицубиси электрик индастриал компани лимитед” компанияси электр асбоб-ускуналар ва аппаратлар ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бири бўлиб, 1935 йилда ташкил топган. Компания ўзининг “Панасоник”, Нешнл”, “Текникс”, “Квазар” савдо маркаси сифатида бутун дунёга машҳур. Компания телефон, радиоприёмник ва узаткичларни мини-компьютерлар ва рангли ксерокопия аппаратларини ва бошқа майший аппаратларни ишлаб чиқаради. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 - йилларда 20% дан 25% га қадар ўси. 60-йиллардан бери компаниянинг филиаллари АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Индонезия, Тайланд, Ҳиндистон, Филиппин, Мексика, Бразилия, Перу, Венесуэла, Англия, Бельгия, Испания, Австрия, Танзания каби мамлакатларда ишлаб турибди.

Таянч иборалар: “катта еттилик”, ЯИМ даражаси, ташқи савдо ҳажми, ресурсларга эҳтиёж, ТМК, саноатлашиб даражаси, постиндустриализация, хизматлар соҳаси улушининг ортиб бориши.

Бобнинг қисқача хуносаси:

Жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, бундай гурухга кирувчи давлатлар асосан Европа қитъси ва Шимолий Америка материгида жойлашган. Ривожланган (айниқса “катта еттилик”G7 ёки РФнинг қўшилиши билан аталувчи “катта саккизлик” G8) давлатлар иқтисодиётини ўрганиш ва уларнинг иқтисодий ривожланиш тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу мамлакатлар иқтисодиётида табиий ресурслардан тежамли фойдаланилади, ишлаб чиқаришда эса energetika қуватини пасайишига йўл қўйилмайди.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида йирик ТМКлар ва халқаро иқтисодий ташкилотлар (ЕИ, НАФТА, АСЕАН ва бошқалар) муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар билан(айниқса, ЕИ, РФ, АҚШ, Осиё-Тинч океани давлатлари) олиб бораётган савдо- алоқалари йилдан – йилга кенгайиб бормоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Саноати ривожланган давлатлар гурухига қайси мамлакатлар киритилади?
2. Саноати ривожланган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини қайси кўрсаткичлар билан қўрсатиб бериш мумкин?
3. Жаҳон иқтисодий ривожланишининг учта асосий марказини қўрсатиб беринг.
4. “Катта еттилик” ёки “катта саккизлик”ка кирувчи давлатларни санаб беринг.
5. Ривожланган давлатларнинг ташқи иқтисодий экспансиясини амалга оширишда ТМК қандай ўрин тутади?
6. Саноати ривожланган давлатлар иштирокидаги қандай интеграцион гурухларни биласиз?

7. Япония иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилларни санаб ўтинг?
8. Япония иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги нималар хисобига эришилган?

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Т. Ўзбекистон, 1996.
- Каримов И.А. “Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда” Т. Ўзбекистон, 1999.
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристъ. 2003.
- Назарова Г.Ф., Халилов Х. ва бошқалар. Германия Федератив Республикаси (Илмий-оммабоп рисола). ЎзРДСҚ. Тошкент солиқ коллежи, 2003.
- Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. С.-П., 2003.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отнош. Учебник. 2004.
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004.
- Спиридовон И.А. Мировая экономика. Уч. пос. Инфра-М. 2004.
- Назарова Г.Ф., Халилов Х. ва бошқалар. Германия Федератив Республикаси иқтисодиёти (Илмий-оммабоп рисола). ТДИУ, 2005.
- Назарова Г.Ф. Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар (ўкув қўлланма). Т., ТДИУ, 2005.
- Назарова Г.Ф., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. “Жаҳон иқтисодиёти” (Ўкув қўлланма). Т., 2005

8-боб. Ривожланаётган мамлакатлар – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида

§ 8.1. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иктисодий хусусиятлари

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини ривожланишининг аҳамиятли томонларидан бири, собиқ мустамлака ва қарам территорияларнинг роли ва аҳамиятини иқтисодий жиҳатдан кучайиб бораётганлигидир. Ушбу мамлакатлар ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар ёки озод этилган мамлакатлар, “учинчи дунё мамлакатлари”, “жануб” мамлакатлари ёки “периферия” мамлакатлари сифатида тилга олинади.

Бу мамлакатлар иқтисодиёти турли-тумандир, уларнинг худудида 3,2 млрд атрофида ахоли яшайди. Ушбу мамлакатларда ҳозирги кунда жуда муракаб ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар кечмоқда.

Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларда озодликка эришган мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиши XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тобора усуб борувчи характер касб этмоқда. Уларнинг энг илгорлари 1950 йилга келиб, ривожланаётган мамлакатларнинг “ўртачаларидан” (54 мамлакат) 2,4 марта, юксакликка эришди. 50 – йилларнинг урталаридан бошлаб, юқорида зикр этилган малакатлар уртасидаги ривожланиш даражисидаги фарқ сезиларли даражада ортиб борди. 90 – йилларга келиб ривожланаётган мамлакатларнинг биринчи гуруҳига кирувчи (19 та мамлакат) малакатлардаги ахоли жон бошига “тўғри келувчи ўртacha фойда” ўртачаларига нисбатан 2,9 баробар, қўйи гурухлариникига нисбатан эса 12,2 баробар юқори бўлди. Ривожланаётган мамлакатларнинг айнан шу гурухларининг таркибида ҳам, ривожланиш даражалари ўртасидаги боғлиқда ҳам ўзгаришлар вужудга келди. Жаҳон иқтисодиётида ушбу жараёнлар натижасида табақалашув ҳам иккита асосий минтақада рўй берган эди. Минтақанинг бир томонида озодликка эришган мамлакатларнинг кўпроқ ривожланганлари, жумладан, форс кўрфазидаги бир қатор мамлактлар – Қатар, Қувайт, БАА, шунингдек Осиё – Тинч океани

минтақаси ва Лотин Америкасидаги янги индустрисал мамлакатлар жойлашган бўлса, минтақанинг иккинчи томонида эса мутлақо турғунлик ҳолатидаги иқтисодий камбағал мамлакатлар жойлашгандир. Бу категорияга 48 та мамлакат тааллуклидир. Буларга бир қатор Африка мамлакатларини, жумладан Мозамбик (ЯИМ йилига киши бошига 80 доллар), Эфиопия (100 доллар), Съера Леоне (140 доллар), Бурунди (180 доллар), Уганда (190 доллар), Чад ва Руанда (200 доллар) каби давлатларни киритиш мумкин. Бу гурухга тааллукли мамлакатлардан ташкари, гурух руйхатининг янада қуи қисмида жойлашаган бир қатор Осиё мамлакатларини – Непал (160 доллар), Бутан ва Вьетнам (170 доллар), Маянма ва бошқа давлатларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Ушбу минтақалар орасида ривожланаётган мамлакатларнинг қолган қисмлари жойлашгандир. Бу ҳам ўз навбатида, бир хил типда бўлмаган гурухдир. Унинг таркибига кирувчи мамлакатлар кўплаб ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича фарқланади. Бу мамлакатлардан энг ривожланганлари ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан “янги индустрисал давлатлар” иқтисодиётига яқинлашиб бормоқда. Жумладан, Лотин Америкаси ва Шимолий Америка ўртасидаги фарқ сезиларли равишда қисқармоқда. Шимолий Американинг ялпи миллий маҳсулоти Лотин Америкасининг ялпи миллий маҳсулотидан 4 марта кўпроқни ташкил этади (50 йил олдин бу нисбат 10:1 ни ташкил этган).

Ушбу иқтисодий ривожланишдаги фарқларга қарамасдан ривожланаётган мамлакатларнинг барчасига хос бўлган умумий хусусиятларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлиб, булар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

- Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг кўп укладли характерга эгалиги.
- Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши паст даражада эканлиги, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий инфроструктуранинг қолоқ эканлиги (биринчи гурух, “юқори кутб” мамлакатларини ҳисобга олмагандан).
- Уларнинг иқтисодий ривожланиши жаҳон хўжалиги тизимига қарам холатда эканлиги, капитализмни периферик характер касб этиши ва бошқалар.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти кўп укладли ижтимоий-иқтисодий таркиби асосланади. Бир қатор мамлакатларда капиталистик уклад билан бир қаторда ҳамон ургу-аймогчилик ва патриархал муносабатлар ҳам мавжуддир. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида давлат ва давлат хўжалик уклади муҳим рол ўйнайди. Давлат секторини ривожлантириш босқичи капиталистик ишбилармонликни кенгайтириш сиёсати билан ҳамоҳанг олиб борилади. Бунинг натижасида эса давлат капитализми пайдо булади ва ривожланади.

Миллий хусусий капиталистик хўжалик укладнинг ривожланиши ва шаклланиши жамғариш муаммолари (яъни, пул ресурсларининг етишмовчилиги) ва жамғарилган маблагларнинг сарфланиши хусусиятларига боғлиқдир. Бу маблаглар асосан савдога (ички ва ташки), кучмас мулкларни сотиб олишга, машиналарни таъмирлашга, сугуртага, бензин қўйиш шахобчаларига, таксига, яъни сармояларни айланиши тез бўлган соҳаларга йуналтирилади.

Жаҳон иқтисодиётида озодликка эришган ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигига пайдо бўлган ва ривожланиб бораётган капитализм периферик характерга эга. Бу шуни англатадики, у саноати ривожланган мамлакатлар капитализмидан нафакат ривожланиш даражаси бўйича, балки энг муҳими, ишлаб чиқариш усулларнинг модели ва моддий неъматлар тақсимоти бўйича ҳам тубдан фарқ киласди. Капитализм марказлари, жамғарининг органик ва узаро алокадор доимий ўсиш жараёнида бўлган миллий заминда пайдо бўлади ва ривожланади. Мослашувчанлик (имитация) ахолининг бой қатламларининг узлари учун зарурий бўлган барча нарсаларни кўлга кирита оладиган маҳсус бозорларнинг ташкил топишидан бошланди. Бундай вазиятда ахолининг асосий қисми камбагалликка маҳкум этилиб, уларни бозорларда эркин муомалада бўлиш имкониятидан маҳрум этади.

Трансмиллий корпорациялар томонидан жорий килинган янги техник-технологиялар одатда ҳозирги кунга мос келади, аммо уларнинг бозор нархлари жуда юқори бўлиб, ривожланаётган мамлакатлар учун қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Жаҳон иқтисодиётида кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг ухшашлик томонлари, яъни уларнинг қашшоқлиги, ахолисининг қолоқлиги, ишсизлик даражасининг ўқорилиги, саноати ривожланган мамлакатлардан катта миқдорда карздорлиги бўлиб ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги ўзининг тулаконли ижтимоий – иқтисодий ривожланиши ва ахолисининг яшаш турмуш тарзи даражаси бўйича Ғарбий Европани саноатлашган илгор мамлакатларидан қарийб 20-50 маротаба орқада қолмоқда.

§ 8.2. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувидаги тутган ўрни ва роли

Халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш, жаҳон хўжалиги алокаларининг ривожланиши, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро окиб юриши, иқтисодий тараккиётнинг асосий шарт-шароитларига айланиб колди. Мустакил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида иштирок этиш орқали, ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси 60-70 йиллардан эътиборан халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этишга интилиб келмоқда.

Уларнинг халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш зарурияти тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча нарсаларни етиштириш имкониятига эга эмаслиги билан асосланади. Хозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар деярли саноати ривожланган мамлакатлар учун хом – ашё етиштириб берувчи ҳамда нисбатан арzon ишчи кучи манбаи бўлиб қолмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимотида хўжалик фаолиятининг барча шакллари жамланган. Энг муҳими, халқаро савдонинг асосини ташкил этувчи хом – ашё ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш барча ривожланаётган мамлакатлар билан дунёning бошка ривожланган давлатлари ўртасидаги товар алмашинувини таъминлайди. Халқаро савдо энг камбағал ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам ташки даромаднинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Аммо, материал ва энергия сифимиининг кейинги йилларида камайиши муносабати билан ривожланган мамлакатнинг ўсишида табиий хом - ашёларнинг халқаро савдодаги тутган ўрни пасайиб бориши тенденциялари намоён бўлмоқда. Шунга мувофиқ у 1991 йилда жаҳон экспорти умумий улушининг 25% ни ташкил этган эди. Жаҳон иқтисодиётида 70-90 йилларда Африканинг ривожланаётган мамлакатларини умумий экспорт ҳажмидаги улуси қисқариб борганлиги қайд этилади. Осиё мамлакатларидан жўнатилаётган саноат ва қишлоқ хўжалик молларининг доимий ўсиб борганлигига қарамасдан у 2 баробарга пасайиб кетган эди. Экспортини асосини ташкил этувчи хом-ашёлардан иборат бўлган ривожланаётган мамлакатларда, уларнинг жаҳон бозорида эгаллаб турган позицияларининг ёмонлашувини тухтатиш имкониятига эга бўлган кушимча экспорт ресурсларини излаб топишга бўлган кучли эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг учун, экспортнинг хилма-хиллигини таъминлашга, яъни чиқариладиган хом-ашёларни қайта ишлаш, бошка турдаги саноат маҳсулотларни жаҳон бозоридаги эркин харакатини таъминлаш, энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Анъанавий товарлар экспорти ҳажмини кенгайтириш борасидаги кўпчилик муаммоларга қарамасдан, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги умумий улуси аста-секинлик билан ўсиб бормоқда. Шунингдек, у 1987 йилдаги 22% ўрнига 1992 йилга келиб 24,7% га етган эди. 1993 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг экспортини физик ҳажми, саноати ривожланаётган мамлакатларда 1,2 % га қисқарганига қарамасдан, яна 10% га ортган эди. Ривожланаётган мамлакатларда жами экспортни таркиблаштириш жараёнлари ҳам содир бўлмоқда. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар экспортидиги саноат молларининг улуси (рангли материалларни ҳисобга олганда) 1991 йилда 57,7% га етган эди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг экспортидаги саноат молларининг улуси ҳам усуб борди. Агар у 1970 йилда – 7,6% ни ташкил этган бўлса, 1980 йилда 11% ни, 1991 йилда 19,5% ни, 1995 йилда 25%, 2003 йилда эса 30%ни ташкил этган эди. Хуллас, жаҳон хўжалигига 90 йиллар ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги улуси доимий

ўсишлик тенденциясига эга, бўлганлиги билан характерланади.

Саноат махсулотлари экспорти ҳажмининг ўсишида, машина ва асбоб – ускуналар энг муҳим роль ўйнамоқда. Уларни экспорт қилиш 1970-1990 йилларда 85-90 маротабага усиб, саноатнинг умумий улуши 35-36% ни, товарлар экспортининг умумий ҳажми эса 22% ни ташкил этган эди. Ривожланаётган мамлакатларнинг баъзи бирлари (Эрон, Конго, Боливия, Парагвай каби 12 давлат) 1980-1990 йиллар мобайнида хом-ашё махсулотларни четга чиқариш ҳисобига узларининг халқаро меҳнат тақсимотида катнашиш имкониятларини кучайтиришга эришдилар. Бошқа мамлакатлар эса, узларининг жаҳон экспортидаги шахсий улушларини, саноатда қайта ишланадиган махсулотларнинг ташки бозордаги актив характери ҳисобига ошириб борган эди. Ўз навбатида, мазкур гуруҳлар уртасидаги алоҳида мамлакатлар эришган муваффакиятларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон иқтисодиётида олдинги ўринлардан бирида “янги индустрислам мамлакатлар” бораётган бўлса, бошқа ривожланаётган мамлакатлар эса, экспортнинг асосини ташкил этувчи саноатни кучайтириш ва кенгайтириш борасида энг кам улушни қўлга киритишган. Баъзи бирлари эса, масалан, Африканинг энг йирик мамлакати ҳисобланмиш Нигерия ўзининг саноат экспортидаги улушкини тобора қисқартириб бормоқда.

Халқаро савдо мисолида, ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишини баҳолаш орқали жаҳон хўжалиги тизимининг бутунлай нотенглик асосида курилганлигини куришимиз мумкин. Баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар илмий технологик ютуклардан кам фойдаланаётган бир пайтда, ривожланаётган дунёнинг колган қисми олдиндек анъанавий индустрисламлашувга, баъзи бир қисми эса индустрисламлашувгача бўлган технологик ютукларга асосланиб тараккий этмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳволи билан боғлик бўлган умумий холатларни характерлаш орқали шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, қолок ривожланаётган мамлакатлар борган сари халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидан “ажратиб” қўйилмоқда. Бундай фикрлар 1996 йилда халқаро савдонинг ривожланишига багишилаб ўтказилган БМТ нинг конференциясида (ЮНКТАД) қилинган маърузаларда келтириб ўтилган эди. Доклад авторларининг фикрича, Уругвай, Раунди, доирасида амал қилувчи глобал савдо битими мақомини олган ГАТТ – қишлоқ хўжалиги махсулотларини экспорт қилишда субсидияларни қисқартириш кераклигини таъкидлаб ўтади. Бундай вазият, кучсиз ривожланган мамлакатларга нисбатан берилиган кучли зарба эди. Ҳозирги кунда жоҳон иқтисодиётида буғдой, қанд, гўшт ва бошқа турдаги озиқ-овқат махсулотларининг бозор нархлари ошиб бормоқда. 2000 йилда 300-600 млрд. долларни ташкил этган эди.

Дунё савдосида хом-ашё ва озиқ-овқат махсулотларининг улушки тобора қисқарип бориши ролини йўқотмоқда. Иқтисодий ўсишни қўллаб-куватлаш мақсадидаги хом-ашёвий ихтисослашув эса вақтинча ўзининг ёрдамчилик ролини бажаришга кодирлигини кўрсатмоқда халос. Халқаро савдонинг ривожланиш тенденцияларини гувоҳлик беришича; сўнгги ўн йилларда турли хилдаги хизматларнинг ҳажми ва аҳамияти бекиёс даражада ўсиб бормоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг бу йўлдаги имкониятларидан самарали фойдаланмоқдалар. Масалан, сайёхлик ва меҳнат билан боғлик хизматлар, турли хилдаги “ифлос” ва паст маош тўланадиган ишлар учун ишчи кучларини экспорт қилиш шулар жумласидандир.

Сайёхлик кўп йиллардан бўён, ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий валюталар тушумининг асосий манбалардан бири бўлиб қолмоқда. Миср учун туризм соҳасидан келаётган даромад хорижий мамлакатларда вақтинчалик банд бўлган мисрлик ишчилар ҳисобидан келадиган валюталар ва хорижий ёрдамлардан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Сўнгти йилларда туризм Туркияда юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу кўрсаткич туризмнинг умум жаҳон миқёсидаги 4% ли ўсиш кўрсаткичи билан таққосланганда, йилига 8%ни ташкил этади. Туркия кўпроқ миллий иқтисодиётнинг туризм тармоғини динамик ривожланиши билан фарқ қилувчи беш мамлакат қаторига киритилган.

Шу нарса кутилмоқдаки, 2005 йилларнинг охирига бориб Туркия сайдикдан тушадиган даромаднинг ўлчами бўйича дунёда олтинчи ўринни эгаллаши башорат қилинмоқда.

§ 8.3. Хорижий сармоялар – ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида

Жаҳон иқтисодиётида “қашшоқлик ботқоғи”дан кутилишга бўлган интилиш, иқтисодиётнинг илгор тармоқларини ривожланишга бўлган имкониятни яратиш ва такомиллаштириш ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий сармояларни изчил жалб қилишни талаф этади. Ана шу мақсадларда, инвестицион мухитни кафолатлайдиган шартшароити мавжуд бўлган махсус минтақавий иқтисодий зоналар ташкил этилади.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда инвестицион мухитни кучайтириб бориш жараёнлари осонлик билан кечаетгани йўқ. 1992 йилда ривожланаётган мамлакатларга киртилган тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг миқдори 51,5 млрд. долларни ташкил этган эди. 90-йиллар бошида жаҳон банкининг маълумотига қараганда, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хусусий капиталнинг жалб қилиниши янада кучайиб, 1994 йилда 173 млрд. долларни ташкил этган. Янги фонд бозорларидағи акцияларга банд этилган портфель қўйилмалар 1993 йилда 46,9 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 1994-йилда 39,5 млрд. долларни ташкил этган эди. Ўз навбатида банкларда депонинтланган ва облигацияларга қўйилган хусусий сармояларнинг киймати 1993 йилда 45,7 млрд. доллардан 1994 йилдан 55,5 млрд. долларга ўсган. Тўғридан-тўғри йўналтирилга хорижий инвестициялар миқдори эса 1993 йилда 66,6 млрд. доллардан 1994 йилда 77,9 млрд. долларга ўсган. Кайд этиб ўтиш жоизки, 1993 йилда баъзи-бир ривожланаётган мамлакатларнинг ўзлари ҳам 14 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги сармояни хорижий мамлакатларга экспорт қилишган.

“Эрнест ва Янг” америка консалтинг фирмаларнинг берган баҳоларига кўра якин ўн йилликларда ривожланаётган мамлакатларнинг энг кузга кўринганлари - Хитой, Хиндистон, Индонезия, Мексика ва Бразилия каби мамлакатлар бўлиши башорат қилинмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хусусий сармоялар жалб қилинар экан, энг мухими, улар динамикали ўсиш имкониятига эга бўлиб, истикболи порлок бўлган мамлакатлар томон илгарилаб бормоқда. Бугунги кунда 75-80% тўғридан-тўғри йўналтирилган хусусий инвестицияларнинг 20-25% и ривожланаётган мамлакатларга тугри келмоқда. Бунда асосий ўринни Шаркий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари эгалламоқда. Кучсиз ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг тургунлиги ва шунингдек улардаги сиёсий вазиятнинг боркарор эмаслиги, кўпинча саноати ривожланаётган мамлакатларнинг ишбилармон доираларини чучитиб қўймоқда. Ушбу мамлакатлар томонидан уюштирилаётган давлат ёрдамлари, сунги 70-80 йилларда етарли даражада амалга оширилган бўлсада, 90 йилларининг урталарида этиборан уларнинг миқдори сезиларли даражада қисқариб бормоқда. Халқаро валюта фондининг аналитикларининг фикрига қараганда 1994 йилда бутун дунё бўйича инфляциянинг олдини олиш мақсадида давлат йўллари орқали 59 млрд. АҚШ долларида тенг бўлган расмий ёрдамлар уюштирилган (бу кўрсатгич 1993 йилдагига нисбатан 3 млрд. АҚШ долларида камдир). Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан давлат микиёсидаги ўзаро ҳамкорлиги ўзининг мёърига етган 1990 йилдаги даражаси билан тақкослаб курилганда, бу ракам 12 млрд. АҚШ долларида камайган. Бу пайтда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан уюштирилаётган ёрдам жами ялпи миллий махсулотнинг 0,3% ни ташкил этган холос Муҳим томони шундаки, Африка мамлакатларига уюштирилаётган барча ташки ёрдамлар қарзларнинг фоизлари шаклида Фарбий Европа томон қайтиб кетмоқда. 90-йилларнинг урталарида Африканинг Сахарасидан жанубгача бўлган минтакасидаги барча мамлакатларнинг ташки қарзлари 211 млрд. долларни ташкил этган бўлиб, 1984-1994 йилларда Африка давлатлари ушбу кредит қарзларнинг 150 млрд. АҚШ долларида якинини тулашга мувофак бўлишган холос. 1994 йилда Африканинг барча минтакаларида жойлашган

давлатларнинг умумий қарзлари таҳминан 303 млрд.АҚШ долларини ташкил этиб, у Африка мамлакатларини йиллик экспорт даромадининг 204% га тенгdir.

1994 йилда энг катта ташки қарз Мексика ва Хитойда бўлиб, унинг миқдори Мексикада 5 млрд. долларни, Хитойда 111 млрд. долларни ташкил этган. Тайланд, Жанубий Корея, Хиндистон, Филиппин каби Осиё давлатларининг ташки қарзлари тез суратлар билан ўсиб бормоқда. Осиё минтақасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг ташки қарзларини миқдори 1994 йилда 1,7 трлн. АҚШ долларни ташкил этган бўлиб, 1993 йилги даражага нисбатан 10% га ўсган эди.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда Лотин Америкаси мамлакатларининг ташки қарзларини ўсиб бораётганлигини биз ташки қарзларни аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда мазкур мамлакатлар бошқа мамлакатларга қараганда анча олдинда турганлигини кўришимиз мумкин (бу кўрсатгич Осиёда 250 долларга тенг бўлса, Лотин Америкасида эса 1000 долларни ташкил этади).

Ривожланаётган мамлакатларнинг амалдаги қарзлари хусусий капитал кўйилмаларнинг ҳисобидаги мулкий муносабатлар орқали тўпланиб боради. 1995 йилда кредитор мамлакатлар орасида Япония биринчи ўринни эгаллаган бўлиб, унинг ривожланаётган мамлакатлардаги (биринчи навбатда Осиё мамлакатларида) кредитларнинг умумий миқдори таҳминан 236 млрд. долларни ташкил этган. Кейинги ўринни – 147 млрд. доллар миқдоридаги кўрсаткич билан АҚШ эгаллаган бўлиб, уларнинг ярмиси Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келган эди. Учинчи ўринда эса Германия туриб, у 106 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги сармояларни четга чиқарган. Ўз навбатида Франция ҳам хорижий мамлакатларга унча катта миқдордаги кредитларни берувчи давлат ҳисобланади (103 млрд. доллар). Унинг қарздорлари бўлиб, асосан Африка ва Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар томонидан қарзларнинг қайтарилиши энг оғир муаммо бўлиб турган бир пайтда, қарздорликка қарши курашнинг бирдан-бир йўли, бу кредитор мамлакатларнинг қарзларини кечиб юбориладиган умумий миқдорини 75-100%га етказиш кўзда тутилганлигидир. Бундан кўзланган бош мақсад, 80-йиллардан бўён қарзларнинг миқдори юқори суръатлар билан ўсиб келаётган мамлакатларга нисбатан енгиллик беришдир.

Трансмиллий корпорациялар қўпчилик ривожланаётган мамлакатларда юксак иқтисодий ўзгаришларни вужудга келтираётганлиги билан бир қаторда, ушбу копорациялар техник тараққиётининг ички омилларига ҳам жуда катта имкониятлар очиб бермоқда. Амалиёт натижалари шуни кўрсатмоқдаки, трансмиллий корпорациялар “учинчи дунё” мамлакатларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Бир қатор ишлаб чиқариш саноат тармоқларда (енгил саноат, тўқимачилик саноати, электрон саноати) қўлланиладиган техника ва технологияларни етказиб беришда ТМКлар инвестор-сармоячи сифатида ҳам, шунингдек инвестиция товарларини ёки технологияларини (лицензияларини) етказиб берувчи корпорациялар сифатида ҳам муҳим роль ўйнайди.

2. Ривожланаётган мамлакатларни жаҳон бозорига хом-ашё экспорт қилувчи давлатлардан тайёр маҳсулотларнинг сотувчиларига айлантириш. Бунда, бевосита қўйилма, ривожланаётган мамлакатларни ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлари учун тўғридан – тўғри йўналишидаги инвестициялар молиявий ресурсларни оддий жойлаштиришга нисбатан анча муҳим ҳисобланади.

3. Трансмиллий корпорациялар анъанавий жараёнларнинг тезлашувини таъминлайди. Технологик инновацилар ҳозирги кунда асосан саноати ривожланган мамлакатларда тўпланган бўлиб, сўнгги ўн йилликларда улар бир қатор мамлакатларда, айниқса “янги индустрисал давлатлар” иқтисодиётида муҳим роль ўйнамоқда. Технологияларни қўлланиши, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ТМКларнинг филиалларини фаолияти улар танлаган мамлакатларнинг табиати учун,

шунингдек инсонларнинг манфаати ва уларнинг ҳаётига таҳдид солмаслиги лозим. Шу муносабат билан хусусий шунингдек хорижий корхоналар устидан назоратни ўрнатиш мақсадида ривожланаётган мамлакатлардаги тартибот миллий органларининг фаолиятини кучайтириш талаб этилади.

4. ТМКлар ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд иш билан бандлик муаммоларини ҳам бартараф этади. Шунга қарамасдан, таъкидлаб ўтиш жоизки, тўғридан – тўғри йўналтирилган инвестициялар билан бевосита боғлиқ бўлган ишчи ўринлар унчалик кўп бўлмасдан ривожланаётган дунёдаги иқтисодий актив аҳолининг 1% дан камроқ қисмини таъминлай олади, халос.

5. Халқаро ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдамларини кўрсатишда ТМКлар имкониятидан кенг фойдаланишмоқда. Ўз навбатида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукумат раҳбарлари ҳам ТМКларни ўз иқтисодиётiga жалб этиш борасида ўзаро қураш олиб бормоқдалар. Масалан, АҚШнинг “Женерал моторс” компанияси 2005 йилда ўзининг Осиё –Тинч океани минтақаси бозоридаги улушини икки баробарга ошириш мақсадида, унинг 10% га қадар кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Хуллас, жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг объектив қонунларига бўйсунган ҳолда, ривожланаётган мамлакатлар хусусий мақсадлар билан бир қаторда ижтимоий – иқтисодий муаммоларнинг ҳамда ТМКларнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги манфаатларига мос келувчи зарурый параметрларини излаб топмоқдалар.

§ 8.4.“Янги индустрисал мамлакатлар”нинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда “Янги индустрисал мамлакатлар” (“ЯИМ”) ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигидан иқтисодий параметрларининг барча системалари бўйича ажralиб туради.

“ЯИМ”ни ривожланаётган мамлакатлардан фарқланиб турувчи хусусиятларидан бири уларни ривожланган капиталистик мамлакатлардан ҳам ажратиб туришшидир. Яъни, уларнинг ривожланиши “Янги индустрисал” ривожланиш модели сифатида мавжудлигиdir. Бундай ҳарактерли томонлар, Лотин Америкасидаги ва шунингдек Осиёдаги “ЯИМ”нинг ривожланиш тажрибасини чўқур анализ қилиш жараёнида кўзга ташланган эди.

Лотин Америкасидаги “ЯИМ”ларнинг ривожланиш тажрибаси ва шунингдек Осиёдаги “ЯИМ”ларнинг кўпчилиги озодликка эришган жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари учун халқ хўжалигининг ички ривожланиш динамикаси бўйича ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларининг экспансияси бўйича ҳам, ривожланишнинг ўзига хос намунаси бўлиб қолмоқда. Одатда, ривожланаётган “Янги индустрисал мамлакатлар” қаторига Осиёдаги Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Малайзия шу билан бир қаторда Лотин Америкасидаги “ЯИМ”лар –Аргентина, Бразилия, Мексика каби мамлакатлар таалукклидир. Юқорида санаб ўтилган барча мамлакатлар “ЯИМ”ларнинг биринчи авлодлари ёки биринчи қалдирғочлари хисобланади. Уларнинг орқасида “ЯИМ”нинг сўнгги авлодлари (Филиппин ва Хитойнинг жанубий чегаралари ва бошқалар) етишиб чиқмоқда..

БМТ томонидан ишлаб чиқарган методика бўйича “ЯИМ”лар қаторига кирувчи давлатлар у ёки бу критериялар бўйича ажralиб туради. Улар қуйидагилардан иборатdir:

- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг миқдори бўйича.
 - Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари бўйича.
 - Ялпи ички маҳсулот таркибидаги қайта ишлаш саноатининг умумий миқдори бўйича (20% атрофида бўлиши керак).
 - Чиқариладиган товарларнинг умумий миқдорига нисбатан саноат маҳсулотларининг улуши ва экспорт миқдори бўйича.
 - Хорижий мамлакатларга чиқариладиган тўғридан–тўғри инвестицияларнинг умумий миқдори ва ҳ.о.лар
- “ЯИМ”лар ушбу кўрсаткичлар бўйича нафақат ривожланаётган мамлакатлардан

ажралиб туради, балки айрим ҳолларда бир қатор саноати ривожланган мамлакатлардан ҳам ушбу кўрсаткичлар бўйича устунликка эгадир. Масалан, Тайвань, 1952-1995 йилларда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини 170 маротаба ўстирган эди. (аҳолининг ўсишига нисбатан 2,5 маротаба ортиқроқдир). Ташқи савдо ҳажмини эса 544 маротабага ошириди. Мамлакатнинг инфляция даражаси ўртacha 3,6%ни, иқтисодий ўсишнинг ўртacha йиллик суръати 8,7%ни ташкил этган эди. Тайвань иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёning илгор мамлакатлари қаторига киритилган бўлиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад тахминан 12 минг долларни ташкил қилган эди.

Шундай қилиб, 1960-1990 йилларда Осиё миңтақасидаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш суръати ҳисоблаб кўрилганда унинг микдори йилига 5%ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин (бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 2%га тенг бўлган). Ана шу йилларда Тайванда йиллик ўсиш суръати жуда юқори бўлиб 8,7%ни ташкил этган. 90-йилларда Жанубий Корея ва Сингапурда йиллик ўсиш суръатлари 8%ни, Малайзияда эса 9%ни ташкил этган.

Жаҳон иқтисодиётida “Янги индустрисал мамлакатлар”нинг иқтисодий ривожланиш суръатининг юқорилиги аҳолининг яшаш турмуш тарзини, яхшилаб бораётганлиги билан уйгуналашиб бормоқда. 1960-1990 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад ривожланаётган “ЯИМ”да 4 маротаба ўсан эди. Хуллас, халқаро эксперталарнинг башорат қилишича, 2010 йилга бориб Шарқий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари Фарбий Европанинг ялпи миллий маҳсулотининг ҳажми бўйича қувиб ўтиши, 2020 йилларга бориб эса Шимолий Америкадан ҳам ўзиб кетиши башорат қилинмоқда.

Осиё – Тинч океани миңтақасининг “ЯИД”ларидан бири Сингапур ҳақида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, у 1995 йилда миңтақа давлатлари ичида биринчи бўлиб “индустрисал ривожланган мамлакат” статусини қўлга киритди. Бундай унвон унга Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИХРТ) томонидан расман эълон қилинди. Барқарор иқтисодий ўсишнинг 5-10 йиллиги давомида ўзига нисбатан паст ривожланган 10 мамлакат доирасидан ажралиб чиқиб, дунёning бой давлатлари қаторидан жой олди. (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳисобига). Сиёсий барқарорлик шароитида мамлакатнинг саноатида йиллик ўсиш суръати ўртacha 8,4%ни ташкил этди. Мамлакат ахолисининг яшаш турмуш тарзи эса ўртacha етти маротабага ортди. Сингапурдаги ҳар бир аҳолининг ўртacha статистик даромади 1995 йилда 22,3 долларни ташкил этди (5-жадвал).

Ўз навбатида Гонконг ҳам узоқ йиллар давомида Буюк Британиянинг собиқ колонияси бўлиб, кейинчалик у ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар бўйича ўзининг метрополияли даражасидан юқори поғонага кўтарилилган эди.

5-жадвал

Осиёнинг “Янги индустрисал мамлакатлари”да ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари (% ҳисобида)

Мамлакатлар	1980-1990 йиллар	1991	1992	1993	1994
Жанубий Корея	9,9	8,3	7,3	6,4	7,6
Тайвань	8,3	7,3	6,7	6,7	6,9
Гонконг	7,1	4,0	5,8	5,4	5,5
Сингапур	6,3	7,0	6,1	6,0	6,1
Малайзия	5,1	8,6	8,5	7,6	7,5

“ЯИМ”нинг иқтисодий ривожланиш модели ва унинг муваффакиятли тараққий этиш томонлари қараб чиқилганда, унинг ташқи ва ички омиллари хусусида ҳам тўхталиб

ўтилади. Кўриниб турибдики, омилларнинг бу икки грухлари, “ЯИМ”ларнинг хукумат раҳбарлари томонидан олиб борилаётган нозик мақсадли сиёсалар орқали тўлдириб турилади. “ЯИМ”ларнинг ички тузилишидаги муаммоларга, ҳамда уларнинг хўжалик механизмларига асосий эътиборни қаратмасдан туриб, “ЯИМ”ташқи иқтисодий омилларининг ўзига хос томонларини очиб бера олмаймиз. Энди биз Лотин Америкасининг “ЯИМ”нинг ривожланиши хусусида тўхталиб ўтамиз.

Жаҳон тажрибаси гувоҳлик бермоқдаки, жаҳоннинг у ёки бу мамлакатлари халқаро иқтисодий ҳамкорликка фаол актив киришаётганда асосий ишни хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда ташқи савдонинг ўсишига хос ҳисобланадиган шарт-шароитларни яратишдан бошлайди. Шундай экан, бу мамлакатлар ўз иқтисодий ривожланишлари доирасида технологик ишлаб чиқаришнинг барча бугинларидан кенг фойдаланган ҳолда таркибий қайта куришишларга, ишлаб чиқаришда тайёр хом-ашёлардан технологик сифими юқори бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўта бошлайди. Жаҳон иқтисодиётида тармоқларни ривожлантириш ва қайта таъмирлаш учун экспортдан тушган даромадлардан кенг фойдаланиш, халқаро меҳнат тақсимоти кўламида анча истиқболли ва “фойдали” усул ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида АҚШ, Германия, Япония каби бир қатор саноати ривожланган мамлакатлар худди мана шу йўллар орқали тараққий этган эди. АҚШ ўз иқтисодий фаолиятини дастлабки йилларида асосан хом-ашё, мевалар, пахта, асал, кўмир ва шунга ўхшаш бир қатор саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларни экспорт қилишдан бошлаган бўлса, ГФР 50-йилларда кўмир, қора металургия, химиявий саноат маҳсулотларни экспорт қилишдан, Япония эса тўқимачилик, металургия, химиявий саноат маҳсулотларни экспорт қилишдан бошлаган эди.

60-йилларда Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатлар, яъни “ЯИМ”лар ҳам худди ана шу йўллар орқали ривожланиш босқичига қадам қўйган эди.

Ушбу давлатларнинг барчаси иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларидан самарали фойдаландилар. Шу ўринда, саноати ривожланган мамлакатлардан хорижий сармоялар-техника ва технологияларни кенг миқёсда жалб килингандигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида шундай савол туғилди қайси сабабларга кўра “янги индустрисал мамлакатлар”ни ривожланаётган дунёдаги бошқа мамлакатлардан ажратиб ўрганиш мумкин?

Маълумки, бир қатор сабабларга кўра, “янги индустрисал мамлакатлар” нинг баъзи бирлари саноати ривожланган мамлакатнинг муҳим сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъсир доирасига тушиб қолганлигини кўришимиз мумкин. АҚШнинг сиёсий манфаатлари асосан Шарқий Осиё мамлакатларининг “коммунистик таъсирига” қарши турувчи Тайвань ва Жанубий Кореянинг сиёсий манфаатларини қўллаб-куватлашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам ушбу мамлакатларга чексиз иқтисодий ёрдам уюштирилиб ҳарбий жиҳатдан қўллаб-куватланди.(масалан, Тайванга 1,5 млрд.АҚШ доллари миқдорида ёрдам қўрсатилган эди). 1950-1960 йилларда АҚШнинг ёрдами, Тайванда жалб этилган жами инвестицияларнинг 34%ни ташкил этган бўлиб, унинг 74%ни инфраструктурага, 59%ни қишлоқ хўжалигига ва 13%ни эса саноатга жалб этилган эди.Хуллас буларнинг барчаси Тайван иқтисодиётининг ривожланишида ташланган ижобий қадам бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда “ЯИМ”ларни замонавий иқтисодий таркибининг шаклтанишида, тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг таъсири катта бўлди. 80-йилларнинг биринчи ярмида “ЯИМ”ларни иқтисодиётидаги тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг миқдори, ривожланаётган мамлакатлардаги тўғридан-тўғри йўналтирилган сармоя қўйилмаларининг 42%га етган эди. Саноати ривожланган мамлакатлар орасида АҚШ “янги индустрисал мамлакатлар” даги ишбилармонлик сармояларининг энг кўзга кўринган инвестори бўлиб ҳисобланади. Улардаги тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиши, хорижий мамлакатлардаги худди шундай инвестициялар умумий миқдорининг 10%ни ташкил этади. Япония ҳозирги кунда “ЯИМ” даги тўғридан-тўғри йўналтирилган миқдори бўйича иккинчи ўринда туради.

Япония инвестициялари, “ЯИМ” нинг индустрисаллашувига ва уларнинг экспорт таварларнинг рақобатбардошлигини оширишга имконият яратиб, “ЯИМ”лар саноатида қайта ишланадиган маҳсулотларнинг йирик экспортёларидан бирига айланишида муҳим роль ўйнамоқда. Япония инвестицияларини кириб келиши биргина 1982-1985 йилларнинг ўзида Тайванда 2,1 мартаға, Гонконгда эса 61%га ўсган эди.

Япония сармояларининг иштирокида, ушбу мамлакатлар юқори сифатли тайёр маҳсулотларнинг экспортёлари бўлиб колишига имкон берувчи йирик ишлаб чиқариш базаси ташкил этилди. 80-йилларнинг бошидан, Япония инвестициялари умумий миқдорининг ярмисидан кўпроғини ташкил этган эди. Хуллас, Япон инвесторлари иштирокида “ЯИМ”ларда замонавий станоклар, электроника жиҳозлари, денгиз кемалари ва бошқаларни ишлаб чиқариш бўйича комплекслар барпо этилган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Осиёнинг “ЯИМ”лари учун шу нарса характерли бўлди, улардаги тадбиркорлик сармоялари, биринчи галда қайта ишлаш саноати ва хом ашё тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Ўз навбатида, Лотин Америкасининг “ЯИМ” ларидаги ишбилармонлик сармоялари эса, кўпроқ савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари ва қайта ишлаш саноат тармоқларига жалб этилган эди. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида хорижий сармояларнинг кенг микёсда таркалиши шу нарсага олиб келдики, “ЯИМ”ларда хорижий сармоялар иштирок этмаган бирорта ҳам иқтисодий тармоқ қолмаган эди. 1998 йилда Лотин Америкаси ва Осиёнинг “ЯИМ”ларининг бозорларидағи қўйилмаларининг даромадлилик (%хисобида) куйидагича характерда бўлган эди. Аргентинада 58%, Бразилияда 83,5% ни, Мексикада 40% ни, Чилида 39% ни, Индонезияда 79%ни, Жанубий Кореяда 26,1% ни, Тайванда 104% ни, Таиландда 121,3% ни, Филиппинда 165,2% ни ташкил этган эди.

Ушбу статистик манбалардан кўриниб турибдики, Осиёнинг “ЯИМ”ларидаги инвестицияларнинг даромадлилик даражаси Лотин Америкаси мамлакатлариникидан сезиларли даражада юқорироқ бўлган. Конуний шундай савол тугилади, хўш нима учун хорижий мамлакатларнинг хусусий сармояларининг барчаси Осиё минтакасидаги бা�ъзи бир мамлакатларга нисбатан фаолрок кириб боради?

Маълумки, 60-йилларнинг охирида жаҳон хўжалигини ривожланишидаги вазият шу қадар мураккаблашган эдики, натижада трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиш манфаатлари ва стратегиялари Осиёдаги бир қатор давлатларнинг имкониятлари ва интилишлари билан мослашиб борган эди. Ривожланаётган мамлакатлар импортидаги турли хилдаги чеклашлар ва уларнинг унча катта бўлмаган тўлов қобилиятига дуч келаётган трансмиллий корпорациялар, жойларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида, сармояларни четга чиқариш орқали товарлар экспортини қисман янгилаш томон қадам қўя бошлади. Трансмиллий корпорацияларнинг худди ана шу йўналишлардаги фаолияти, ривожланган мамлакатларнинг тўйинган бозорларининг конъюктураси, рақобатнинг авж олиши ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун курашиш орқали амалга оширилмоқда. Трансмиллий корпорациялар, ўзлари фаолият кўрсатаётган жойларда ишлаб чиқаришни илмий асосда ривожланишига эътиборни қаратади. Характерли томони шундаки, жаҳон иқтисодиётида “Осиё аждархоси” деб ном олган халқаро иқтисодий конъюктураларининг бундай ўзгаришларни кабул қилишга ва улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишига тайёр эканлиги маълум бўлди. Трансмиллий корпорацияларни, айнан Осиё минтакасига жалб қилишида қуйидаги шарт –шароитлар муҳим аҳамият касб этган эди.

1. “Янги индустрисал мамлакатлар” нинг фойдали стратегик жойлашганлиги. Уларнинг барчаси жаҳоннинг савдо иқтисодий йўлларининг чоррахасида, яъни жаҳон хўжалиги марказлари бўлмиш – АҚШ ва Япония каби ривожланган мамлакатларга якинрок худудларда жойлашганлиги.

2. “Янги индустрисал мамлакатлар” нинг барчасида саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан муносиб ҳисобланган автократик ёки шунга якин бўлган сиёсий муҳитлар яратилганлиги. Уларда сиёсий баркарорлик таъминланиб, сиёсий ҳамда демократик

ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар амалга оширилади. Хорижий инвесторларнинг хавфсизлиги учун юқори даражали кафолатлар таъминланади.

3. Осиёдаги “янги индустрىал мамлакатлар” ахолисига хос бўлган меҳнатсеварлик интилиувчанлик, тартиблилийк, матонатлилик сингари ноиқтисодий омиллар ҳам катта аҳамият касб этди. Бу омилар маълум даражада Осиё ва Лотин Америкасидаги –“ЯИМ” ларнинг икки модели уртасидаги ўзига хос бўлган беллашувда ҳал килувчи аҳамиятга эга бўлди. Хўш, ушбу моделларнинг ўзига хос томонларини нимада кўришимиз мумкин. Жаҳон иқтисодиётида биринчи модель миллий иқтисодиётнинг ташки бозор ва экспортга томон устивор йўналишлари орқали ривожланишини кўрсатиб берса, иккинчи модель эса импорт ўрнини эгаллашга қаратилганлигидир. Биринчи моделда кўрсатиб ўтилгандек, XIXасрнинг охири ва XX асрнинг бошларида АҚШ, иккинчи жаҳон уришудан кейин –Ғарбий Европа давлатлари ва Япония, кейинчалик эса Осиёнинг “ЯИМ” лари ҳам ривожланишнинг биринчи модели йўлидан боришиди. Иккинчи модель эса сезиларли даражада Лотин Америкасининг “ЯИМ” лари томонидан ўзлаштириб олинган эди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда импорт ўрнини эгаллашга қаратилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиялари бир қатор ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараккиётида муҳим роль ўйнамоқда. Импорт ўрнини эгаллаш стратегиялари хужалик таркибининг хилма –хиллигини таъминлаш имкониятини яратади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда эса янги ва муҳим бўлиб ҳисобланувчи бир қатор ишлаб чиқариш тармоқлари барпо этилиши билан бир қаторда муҳим йўналишлар бўйича ўз–ўзини таъминлаш даражаси ҳам ўсиб бормоқда .

Шунингдек иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишда асосий йўл бўлиб ҳисобланувчи импорт ўрнини эгаллашга мулжалланган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришни асосий ўринга қўйувчи барча мамлакатларда ўз–ўзидан жиддий инкиrozлар бўлиб турибди. Гап шундаки, хорижий компанииялар учун имтиёзли кредитларни йўқлиги ва протекционизм сиёсатига асосланган миллий иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишини “кўллаб–куватлаб турганлик” муҳити жаҳон иқтисодиётида тез мослашувчан ва самарали иқтисодий тизимнинг вужудга келишига йўл қўймади. Умуман олганда, импорт ўрнини эгаллаш сиёсати, ривожланаётган мамлакатлар фаолиятининг дунё хўжалигига туб ўзгаришлар ясашига йўл қўймайди.

Бундан ташкари, импорт ўрнини эгаллаш сиёсати нафакат ташки омилларни пасайишига йўл қўймайди, балки унинг ўсишини ҳам таъминлайди. Импорт ўрнини эгаллаш принципларига ўзок вақт таянилганда мамлакатларда қолоқликни бартараф этиш имконияти пайдо бўлади ҳамда кенг микёсдаги тараққиётга эришишни таъминловчи иқтисодиётдаги етакчи тармоқларни вужудга келишига халакит берувчи барча тўсиқларга барҳам берилади. Протекционизм, ички бозорларни ва бизнесни химоя қилиш чоралари сифатида қисман самарасиз ишалётганига қарамасдан, унинг монопол холати ва баҳоларининг кескин усаётганлигидан фойдаланиб фойда олаётган маҳаллий корхоналарни қўллаб–куватлайди. Хуллас, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш даври, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан “янги индустрىал мамлакатлар”да ҳам ўз нихоясига етганлигини куришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш стратегияси Лотин Америкасининг “ЯИМ”лари (Бразилий, Аргентина, Мексика) учун хилма–хил бўлган миллий иқтисодиётни барпо этишда ва шунингдек бир қатор товарларни ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда салмоқли ўринни эгаллаб келишида муҳим ролни ўйнамоқда. Нима бўлганда ҳам ушбу мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан қолоқлик даражасини бартараф этиш учун зарур бўлган шарт –шароитни яратадилар. Шунинг учун ҳам Лотин Америкасининг “ЯИМ”лари қанчалик кучайиб иқтисодий потенциалга эга бўлишларига қарамасдан, Осиёдаги “ЯИМ”ларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан анча қолоқлигича қолмоқда. Масалан, Бразилиянинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) Шаркий Осиёдаги “янги индустрىал мамлакатлар” нинг умумий ялпи ички маҳсулотига нисбатан бироз камроқдир.

Лотин Америкасининг “ЯИМ”лари экспортининг салмоқли ўсишига эга бўлмасдан

туриб, ўз иқтисодиётини талаб даражасида тубдан ислоҳ қилишга эриша олмадилар. Иқтисодий ўсиш суръатларининг натижаларига қараб, ички иқтисодий муаммоларни бартараф этиш учун бир қатор камчиликларга йўл қўйилди. Бир вақтнинг ўзида ташки муаммолар ҳам вужудга келди. Экспортнинг паст даражада ўсиши, тўлов баланси дефицитнинг ҳамда барча янги кредитларга бўлган талабларнинг ўсишига имконият яратди. Оқибатда ушбу мамлакатлар саноати тараккий этган мамлакатларнинг энг илғор бўлмаган техника ва технологияларини ўз иқтисодиётида жорий этиш сиёсатида мустахкамланиб қолаверди.

Қайд этиш жоизки, Лотин Америкасининг “янги индустрисал мамлакат”лари 90-йилларнинг урталарига келиб 80-йиллардаги узоқ давом этган инкиrozдан чиқиб олди. Бразилий, Аргентина, Мексика, Чили каби давлатларда амалга оширилган либераль иқтисодий ўсиш суръатлари юксалиб, савдо балансини яхшилашда ижобий ютуқлар қўлга киритилди.

Лотин Америкасининг йирик “ЯИМ”ларидан бири Бразилияда олиб борилаётган сиёсат –бу очик иқтисодиётни яратишга қаратилганлигидир. Бунинг учун мамлакатнинг ички бозорида рақобат курашуви учун муҳит яратилаётган бўлиб, унга боғлик холда импорт тарифлари пасайтирилди. 1995 йилда МЕРКОСУР мамлакатлари (Бразилия, Аргентина, Парагвай ва Уругвай) уртасида божхона тусиқлари тулиқ олиб ташланди.

Осиёдаги “янги индустрисал мамлакатлар” ўз иқтисодиётининг экспортга мўлжалланган анча самарали ва тез мослашувчан моделини жорий этди. Бу модель, маълум давр мобайнида бир вақтнинг ўзида импорт ўрнини эгаллаш сиёсатини ҳам ўз ичига олган эди. Экспорт сиёсати ўрнини эгаллашга мўлжалланган индустрисаллашувнинг тугалланган даврини қайта содир этишни талаб этмайди. Маълумки, жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш ва экспортга мўлжалланган иқтисодий сиёсат бир–бири билан тенгма –тенг холда харакат килиб, баъзи даврларда эса улар бир –биридан устунликка ҳам эга бўлиши мумкин. Экспортни кенгайтириш даврига еппасига ўтиш олдидан, импорт ўрнини эгаллаш учун жаҳон мамлакатлари ишлаб чиқаришининг замонавий тизимларини вужудга келтириш, халк хўжалигини анъанавий секторини қайта куриш каби масаларга ҳам эътиборни қаратишмоқда.

Осиёнинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан XX асрнинг 50 ва 60 йилларида Жанубий Корея ва Тайванда, 60-йилларда Малайзияда; 60 ва 70 йилларнинг бошларида Таиландда, 50 ва 60 йилларнинг охирида Филиппинда импорт ўрнини эгаллаш сиёсати устувор йўналишга эга бўлган эди. Гонконг ва маълум даражада Сингапур, ўзларининг тарихий ривожланиш шарт –шароитлари, жуғрофий жойлашуви ва ички талабнинг секланганлиги таъсирида ишлаб чиқаришни қўпроқ экспортга қаратдилар. Маҳаллий ишлаб чиқаришни рагбатлантирувчи чора –тадибрлар, қайта ишлаш саноатидаги фойда меъёрини ошириш, истеъмол маҳсулотларни ва шунингдек узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг аста –секинлик билан импорт ўрнини эгаллашига сабаб бўлган эди.

60-80 - йилларда Жанубии Корея жаҳон бозорига узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотларнинг 2,9%ни, 3,4%ни, 9,6%ни, 9,3%ни, 11,1%ни ва 9,6%ни етказиб берган бўлиб, унинг жаҳон кемасозлик саноати экспортидаги улуши 13,1% га тугри келган эди.

Осиёнинг “янги индустрисал давлатлари” саноат маҳсулотлари экспортининг юқори динамикасига асосланган холда, анъанавий айрим товарлар экспорти бўйича ташки савдо айланмасида ҳал килувчи ўринни эгаллаган эди. Масалан, Жанубии Корея ва Тайван экспортида хом-ашё ва озиқ-овқатнинг улуши мос равишда 7,1% ва 7%ни ташкил этган эди. Хуллас, 90-йилларда Жанубий Кореяда товарлар экспортида киймати бўйича иккинчи ўринни пойафзал маҳсулотлари эгаллаган бўлса, Тайванда эса уйинчоклар ва спорт товарлари эгаллаган эди. Жанубии Корея экспортида тўртинчи ўринда синтетик маҳсулотлардан тайёрланган текстил товарлари турган бўлса, Тайванда эса еттинчи ўринда пойафзал маҳсулотлари турган эди.

Осиёнинг “Янги индустриал давлатлари”да айникса, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича экспортида Хинди斯顿 ва шунингдек Лотин Америкасининг “ЯИД”ларининг кучсизлиги сезиларлидир. Агар Лотин Америкасининг “ЯИД”ларини товарлар экспортиниг ривожланган давлатлар умумий экспортидаги улуши 1998 йилда 1980 йилга нисбатан унчалик камаймаган (0,5%) бўлсада, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича улуши қарийб 1,8 баробар камайганини қўришимиз мумкин.. Айнан ана шу машинатехник маҳсулотлар экспорти ривожланаётган давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ҳолатларини яхшиланишининг энг муҳим омилидир.

90-йилларда Осиёнинг “Янги индустриал давлатлари”ни олиб бораётган фаол ташқи савдо сиёсати АҚШнинг Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан бўлган йиллик ўзаро савдо ҳажми (128,4 млрд. долл.) Фарбий Европа билан бўлган савдо айланмасидан (117,1 млрд. долл.) юқори бўлган эди. Бунда Осиёнинг “ЯИД”лари (Японияни қўшиб ҳисоблаганда) АҚШ бозорида автомобиллар ва электронтехниканинг 30%ни, текстил ва тикувчилик маҳсулотларининг 50%ни эгаллаган эди.

80-90 йилларда Ривожланган мамлакатларнинг энг йирик капитал импортёри бўлган “Янги индустриал давлатлар” ўз географиясини анча кенгайтирган эди. Ҳозирги кунда илғор саноати ривожланган давлатларини капитали учун Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган давлатларнинг янги бозорларидир. Масалан, Жанубий Корея фирмалари АҚШда аниқ мақсадга йўналтирилган экспорт экспансиясини ўтказмоқда. Америка иқтисодиётига капитал қўйишиб, Жанубий Кореяликлар ўз иқтисодиёти учун энг янги технологияларни кириб келишига йўл очмоқдалар. Шунингдек Жанубий Корея фирмалари Осиёнинг “аждарҳо” деб ном олган бошқа давлатларига ҳам капитал олиб чикини кўпайтироқда. Масалан, Тайваннинг Хитойга бўлган кизикиши жуда каттадир. 90-йилларнинг урталарида Тайваннинг XXРдаги инвестициялари 9 млрд. долл.дан ошиб кетган эди. Ўз навбатида Гонгконглик ишбилармонлар XXРда руйхатга олинган кушма корхоналарнинг ярмидан кўпроғини ташкил қилишган.

ХХ асрнинг 50-йилларида жаҳон хўжалида байналминаллашув жараёнларининг тезлашиши ривожланаётган давлатларни, биринчи навбатда “янги индустриал давлатлар”ни ҳам камраб олган эди. Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришни, меҳнат ва капитал бозорларини ва товар айирбошлаш жараёнларининг байналминаллашувига молия бозорларининг байналминаллашуви ҳам кушилди. “ЯИД”ларнинг кредит имкониятини ўсиши, миллий молиявий бозорларининг ривожланиши билан ва шунингдек молиявий салоҳиятигининг ошиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Кўпгина “янги индустриал давлатлар” ҳозирги кунда миллий молиявий бозорларни ташкил топишининг биринчи босқичидан ўтишиб уларнинг фаолиятини либераллаштиришнинг иккинчи босқичига киришдилар. Бу билан эса уларнинг халқаро молия муносабатлари тизимига фаол интеграциялашувига асос яратилди. Капитал ҳаракатининг байналминаллашиш жараёнлари ҳатто ривожланган давлатлар орасида ҳам якунланишдан узоқдир. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ривожланаётган давлатлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шунга қарамасдан, бъзи бир “янги индустриал давлатлар” (Сингапур ва Гонконг) бу йўлда ўзларининг сезиларли қадамларини қўйдилар. Бунга, 70-йилларда жаҳон иқтисодиётида янги халқаро молиявий марказларнинг ҳосил бўлиши ва тез ўсишини киритиш мумкин. XXI аср бошларида Тайвань Осиё-Тинч океани минтақасидаги йирик валюта-молиявий марказига айланишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Осиёнинг “ЯИД”лари халқаро молия марказлари кредит-молия операцияларини ўtkазиш миқёси бўйича Лондон, Париж, Цюрих каби йирик молия марказлари қаторига чиқиб, уларни ссуда капитали бозоридан аста-секин сикиб чиқармоқда.

Осиёнинг “ЯИД”ларини иқтисодий эволюциясининг характерли томонларидан бири уларнинг бир-бирига бўлган кизикишини тобора ортиб бораётганлигидир. Саноати ривожланган Фарбий Европа давлатларига капитал йуналтиришнинг устувор тенденцияси, минтақа ва бир-бирига яқин бўлган субминтақаларда савдо-иктисодий ҳамкорларни олиб боришлиги билан тулдирилмоқда. Аммо бу Осиёнинг “ЯИД”ларини ракобатбардошлилигини оширишга эътибор бермаяпти дегани эмас. Хуллас, 90-йилларнинг

урталарида товарларнинг рақобатбардошлиги бўйича жаҳондаги биринчи бешлиқда Сингапур, Гонконг, Тайвань каби давлатлар турган эди.

Бу давлатларда кабул килинган иқтисодий стратегиянинг асосий йўналиши-илмталаб махсулотлар ишлаб чиқаришdir. Мехнатталаб ва паст рентабелли ишлаб чиқаришлар “ЯИД”ларнинг “иккинчи оқими”да турган Хитой ва Въетнамга “топширмоқда”. Натижада бу ишлаб чиқаришларни бир пайтлар содир этган саноати ривожланган давлатлардан биринchi авлод “янги индустрисал давлатлар”га кучиш жараёни амалда қайтарилимоқда. Шундай қилиб “ЯИД”ларни ривожланишидаги қўлга киритилган ютуклари, жаҳон хўжалигига интеграцияси, иқтисодий ўсишининг истиқболлари, ахоли турмуш тарзини ўсиши ушбу давлатларнинг иқтисодиётida ташки иқтисодий экспансияларнинг роли юқори даражада дейишга имкон беради. XXI асрда ушбу давлатлар жаҳон иқтисодий хукмронлигига юқорирок ўринни эгаллаб, янги ва муҳим натижаларни намойиш килмоқда. Жаҳон Банкининг башоратига қараганда, яқин 10 йиллар мобайнида ўсишнинг уртacha суръатлари Жанубий Осиёда - 5,5%ни, Шаркий Осиёда - 7,7%ни, Лотин Америкасида - 3,5%ни ташкил қилас экан. 1996-2004 йилларда Шаркий Осиёда ахоли жон бошига тугри келадиган даромаднинг йиллик ўсиши 6,6%ни ташкил этиб, ўрта ҳисобда ахоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад 1,9% га ўсган эди.

Таянч иборалар: юқори даражада ривожланаётган, ўртacha даражада ривожланаётган, паст ривожланган мамлакатлар, “ЯИД”, ЯИМ ўсиш суръатлари, ташки савдо айланмасининг ўсиши, экспортга йўналтирилган ва импортни қоплаш сиёсалари.

Бобнинг қисқача холосаси:

XX асрнинг 50-йилларидан сўнг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларни ривожланишининг аҳамиятли томонларидан бири, мустамлака ва қарам мамлакатларнинг (Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари) роли ва аҳамиятини иқтисодий жиҳатдан кучайиб бораётганлигидir. Ушбу мамлакатлар ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётida ривожланаётган мамлакатлар ёки озод этилган мамлакатлар, “Учинчи дунё мамлакатлари”, “жануб мамлакатлари”, “периферия мамлакатлари” сифатида тилга олинади. Ривожланаётган мамлакатларнинг барчасига хос бўлган умумий хусусиятлар – иқтисодиётнинг кўп укладли характерга эгалиги, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг паст даражадалиги, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий инфраструктуранинг қолоқлиги, иқтисодий ривожланиши жаҳон хўжалиги тизимига (айниқса – етакчи мамлакатларга) қарамлиги, капитализмни периферик характер касб этиши ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда “янги индустрисал мамлакатлар” (“ЯИД”) ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигига иқтисодий ривожланиш параметрларининг барча тизимлари бўйича ажralиб туради. Яъни, уларнинг ривожланиши “янги индустрисал” ривожланиш модели сифатида мавжудлигидir.

Трансмиллий компаниилар ривожланаётган мамлакатлarda юксак иқтисодий ўзгаришларни вужудга келтираётганлиги билан бир қаторда, ушбу мамлакатларнинг техник таракқиётининг ички ривожланиш омилларининг ривожланишига ҳам жуда катта имкониятлар очиб бермоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Ривожланаётган мамлакатлар гурухига кирувчи давлатларни тавсифлаб беринг.
2. Жаҳон иқтисодиётida ривожланаётган мамлакатлар неча гуруҳга бўлиб ўрганилади?
3. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлган умумий хусусиятларни характерлаб беринг.
4. Ривожланаётган давлатлар учун хорижий инвестицияларни жалб этиш қандай аҳамият касб этади.

5. Ривожланаётган ва саноати ривожланган давлатлар ўртасидаги фарқларни ошиб бориш сабабларини очиб беринг.

6. Ривожланаётган давлатларнинг халқаро қарздорлик муаммоси ҳақида гапириб беринг.

7. “ЯИД”лар қаторига киритишида қандай қўрсаткичлар эътиборга олинади?

8. “ЯИД”ларнинг иқтисодий ривожланишига қандай омиллар таъсир қўрсатмоқда?

9. “ЯИД”ларда қандай ривожланиш моделлар мавжуд?

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Т. Ўзбекистон, 1996.
- Каримов И.А. “Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда” Т. Ўзбекистон, 1999.
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристъ. 2003.
- Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Германия Федератив Республикаси (Илмий-оммабоп рисола). ЎзРДСҚ. Тошкент солик коллежи, 2003.
- Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. С.-П., 2003.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отнош. Учебник. 2004.
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004.
- Спиридонов И.А. Мировая экономика. Уч. пос. Инфра-М. 2004.
- Назарова Г.Ғ., Халилов Х. ва бошқалар. Германия Федератив Республикаси иқтисодиёти (Илмий-оммабоп рисола). ТДИУ, 2005.
- Назарова Г.Ғ. Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар (ўкув қўлланма). Т., ТДИУ, 2005.
- Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. “Жаҳон иқтисодиёти” (Ўкув қўлланма). Т., 2005

9-боб. Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлар

§ 9.1. Халқаро валюта тизимининг моҳияти ва таркиби

XX асрнинг 50-60-йилларида халқаро иқтисодий, молиявий ва валюта муносабатларини ривожланишида янги давр бошланди. Очиқ иқтисодиётнинг умумий тенденцияси савдо айирбошлишувининг тезлашишига, халқаро молиялаштиришнинг ривожланишига, янги валюта бозорларини ҳосил бўлишига, турли мамлакатлар орасида валюта-молия муносабатларининг кенгайишига имкон берди.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро валюта муносабатлари пулнинг жаҳон пули функцияси билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни намоён қилади. Пул жаҳон пули сифатида ташқи савдо ва хизматлар, капитал миграцияси, фойданинг инвестицияларга кўчиши, заём ва субсидиялар бериш, илмий-техник алмашув, туризм, давлат ва хусусий пул кўчиришларига хизмат қила бошлади.

Валюта муносабатлари одатда миллий ва халқаро даражаларда амалга оширилади. Миллий даражада улар миллий валюта тизимлари (МВТ) соҳасини қамраб олади. Миллий валюта тизими - бу валюта қонунчилиги билан белгиланадиган давлат валюта муносабатларини ташкил қилишнинг шаклидир. МВТнинг ўзига хос томони у ёки бу давлат иқтисодиётининг, шунингдек ташки иқтисодий алоқаларининг ривожланиш даражасини ва ўзига хослиги билан аниқланади. Жаҳон иқтисодиётида миллий валюта тизими қуидаги ҳолатлари билан характерланади:

- миллий валюта бирлиги билан;
- расмий олтин ва валюта заҳираларининг таркиби билан;

- миллий валюта паритети ва валюта курси шакланишининг механизми билан;
- валюта қайтиши шароитлари билан;
- валюта чекланишларининг мавжудлиги ёки йўқлиги билан;
- давлатларнинг ташки иқтисодий хисоб-китобларини амалга ошириш тартиби ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиётида миллий валюта тизимларини боғловчи звено бўлиб валюта курси ва валюта паритети хизмат қилади. Валюта курси алоҳида мамлакатларнинг валюталарига бўлган нисбати ёки маълум бир давлат валютасининг бошқа бир давлатлар валютасида ҳисобланган “нархи”ни намоён қилади. Валюта паритети - валюталарнинг улардаги олтинга мос келувчи нисбатидир. Валюта курси амалда ҳеч қачон паритет билан мос келмайди.

Халқаро валюта тизими (ХВТ) жаҳон хўжалиги доирасида валюта муносабатларини ташкил қилишнинг шаклидир. У жаҳон капиталистик хўжалиги эволюцияси натижасида пайдо бўлиб, хуқуқий жиҳатдан давлатлараро келишувлар билан расмийлаштирилган. Халқаро валюта тизимининг асосий элементлари қўйидагилардан иборатdir:

- валюта бирликларининг миллий ва колектив заҳиралари;
- халқаро ликвидли активларнинг таркиби ва структураси;
- валюта паритетлари ва курслари механизми;
- валюталарнинг ўзаро алмашув шартлари;
- халқаро хисоб-китоб шакллари;
- халқаро валюта бозори ва жаҳон олтин бозори режими;
- валюта-молия ташкилотларини (ХВФ, ХТТБ ва бошқалар) тартибга солувчи давлатлараро валюта-кредит ташкилотларининг мақоми.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро валюта тизимининг асосий вазифаси - муҳим иқтисодий ўсишни таъминлашдан, инфляцияни камайтиришдан, ташки иқтисодий алмашув ва тўлов оборотининг тенглигини қўллаб-куватлаш учун халқаро хисоб-китоблар ва валюта бозори соҳасини тартибга солишдан иборатdir.

§ 9.2. Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари

Жаҳон иқтисодиётида халқаро валюта тизими динамик ривожланиб борувчи тизимdir. У эволюцион ривожланиш босқичларда доимо ўзгаради ва ривожланди. Ўзининг эволюцион ривожланишида Халқаро валюта тизими тўртта халқаро валюта тизимларини ўзида намоён қилувчи тўрт босқични босиб ўтган.

Халқаро валюта тизимида олтин стандарт деб аталувчи биринчи тизим стихияли равища XIX аср охирида вужудга келди. Унда қатор давлатларнинг валюталари ўз давлатларининг ички бозорида эркин равища олтинга тенглаштирилган. Олтин стандарт тизими қўйидагилар билан ажралиб турган:

- валюта бирлиги маълум микдорда олтин қийматига эгалиги билан;
- валютанинг олтинга конвертацияланиши алоҳида бир давлатнинг ичидаги ҳам ташқарисида ҳам таъминланганлиги билан;
- олтин қўймалар эркин равища тангаларга алмаштирилиши мумкин, олтин эркин экспорт ва импорт қилинади, халқаро олтин бозорларида сотилиши билан;
- миллий олтин захираси ва ички пул таклифи ўртасида кучли нисбатнинг сақланиши билан.

Олтин стандартга асосланган халқаро хисоб-китоблар механизми қайд қилинган курсни ўрнатади. Олтин танга, олтин ёмби, олтин девиз стандартлари олтин стандартнинг турларидир. Олтин стандартнинг бир туридан иккинчисига эвалюцион ўтиши халқаро капиталистик тизимининг ривожланиши мобайнида рўй берган эди.

Капitalistik хўжалик фаолиятининг аста-секин мураккаблашуви, жаҳон хўжалиги алоқаларининг кенгайиши ва чуқурлашиши, даврий рўй бериб турган иқтисодий инқирозлар иқтисодиётни тартибга солишни, давлатнинг иқтисодий жараёнларни бошқаришга

аралашувини кучайтиришни объектив заруриятга айлантириди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кучайиб бориши билан эркин рақобатчилик капитализм ривожланишининг алломатларига жавоб берувчи олтин стандарти механизми билан аниқланадиган валюта курслари тизимлари ҳам ўзгара бошлади.

Иккинчи тизим - олтин-девиз стандарти Генуя конференцияси (1922 й.) қарорлари натижасида вужудга келди. Кейинчалик у кўпчилик капиталистик давлатлар томонидан тан олинди. Бунда банкноталар олтин эмас, балки кейинчалик олtinga алмаштирилиши мумкин бўлган бошқа давлатлар девизига (банкнота, вексель, чеклар) алмаштирилган. Девиз валюта сифатида доллар ва фунт стерлинг танланди. Олтин-девиз стандарти амалда тартибга солувчи валюта курслари стандарти тизими олтин валюта стандарти тизимига ўтиш босқичи бўлди. Олтин-валюта стандарти тизими 30-йилларда ташкил топди ва 50-йиллар охирида тўлиқ шаклланди. Бу тизим шароитида коғоз пуллар олtinga алмаштирилмайдиган бўлди. 1944 йилда бўлиб ўтган Бреттон-Вудс (АҚШ) халқаро конференциясида бу тизим ҳукукий мақомни олди. Бреттон-Вудс валюта тизимининг ўзига хос томонлари қўйидагилардан иборатdir:

- олтин давлатлар орасида якуний пул ҳисоб-китоблари функциясини сақлаб қолди;
- олтин билан бир қатор турли давлатлар валюталари қиймати ўлчови, шунингдек тўловнинг халқаро кредит воситаси сифатида тан олинган АҚШ доллари резерв валюта бўлди;
- доллар бошқа давлатларнинг марказий банклари ва ҳукумат идоралари томонидан АҚШ хазинасида 1 троя унцияга (31,1г.), яъни 35 долларга teng бўлган курс (1944 и) бўйича олtinga алмаштирилган. Бундан ташқари ҳукумат органлари ва хусусий шахслар олтинни хусусий бозорда сотиб олишлари ҳам мумкин бўлган. Олтиннинг валюта қиймати расмий қиймат асосида шаклланиб борди ва у 1968 йилгача сезиларли ўзгармади;
- валюталарни бир-бирига тенглаштириш. Уларнинг ўзаро алмашуви олтин ва долларда белгиланган расмий валюта паритетлар асосида амалга оширилган;
- ҳар бир давлат ўз валютасининг бошқа валютага нисбатан курсини барқарор сақлаши керак бўлган. Валюталарнинг бозордаги курслари қайд қилинган олтин ёки доллар паритетидан у ёки бу томонга 1% дан ортиқ ўзгармаслиги керак эди. Паритетларнинг ўзариши тўловлар балансининг доимий бузилиши содир бўлганда амалга оширилиши мумкин бўлган;
- валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш асосан Бреттон-Вудс конференциясида ташкил қилинган Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) орқали амалга оширилди. У аъзо давлатлар томонидан расмий валюта паритетлари, курслари ва ўзаро эркин валюта алмаштиришга амал қилишлари таъминланган.

Бреттон-Вудс келишуви халқаро валюта тизимининг ривожланишини энг муҳим босқичи ҳисобланади. Биринчи марта халқаро валюта тизими ҳукуматлараро келишувларга асослана бошлади. Олтин-доллар стандарти тизими мустаҳкамлаган Бреттон-Вудс тизими халқаро савдо оборотининг кенгайишда, саноати ривожланган давлатлар ишлаб чиқаришининг ўсишида ҳам муҳим рол ўйнади.

60-йилларнинг охирига келиб Бреттон-Вудс тизими жаҳон хўжалигининг кучаяётган байналминаллашуви билан, трансмиллий корпорацияларининг валюта соҳасидаги фаол чайқовчилик фаолияти билан қарама-қарши чиқа бошлади. Олтин-доллар стандарти режими амалда аста-секин доллар стандарти тизимига айлана бошлади. Шу билан бирга 60-йиллар охирида долларнинг жаҳондаги мавқеи Ғарбий Европа давлатлари ва Япониянинг иқтисодий қуввати ва таъсир доирасини ошиши натижасида сезиларли ёмонлашди. АҚШдан ташқаридаги доллар заҳиралари жаҳон иқтисодиётида жуда катта суммада бўлиб, йирик евродоллар бозорини ташкил қилган эди. АҚШ тўлов балансининг камомади (дефицити) мумкин бўлган нормалардан ортиб борди. Бреттон-Вудс тизимининг долларни олtinga айлантириш ҳақидаги талаби АҚШ учун оғирлик қилиб қолди, чунки ўз заҳиралари ҳисобидан олтиннинг паст нархини сақлаб туриши керак эди. 70-йиллар бошида Бреттон-Вудс тизими амалда ўз фаолиятини тўхтатди. АҚШ долларни олtinga расмий нархларда

алмаштиришдан бош тортди. Натижада жаҳон бозорларида олтиннинг баҳоси кескин кўтарилиб кетди.

1976 йилда Кингстонда (Ямайка) бўлиб ўтган ХВФнинг навбатдаги мажлисида дунёда халқаро валюта тизимининг асослари аниқланди. Ямайка келишувидан келиб чиқсан ҳолда халқаро валюта механизмини ташкил этувчилар деб қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Олтиннинг қиймат ўлчови ва валюта курсларини ҳисоблашнинг бошланғич нуқтаси сифатидаги вазифаси бекор қилинди. Олтин эркин нархли оддий товарга айланади. Шу билан бир қаторда у алоҳида ликвидли товар бўлиб ҳам қолди. Яъни, зарур бўлганда олтин сотилиши мумкин, олинган валюта эса тўлов учун ишлатилиши мумкин бўлиб қолди.

2. Асосий захира валюта қилиш ва бошқа резерв валюталарнинг ролини камайтириш мақсадида СДР (Special drawing rights - SDR) - “маҳсус ўрнини олиш ҳуқуқи” стандарти киритилди.

3. Давлатларга валюта курсининг хоҳлаган режимини танлаб олиш ҳуқуқи берилди. Давлатлар ўртасидаги ўзаро валюта муносабатлари уларни миллий пул бирликларининг сузувчи курсига асосланадиган бўлди.

Халқаро молиявий қонунларда курсларнинг ўзгариши икки асосий омил билан белгиланади:

- а) давлатларнинг ички бозорларида валюталарнинг реал қийматлари нисбати билан;
- б) халқаро бозорларда миллий валюталарга бўлган талаб ва таклифлар нисбати билан.

§ 9.3. Халқаро резерв валюта бирликлари

90-йилларнинг бошига келиб сузувчи курслар факторини амалга оширилиши муносабати билан қуйидаги элементлар асосида етарли даражада мураккаб бўлган халқаро валюта тизимини ташкил қилиш схемаси вужудга келди:

1. Асосий устун бирликлар танланади. Бу билан улар миллий валюталар муносабатларини, аниқроғи ўз валюта курсларини сақлаб қолдилар;

2. Валюта курслариниг ўзгариш даражаси бир хил бўлмасдан, диапазони кенг эди. Бунда маълум диапазон доирасида фақат айрим валюталарга нисбатан валюта курси сақланади, бошқа валюталарга нисбатан курс эркин ўзгариб туради.

Амалда давлатлар эълон қилган валюта режимлари хилма-хилдир. 1988 йилда жаҳоннинг 58 давлати ўз валюталарининг асосий ҳамкорларидан бирининг валютасига нисбатан курсини ўрнатишга қарор қилдилар. Булар АҚШ доллари (39 та давлат), француз франки (франк зонасининг 14та давлати) ёки бошқа валюталарда (5 та давлат). Айрим давлатлар ўз валюталарини СДРга (17 та давлат) ёки бошқа валюталар саватчасига (29 та давлат) боғладилар. Бундан ташқари, 4 та давлат ягона валютага нисбатан чекланган мослашувчанлик режимини маъқуллайдилар. Ўз навбатида ЕИ нинг 8 давлати ўзлари учун валюта ҳамкорлиги механизмини таъсис этишиб, ўз валюта курсларини барқарорлаштирилар. Жаҳоннинг 19та давлатлари шу жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Япония мустакил сузиш режимини танладилар.

Ямайка келишуви жамоа валюта бирлиги сифатида “махсус ўрнини олиш хукуқи” (СДР) ни тан олди. СДР 1969 йилда оддий кредит воситаси сифатида яратилган эди. Бироқ кейинчалик СДРни “халқаро валюта тизимининг заҳира активи” га айлантириш вазифаси қўйилди. Олдинига СДР бирлиги долларнинг олтин қийматига (1970 й.) мос равища олtinga тенглаштирилади. 1974 йилнинг июлида валюталарнинг сузувчи курсга ўтиши билан СДРнинг олтин қиймати бекор қилинди. Бу валюта бирлигининг курси валюта саватчаси - ташқи савдоси жаҳон савдосининг 1% дан кам бўлмаган 16 давлат валюталарининг ўртacha курси асосида аниқланарди. 1981 йилдан бошлаб СДР 5та давлат валютаси (АҚШ доллари, ГФР маркаси, япон иенаси, француз франки ва Англия фунт стерлинг) тўпламидан келиб чиқдан ҳолда аниқланадиган бўлди.

Валюта корзинаси - бу бир валюта ўртacha хисобланган курсининг бошқа валюталарнинг маълум тўпламига нисбатан солишириш усулидир. Валюта курсини хисоблаш унинг таркиби, валюта компонентларининг ўлчови, валюталарнинг долларга нисбатан бозор курсига боғлиқ.

СДР фоизлар келтиради. Мамлакат агарда СДРдаги авуарлар ассоциацияларидан кўп бўлса фоизлар олади ва аксинча СДРдаги авуарлари ассоциацияларидан кам бўлса фоиз тўлайди. СДР бирлиги бирликдир. У ХВФнинг махсус счетларида ХВФга аъзо давлатларга ажратилган квоталар асосида келтирилади. Бу квоталардан конвертиранадиган валюта сотиб олиш ёки тўлов баланси дефицитини тўлаш учун фойдаланилади. Аммо уларнинг капиталистик дунё умумий валюта заҳираларидаги улуши -6%га яқин бўлиб унча катта эмас (6-жадвал).

6-жадвал

СДР бирлиги қиймати (1994 йил 15 августдаги ҳолати)

Валюта	Валюта қиймати (валюта бирлиги)*	15 августдаги алмаштириш курси**	Доллар эквиваленти:***
Немис маркаси ДМ	0,4530	1,55150	0,291787
Француз франки	0,8000	5,32800	0,150150
Япон иенаси	31,8000	100,370000	0,316828
Буюк Британия Фунт стерлинги	0,0812	1,54400	0,125373
АҚШ доллари	0,5720	1,00000	0,572000
ЖАМИ			1,456138

Изоҳ: 1 СДР=1,45 614 АҚШ долл. АҚШ долл.= 0,686748 СДР***

СДР саватчасининг валюта компонентлари.

** Валюта бирликларида АҚШ доллари учун алмашув курси, бир фунт учун АҚШ долларида ҳисобланган фунт стерлинги курсидан ташқари.

*** валюта компоненти аҳамиятининг алмашув курси аҳамияти нисбатининг натижаси сифатида ҳисобланган АҚШ долларидаги эквивалент.

**** АҚШ долларининг СДРдаги расмий қиймати-доллар эквиваленти суммасига тескари катталик яъни вергудан сунг олтинчи белгигача 1/1,456138.

Кўпгина иқтисодчилар СДРни камроқ заҳира валюта сифатида, кўпроқ кредит сифатида кўриш мумкин деб ҳисоблайдилар. Хуллас, СДР ҳам заҳира валюта ҳам кредиттир. Уни яратувчилардан бири айтганидек СДР “айримлар қора йўлли оқ айримлар оқ йўлли қора жонивор сифатида кўрадиган” - зебрага ўхшайди.

Валюта саватчаси қиймати асосида белгиланадиган яна бир жамоа заҳира валюта бирлиги ЭКЮдир. ЭКЮ (Europe an current su unit) ЕИга кирувчи Европанинг илфор 12 давлати валюталарига асосланган эди. Улар бир валютанинг саватчадаги оғирлиги аъзодавлатларнинг ЕИ ЯММси ва Иттифоқ ичидаги экспортдаги улушкига мувофиқ белгиланади. 1 ЭКЮ тахминан 1,3 АҚШ долларига тенглаштирилган эди. СДРдан фарқли улароқ ЭКЮнинг расмий эмиссияси қисман нақд олтин ва долларга айлантирилган. ЭКЮ эмиссиясининг ҳажми СДРдан кўп.

Худди СДР каби ЭКЮ ҳам нақдсиз шаклда - улар бўйича нақдсиз қўчиришда марказий банклар (ёки тижорат банклари) счёtlарида ёзув сифатида намоён бўлади.

Европа валюта тизимида (ЕВТ) ЕИ ҳар бир аъзоси валютасининг ЭКЮда ҳисобланган асосий курси белгиланган. Мана шу асосий курс негизида валюталарнинг ўзаро курси ҳисобланади. Бу курсдан курслар амалда 2,25% дан ортиқ фарқ қилиши мумкин эмас. ЕВТга қўшилган испан песети учун имтиёзли режим ва Италия лираси учун 1993 йил августидан 15% гача ўзгаришлар чегараси ўрнатилган.

ЭКЮ яратишдан мақсад - айрим ЕИга аъзо давлатларни валюта курсларининг барқарорлигига эришиш эди. ЭКЮни яратишнинг ундаги муҳим томонларидан бири АҚШ долларининг олтинни ўрнини босиши учун етарли даражада ишончли эмаслигидир.

Бундан ташқари ЭКЮни яратиш Европа валюта тизимини доллар ўзгариши ва АҚШнинг иқтисодий тотал диктатига боғлиқликдан озод қилиниши ҳам кўзда тутилди. ЭКЮ қўшма фонdlар ва халқаро валюта-кредит молия ташкилотларида валюта бирлиги сифатида, ягона қишлоқ хўжалиги нархлари, ЕИ аъзолари марказий банкларининг валюта интервенциясини ўtkазища ҳисоб-китоблари валютаси сифатида намоён бўлади. 500дан ортиқ йирик халқаро ташкилотлар ЭКЮдан кредит беришда фойдаланадилар.

§ 9.4. Европа валюта тизими

Европа иқтисодий ҳамжамиятининг тузилиши ягона Европа валютасини яратишни кўзда тутмаган эди. Аммо 70-йилларнинг ўрталарига келиб ягона валюта иттифоқини тузиш йўлларини қидириш фаоллашди. Европа ҳамжамияти лидерлари нафақат АҚШ долларига муқобил валюта бирлигини яратиш, балки валюта интервенциясини амалга ошириш, валюта ўзгаришларини давлат томонидан назорат қилишни амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

Мураккаб музоқаралар натижасида ЕИ доирасида 1979 йилнинг мартаидаги Европа валюта тизими (ЕВТ) ташкил топди. ЕВТ - умумий иқтисодий муносабатларни намоён қилувчи, иқтисодий интеграция доирасида миллий валюталарнинг ишлаши билан боғлиқ бўлган халқаро (минтақавий) валюта тизимиdir. ЕВТ - жаҳон валюта тизимининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Европа валюта тизимини яратилиш тарихининг асосий босқичлари куйидагилардан иборат. 1972 йилда ЕИХнинг, Вазирлар Кенгаси ҳамжамиятга кирувчи давлатлар валюталарининг бир-бирига нисбатан ўзгариши амплитудасини чеклаш ҳақида қабул

қилди. Ушбу мақсадга эришиш учун Марказий банклар валюта бозоридаги интервенцияларини мувофиқлаштиришлари лозим эди. Шундай қилиб “Европа валюта илони” туғилди. ЕИХ, давлатлари валюталарининг бир-бирига нисбатан курсининг ўзгариши турли йилларда $\pm 4,5\%$ гача рухсат берилди. График тасвирда “ilon” ЕИхга аъзо бта давлат (ГФР, Франция, Италия, Нидерландия, Бельгия, Люксембург) валюталарининг ўзаро курсининг ўзгаришларини энг кам миқдорини билдирган. Агар мамлакат валютасининг курси мумкин бўлганидан пастга тушиб кетса, Марказий банк миллий валютани чет эл валютасида сотиб олиши лозим бўлган.

“Валюта илони” аъзо-давлатларнинг у ёки бу таркиби билан 1979 йилда В.Жискар д, Эстен ва Г. Шмидт таклифи билан Европа валюта тизими киритилгунича амалда бўлди. ЕВТ ўзида уч муҳим элементни (ЭКЮ - ЕВТ асосига, валюта курслари ва интервенциялари механизми, Ҳамжамият давлатлари валюталари нисбатида ҳар икки томонга $\pm 2,25\%$ дан ортиқ ўзгариши мумкин эмаслигини) қамраб олади. Европа валюта тизимида валюта интервенцияси билан боғлик вақтинчалик тўлов баланси дефицити ва ҳисоб-китобларни қоплаш учун Марказий банкларга кредит бериш йўли билан давлатлараро минтақавий валютани тартибга солиш амалга оширилган. Европа валюта тизими олдига қўйидаги мақсадлар қўйилган:

- ЕИ ичида юқори валюта барқарорлигини ўрнатиш;
- барқарорлик шароитида ўсиш стратегиясининг асосий элементи бўлиш;
- иқтисодий ривожланиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш ва Европа жараёнига янги туртки бериш;
- халқаро иқтисодий ва валюта муносабатларига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиш.

Европа валюта тизими ҳаракат механизми ЭКЮ ташкил қилиш ва барқарор, аммо тартибга солинувчи ЕИ давлатлари орасида валюта курслари орқали қийматни ўзаро ўлчаш негизини ўрнатишни кўзда тутади. ЕВТ валюта резервларини умумий фойдаланишга берилишини кафолатлайди. Яратилган тизим ЕИ ичида кредит механизмларининг бутун бир арсеналини ҳаракатга келтиради. Европа валюта тизимининг фаолият жараёни ва ривожланиш “Делар режаси” билан чамбарчас боғлик. 1989 йилда ЕИнинг атоқли арбоби (ЕИК раиси) Ж.Делар Европа валюта бирлашувининг уч босқичли режасини тасвирлаган ҳисботни тақдим қилди. Бу план қўйидагиларни ўз ичига олади: 1) алоҳида ЕИ давлатларининг мувофиқлаштирилган иқтисодий ва валюта сиёсатини амалга ошириш; 2) ЕИ Марказий банкини ташкил қилиш; 3)Миллий валюталарни ЕИ нинг ягона валютасига алмаштириш.

1990 йилда Европа валюта тизими кенгайди. Унга Англия, Испания, Португалия кирди. 1991 йилда ягона Европа худудини ташкил қилиш ҳақидаги Маастрихт шартномаси имзоланди. Бу шартномага мувофиқ ЕИ аъзоларининг хукумат бошлиqlари валюта иттифоқини тузиш ҳақида келишиб оладилар.

Ғарбий Европа валюталари ўзгаришини тартибга солиш мақсадида тузилган Европа валюта тизими қарийб 15 йил мобайнида ўз вазифаларини муваффақиятли бажарди. Аммо 1992 йилнинг кузидан у издан чиқа бошлади. Бир йил мобайнида 1992 йил сентябридан ЕВТ дан Англия фунт стерлинги, Испания песети ва Португалия эскудоси девальвация қилинди.

Бунинг асосий сабабларидан бири - қайд қилинган давлатлар марказий банкларининг валюта девальвациясига умид қилиб, курсни пасайишига ўйнаётган биржа олиб-сотарларининг тобора кучаяётган хужумларига дош беришга қодир эмасликларидадир. Натижада 1993 йил ёзида ЕВТ га кирувчи 8 пул бирлигидан 5 таси - Франция ва Бельгия франки, Дания кронаси, Испания песети ва Португалия эскудоси ўрнатилган энг паст даражага тушиб қолди. Марказий банклар томонидан ўз валюталарини сунъий равишда ушлаб туриш мумкин эмас деган қарор қабул қилинди. Улар белгиланган курслар атрофида у ёки бу томонга 15%га ўзгаришлари мумкин. Марказий банклар шунингдек алмашиш курсларини кўллаш мақсадида юқори даражада сақлаб турган ҳисобга олиш ставкаларини пасайтиришлари мумкин.

Маастрихт шартномаси қарорига мувофиқ ЕИ давлатлари томонидан валюта иттифоқи тузишнинг охири, яъни миллий валюталар бир-бирига нисбатан якуний қайд қилинадиган босқичи 90-йиллар охирида рўй бериши керак эди.

ЕИ режасига биноан валюта иттифоқни ташкил қилиниши уч босқичда амалга оширилиши керак эди.

1998 йилда бошланадиган биринчи босқичда валюта иттифоқига кириш учун рухсатнома берадиган мезонга жавоб берадиган давлатлар аниқланади. Маастрихт шартномаси томонидан белгиланган бу мезонли қарорга қўйидагиларни - инфляция даражаси, давлат бюджети камомади (3%дан ортиқ эмас), ҳисобга олиш ставкасининг ўлчами, миллий валютанинг барқарорлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ушбу мезонларга тўлиқ жавоб берувчи давлатлар биринчи гурухга кириб, бу гурух давлатлари, валюта иттифоқини ташкил қиласди. Аввалига бу мезонларга факат Германия, Люксембург, Ирландия ва Австрия жавоб берган эди. 1998 йилнинг охиригача Марказий Европа банки ташкил қилиниб, Европа Марказий банклар тизими ҳаракатга келтирилди.

Иккинчи босқичда (1999-2001 й.) Марказий Европа банки, биринчи қадам сифатида валюта алмаштириш бўйича операцияларда ягона валютани ишлата бошлади. Тижорат банклари ва молиявий ташкилотлар ундан валюта бозорларида кенг фойдаланиша бошладилар.

Кейинги учинчи босқичда (2002 й.) миллий танга ва қофоз пулларни янги Европа пул бирлиги ЕВРО билан алмаштирилди. Янги ягона валюта нақд пул муомаласига киритилди. Миллий валютада амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар тизимига мос ўзгартиришлар киритилди. Бошланишида (6 ой мобайнида) янги валюта миллий валюталар билан бир вақтда муомалада бўлди. Бу даврнинг охирига келиб, режага мувофиқ миллий валюталар “тўлов воситаси статусини йўқотдилар”. Учинчи босқичда Европа валюта-иқтисодий иттифоқи худудида барча банк счёtlари Европа валютасига конвертиранадиган бўлди.

Ягона Европа валютаси, иқтисодчи олимларнинг фикрича, дунёда энг кучлилардан бири бўлиши учун барча имкониятларга эга. У инфляция билан кўрашишни енгиллаштириб, АҚШ ва Япония билан бозорлар учун кўрашда ЕИ давлатлари товар ва хизматларининг рақобатбардошлилигини ошириб ЕИ барқарорлигининг муҳим омилига айланиб боради.

ЕВРОнинг пайдо бўлиши қимматли коғозлар билан боғлиқ барча келишувлар ҳажмининг ошишига олиб келиши лозим. Ягона валютанинг киритилиши бутун дунё инвесторларининг ЕИ га бўлган қизиқишлиари тобора ошириб бормоқда. ЕВРО ни жуда муҳим бўлган валюта бозорига айлантириш керак. Ягона валютанинг ўзи эса капитал бозорида долларнинг ўрнини эгаллаш учун барча имкониятларга эга. ЕВРО га ўтиш бутун дунёдаги молиявий ҳолатга муҳим ўзгартиришлар киритмоқда. Ягона Европа валютаси доллар ва иена билан тенг рақобат қилиши мумкин. Банклар, қонунга кўра, келишувлар сонининг кескин ўсиши ва инвестицияларнинг янада байналминаллашуви сабабли молиявий бозорларда оладиган фойдаларининг ошишига умид қилишлари керак.

Янги пул бирлиги, шунингдек бор валютани бошқа валютага алмаштириш билан боғлиқ бўлган сезиларли ҳаражатларни йўқотиш имконини беради. Бу ҳаражатлар баъзи ҳисоб-китобларга қараганда йилига 40 млрд. АҚШ долларидан 50 млрд. долларгача борган. Масалан, 2 минг доллар билан 10-12 кун Ғарбий Европа давлатлари бўйлаб юрган француз сайёхи бир валютани иккинчи валютага алмаштиришда бу сумманинг қарийб 40-50%ини йўқотган. Айни пайтда, ЕВРОнинг пайдо бўлиши билан негизида ЕИ ичida энди тенглаштириладиган ҳисобга олиш ставкалари фарқи ётадиган операциялар ҳам йўқолади.

§ 9.5. Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари

Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари жаҳон хўжалигига, халқаро иқтисодий муносабатларнинг жуда муҳим бўғинларидан биридир. XX – XXI асрлар бўсағасида жаҳон мамлакатларида молия бозорлари гуркираб ривожланди. Дунёнинг илфор давлатлари умумий молия активлари, уларнинг ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) нисбатан 2,5 баробарга ўсади.

Жаҳон валюта ва савдо операциялари қийматларининг нисбати эса дунёнинг илғор давлатлари умумий активлари, уларнинг ялпи ички маҳсулотига нисбатан 2,5 баробар тез ўси. Жаҳон валюта ва савдо операциялари қийматларининг нисбати 1980 йилдаги 10:1 дан 1992 йилдаги 60:1 гача ўси. Шу билан бирга, хориж экспертларининг фикрича, давлат облигацияларининг халқаро бозори баъзи бир катталиклар бўйича фақатгина 1920 йилдагидек фаолдир. Капитални ҳаракатчанлиги аср бошидаги даражага яқинлашмоқда, холос.

Жаҳон иқтисодиётида фаолиятидаги капитал даврий обороти қонунияти молиявий бозор ривожланишининг объектив асосидир. Жаҳоннинг баъзи жойларида ортиқча эркин капитал пайдо бўлади, баъзи жойларда унга талаб пайдо бўлади. Жаҳон валюта молия кредит бозорлари бу қарама-қаршиликларни жаҳон хўжалиги даражасида ҳал қиласди. Жаҳон валюта, кредит, қимматли қофозлар бозорлари ташкил топишининг кўриниши қўйидагиларда намоён бўлади:

- капиталнинг ишлаб чиқариш ва банк ишида концентрациясида;
- хўжалик алоқаларининг байналминаллашувида;
- банклараро телекоммуникацияларининг ривожланишида.

Валюта бозорлари - хорижий валютанинг миллий валютага бўлган талаб ва таклифи асосида ҳосил бўлувчи курс бўйича олди-сотдиси амалга ошириладиган марказдир. Миллий валюта бозорлари ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган барча давлатларда мавжуд. Миллий бозорлар ва уларнинг ўзаро алоқалари ривожланиб бориши билан ягона жаҳон валюта бозори вужудга келади. У ўз ичига жаҳон, минтақавий, миллий (маҳаллий) валюта бозорларини ўз ичига олади. Бу бозорлар валюта операцияларининг ҳажми, характеристери ва операцияларда қатнашаётган валюталар микдори билан бир-биридан фарқ қиласди. Жаҳон валюта бозорлари жаҳон молия марказларида (ЖММ) тўпланади.

Жаҳон молия марказлари - бу банклар, ихтисослашган кредит-молия институтлари ийғиладиган жой. Унда халқаро валюта, кредит, молия операциялари, қимматли қофозлар, олтин олди-сотдиси амалга оширилади. Халқаро молия марказлари орасида Лондон, Нью-Йорк, Франкфурт, Париж, Цюрих, Токиодаги бозорлар ажralиб туради. 1973 йилдан 1992 йилгача валюта операциялар ҳажми кунига 10-20 млн. АҚШ долл. дан 900 млрд. АҚШ долл.га ўси.

90-йилларнинг бошида халқаро валюта савдосининг 50% га яқини уч жаҳон валюта бозорида амалга оширилади. Жумладан, Лондон валюта бозорида кунига 187 млрд. долл., Нью-Йорк - кунига 129 млрд. долл., Токио валюта бозида эса кунига халқоро валюта савдосининг 115 млрд. доллари амалга оширилди. 90-йиллар ўртасига келиб, халқаро валюта операцияларининг умумий кунлик ҳажми 1 трлн. 230 млрд. долл. га етди. Минтақавий ва маҳаллий валюта бозорларида маълум бир конвертиранадиган валюталар билан операциялар ўтказилади. Масалан, Хитойнинг валюта марказларида 5та асосий саноати ривожланган давлатларнинг валюталари билан операциялар ўтказади. Замонавий жаҳон хўжалигида валюта бозорлари учун қўйидагилар ўзига хосдир:

1. Жаҳон хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, валюта савдоси амалга оширишда автоматик алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш асосида валюта бозорларини байналминаллашуви;

2. Валюта операцияларининг номарказлашуви ва глобал миқёси;

3. Валюта операцияларининг унификацияси;

4. Чайқовчилик савдосининг кенг миқёсидалиги;

Валюта курсларининг барқарорлиги.

Валюта бозорлари халқаро ҳисоб-китобларни оператив амалга ошириш, халқаро валюта бозорларининг кредит ва молия бозорлари билан ўзаро алоқасини таъминлайди. Валюта бозорлари ёрдамида банклар, корхоналар, давлатларнинг валюта захиралари тўлдирилади. Бундан ташқари, валюта бозорлари механизмидан иқтисодиётни давлат томонидан бошарилишида, шу жумладан мақродаражада давлатлар гурухи доирасида (масалан, ЕИ) фойдаланилади. Институцион нуқтаи назарида, валюта бозорлари - бу биржа,

брокерлик фирмалари, банклар, корпорациялар ва шунингдек трансмиллий корпорациялар умумийлигидир. 80-йилларнинг охирида банклараро бозорда ўзаро бир-бирлари билан, шунингдек савдо-саноат мижозлари билан 85-90% атрофида валюта савдосини амалга оширилган бўлса, 90-йиллар ўрталарида савдо келишувларининг тобора қўпчилиги банклар эмас, инвестицион фондлар томонидан амалга оширилган эди.

Халқаро кредит-молия муносабатлари ссуда капиталининг жаҳон кредит ва молия бозорларидаги ҳаракати билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимини қамраб олади. Халқаро кредит бозорида давлатлар ўртасида қайтариш, вақтли, фоиз тўлаш шартлари бўйича пул капиталининг ҳаракати рўй беради. Жаҳон кредит бозори - ссуда капиталининг бир қисмиdir. Суда капитали бозори ўз ичига биринчидан, жаҳон пул бозорини олса (1 кундан 1 йилгача қиска муддатли депозит-ссуда операциялари, шунингдек Евровалюталар бозорини ўз ичига олади), иккинчидан, жаҳон капитали бозорини (ўрта ва узоқ муддатли хорижий кредитлар ва Еврокредитлар бозорини-1 йилдан 15 йилгача) ўз ичига олади.

Жаҳон молия бозори - бу ссуда капиталлари бозорининг бир қисми бўлиб, унда асосан қимматбаҳо коғозларнинг эмиссияси ва савдо-сотиги амалга оширилади. Жаҳон ссуда капитали бозори миллий ссуда капитали бозорларининг халқаро операциялари асосида пайдо бўлади, уларнинг байналминаллашуви давомида ривожланади. Жаҳон ссуда капиталлари бозори охирги ўн йиллиқда тез ривожланди. Бунга сабаб ссуда капитали ҳаракатининг узоқ муддатли анъаналари, бу ҳаракатни миллий даражада тартибга солувчи давлатларнинг хукукий нормаларининг либераллашуви, қимматли қоғозлар ҳаракатининг кенгайиши, интеграцион жараёнлардир. Жаҳон ссуда капитали бозори жаҳон хўжалигига ссуда капитали ҳаракатини таъминловчи турли компания, банк валюта-кредит муносабатлари бирлигини қамраб олади. Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишининг XX аср охиригидаги муҳим тенденцияси шундаки, халқаро кредит-молия муносабатлари ўсиш суръатлари бўйича саноат ишлаб чиқариш ва халқаро савдодан анча олдиндадир.

XX асрнинг 50-йиллари охиридан бошлиб халқаро кредит-молия бозорининг ривожланиши жаҳон ссуда капитали бозорининг ўзига хос томони - Евробозорнинг вужудга келиши ва кенгайишига сабаб бўлди.

Евробозор - бу Евровалютада кредит заёmlар бўйича операциялар амалга ошириладиган бозордир.

Евровалюта - мамлакатнинг бирор бир хорижий банк ҳисобига ўтказилган ва шу банклар томонидан барча давлатларда, шу жумладан, эмитент давлатда ҳам операциялар амалга оширишда фойдаланадиган конвертиланадиган валютасидир.

Евробозорлар - давлат, ҳукумат бозори деган мақомга эга эмас. Уларнинг пайдо бўлишига корхоналар, инвесторлар, шунингдек баъзи бир давлатларнинг эҳтиёжи сабаб бўлади. Евробозорлардаги операциялар айrim давлатларни давлат томонидан валютани тартибга солинувига ва солиқ қонунчилигига бўйсунмайди. Жаҳон иқтисодиётида евробозорлар 50-йиллар охирида юзага келган бўлиб, бунинг асосий сабаблари қўйидагилардан иборатдир:

1. Долларни АҚШдан ташқарида жойлаштириш таклифининг пайдо бўлиши.
2. Европада долларга бўлган талабнинг катталиги.
3. АҚШдаги тартибга солишнинг бу давлатда доллар билан валюта операцияларини ўтказишнинг эркин бозордагига нисбатан мушкуллаштирилганлиги.
4. Европа банкларининг халқаро операцияларини молиялаштириш куролини топишга бўлган истаги ва бошқалар.

Евробозорларнинг ривожланиши жаҳон миқёсида молиявий ресурсларга талаб ва таклифнинг эркин нисбатини яратишга имкон берди. Евробозорлар корхоналарга молиялаштиришга бўлган эҳтиёжларини ички капитал бозорига мурожаат килмасдан қондириш имкониятини беради. Улар молиявий ресурсларни рационал жойлаштириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, евробозорлар ўз фаолиятларини диверсификация қилиб жаҳон миқёси ўлчамларини олади. Улар капитал жойлаштириш ва кредитлаш бўйича

операцияларни барча халқаро операторларга таклиф қилади. Евробозорлар барча йирик халқаро банкларни, жағон молиявий марказларни ва барча конвертиранадиган валюталарни мобилизация қилади. Евробозорларнинг ривожланиши янги молиявий марказларни (Сингапур, Гонгконг, қувайт, Кайман ороллари ва бошқалар) пайдо бўлишига олиб келди. 1981 йилнинг декабрида Нью-Йоркда халқаро банк хизматлари бўйича эркин зона пайдо бўлган бўлса, 80-йилларнинг охирига келиб янги жағон молия марказларида бутун дунё халқаро валюта-молия операцияларининг учдан бир қисми тўпланган эди. Шундай қилиб, Евробозорларни ривожланиши ва халқаро молиявий бозорларни байнаминаллашуви халқаро иқтисодий муносабатлар учун товарлар бозорини ривожланиши ва байнаминаллашуvida халқаро меҳнат тақсимоти каби аҳамиятга эга бўлди.

Таянч иборалар: валюта курси, валюта паритети, олтин стандарт тизими, олтин-девиз стандарти тизими, олтин-валюта стандарти тизими, Ямайка тизими, СДР, ссуда бозори, евробозорлар, евродоллар.

Бобнинг қисқача хуросаси:

XX асрларнинг 50-60-йилларида халқаро молия ва валюта муносабатларининг ривожланишида янги давр бошланди. Очиқ иқтисодиётнинг умумий ривожланиш тенденцияси савдода товар айирбошлишнинг тезлашишига, халқаро молиянинг ривожланишига, янги валюта бозорларини ҳосил бўлишига, мамлакатлар орасида валюта-молия муносабатларини кенгайишига имконият яратмоқда.

Жағон иқтисодиётида валюта муносабатлари пулнинг жағон пули функцияси билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларда намоён бўлади. Валюта муносабатлари одатда миллий ва халқаро даражада амалга оширилади. Миллий даражада улар миллий валюта тизимлари (МВТ) соҳасини қамраб олади. МВТ – бу валюта қонунчилиги билан белгиланадиган давлат валюта муносабатларини ташкил қилиш шаклидир. МВТнинг ўзига хос томони у ёки бу давлат иқтисодиётининг, шунингдек ташкил иқтисодий алоқаларининг ривожланиш даражасини хусусиятлари билан ажralиб туради.

Халқаро валюта тизими (ХВТ) жағон хўжалиги доирасида валюта муносабатларини ташкил қилиш шаклидир. У жағон капиталистик хўжалик эволюцияси (4 босқични босиб ўтган) натижасида пайдо бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан давлатлараро келишувлар билан расмийлаштирилган. Жағон иқтисодиётида ХВТнинг асосий вазифаси иқтисодий ўсишни таъминлашдан, инфляцияни камайтиришдан, ташкил иқтисодий алмашув ва тўлов балансининг мутаносиблигини қўллаб-куватлаш учун халқаро ҳисоб-китоблар ва валюта бозори соҳасини тартибга солишдан иборатdir.

Жағон иқтисодиётида евробозорларни ривожланиши ва халқаро молия бозорларини байнаминаллашуви халқаро иқтисодий муносабатлар учун товарлар ва бозорларни ривожланиш ва байнаминаллашуvida халқаро меҳнат тақсимотини ривожланиши каби муҳим аҳамият касб этади.

Назорат учун саволлар:

1. Валюта курси қандай аниқланади?
2. Валюта паритети нима?
3. Жағон валюта тизими деганда нимани тушунасиз?
4. Жағон валюта тизимининг ривожланиш босқичларини кўрсатиб беринг?
5. Бреттон-Вудс валюта тизимининг хусусиятлари нимада?
6. Ямайка тизимини вужудга келишининг сабаблари нимада?
7. Евродоллар нима?
8. Евронинг киритилиши ЕИ давлатлари ва шунингдек, жағон иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатди?
9. Халқаро молия бозорларидаги тенденцияларни гапириб беринг.

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отнош. Учебник. 2004.
- Назарова Г.Ф., Халилов X. ва бошқалар. Германия Федератив Республикаси иқтисодиёти (Илмий-оммабоп рисола). ТДИУ, 2005.
- Назарова Г.Ф. Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар (ўкув қўлланма). Т., ТДИУ, 2005.
- Назарова Г.Ф., Халилов X., Эштаев А. ва бошқалар. “Жаҳон иқтисодиёти” (Ўкув қўлланма). Т., 2005.

10-боб. Халқаро иқтисодий интеграция ва унинг миллий хўжаликлар ривожланишига таъсири

§ 10.1. Иқтисодий интеграциянинг объектив асослари ва босқичлари

ХХ асрнинг иккинчи ярмида хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви замонавий жаҳон хўжалиги ривожланишининг етакчи анъанасига айланди. Жаҳон хўжалигини глобал байналминаллашувининг асосий тенденцияларидан бири шундаки маълум бир давлат ёки бир неча давлатлар гурухининг таъсир зонаси вужудга келишидир. Бу давлатлар ёки давлатлар гуруҳи жаҳон хўжалиги алоқалари таъсирида ўзига хос минтақалар ҳосил қилиб бошқа давлатларни ўз атрофида бирлаштирувчи интеграцион марказларга айланиб боради.

Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий интеграция ўз навбатида, бу жараён иштирокчилари бўлмиш давлатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига имкон яратади. Иқтисодий интеграцияга бошловчи жараёнларни схемали тарзда қўйидаги ўзаро боғлиқ занжир шаклида тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши - халқаро меҳнат тақсимоти - ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви - иқтисодий интеграция. Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий интеграцияга иккита омил катта таъсир кўрсатади: илмий-техник инқилоб ва трансмиллий корпорацияларни фаолияти.

Жаҳон хўжалиги ва ХИМда интеграцион жараёнларни ривожланиши бўйича тўпланган тажрибалар иқтисодий интеграция ҳосил бўлиши ва ривожланишининг қўйидаги тўрт босқичи мавжудлигини кўрсатади:

1. Тариф ва бошқа чеклашларни бекор қилиш билан эркин савдо зonasини ташкил қилиш.
2. Савдо, меҳнат ва капитал ҳаракатида бир хил тарифлар тизимини ўрнатиш билан божхона иттифоқ ташкил қилиш;
3. Иқтисодий сиёsatни мувофиқлаштириш билан дискриминациясиз иштирокчи давлатлар иқтисодий иттифоқини тузиш.
4. Ягона иқтисодий сиёsat, умумий валюта ва давлатдан юқори турувчи тартибга солувчи органларга эга бўлган тўлиқ интеграция.

Охирги икки босқич ўз ичида у ёки бу интеграцион гурухга хос бўлган томонлар билан боғлиқ бўлган маълум бир кичик босқичларни жамлаши ҳам мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида минтақавий интеграция алоҳида компаниялар ва давлатлараро даражаларда ҳам рўй бериши мумкин.

§ 10.2. Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг ўзига хос томонлари

Ғарбий Европада иқтисодий интеграция энг юқори даражада ривожланган. Ғарбий Европанинг иқтисодий интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлар билан бир қаторда В. Гюго, И. Кант каби Европанинг сиёssий, жамоат арбоблари ва файласуфлари томонидан олға сурилган ягона қарашлар концепцияси билан ҳам кенг сугорилгандир.

Жаҳон иқтисодиётида Европа Иттифоқини (ЕИ) ташкил топиши ва ривожланишининг янги тарихи 1951 йилдан бошланди. Шу йилнинг апрелида 6 давлат - Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург аъзо бўлиб кирган Европа қўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ) ҳақидаги битим имзоланди. Бу ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос кириш қисми бўлди. Унинг ташкил топиши ва ривожланишининг бошланиш вақти юқорида санаб ўтилган давлатлар томонидан 1957 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ) ва атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамияти (Евроатом) ҳақидаги битимларни имзоланган пайтидир. Ҳамжамият таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатлар кирди. Бу эса кейинги 15 – 20 йиллар мобайнида иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлишига сабаб бўлди.

Жаҳон иқтисодиётида Ғарбий Европа интеграциясининг ҳозирги кунгача бўлган ривожланиши ниҳоятда қарама-қаршиликлардан иборатdir. Шу билан бирга Европа

Иқтисодий Ҳамжамиятини ташкил топишида унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар хозирги кунга қадар муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда.

Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишини тўрут босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йилларнинг охири - 70-йилларнинг ўрталари). Бу давр ЕИХ давлатлари ҳаётида “олтин аср” ҳисобланади. Унда божхона иттифоқи белгиланган муддатидан олдин ташкил этилди, ягона аграр бозори яратилди. ЕИХга учта янги давлат - Буюк Британия, Дания ва Ирландия аъзо бўлиб кирди. ЕИХ ёки “Умумий бозор”ни ташкил қилишнинг мақсадлари қуидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода аста-секин барча тўсиқларни олиб ташлаш;
- учинчи давлатлар билан савдода бир хил бож тарифларини ўрнатиш;
- “инсонлар, ишчи кучи, капитал ва хизматлар” нинг эркин ҳаракатланишига қўйилган тўсиқларни олиб ташлаш;
- транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёsat ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- валюта иттифоқи тузиш;
- солик тизимини унификация қилиш;
- қонунчилликни яқинлаштириш;
- иқтисодий сиёsatни мувофиқлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Буларни амалга ошириш мақсадида бошқарув структураси мажмуи - ЕИХ Вазирлар Кенгashi, Европа Ҳамжамияти комиссияси, Европа Кенгashi, Европа Суди, Европа парламенти ташкил қилинди.

ЕИХнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида аъзо давлатлар ўртасида товарлар, капитал, хизматлар ва ишчи кучининг умумий бозорини ташкил қилиш вазифасини қўйилди. Бунинг учун Божхона иттифоқи тузилди. Айнан Божхона иттифоқи ЕИХнинг асоси ҳисобланади. Божхона иттифоқи доирасида қуидагилар амалга оширилди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода тўсиқларни олиб ташланди;
- учинчи давлатларга нисбатан бир хил божхона тарифлари ўрнатилди;
- капитал, кредитлар, пул қўчирмаларининг эркин ҳаракатланишига шароит яратилди;
- ишчи кучи миграцияси эркинлиги ва турар жой танлаш эркинлиги таъминланди.

Бу чоралар ЕИХга аъзо давлатлари ўртасида саноат интеграциясининг тезлашишига имкон берди. Айни бир пайтда аъзо давлатларда компенсацион йигимлар ва қишлоқ хўжалиги фонди орқали молиялаштириш ёрдамида, умумий протекционизм сиёsatини қўллаш йўли билан аграр соҳанинг интеграциялашувини амалга оширишга ҳаракат қилинди. ЕИ доирасидаги аграр сиёsat ЕИга аъзо давлатларнинг асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун бир хил минимал нарх ўрнатишни кафолатлайдиган ягона нархлар тизимиға асосланади. Умумий бозорнинг шаклланиши ЕИХ давлатларининг миллий монополияларини трансмиллий корпорацияларга айланиш жараёнини тезлаштириди, ҳамкор давлатлар иқтисодиётiga киришга имкон яратди. ЕИХни ривожланиши Ҳамжамиятга аъзо-давлатларнинг ёпиқ миллий хўжаликдан ташки бозорга юзланган очиқ типдаги иқтисодиётга интенсив равишда ўтишини англатади.

Иккинчи босқич (70 ва 80-йилларнинг ўрталари). Бу давр ЕИ тарихига асосан турғунлик даври сифатда кирди. Бу даврда ЕИга аъзо-давлатлар Европа валюта ҳамкорлиги дастури, ташки сиёсий консультациялар механизмини қабул қилишга муваффақ бўлсаларда, вужудга келган салбий жиҳатлар ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жиддий инкиrozига олиб келди. Бу инкиroz “евросклероз” номини олди. 70 ва 80- йилларнинг бошида ЕИ давлатлари ўртасида ривожланиш даражаси бўйича фарқ ўсиб борди. 1981 йилда ЕИга Грециянинг кириши билан бу фарқ янада кучайди, чунки ушбу давлат иқтисодиётини ҳамжамиятнинг бошка иштирокчи давлатлари иқтисодиётiga нисбатан жуда паст даражада ривожланган эди.

Учинчи босқич (80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг боши). Бу давр Ҳамжамият таркибининг янада кенгайиши билан характерланади. 1986 йилда Испания ва

Португалияning ЕИХга қўшилиши аъзо-давлатлар ўртасидаги фарқнинг янада кенгайишига олиб келди. ЕИХга аъзо бўлган вақтида Португалияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ЕИХ даги ўртacha даромаднинг тахминан 45-50%га, Испанияда эса 3/4 қисмига тўғри келган эди. Янги иштирокчи давлатларда аҳолининг тахминан 1/5 қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган бўлса, ЕИХ да эса ўртacha 1/13 қисми тўғри келган. Шу билан бир қаторда, айнан шу даврда ғарбий Европа интеграцияси янада ривожланди. Бунга биринчи навбатда Ягона Европа Акти (ЯЕА)нинг қабул қилиниши ҳам сабаб бўлди. Ушбу актда ЕИХга иштирокчи-давлатларининг умумий мақсади - Европа Иттифоқининг ташкил қилиниши яна бир бор тасдиқланди. Европа Иттифоқи Ҳамжамияти ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий иттифоқ бўлиб, аъзо-давлатлар ўртасида иқтисодий, валюта-молия, гуманитар соҳалардаги ҳамкорликлар билан бир қаторда ташкил сиёsat хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ҳам чуқур ҳамкорликни амалга ошириш ишлари назарда тутилган. ЯЕАнинг асосий мақсади шундаки, ЕИХга аъзо-давлатлар ўртасида ягона хўжаликни ташкил қиладиган ягона иқтисодий худудни яратилишидир. ЯЕАнинг қабул қилиниши билан Ҳамжамиятга аъзо-давлатлар ўртасида микро ва макроиктисодиёт, сиёsat ва хуқук, фан ва экология, минтакавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграцион жараёнлар кучайди. 90-йиллар бошида ЕИга аъзо-давлатлар ягона бозор асосларини яратишни амалда тутатишиб, валюта, иқтисодий ва сиёсий иттифоқларни шакллантиришга бевосита яқинлашдилар.

Тўртинчи босқич (90-йилларнинг ўртаси ва XXI аср боши). Бу Ягона Европа Актига мувофиқ 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб Ҳамжамият чегаралари доирасида ишлаб чиқариш воситаларининг эркин ҳаракати йўлга кўйилди. Ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий худуд вужудга келди. Бу ЕИ доирасидаги иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатдан янги босқичга кирганини англаради.

Маастрихт Битимиға (1992 йил февраль) мувофиқ 1994 йилнинг 1 январдан ЕИХ Европа Иттифоқига айланди ва унинг аъзолари 15 тага етди. ЕИ доирасида ягона ички бозорнинг тузилиши амалга оширилди. Маастрихт битимида интеграцион ҳамкорликнинг кейинги босқичларини мақсадлари (Ягона валюта - ЕВРОни эмиссия қилиш хуқуқига эга ягона Европа банкини тузиш, ички чегараларсиз ягона Ғарбий Европа худудини ташкил қилиш ва бошқалар) эълон қилинган эди.

ЕИ интеграциясида ҳозирги кунда ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий муваффақиятлар билан бир қаторда қийинчиликлар ҳам рўй бермоқда. Юқорида ЕИ га янги аъзо-давлатларнинг кириши муносабати билан юзага келган давлатлараро иқтисодий ривожланишдаги фарқлар кўриб чиқилган эди. ЕИга янги давлатларнинг аъзо бўлиб кириши ҳам сезиларли муаммолари келтириб чиқариши мумкин. Энг катта муаммолардан бири Европа валюта тизимини шакллантириш давомида намоён бўлмоқда. 1992 йилдаги 7%га Британия фунт стерлинги ва Италия лираси девальвацияси оқибатида рўй берган ЕВТ инқирози Буюк Британия ва Италияни автоматик тарзда ЕВТ дан чиқариб ташлади. Валюта иттифоқини шакллантиришда унга кириш учун кўйилган бир қатор талаблар ҳам давлатларга қийинчиликлар туғдирган эди. Ўша даврда алмашув курси инфляциясининг даражасига, фоиз ставкалари даражасига, бюджет дефицити ва давлат қарзи бўйича кўйилган талабларга фақат Люксембург жавоб берган эди. ЕИга аъзо-давлатлар орасида Иттифоқни кенгайтириш, интеграцияни чуқурлаштириш йўллари ҳақида келишмовчиликлар мавжуд эди.

Жаҳон иқтисодиётида Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси фақат ЕИ чегаралари билан чекланмайди. 1962 йилда Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА) ташкил топди. ЕЭСА ЕИ дан фарқли равишда давлатдан юқори турувчи функцияларга ва давлатлараро мувофиқлаштирувчи институтларга эга эмас. 80-йилларда ЕЭСТ аъзо-давлатлар сони 7 та бўлиб, 90-йиллар ўртасида яна 4та давлат - Буюк Британия, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария аъзо бўлиб кирган эди. Ушбу аъзо-давлатлар учинчи давлатлар билан у ёки бу савдо-иктисодий келишувларга эркин қўшилишлари ва бу давлатларга нисбатан хоҳлаган божхона тарифларини ўрнатишлиари мумкин эди. ЕЭСАга аъзо-давлатлар ўртасидаги савдода эркин, божсиз савдо режими фақат саноат товарларига нисбатан қўлланилади. Чунки ЕЭСА

конвенциясининг фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларига таъсир ўтказмайди.

1972 йилда ЕЭСА га аъзо бўлган ҳар бир давлат ЕИХ-ЕИ билан ўзаро келишувларни имзолади. Унга мувофиқ саноат товарларига бож ва сон жиҳатдан чеклашлар аста-секин камайтирилди. Бу давлатлар ўртасидаги божсиз савдо мураккаб қоидалар тизимиға асосланади. Ягона божхона тарифи йўқлиги сабабли ЕЭСА ичида божсиз савдо эркинлиги фақат аъзо-давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан қўлланилади.

ЕЭСА га кирувчи давлатларнинг ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг юқори даражада ривожланганинг қарамасдан, ЕЭСА тўлақонли интеграцион гурухга айланмади. Амалда у ЕИХ - ЕИ учун “фармклуб”, яъни, янги аъзолар етказиб берувчи ташкилот бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ЕЭСАнинг кўпгина аъзолари уни Шарқий ва Ғарбий Европа давлатлари ўртасидаги истиқболли эркин савдо зонаси сифатида қарамоқдалар.

Маълумки, 2004 йилнинг майида Европа Иттифоқига Чехия, Словения, Словакия, Венгрия, Польша, Литва, Латвия, Эстония, Кипр, Мальта аъзо бўлиб кирди. Бундан ташқари Болгария, Туркия, Руминия, Хорватия давлатлари ҳозирда ЕИГа кириш учун музокаралар олиб бормоқдалар. Бу ЕИнинг янада ривожланишига гувоҳлик беради.

§ 10.3. Минтақавий иқтисодий интеграциянинг асосий белгилари

XX–XXI асрлар бўсағасида Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг муваффақиятли ривожланиши жаҳоннинг бошқа ривожланаётган минтақаларини ҳам эътиборини ўзига жалб қилди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасида ўттиздан ортиқ эркин савдо зоналари, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар юзага келди. Аммо жаҳон иқтисодиётида энг сезиларли, ривожланаётган интеграцион жараён Шимолий Америка эркин савдо зонаси - НАФТАни ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этмоқда. АҚШ билан Канада ўртасидаги мавжуд бўлган иқтисодий интеграция ва уларнинг Ғарбий Европадаги давлатлар билан олиб бораётган ҳамкорлиги АҚШни қониқтирмай қўйди. Натижада 1994 йилнинг 1 январида кучга кирган Шимолий Америка эркин савдо зонаси (НАФТА) ҳақидаги шартнома имзоланди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам кўшилди. Шундай қилиб ушбу блок худуди 370 млн.дан ортиқ аҳолига, кучли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган худудни қамраб олди. НАФТА давлатлари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар тахминан 7 трлн. АҚШ долларини ташкил қилиб, ушбу давлатлар улушига жаҳон савдо умумий ҳажмининг 18-20%и яқини тўғри келмоқда.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган шартноманинг асосий ҳолатлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари ўзаро савдо қиласидаган товарларга нисбатан божларни бекор қилиш

- Шимолий Америка бозорларни Мексика орқали АҚШга кириб келаётган товарлар учун божларни тўламасликка ҳаракат қилувчи Осиё ва Европа компаниялари экспансиясидан химоя қилиш

- Мексикада банк ва суғурта компанияларнинг ишида Америка ва Канада компаниялари капитал қўйилмалари ва рақобатларига бўлган тақиқларни олиб ташланди.

- Атроф-муҳитни ҳимоялаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун уч томонлама гурухлар ташкил қилиш ва бошқалар.

Шартномага кўра 2000 йилгача АҚШ Мексикадан импорт қилинадиган маҳсулотлар турининг 2/3 қисми учун импорт тарифларини бекор қилган эди. Имзоланган келишувлардан энг кўп фойдани савдо блоки истеъмолчилари олган, чунки рақобатнинг кучайиши ва тарифларнинг пасайиши натижасида кенг товарлар доирасига нисбатан нархлар ҳам пасая боради. Америка саноатчилари фойда олишади, чунки арzon ишчи кучи оқими кучаяди. Кафолатланган даромаднинг ўсиши америка иқтисодиётининг электроника ва компьютер таъминотида, қурилиш материалларида, автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларида кузатилмоқда. Айни бир пайтда, шакар, цитрус мевалари, қишики сабзавотлар етиштирувчи Америка фермерлари катта зарар кўради. Мексика эса НАФТА

давлатлари ёрдамида ўз иқтисодий ўсиши суръатларини ошириб (тахминан ЯИМнинг йилик ўсиш даражаси 1,6%-2,6% атрофида), иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва саноати ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш муддатини ярим асрдан 10-15 йилга қисқартириши мумкин.

НАФТАдан энг кам фойдани Канада олади. Унинг иқтисодиёти АҚШники билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, Мексика иқтисодиёти билан алокалари унчалик ривожланмаган. Аммо, НАФТА ривожланиб бориши билан Канада ҳам интеграцион жараёнга янада кўпроқ тортидари ва кенгаётган бозордан дивидендлар олади.

Жаҳон иқтисодиётида НАФТА фаолиятининг дастлабки икки йилида экспорт ҳажмини ошириш хисобига қўшимча иш ўринлари ҳосил бўлишига бўлган умид оқланмади. Бундан ташқари, АҚШнинг Мексика билан савдодаги ижобий сальдоси йўқолиб, 1995 йилда дефицит пайдо бўлди. Хуллас НАФТАни ташкил қилувчиларнинг режасига қўра, тўлақонли Шимолий Америка бозори 2010 йилларда ташкил қилиниши мумкин экан. Бундан ташқари ҳозирги кунда Америка иқтисодчилари Аляскадан Оловли Ергача чўзилган ўзига хос панамерика савдо блокини тузишни режалаштирумокда.

Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнлар Жанубий Америка ҳам фаоллашиб бормоқда. 60-йилларнинг бошида Жанубий Америка “эркин савдо зонаси”ни яратиш, сўнгра Марказий Америка умумий бозорини – (МАУБ) ташкил қилиш ишлари режалаштирилди. Бироқ, ушбу минтақада сиёсий ва иқтисодий инқизоз бу режаларни амалга оширишга имкон бермаган эди.

90-йилларнинг ўрталарида интеграцион жараёнлар 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай ва Парагвай ўртасида тузилган ва 1995 йилнинг 1 январида кучга кирган “МЕРКОСУР” савдо пактини тузилиши орқали янада фаоллашди. Бу пактга аъзо бўлган давлатларнинг умумий аҳолиси 200 млн. кишидан кўпроқ бўлиб, йиллик умумий ЯИМи 550 млрд. долл.дан ортиқроқдир.

МЕРКОСУР савдо гурӯхининг тузилиши натижасида унга аъзо бўлган тўрт давлат ўзаро савдосидаги (90% атрофида) тарифли тўсиқлардан озод қилинди, учинчи давлатлардан импортга эса бир хил тариф структураси ва божхона қоидалари киритилди.

Ўз минтақаларида интеграцион жараёнларни ривожлантиришга Африка давлатлари ҳам интилмоқдалар. 1989 йилда Африка қитъасининг шимолий қисмида Жазоир, Ливия, Мавритания, Марокаш ва Тунис иштирокида Араб Мағриби Иттифоқи давлатлари ташкил топди. Ушбу иттифоқка аъзо бўлган давлатларнинг шартномасида минтақавий интеграция даражасида иқтисодий ҳамкорликни амалга оширилиш ишлари назарда тутилади.

XX – XXI асрлар бўсағасида Шарқий Осиёда ҳам интеграцион жараёнлари кучайиб борди. Осиё “аждарҳолари”дан бири - Сингапур, шунингдек “ЯИД”лар деб ном олган Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ва Филиппин каби Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) қарийб 30 йиллар мобайнида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу гурӯх доирасида ўзаро ҳамкорликнинг муваффақияти ушбу давлатларни кўпчлигининг иқтисодиёти гуркираб ўсиши, ривожланишининг бир-бирига мослиги, яхши йўлга қўйилган ва узоқ тарих анъаналарига эга бўлган ўзаро савдо алокалари, шунингдек тартибга солиб бўлинган ҳамкорлик шакли билан чамбарчас боғлиқдир.

Шундай қилиб, АСЕАН режаларида иштирокчи давлатлар божларини 2000 йилгача 38 минг турдаги товарлар бўйича ўртacha 5% гача қисқариш қўзда тутилган бўлса, 2003 йилга келиб эркин савдо зonasини ташкил қилиш ҳакида қарор қабул қилинган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Шарқий Осиёда иқтисодий интеграцион жараёнларнинг ривожланиши истиқболларини кўп жиҳатдан Осиё - Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОТИХ)нинг тузилиши билан боғлашади. Ушбу ташкилотга Осиё, шунингдек Шимолий ва Жанубий Американинг 18 давлати аъзо бўлиб кирган эди.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг режаларига мувофиқ ушбу минтақада 2020 йилларга бориб жаҳонда энг йирик божхона ва ички тўсиқларсиз эркин савдо зonasини ташкил қилиш назарда тутилган. Осиё-Тинч океани минтақасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини баҳолаган қўплаб мутахассислар унинг ривожланиши стихияли эканлиги ва ўзига хослигини таъкидлайдилар. Бунинг устига интеграцион

муносабатлар ҳозирча ушбу минтақаларда унчалик ривожланган эмас. Масалан, АСЕАН тизимидағи савдо зонасини иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичи, яъни, тариф ва тарифли тўсиқларсиз эркин савдо зоналарига киритиш мумкин. ОТИҲга нисбатан эса ҳозирча эркин савдо зонаси деб эмас, "эркин иқтисодий асоциация" деб айтиш мумкин. Айни бир пайтда, иқтисодий сиёсатни ўзаро мувофиқлаштириш натижасида минтақанинг ички савдоси ва капитал бозорларининг тез ривожланиши Осиё-Тинч океани минтақасининг интеграцияси эркин савдо зонасига ўтишига имкон беради.

Жаҳон иқтисодиётida интеграцияга, яъни, ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган интилиш Форс кўрфазидаги Араб давлатлари орасида ҳам кузатилмоқда. 1981 йилдан буён Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, Бахрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон каби давлатлар ўз ичига олган "нефть олтилиги" Ҳамкорлик Кенгashi давлатлари фаолият кўрсатиб келмоқда. 1992 йилда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини (ИХТ-ЭКО) ташкил қилиниши ҳақида фикрлар билдирилди. Уни ташкил қилиш таклифи билан Эрон, Покистон ва Туркия давлатлари чиқишиган эди. Таъсисчиларнинг фикрича, ИХТ-ЭКО ўзида МДҲ мамлакатлари ҳам бирлаштирган бўлажак Марказий Осиё умумий бозорининг тимсоли бўлмоғи лозим эди. Шундай қилиб, ривожланаётган давлатлар ҳамкорлиги, уларнинг интеграцияга бўлган интилишлари ҳақида фикр билдиригандан шуни назарда тўтиш керакки, реал интеграцион жараёнлар ушбу давлатларда ҳали жуда кучсиз бўлиб, характери ва ҳаракатлантирувчи омиллари билан, ривожланиш суръатлари билан бир-биридан кескин фарқ қилиб туради. Ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги, улар эълон қилган интеграцион жараёнларга кўрилаётган тайёргарлик босқичидир, холос. Жаҳон иқтисодиётida эълон қилинган интеграцион гурухларнинг кўпчилиги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг етук эмаслигини, миллий хўжаликларнинг оддий ва структуравий дифференциялизигини, бозор ва молиявий инфраструктураларининг ривожланмаганлиги бу тузилмаларни ё ҳаракатсиз қолдирмоқда ёки бутунлай муваффақиятсизликка учратмоқда.

Таянч иборалар: эркин иқтисодий ҳудуд, божхона иттифоқи, тўлиқ иқтисодий иттифоқ, қонунчиликнинг унификацияланиши, Европа Иттифоқи, Маастрихт шартномаси, Ягона Европа Акти, НАФТА, "Меркосур", ИХТ.

Бобнинг қисқача хulosаси:

XX асрнинг 50-йилларидан сўнг хўжалик хаётининг байналминаллашуви замонавий жаҳон хўжалиги ривожланишининг етакчи анъаналаридан бирига айланди. Жаҳон хўжалигини глобал байналминаллашувининг асосий тенденцияларидан бири – маълум бир давлат ёки бир неча давлатлар гурухининг таъсир зонасини вужудга келишидир. Бу давлатлар ёки давлатлар гуруҳи жаҳон хўжалиги алоқалари таъсирида ўзига хос минтақалар ҳосил қилиб, бошқа давлатларни ўз атрофида бирлаштирувчи интеграцион марказларга (ЕИ, НАФТА, АТЭС, МЕРКОСУР, Шанхай гуруҳи ва бошқалар) айланиб бормоқда. Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон мамлакатлари ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига имкон беради. Жаҳон иқтисодиётida иқтисодий интеграцияни қуйидаги схемали ўзаро бўлган занжирлар шаклида тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши – халқаро меҳнат тақсимоти – ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви – иқтисодий интеграция. Халқаро иқтисодий интеграцияга иккита асосий омил (илмий-техника инқилоби ва трансмиллий компанияларни фаолияти) катта таъсир кўрсатади.

Назорат учун саволлар:

1. Иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг қандай босқичлари характерлаб беринг?
3. Эркин савдо ҳудудларини тавсифлаб беринг.
4. Интеграцион жараёнлар миллий давлатлар иқтисодиётини ривожланишига

қандай таъсир кўрсатишини характерлаб беринг.

5. ЕИ қачон ва қайси давлатлар томонидан ташкил этилди.
6. Жаҳондаги интеграцион бирлашмалар ҳақида сиз нима биласиз?
7. НАФТАни тузилишидан асосий мақсад нима ва унга қайси давлатлар аъзо?

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Т. Ўзбекистон,. 1996
- Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т. Ўзбекистон,. 1999
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
- Бўлатов А.С. Мировая экономика. Учебник. М., 2003.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отнош. Учебник. М., 2004.
- Ломакин В. Мировая экономика. Учебник. 2004.
- Спиридовон И.А. Мировая экономика. Учебное пособие. М., 2004.
- Назарова Г.Ғ. Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар (ўқув қўлланма). ТДИУ, 2005.
- Назарова Г.Ғ., Халилов Х., Эштаев А. ва бошқалар. “Жаҳон иқтисодиёти” (Ўқув қўлланма). Т., 2005

11-боб. Жаҳон интеграцион жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки

§ 11.1. Ўзбекистон Республикаси билан жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашган бўлиб, бу ерда минтақа аҳолисининг 45%ти яшайди. Ўзбекистон минтақанинг бошқа мамлакатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон) билан умумий чегараларга эга бўлган ягона мамлакат, шунингдек у Европа билан Осиё – Тинч океани минтақаси ва шунингдек, Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини транспорт ва телекоммуникация бўйича бирлаштирувчи муҳим коридор хисобланади.

Ўзбекистон ҳозирги кунда бир қатор обрўли ва жаҳон иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро ташкилотларнинг тенг хуқуқли аъзоси, жаҳоннинг ўнлаб давлатлари билан дўстона алоқаларини боғлаган, йирик банк ва молиявий ташкилотлар билан ҳамда нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 43 та чет давлатларнинг элчихоналари, 15 та хукуматлараро ва 49 та ноҳукумат ташкилотлар аккредитация қилинган.

Ўзбекистон асосий ва муҳим халқаро конвенцияларнинг иштирокчиси хисобланади. Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётида турли даражадаги - глобал ва минтақавий интеграцион жараёнларда қатнашиш билан бир пайтда муҳим тамойилга, яъни бир давлат билан яқинлашиш бошқа бир давлат билан узоқлашиш эвазига бўлмаслиги керак деган тамойилга амал қиласди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти давлатлари билан интеграциясининг таркибий қисми турли давлат ва халқаро ташкилотлар билан кўп тармоқли алоқаларни ўрнатадиганлигидир. Бу ўринда Европа Иттифоқи (ЕИ) муҳим ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасидаги ҳамкорлик 1992 йилнинг 15 апрелида Ўзбекистон Республикаси хукумати ва ЕИ Кўмитаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандумнинг имзоланиши билан бошланди. 1994 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида ЕИ кўмитасининг Ўзбекистондаги техник алоқалар ҳамкорлиги бўйича бюросини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ташкилотларнинг мақсади иқтисодий ислоҳотлар жараёни ва бозор муносабатларига ўтишда техник ёрдам кўрсатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси хукумати ва ЕИ

қўмитасининг ҳаракатларининг ҳамкорлигини кучайтиришдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси билан Европа мамлакатлари ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 1996 йилнинг 21 июнидаги саммитда ЕИга аъзо давлатларнинг раҳбарлари билан “Ўзбекистон ва Европа ҳамжамияти ҳамда унга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва шериклик” тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон Собиқ Иттифоқ давлатлари ичида Россиядан кейин бундай битим имзолаган иккинчи давлат бўлди. Хуллас, “Шериклик ва ҳамкорлик” ҳақидаги битим Ўзбекистоннинг ЕИ аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларининг хуқуқий асосини ташкил қилган бўлиб, ушбу битим сиёсий, иқтисодий, фан-техникавий ва маданий алоқалар учун кенг имконият очган эди.

1990 йилнинг майида Европарламент ва ЕИ аъзо давлатлари билан шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақида битимнинг ратификацияси бўйича барча тадбирлар ниҳоясига етди. 1999 йилнинг 1 июляда “Шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақидаги битим” кучга кирди ва “ЕИ-Ўзбекистон” қўшма қўмитаси ўрнига Ўзбекистон-ЕИ ҳамкорлик қўмитаси тузилди. 1999 йилнинг 14 декабрида 1993 йилнинг июнидаги шартнома муддатини узайтирган ва ўзбек ишлаб чиқарувчиларининг тўқимачилик маҳсулотларини ЕИ бозорида сотиш шароитларини яхшиловчи “Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида тўқимачилик маҳсулотлари савдоси ҳақида битим” тасдиқланди. Ушбу битим 2000 йилнинг 1 январидан “де-факто” номи билан кучга кирди ва 2004 йилнинг 31 декабригача амалда бўлди. ЕИ Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлашнинг ўсиши кўрсаткичлари савдо-иқтисодий муносабатларнинг муваффақиятли ривожланаётганини гувоҳлик беради. 2002 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасининг ЕИ мамлакатлари билан икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 065,8 млн. АҚШ долларинини ташкил этган, ундан 520,6 млн. АҚШ доллари экспорт, импорт эса 545,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

2002 йил давомида товар айирбошлаш ҳажми бўйича ЕИ мамлакатлари ичида республикамизнинг энг йирик савдо шериклари: Буюк Британия (302,0 млн. АҚШ доллари), ГФР (250,8 млн. АҚШ доллари), Италия (123,8 млн. АҚШ доллари), Бельгия (95,5 млн. АҚШ доллари), Франция (91,5 млн. АҚШ доллари), Нидерландия (68,5 млн. АҚШ доллари) давлати бўлди.

ЕИ мамлакатлари бизнинг етакчи инвесторларимиз бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ЕИга аъзо давлатларнинг 147 фирма ва компанияларини аккредитация қилинган. Республика худудида ЕИ мамлакатларининг фирма ва компаниялари капитали иштироки билан 480 та корхона ўз фаолиятини олиб бормоқда, уларнинг 114 таси-100% лик Европа капитали билан, 1995-2002 йиллар давомида ЕИнинг фирма ва компаниялари, шунингдек банк тузилмалари Ўзбекистонда умумий қиймати 8 млрд. АҚШ доллари атрофида бўлган йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этди. Охирги йилларда Германия, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Португалия, Австрия, Гречия, Чехия, Словакия, Руминия ва бошқа бир қатор ЕИ давлатлари билан тўғридан-тўғри икки томонлама алоқалар изчил ва барқарор ривожланиб бормоқда. Бу муносабатларни бошқарувчи асосий хуқуқий хужжат 2002 йил марта имзоланган эди.

Жаҳон иқтисодиётида йирик сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган дунёнинг етакчи давлатларидан бири - АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни чукурлаштириш ва ривожлантириш Ўзбекистон учун устивор аҳамиятга эга. “Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида Декларация” икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон АҚШнинг компания ва фирмалари билан қўшма инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга, улар билан узоқ муддатли ўзаро фойдали шериклик муносабатларини ўрнатишга, бозоримизда Америка капитали мавжудлигининг камайишига катта аҳамият бериб келмоқда. Республикада Америка инвесторлари иштироқидаги 323 корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 233 таси қўшма корхоналарни 90 таси эса 100%

чет эль капитали ҳисобига қурилган. Америка капитали иштирокидаги инвестицион лойиҳалар асосан тоғ-кон ва нефть-газ комплекслари, агросаноат комплекси технологик базалари, озиқ-овқат саноати ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш каби иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида амалга оширилмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан бўён Америка компаниялари ва молиявий институтлари иштирокида амалга оширилган инвестицион лойиҳаларнинг умумий суммаси 2,4 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, унинг 1,4 млрд. АҚШ долларилик лойиҳалар Америка молиявий институтлари томонидан сугурталанган.

Жаҳон иқтисодиётида АҚШ Ўзбекистоннинг муҳим савдо ҳамкори бўлиб қолмоқда. 2002 йил натижасига кўра икки давлат ўртасидаги товар айирбошлиш 400 минг АҚШ долларини ташкил этган эди.

Япония Ўзбекистон Республикасини мустақиллигини 1991 йилнинг 28 декабряда тан олган етакчи саноати ривожланган давлатлардан биридир. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 26 январида ўрнатилди. Икки томонлама муносабатларнинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Японияга 1994 йилнинг май ва 2002 йилнинг июлида амалга оширган расмий ташрифлари муҳим роль ўйнади. Ташрифлар чоғида Ўзбек-Япон давлатлараро муносабатларига оид бир қатор хужжатлар, жумладан “Ўзбекистон Республикаси ва Япония қўшма баёноти”, “Ўзбекистон Республикаси хукумати билан Япония хукумати ўртасида имзоланган битимларга Ўзбекистоннинг хуқукий ворислиги хақида мактублар алмашинуви”, шунингдек, “Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстона, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнот”лар имзоланди. Икки томонлама муносабатларни ривожланиб боришида 1994 йилда тузилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Япон ва Япон-Ўзбек қўмиталари муҳим роль ўйнамоқда.

Республикага мунтазам равишда Япониянинг нуфузли парламент вакиллари, ишбилиармон доиралари ва сиёсий партияларнинг раҳбарлари ташриф буюрмоқда. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун молиявий ҳамкорлик тўғрисида, нефть-газ ва тўқимачилик саноат тармоқларини, минерал хом-ашё базаларини ривожлантириш бўйича инвестицион семинарлар, конференциялар, презентацияларни ташкиллаштируммоқда. Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат, ҳамда молия вазирликлари билан биргаликда доимий равишда молиявий ва техник ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича консультатив йигилиш ва давра сухбатлари ўтказилмоқда. Хуллас, Ўзбекистонда Марказий Осиёда ягона бўлган ҳалқаро ҳамкорлик бўйича Япония агентлиги ва ташқи савдо ташкилотларининг ваколатхоналари очилди. Тошкент шахрида эса Ўзбек-Япон маркази ўз фаолиятини олиб бормоқда. Япон боғи очилган. Тошкентда ҳозирги кунда Япониялик инвесторлар иштирокида тузилган 19 та йирик Япон компаниялар аккредитация қилинган, 8та қўшма корхона ишлаб турибди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг стратегик режаларини амалга оширишда муҳим роль ўйновчи Япониянинг молиявий-иктисодий ёрдамига устувор аҳамият берилмоқда. Ўз навбатида Япония ҳам Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги вазиятга катта таъсир кўрсата оладиган минтақавий йирик давлат сифатида қарайди. Ҳозирги кунда икки давлат ўртасида савдо соҳасида мумкин қадар қулайлик бериш режими ўрнатилган.

2002 йилда икки мамлакат ўртасида товар айирбошлиш 31,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Ундан 11,6 млн. АҚШ доллари экспорт, 20,3 млн. АҚШ доллари импортга тўғри келади. Республика экспортида асосан йигирилган ип ва материаллар, алюминий ва унинг маҳсулотлари, шунингдек хизматлар турган бўлса, импортида каучук ва резина маҳсулотлари, замонавий асбоб-ускуналар ва технология, кимёвий толалар, олтин асбоб ва аппаратлар, мебель, транспорт воситалари ва хизматлар турган.

2003 йилнинг январидан сентябригача бўлган даврда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлиш 46,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг 10,1 млн. АҚШ доллари экспортга, 36,8 млн. АҚШ доллари эса импортга тўғри келган эди.

Ўзбекистон ва Япониянинг иқтисодий ҳамкорлиги кейинги йилларда барқарор

ривожланиб бормоқда. Ўтган йиллар давомида республикага келтирилган молиявий воситаларнинг умумий ҳажми 1,563 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Халқаро ҳамкорлик соҳасида Япон банки (JBIC) тижорий кредитлари орқали республиканинг ёқилғи-энергетика ва тўқимачилик комплексларида умумий суммаси 721,1 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 8 та инвестицион лойиҳаларни молиялаштиргди. Бундан ташқари JBIC орқали “Тараққиётга расмий ёрдам” дастури орқали Ўзбекистонга телекоммуникация, транспорт инфраструктураси, энергетика ва маориф соҳалари бўйича умумий суммаси 721,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 7та лойиҳани амалга ошириш учун имтиёзли шартлар билан давлатнинг йена кредитлари берилди. Бегараз ва инсонпарварлик ёрдамлари бўйича эса соғлиқни сақлаш, маориф, транспорт ва маданият соҳаларига умумий суммаси 130,83 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ресурслар Япония томонидан ажратилди.

1993-2003 йилларда Япония хукумати Ўзбекистондаги ташкилот ва муассасаларда (иктисодиёт, телекоммуникация, туризм, транспорт инфратузилмасини ва бошқа соҳаларда) ишлаши учун 150дан ортиқ экспертлар жўнатди. Бундан ташқари республиканинг турли вазирлик ва муассасаларидан 500 га яқин мутахассислар Япониянинг ишлаб чиқариш корхоналарида амалиётни ўтаб қайтишди.

Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликнинг асосий йўналишлари 1992 йил март, 1994 йил октябрь, 1999 йилнинг нояброда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Хитойга, шунингдек, 1994 йилда XXR Бош Вазири Ли Пеннинг, 1996 йилнинг июлида XXR раҳбари Цзян Цзэминнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида аниқлаб олинди.

1992 йил январда Ўзбекистон ва XXR ўртасида имзоланган савдо иқтисодий битимларга мувофиқ мамлакатлар ўртасида бир қатор қулайлик яратилди. 2002 йилда икки давлат ўртасида товар айирбошлиш 130 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг 17,3 млн. АҚШ доллари экспортга, 112,7 млн. АҚШ доллари импортга тўғри келган эди. Республика экспортида асосан хизматлар, электр ва механик асбоб-ускуналар, ипак, тўқимачилик материаллар, маҳсулотлари минерал ёқилғи, нефть ва қайта ишланган маҳсулотлар, пахта толаси, ҳўл мева ва ёнғоклар, мато, калава ип ва бошқалар турган бўлса, импортида асосан - механик анжомлар, оптик аппаратлар ва приборлар, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, кофе, чой ва қандолат маҳсулотлар, транспорт воситалари, анорганик химиявий маҳсулотлар, тўқимачилик кийимлар, пойафзал, органик химиявий қўшилмалар, каучук ва резина маҳсулотлари, қора металл ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, трикотаж кийимлар ва бошқалар турган.

2003 йилнинг биринчи ярмида икки давлат ўртасида товар айирбошлиш 107,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг 24,6 млн. АҚШ доллари экспортга, 82,8 млн. АҚШ доллари эса импортга тўғри келган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда XXRнинг инвесторлари иштирокида қурилган 100дан ортиқ корхоналар ўз фаолиятини чакана ва улгуржи савдода, енгил саноат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида) юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси ТИААда Хитойнинг 19та компанияларини ваколатхоналарини аккредитация қилинган. Аккредитация қилинган ваколатхоналар фаолиятининг асосий тармоқлари - экспорт-импорт операцияларини бажариш, қурилиш соҳалари ва тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, информацион технологиялар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил июн, 1995 йил феврал, шунингдек, 1999 йилда Корея Республикасига ташриф чоғида 1994 йилнинг июнида эса Корея Республикаси Президенти Ким Ен Саннинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида мамлакатлар ўртасида ўзаро савдо - иқтисодий муносабатларини ривожланиши учун хукуқий асос қўйилди ва ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида “Савдо тўғрисида”, “Инвестицияларни ўзаро ҳимоялаш ва кенгайтириш тўғрисида” каби бир қатор савдо-иктисодий, инвестицион ва илмий-техникавий битимлар имзоланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида хукуқий-шартномавий асосга эга бўлган 22 та хукumatлараро шартнома ва

хужжатлар имзоланган.

1996 йилнинг 19 июлида Асака шаҳрида “УзДЭУАвто” қўшма корхонасининг автомобиль ишлаб чиқариш заводини презентацияси бўлиб ўтди. 1992 йилнинг июнида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида имзоланган савдо шартномасига мувофиқ савдо соҳасида бирмунча қулайликлар яратилди. 2002 йилда икки давлат ўртасида товар айирбошлиш 326,0 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг 67,0 млн. АҚШ доллари экспортга ва 259,0 млн. АҚШ доллари эса импортга тўғри келган эди. Республика экспортиning асосий қисмини бу даврда пахта толаси, хизматлар, мато ва калава иплари ташкил этган. 2003 йилнинг 9 ойи мобайнида икки мамлакат ўртасида товар айирбошлиш 179,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлиб, унинг 39,1 млн. АҚШ доллари экспортга, 140 млн. АҚШ доллари эса импортга тўғри кеган.

Хозирги кунда Корея Республикасининг экспорт-импорт банки томонидан Ўзбекистонга тақдим этган умумий кредитлар ҳажми 96,4 млн. АҚШ долларига етди. Ушбу маблағлар ҳисобидан республикада телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш лойиҳалари, “УзДЕУАвто” қўшма корхонасига қатор янги моделлар қўшиш, республика коллежларини янги ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, “Ўзбек Ипаги” ассоциациясининг ипак ишлаб чиқариш корхоналарини техник жиҳатдан қайта модернизациялаш ишлари бажарилмоқда.

Республика реципиент давлатлар орасида Агентликнинг ёрдам қўрсатилиши ҳажми бўйича бешинчи ўринни эгаллайди. 1992 йилдан бошлаб КОICA ташкилотидан Ўзбекистонга қўрсатилган молиявий ёрдамнинг умумий ҳажми 8,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистоннинг КОICA билан асосий ҳамкорлиги 5 та соҳада (ускуна ва материалларни келтириш, амалиётчиларни таклиф қилиш, қўнгиллиларни юбориш, экспертларни жўнатиш, тиббий маҳсулотларни жўнатиш) амалга оширилмоқда.

Республика ҳудудида Жанубий Корея капитали иштирокида қурилган 118 та корхона фаолият қўрсатаётган бўлиб, унинг 97 таси қўшма корхона ва 21 таси 100% чет эл капитали ҳисобига қурилган корхоналардир. Бу корхоналар асосан автомобил қурилиши, тўқимачилик ва электротехника саноати, хизмат қўрсатиш ва алоқа соҳаларини ўз ичига олади. Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 20та Жанубий Корея компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган. Бу ваколатхоналар куйидаги соҳаларда (экспорт-импорт операциялари ўтказиш, транспорт хизматлари қўрсатиш, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқалар) фаолият олиб бормоқди.

Ўзбекистон Малайзия, Вьетнам, Ҳиндистон, Индонезия, Туркия, Форс қўрфази давлатлари каби бир қатор Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан ҳам савдо иқтисодий муносабатларни олиб бормоқда. Ўзбекистон учун ўтган 10 – 15 йиллар МДҲ давлатлари билан икки ва кўп томонлама шартномавий муносабатлар доирасида тенг ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш учун катта имеониятлар мавжудлигидан дарак бермоқда. Бундай ҳамкорликлар асосида нафақат ҳудудий яқинлик ва иқтисодий боғлиқликлар, балки чуқур тарихий илдизлар, маданий – маънавий алоқалар, йирик тарихий даврлар мобайнида ҳалқларнинг умумийлиги ётади.

Жаҳон иқтисодиётида МДҲ давлатлари Ўзбекистоннинг асосий савдо – иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Уларнинг ҳиссасига Республика ташки савдо ҳажмининг 30%дан ортиги тўғри келади. Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан товар айирбошлиши асосан, тенглик ва ўзаро фойдали тамойилларга асосланган. МДҲ мамлакатлари ичida Ўзбекистоннинг йирик савдо ҳамкорлари бўлиб, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Украина ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси учун Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш минтақанинг ривожланиши ва давлатлар иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиё Евросиё материгининг ўртасида жойлашган бўлиб, қадим замонлардан буён муҳим ҳалқаро савдо йўллари ва саёҳлик коридори бўлиб ҳисобланади. Хозирги кунда бу минтақа беш мустақил давлатни – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларини ўз ичига олади. Марказий Осиё давлатлари

Шарқдан ғарбга 4500 километрга чўзилган бўлиб, тахминан Европа майдонига тенг худудни ёгаллайди. Минтақа Шимолда Россия Федерацияси, Шарқда Хитой, Жанубда Афғонистон ва Эрон билан чегарадош, ғарбда унинг чегараларини Каспий денгизи ювиб туради.

Минтақанинг умумий майдони 4 млн.кв.км. ни ташкил этиб, (МДҲ худудининг 18%и), ахолиси 52,2 млн. киши (МДҲ ахолисининг 19%и), аҳоли зичлиги ўртача 1кв. км. га 12,4 кишига тенг.

Минтақа давлатлари Ўзбекистоннинг муҳим савдо ҳамкорлари ҳисобланади. 2002 йил натижаларига кўра Марказий Осиё давлатлари билан товар айирбошлиш ҳажми 568,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Минтақа давлатларининг иқтисодий ривожланишида унинг тарихи, географик жойлашуви, шунингдек, сиёсий ва интеграцион жараёнлар билан боғлиқлиги муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга ҳаракат қилиб, миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш асосида босқичма-босқич интеграция жараёнларини ривожлантириш тарафдоридир. Марказий Осиё давлатларини иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналиши савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришdir. Эркин савдо режимининг ўрнатилиши Марказий Осиё минтақасида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожланиш даражасини кўтарилишининг муҳим механизми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасининг 30%и минтақа давлатларига тўғри келади. 1999 йилдан буён минтақа давлатлари ўртасида товар айирбошлиш тобора ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Агар 1999 йилда мамлакатимизнинг минтақа давлатлари билан товар айирбошлиши 525 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб у 568 млн. АҚШ долларини ташкил этган эди.

Марказий Осиё давлатлари билан бўлган ўзаро савдода Ўзбекистон асосан ижобий сальдога эга. 2002 йил натижаларига кўра товар айирбошланинг қўпроқ қисми Қозоғистонга тегишли (263,3 млн АҚШ доллари) бўлиб, унинг бошқа давлатлар билан, жумладан Тожикистон билан 116,9 млн. АҚШ долларини, Қирғизистон – 111,6 млн АҚШ долларини, Туркменистон – 76,3 млн АҚШ долларини ташкил этди. Умуман олганда минтаҳа мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлиш асосан хом-ашё ёки оддий саноат ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан характерланади. Бу эса маълум даражада савдо муносабатлари салоҳиятини камайтиради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Марказий Осиё бозорида ўзининг кимёвий, тўқимачилик, электротехника, авиация, автомобиль, нефть-кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги машиналари, курилиш материаллари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича юқори ўринлардан бирида турибди. Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиё коридорида, ўз экспорт ва импорт ҳамда транзит юкларни ташиш учун 10 та транспорт коридоридан кенг фойдаланмоқда. Қўшимча янги халқаро транспорт ва транзит коридорини ташкил этиш чора-тадбирларини ҳам кўриб бормоқда.

§ 11.2. Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси 30 дан ортиқ обрўли иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг, жумладан Жаҳон Банки гурухига кирувчи ташкилотлар ва шунингдек, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро Валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт Банки, Ислом тараққиёт банки, Бутунжаҳон божхона ташкилоти, Бутунжаҳон саёҳат ташкилоти, Пахта бўйича халқаро консультатив комитети ва бошқа ташкилотларнинг тўлақонли аъзосидир. Республика ҳозирги кунда ЖСТга аъзо бўлиш учун қатор ишларни амалга ошироқда.

1992 йилнинг сентябрида Ўзбекистон Республикаси Жаҳон Банкига (ЖБ) аъзо бўлди. Тошкент шаҳрида Жаҳон банкининг ваколатхонаси очилди. ЖБ томонидан Ўзбекистонга қарзлар қўйидаги шартлар асосида берилмоқда:

- қайтарилиш мuddати 20 йил
- имтиёзлар даври 5 йил

- фоиз ставкаси сузиг юрувчи, ҳар йили аниқланадиган ставка.

Жаҳон Банкининг стратегияси республиканинг босқичма-босқич ривожланишида ҳукумат ислоҳатларини қўллаб-қувватлаш ва маслаҳатлар бериш, шунингдек техник-молиявий ёрдамларни кўрсатишдан иборатdir. Жаҳон Банки кредитларни асосан республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун сув таъминоти ва санитария, ирригация тизими ва дренаж ишларини қўллашга ажратади. 2002-2004 йилларда ЖБ нинг мамлакатга бераётган ёрдамининг асосий мақсади қўйидагилардан иборат бўлди:

- Валюта ва савдо тартибини либераллаштириш масаласида сиёсий холатни такомиллаштириш ва давлат бошқаруви самарасини ошириш.

- Хусусий сектор ва тўғридан-тўғри инвестицияларни кириб келиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш.

- Ижтимоий-иктисодий инфратузилмадаги давлат ресурсларини тақсимлашдаги самараదорликни ошириш.

- Техник хизмат ва мамлакат инфратузилмасидаги ирригация-мелиорация ишларини олиб боришдаги тизимни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Жаҳон Банкининг берган маълумотига кўра 2003 йилнинг сентябр холати бўйича Ўзбекистонга бериладиган кредит 559,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлиб, шундан тўловни амалга ошириш миқдори 328,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган. 2003-2004 йиллар давомида Ўзбекистонда қарз бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат бўлди:

- Қарши каскад насос станцияси лойиҳаси бўйича Қувайт ва шунингдек ОПЕК фонdlари бўйича молиялаштиришда 55 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қарз суммаси лойиҳаси.

- Экологик дренаж лойиҳаси бўйича (Қорақалпоғистон) қарз ва кредитнинг умуми миқдори 25 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа.

- Давлат молиясини бошқариш бўйича ислоҳатлар соҳасидаги техник ёрдам лойиҳаларига, шунингдек соғлиқни сақлаш лойиҳаси бўйича қарз ва кредитларни ташкил этиш ва бошқа лойиҳалар. Шунингдек, Ўзбекистон ҳамкорлигида молиялаштирилиб, 1998 йили тасдиқланган глобал экологик фонд (ГЭФ) Орол денгизида атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларини бошқариш тўғрисидаги лойиҳа қатнашувчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон 1992 йилнинг 19 апрелидан Европа тикланиш ва тараққиёт банкига (ЕТТБ) аъзо бўлди. Ўзбекистонга ЕТТБ томонидан келган вакиллар республикадаги ижтимоий-иктисодий холатни ўрганиш ва келажакда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонга нисбатан ўз стратегиясини белгилади, яъни, ЕТТБ келгусида Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий ресурсларни ўзлаштириш, энергетика секторини кенгайтириш, кичик ва ўрта корхоналарни, пахтани қайта ишлаш ва бошқа енгил саноатни, туризм инфраструктурасини ривожлантириш каби соҳалардаги асосий йўналишларни аниқлаб олди.

Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги мувоффакиятли ҳамкорлик натижаларини биз ҳозирги кунда банк томонидан бир қатор (7ta) лойиҳа ишлари режалаштирилиб, амалга оширилишида қўришимиз мумкин. Бу лойиҳаларнинг умумий миқдори 1,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари 320 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 8 лойиҳанинг (дизель локомотив паркларини янгилаш, Андижон муниципал инфратузилмасини яхшилаш, кичик ва микро корхоналарга бериладиган кредит линиялар. “Ўзбек лизинг интернейшнал АО” компаниясининг лизинг кредити кабилар) амалга оширилиши кутилмоқда.

Ҳозирги кунда республикада амалга оширилиши давом этаётган лойиҳалар жумласига – кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида бериладиган 4 та кредит линияни, жумладан, Асака банкни хусусийлаштириш (ЕТТБ акционерларининг 20% гарови асосида), Сирдарё ГРЭСни 5 ва 6 энергия блокларини қайта тиклашнинг икки фазаси, “Ўзбектелеком” акционерлик компаниясини 7% акцияси тўлови асосида хусусийлаштириш, компьютер ва ахборот технологиясини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун жамғарма

кабиларни киритиш мумкин.

2003 йилнинг 4-5 майида Тошкент шаҳрида ЕТТБ бошқармаси кенгашининг 12-мажлиси ва шунингдек Халқаро хусусий ва ишбилармонлар ўртасида инвестициявий бизнес форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон 1992 йил сентябрида Халқаро валюта фондига (ХВФ) аъзо бўлиб кирди. 1995 йилнинг январида Ўзбекистон Республикасига ХВФ томонидан қабул қилинган дастур асосида биринчи 72,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги транш маблағлари берди. Шунингдек 1995 йилнинг декабрида миллий валютани қўллаб-кувватлаш мақсадига иккинчи транш маблағ ҳам ажратилди. Берилган ушбу маблағлар сузуб юрувчи фоиз ставкалари асосида берилган эди. Қарзни тўлаш муддати 5,5 йилни ташкил этган. 1995 йилнинг 18 декабря ХВФ Ўзбекистон Республикасига “Стэнд Бай” кредитини берди. Ушбу маблағлар иқтисодий ислохатларни давлат томонидан 1995-1996 йилларда қўллаб-кувватлашда, 2000-2001 йилларда давлат томонидан валюта сиёсатини тартибга солиш учун фойдаланилди. 2001 йилнинг августида Ўзбекистон Республикаси ва ХВФ ўртасида 2001 йилнинг 31 июль ва 31 декабр ойлари оралиғидаги молиявий ва иқтисодий сиёsat тўғрисида меморандум қабул қилинди. Меморандум асосида Ўзбекистон ва ХВФ вакиллари ҳамкорлигида 2002 йилнинг 1 январ ва 30 июн ойлари оралиғидаги макроиктисодий ва структуравий сиёсатни асослари ишлаб чиқилди. 2002 йилда ХВФни мониторинг дастури асосида бир қатор вазифалар бажарилди. Ўзбекистоннинг турли вазирлик ва идоралар ўртасида чора тадбирлар ўtkazildi. Бундан асосий мақсад иқтисодий ислохатларни ривожлантиришда кредит ва солиқ бюджет сиёсатига қатъий риоя этган ҳолда валюта режимини тартибга солиш амалга оширилди. 2003 йилда Ўзбекистон Республикасига ХВФ нинг вакиллари ташриф буюришди. Музокаралар чоғида ХВФни низомидаги 8-моддасига мувофиқ бир қатор шартномалар имзоланди. Бунга савдо соҳасида олиб борилаётган солиқ сиёсати, бюджет ва пул-кредит сиёсатидан самарали фойдаланиш ишлари кирган эди. Шунингдек тузилмавий ислохатлар соҳасида бир қатор ишларни амалга оширишга киришилди. Хуллас, 2003 йилнинг 15 октябрида Ўзбекистон Республикаси ХВФ келишувидағи 8-модда, 3-4 модда, 2а қисмидаги шартларини қабул қилинишини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилнинг 30 августида Осиё Тараққиёт Банкининг (ОТБ) тўлақонли аъзоси бўлди. ОТБ билан ўзаро молиявий ва техник ҳамкорлик қилиш мақсадида, шунингдек ОТБга тақдим этилиши мумкин бўлган инвестицион лойиҳаларни тайёрлаш ишларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 16 январдаги №27 фармойиши билан ОТБ билан ҳамкорлик маҳкамаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки ОТБ авуарида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги расмий банк депозитарийси деб эълон қилинди. Молия Вазирлиги ОТБ билан алокаларда масъул ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Миллий банки Ўзбекистон Республикасини ОТБнинг директорлар кенгаши гурухига кириш тўғрисида мурожаат қилди. Бу гурухга Осиё-Тинч океани миңтақасининг Малайзия, Сингапур ва Таиланд каби мамлакатлари киради. ОТБ бу мурожаатномани қабул қилгандан сўнг Ўзбекистон ҳам халқаро иқтисодий интеграциянинг мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда Осиё-Тинч океани миңтақаси мамлакатлари билан тенг хуқуқли аъзо бўлди.

Ўзбекистон республикаси хукумати билан келишган ҳолда ОТБ республика иқтисодиётининг баъзи-бир секторларини- қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация, ижтимоий инфраструктура соҳаларини ривожлантиришга ёрдам берib келмоқда. 2003 йилнинг 11-12 октябрида Тошкентда Ўрта Осиёда миңтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича ОТБ Вазирликлар кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда ахолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, транспорт, савдо ва энергетика соҳасидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, энергетика ресурсларидан тўғри фойдаланиш, атроф муҳит химоясини кучайтиришда хусусий секторни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий инфратузилмани такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси 2001 йилнинг ноябрида БМТнинг Қишлоқ хўжалиги

савдоси ташкилотига (ФАО) аъзо бўлди. 2002 йилда Ўзбекистон ФАОнинг “Минтақада ишлов бериланётган ерларнинг ҳосилдорлигини ўстириш” минтақавий дастурида иштирок этди. Бу лойиханинг умумий микдори 1,34 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 350 минг АҚШ доллари Ўзбекистонга тўғри келади. ФАО дастурида Ўзбекистондан ташқари Хиндистон, Покистон ва Миср каби мамлакатлар ҳам қатнашмоқда.

2002 йилнинг январида республикага ФАО томонидан жаноб Тим Жексон бошчилигида бир гурух вакиллар ташриф буюришиди. Бу ташрифдан асосий мақсад Амударёнинг қуи оқимидағи ерлардаги қурғоқчилик ва сув танқислиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган эколагик холатларни енгиллаштириш учун қишлоқ хўжалиги амалиётида қўп йиллар давомида синаб кўрилган лойиҳаларга техник ёрдам кўрсатишни режалаштириш эди. Музоқаралар давомида бу дастурларнинг ҳолати ва уни амалга ошириш имкониятлари кенг муҳокама қилинди. 2000 йилнинг 16 мартадан 1 апрелгача Ўзбекистон Республикасида Қохира шахридаги ФАОнинг Яқин Шарқда иш олиб бориш бўйича минтақавий бўлими бошлиғи жаноб Д. Абдоу бўлди. Ташриф чоғида асосан Ўзбекистоннинг идора ва вазирликлари вакиллари билан техник ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ бўлган таклифлари муҳокама қилинди. 2002 йилнинг 20 марта ТИААДа жаноб Абдоу билан бўлиб ўтган музоқараларда ҳам ФАОнинг Ўзбекистон билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликларига тўхтаб ўтилди.

Ўзбекистон ва Ислом тараққиёт банки (ИТБ) ўртасидаги биринчи алоқалар 1992 йилда бошланди. 1992 йили ИТБ Ўзбекистондаги мусулмонлар бошқармаси грантларини маъкуллади. Бу грантлар ўз ичига бир қатор лойиҳаларни, жумладан Самарқандаги Ал-Бухорий институти учун ётоқхона қуриш, Тошкент, Хива шахарларидағи шифохоналарни таъмирлаш, Бухоро шахридаги Мир Араб мадрасасини таъмирлаш, араб тилини ўргатишни қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳаларни молиялаштиришни ўз ичига олади. 1997 йилнинг 30 июнидан 4 июлга қадар Ўзбекистонга ИТБ президенти ёрдамчиси К.И.Абдулхақ бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Ушбу ташрифдан асосий мақсад республиканинг расмий шахсларини ИТБ фаолияти билан таништириш ва Ўзбекистон Президенти қошидаги давлат ва ижтимоий қурилиш академияси билан ҳамкорлик ўрнатиш эди.

2002-2003 йилларда Ўзбекистонга бир неча бор ИТБнинг техник вакиллари ташриф буюришиди. 2003 йилнинг 25 июнида Ўзбекистонда инвестицион конференцияни ташкил этиш мақсадида ИТБ ва Ўзбекистон хукумати ўртасида меморандум имзоланди. 2003 йилнинг 17-18 июнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Эрон Ислом Республикасига ташрифи чоғида ИТБ Президенти Ахмад Муҳаммадали билан учрашди. Учрашув давомида Ўзбекистонни ИТБга аъзо бўлиш тўғрисидаги масалалар, шунингдек, ҳамкорлик йўналишлари, Ўзбекистоннинг молиявий ташкилотлари билан банк ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши ва Ўрта Осиё минтақасида банкларнинг роли каби масалалар кенг муҳокама қилинди. 2003 йилнинг 2-4 сентябрида Олма-Ота шахрида ИТБ нинг 28-йиллик йигилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раиси ўринбосари Э.Ғаниев бошчилигидаги делегация қатнашди. Бу йигилишдан сўнг Ўзбекистонда ИТБнинг инвестициявий конференцияси бўлиб ўтди. Бу тадбирда ИТБга аъзо мамлакатларнинг дипломатик корпус вакиллари халқаро молия ташкилотларининг вакиллари, ИТБга аъзо мамлакатларни ишбилиармонлар доираси вакиллари, ИТБнинг раҳбар ва ходимлари қатнашди. Конференция якунланиши билан 2003 йилнинг 6-10 октябрида Ўзбекистонга ИТБ вице-президенти доктор Амаду Буманар Сисс бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Бу ташрифнинг асосий мақсади Ўзбекистон билан ИТБнинг 2004-2006 йилларида олиб бориладиган ўзаро ҳамкорлик дастурини муҳокама қилиш, вазирликлар ва идора бошликлари билан музоқаралар ўрнатиш бўлди. Ўзбекистон хукумати ИТБ билан қўйидаги муҳим ҳамкорлик муносабатларни- транспорт, автомобиль ва темир йўллар, соғлиқни сақлаш, таълим, сув таъминоти, ирригация, нефть ишлаб чиқариш ва энергетика, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш масалари билгилаб олинди. 2003 йилнинг 10 октябрида ўтказилган учрашувда Ўзбекистон хукумати ва ИТБ вакиллари томонидан 2004-2006 йилларга мўлжалланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Ушбу дастурнинг биринчи босқичида асосан қўйидаги лойиҳавий ишларни, жумладан тез ёрдам пунктларини техник воситалар билан таъминлаш, алоқа линияларини куриш, темир йўл станциялар ва кўприкларни қайта тамирлаш, кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш, вагонларни тамирлаш заводини модернизациялаш ва бошқалар кўзда тўтилади.

§ 11.3. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ва унинг муаммолари

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) 1995 йилнинг 1 январида ташкил топди. ЖСТ кўп томонлама савдо тизимларининг хуқуқий ва институционал асосидир. У муҳим шартнома мажбуриятларни таъминлайди. Бу шартнома мажбуриятлари хукуматларга ички қонунчиликни шакллантириш ва амалга оширишда, шунингдек ташки савдони бошқаришни аниқлаб беради. ЖСТ 1947 йилда ташкил топган ва 1948 йилнинг 1 январидан кучга кирган Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ)нинг давомчиси ҳисобланади. ЖСТ келишуви халқаро савдонинг янги қонуниятларини, Уругвайдаги кўп томонлама музоқаралар жараёнида эришилган битимларни умумий идорага жамлашни қамраб олади. Бу қоидалар ГАТТ доирасида 125 та мамлакат иштирокида етти йил давом этган ва 1993 йилнинг 15 декабряда Уругвайда тугаган кўп томонлама музоқаралар натижасидир. Вазирлар 1994 йил апрелда Мароккадаги мажлисда якунловчи актни имзоладилар. 15 апрелдаги “Марокко декларацияси” шуни тасдиқладики, Уругвай раунди натижалари жаҳон иқтисодиётини мустаҳкамлаб, савдо ва капитал қўйилмаларини, бандликни либераллаштириб, бутун жаҳонда тушумларни кўпайишга олиб келади. ГАТТ-ЖСТнинг қисми сифатида қуйидаги асосий қоидаларга эга:

1. Тарифлар орқали миллий иқтисодиётни химоялаш. ГАТТ эркин савдо билан шуғулланса ҳам ЖСТга аъзо мамлакатлари ўзларининг миллий саноатини ташки рақобатдан химоя қилиш хуқуқига эгалигини тан олади. Бироқ, ГАТТ мамлакатлардан тарифлар орқали химоя қилишни талаб этади. Бу тамойилни амалда бажарилишини таъминлаш учун ГАТТ қонун-қоидаларига кўра бир неча истиснолар бўйича микдорий чекловлардан фойдаланиш ман этилди.

2.“Тарифларни алоқалаш”. Давлатлар кўп томонли савдо келишувлари орқали миллий саноатни қўллаб-куватлашни камайтириши, иложи бўлса, тарифларни камайтириб, бошқа савдо тўсиқларини олиб ташлаши керак. Тарифлар маълум даражада камайиб “алоқа”га кирмоқда. Алоқага киришиш шуни билдирадики, аниқ бир маҳсулотни муносабатга киришишдаги тариф даражаси ЖСТ аъзосининг мажбуриятидир ва асосий савдо шериги билан компенсация хақидаги келишувсиз тарифни ошира олмайди.

3.“Энг қулай режим. ”ГАТТ нинг ушбу қонуни ажратмаслик принципи ҳисобланади. Қонунда таъкидланишича, экспортёр ва импортёр давлатларга ўзгартирилган тариф ва бошқа меъёрлар БСТнинг аъзоси бўлган бошқа давлатларга ҳам камситишларсиз қўлланилиши керак. Хеч қандай давлат бошқасига алоҳида савдо фойдаси ёки камситувчи чоралар қўя олмайди. Ҳамма бир хил даражада ва ҳамма савдо тўсиқларини тушириш мақсадидаги барча чоралардан фойда олади.

4. “Миллий режим”. Агар афзал кўрилган давлатларда камситиши ман қилинган бўлса, “Миллий режим” қоидасида эса бозорга чиқарилган товарлар давлат ичидаги ишлаб чиқарилган эквивалент товарлар билан бир хил шарт-шароитда амалга оширилиши керак.

Жаҳон Савдо Ташкилотининг ГАТТдан фарқи. ЖСТ нафақат ГАТТнинг давомчиси, қолаверса ўзига хос характерга эга. Орадаги асосий фарқлар қуйидагилар иборат:

- ГАТТдан фарқли ўлароқ ЖСТ ўзининг шахсий секретари билан доимий ташкилот ҳисобланади.

- ЖСТнинг фаолият доираси ГАТТга нисбатан анча кенг. Кўп томонлама савдо тизимиға хизматлар билан савдо қилиш, тижорий фаолият қўшилди. Интеллектуал мулк химояси ҳам шулар жумласидандир.

- ЖСТга аъзо-мамлакатлар аниқ мажбуриятларни олиб бирлашган битимлар тўпламини ўзида акс эттиради. Бундан фарқли, ГАТТ ўз ичига битимлар рўйхатини олади. Мисол учун демпингга қарши чекловлар, субсидиялар бўйича давлатларнинг чекланганлиги ва бошқалар.

- ЖСТ негизида 1947 йилдаги ГАТТнинг ўзгарган версияси (бу версия ГАТТ деб 1994 йилда қабул қилинган) ва барча янги битимлар серияси ётади. ГАТТнинг 1994 йилдаги товарлар савдоси доирасида камситишиш қонуний савдо қилиш, ички бозорга импорт қилиш ва хусусий маҳсулотлар учун мувозанатлашган савдо режими ётади. ЖСТ доирасида, янги

битимларга мувофик умумий тамойилларнинг муҳим соҳалари(хизматлар билан савдо қилиш, интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспектлари, ўлчовлари) кенгайтирилмоқда.

- ЖСТ иқтисодиётнинг “сезиларли” ҳудудларидаги алоқаларни химоялаш имкониятини ўзида сақлаб қолади. Бу битимлар доирасида текстил ва тайёр кийим-кечаклар савдосидаги экспорт чекловлари олиб ташланди, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдоси ислоҳ қилинди.

ЖСТ секретариати Женева (Швейцария) шахрида жойлашган. Ушбу секретариат 1999-2001 йилларда секретариат бош директор Майк Мур томонидан бошқарилган. ЖСТ аъзолари томонидан тайнинланган 4 та бош директор ўринбосарлари унга ёрдам берган. 2002 йилдан бошлаб эса Майк Мур ўрнини директор ўринбосари Сулагай Панитпанди бошқариб келмоқда.

ЖСТ секретариатининг штати 550 кишидан иборат. Ўз мажбуриятларини амалга оширишда бош директор ва ташкилот штати аъзолари ҳукумат ва бошқа ташкилотлардан холи равишда фаолият қўрсатадилар ва котибиятнинг халқаро характеристерини қўллаб-қувватлади. Бугунги кунда жаҳоннинг 150та мамлакати ЖСТни аъзоси ҳисобланиб, 30дан ортиқ давлат эса ЖСТга қабул қилиш жараёнида кузатувчилик ҳуқуқига эгадир.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш жараёни қийин ва узок вақтни талаб қиласди. Биринчи босқичда ЖСТга қўшилишни хоҳловчи давлатларнинг ҳукумат бошлиqlари ЖСТда кузатувчилик ҳуқуқини берувчи ариза беради. Бунда ҳукумат ЖСТга юборувчи ўз меморандумида мамлакатнинг савдо ва иқтисодий сиёсатини тўлиқ қамраб олган аспектларни тақдим этади. Бу меморандум қўшилиш тўғрисидаги сўровларни тўлиқ ўрганиш учун асос бўлади. Шундан сўнг ЖСТга ариза берувчи давлатлар бўйича ишчи гурух тузилади.

Ишчи гурух йигилишларида ариза берган ҳукумат товар ва хизматлар савдосига нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олишлари мақсадида қизиқувчи аъзомамлакатлар ҳукуматлари билан икки ва кўп томонлама музокаралар олиб боради. Музокаралар натижасида ЖСТга кираётган давлат товарлар ва хизматлар савдоси бўйича бажариши лозим бўлган ва ўзгартирилмайдиган аниқ бир тарифлар беради. Ариза берувчи давлатнинг савдо режимини ўрганиш ва бозорга киришга имкон берувчи музокаралар тузиш билан ишчи гурух асосий қўшилиш шартларини ишлаб чиқади ва йигилиш натижасига кўра ЖСТга кираётган давлат тўғрисида қарор тайёрлайди ва бу хужжатлар бош кенгаш ёки вазирлар конференциясида тасдиқлаш учун тақдим этилади. Қўшилиш тўғрисидаги қарор ЖСТ аъзоларининг 2/3 қисми овоз берган тақдирда имзоланган ҳисобланади. ЖСТга аъзо бўлган давлат Уругвай раунди қамраб олган битимларни қабул қилиши ва амалга ошириши керак бўлади (7-жадвал).

7-жадвал

ГАТТ доирасида кўп томонлама савдо келишувлари тавсифи

Йил ва ўтказилган жой	Мамлакатлар сони	Тахлил қилинган саволлар
1947 йил Женева	23	Тарифларни пасайтириш
1949 йил Эннеси	13	Тарифларни пасайтириш
1951 йил Торкуей	38	Тарифларни пасайтириш
1956 йил Женева	26	Тарифларни пасайтириш
1960-1961 йиллар Раунд Дилена	26	Тарифларни пасайтириш
1964-1967 йиллар Раунд Кеннеди	62	Демпингта қарши, Тарифларни пасайтириш
1973-1979 йиллар Токио	102	Тарифларни пасайтириш, битимларни қайта қўриш, нотариф ўлчовлар
1986-1993 йиллар Уругвай раунди	125	Тарифларни пасайтириш, нотариф ўлчовлар, хизматлар, қоидалар, интеллектуал мулк тортишувлари, текстил маҳсулотлари, қишлоқ ҳўжалиги

		маҳсулотлари ва бошқалар
2001 йил Доха раунди	137	Тарифларни пасайтириш, ривожланаётган давлатларга бериладиган имтиёзлар
2003 йил Канкун раунди	148	Тарифларни пасайтириш. қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси
2005 йил Сингапур раунди	148	Тарифларни пасайтириш. қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси

Уругвай раунди янги кўп томонлама савдо тизими ташкил топишида муҳим роль ўйнайди. 1994 йилнинг 15 апрелида Марокашда (Марокко) 125 та аъзо-мамлакатларнинг вазирлари Уругвай раунди қуидаги тизимлардан ташкил топганлигини тасдиқловчи битимни имзоладилар.

А.Жаҳон Савдо Ташкилоти тўғрисида Марокаш битими.

- Товарлар савдоси
- Хизматлар совдаси.

Тарифлар ва савдо (ГАТТ-1994) бўйича бош битим ва у билан боғлиқ бўлган битимлар қуийдагиларни ўз ичига олади:

Ўзаро юк ташиб инспекцияси бўйича битим	PSI
Техник бартерлар ва савдо бўйича битим	TBT
Санитар ва фито санитар ҳолат бўйича битим	SPS
Инвестиция савдо аспектлари ҳолати бўйича битим	TRIMS
Тўқимачилик ва кийим-кечак бўйича битим	ATC
Қишлоқ хўжалиги бўйича битим	
Қоидаларнинг келиб чиқиши бўйича битим	

- Хизматлар савдоси. Хизматлар савдоси бўйича бош битим (GATS)
- Интеллектуал ресурслар хуқуқи (IPRS). Интеллектуал ресурслар савдоси бўйича битим ўз навбатида:

- Чегараланган иштирокчилар сонига эга секториал савдо битимга.
- Фуқаро авиатехникаси бўйича битимга.
- Давлат харидорлари тўғрисидаги битимларга бўлинади.

2001 йилнинг ноябринда Доха шаҳрида (Қатар) ЖСТнинг 4-вазирлар конференцияси бўлди. Унинг натижасида “Доха тараққиёт тартиби” савдо музоқараларининг янги раунди босқичи тўғрисида қарор қабул қилинди. Конференцияда дунё савдо тизимининг либерализацияси бўйича қуийдаги асосий мавзулар- хизматлар, саноат моллари савдоси тарифлари, интеллектуал мулк хуқуқининг савдо томонлари, қишлоқ хўжалигида ички қўллаб-куватлаш ва экспортга субсидиялар бериш, “Сингапур муаммолари”, савдо ва инвестиция, рақобат борасида сиёsat, давлат харидларида транспарентлик, савдо ҳамкорлиги, савдо ва атроф-муҳит муаммолари каби мавзулар кўриб чиқилди. Бу муаммолар бўйича турли қарашлар концепцияси билан боғлиқ бўлган жаҳоннинг 148 мамлакатни савдо вазирларни 2003 йилнинг 10-14 сентябрида Мексиканинг Канкун шаҳрида бўлиб ўтган ЖСТнинг 5-вазирлар конференцияси чоғида савдо тизимини эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган ягона фикрга кела олмадилар.

1994 йилнинг июнидан бери Ўзбекистон ГАТТ-ЖСТ кузатувчи бўлиб келмоқда. 1994 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси ГАТТ-ЖСТга тўла аъзо бўлиши истагида ариза берди. Ариза ижобий кўриб чиқилгандан кейин 1995 йилнинг январида ЖСТ томонидан аъзо бўлиш масалалари бўйича назорат гурухи тузилди. 1998 йилнинг сентябрида Австралия, ЕИ, Янги Зеландия ва АҚШ мамлакатлари томонидан ЖСТ котибиятига берилган саволларга Ўзбекистон томонидан ташки савдо режими асосида меморандум тақдим этилди. Ўзбекистонда ЖСТ самарали иш олиб бориши учун мамлакатда ЖСТ бўйича комиссия идораси тузилди. 2002 йилнинг 17 июляда Женевада (Швейцария) Ўзбекистон Республикасини ЖСТга аъзо бўлиши масаласини кўриб чиқиш учун шу гурухнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлисда асосан Ўзбекистон Республикасини ташки савдо

режими бўйича меморандуми ҳолати кўриб чиқилди. Шу гурухнинг раиси бўлиб 2002 йилда жаноб Александро Дел Ла Пеньени ўрнига келган жаноб М.Супер Аманиам (Малайзия) иш олиб борди. Бу мажлиснинг якуни сифатида ЖСТга аъзо мамлакатлар АҚШ, Австралия, Жанубий Корея Республикасининг вакиллари томонидан меморандумга ёзма саволлар ва шарҳлар тақдим этилди. Шунингдек ЕИ, Канада ва Швейцария вакиллари томонидан эса божхона тарифларини туширилиши талаб қилинди. Хуллас, хозирги кунда кўриб чиқилган меморандум масалалари бўйича Ўзбекистоннинг ТИААнинг структуравий бўлинмалари, шунингдек бошқа вазирлик ва республика идоралари томонидан қизғин тайёрганлик ишлари олиб борилмоқда.

ЖСТга кириш учун муҳим бўлган акт материаларини тайёрлаш мақсадида республика вазирлигига қўйидаги ишчи гурухлар ташкил этилди:

- Санитар ва фитосанитар чоралар кўриш ва савдода техник бюrolар бўйича ЖСТ битими доирасидаги тасвирий муаммолар рўйхатини тузиш;
- Қишлоқ хўжалигига экспорт субсидиялар ва ички қўллаб қувватлаш тўғрисида ахборот тайёрлаш;
- Интеллектуал мулк ҳуқуки савдо аспектлари бўйича ЖСТ битими доирасида ахборот тайёрлаш;
- Товарларга тариф беришлари ва хизматларга мажбуриятлар бўйича таклифлар тайёрлаш;
- ЖСТ битимиға мувофиқ миллий қонун чиқаришга ўзгартиришлар киритиш;
- Ўзбекистоннинг ЖСТга кириш тўғрисидаги чақириқда иқтисодиётнинг турли секторларида бўладиган натижаларни баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш.

Таянч иборалар: ташқи савдо, икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий муносабатлар, ЖСТга аъзо бўлиш, ҳалқаро молия-кредит ташкилотлари билан иқтисодий муносабатлар.

Бобнинг қисқача хulosаси:

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашган бўлиб, бу ерда минтақа аҳолисининг 45%и яшайди. Ўзбекистон минтақанинг бошқа давлатлари (Қозогистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Қирғизистон) билан умумий чегараларга эга бўлган ягона мамлакат бўлиб, у Европа билан Осиё-Тинч океани минтақаси ва шунингдек Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини транспорт ва телекоммуникация бўйича бирлаштирувчи муҳим коридор ҳисобланади.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳалқаро ташкилотларнинг (БМТ, ЮНЕСКО, ФАО, ЮНКТАД) тенг ҳуқуқли аъзоси, жаҳоннинг ўнлаб давлатлари (160 дан ортиқ) билан дўстона алоқаларни боғлаган, йирик ҳалқаро банк ва молиявий ташкилотлар (ХВФ, ЖБ, ЕТТБ, ОТБ, ИТБ) билан ҳамда нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб бораётган давлатлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида Ўзбекистон турли даражадаги глобал ва минтақавий (МДХ, Шанхай гуруҳи) интеграцион жараёнларида қатнашиш билан бир пайтда муҳим тамойилга, яъни бир давлат билан яқинлашиш бошқа бир давлат билан узоқлашиш эвазига бўлмаслиги керак деган қоидага амал қиласи.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг жаҳоннинг етакчи мамлакатлари билан икки томонлама манфаатли алоқаларининг ривожланиш истиқболларини тавсифлаб беринг.
2. Ўзбекистоннинг ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар билан олиб бораётган алоқаларни характерлаб беринг?
3. Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон банки гуруҳи билан муносабатларини очиб беринг.
4. Ўзбекистон ЖСТда қандай мақомга эга?
5. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш босқичларини характерлаб беринг.

Адабиётлар:

- “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 30.04.1998
- “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 25.04.1996
- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Т. Ўзбекистон, 1996
- Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т. Ўзбекистон, 1999
- Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
- Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан. Т., 1996.
- МВЭС РУз. “Информация о состоянии и перспективах развития взаимоотношений РУз с Европейским Союзом”.
- Ломакин В. Мировая экономика. Учебник. М., 2004.
- Назарова Г.Ф., Халилов X. ва бошқалар. Германия Федератив Республикаси иқтисодиёти (Илмий-оммабоп рисола). ТДИУ, 2005.
- Назарова Г.Ф. Хайдаров Н. Халқаро иқтисодий муносабатлар (ўкув қўлланма). Т., ТДИУ, 2005.
- Назарова Г.Ф., Халилов X., Эштаев А. ва бошқалар. “Жаҳон иқтисодиёти” (Ўкув қўлланма). Т., 2005.

Изоҳли луғат (Глоссарий)

«Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши — мамлакатдан "интеллектуал элита" вакилларини чет элда ишга жойлашиш мақсадида чиқиб кетиши.

Аванслаш — етказиб бериладиган товарлар учун импортёр томонидан олдиндан ҳақ тўлаш. Экспортёр учун фойдали ўзаро ҳисоб-китоб кўриниши ҳисобланади.

Аkkредитив — мижознинг илтимосига кўра банк томонидан хужжатда кўрсатилган шартларда учинчи шахс (бенифициар)га тўловни амалга ошириш ёки бенифициар томонидан қўйилган ўтказма векселни (тратта) тўлашни амалга ошириш (акцепт) бўйича банк мажурияти бўйича битим.

Акцепт — битим амалга ошганлигини англатувчи офертани қабул қилишлигига розилик бериш.

Акциз — давлат органлари томонидан белгиланадиган товар божхона қийматига нарх қўшимчаси.

Андеррайтерлар — молия бозоридаги мувофиқлаштирилган курс бўйича заёмни жойлаштирувчи гарант компаниялар.

Банк ўтказмалари — ўтказувчи (тўловчи) талабига мувофиқ унинг ҳисобидан олевчи (бенифициар) фойдасига бир банк томонидан бошқа банкка тўлов талаблари воситасида бажариладиган ҳисоб-китоб кўриниши.

Бартер — товарни товарга тўғридан-тўғри айирбошланадиган савдо битими.

Божхона божи — товар давлат чегарасини кесиб ўтганда солинадиган махсус пул солиғи.

Божхона иттифоқи — икки ва ундан ортиқ давлатларнинг бир-бирига ва учинчи мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган тариф сиёсатини ўтказищдир.

Божхона тарифи — товар оқимларининг чегарани кесиб ўтишида давлат томонидан олинадиган солиқ микдори кўрсатилган тартибланган товарлар рўйхати.

Буфер заҳиралари — салбий иқтисодий тамойилларнинг миллий иқтисодиётга таъсири ва фавқулодда вазиятлар учун моддий бойликларнинг жами.

Валюта — маълум бир давлатнинг қонун билан ўрнатилган пул воситаси (миллий валюта),

бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валютаси кўринишидаги жаҳон резерв пуллари. Халқаро валюта фонди ва Европа валюта тизими аъзолари томонидан кўп томонлама ҳисоб-

китобларда фойдаланиладиган халқаро валюта бирлиги.

Валюта арбитражи — своплар ва ссуда капитали бозорида битимлар биргаликда амалга оширилишини назарда тутувчи банклараро операциялар.

Валюта бозорлари — миллий валюта иштирокида талаб ва таклиф таъсирида юзага келувчи валюта курсига мувофиқ хорижий валюталарни олди-сотди қилинадиган расмий марказлар.

Валюта интервенцияси — давлат органлари томонидан миллий бозорда хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш.

Валюта клиринги — икки ва ундан ортиқ ҳукуматлар ўртасида молиявий талаблар ва мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олиш ҳақидаги келишув.

Валюта котировкаси — бир валюта баҳосини бошқа валюталарда ифодаланишининг сонли ёзуви.

Валюта курси — миллий валюталар ўртасидаги нисбат, бир мамлакат валютасининг хорижий пул бирликларида ифодаланиши.

Валюта позицияси — банкнинг хорижий валютага бўлган талаби ва мажбуриятлари нисбати.

Валюта режими — валюта айирбошлиш курсини аниқлаш асосидаги механизм.

Валюта резервлари — хорижий валюта, олтин, СДР, ХВФдаги резерв позиция кўринишидаги валюта-ликвид воситаларнинг жами.

Валюта сиёсати — мамлакатда хорижий валюталарнинг пул-кредит айланмасини тартибга солишга йўналтирилган тадбирлар тизими.

Валюта хатари — валюта курси ўзгариши оқибатида экспортёр ва импортёрнинг зарар кўриши лозим бўлган ҳолати.

Валюта чеклашлари — хориж валютаси ва бошқа қимматли нарсалар (олтин) бўйича операцияларни чеклаш учун йўналтирилган маъмурий ва қонуний тартибда белгиланган меъёрий қоидалар тизими.

Валютанинг конвертиранганилиги — миллий валютани хорижий валюталарга резидентлар учун ҳам, резидент бўлмаганлар учун ҳам тўлов балансининг жорий операциялари бўйича алмаштириш имконияти.

Вексел — белгиланган кўринишида тузилган ёзма қарздорлик мажбурияти, вексел эгаси кўрсатилган муддат тугагандан сўнг белгиланган пул суммасини қарздордан талаб қилишга ҳақлидир.

ГАТТ — Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув — ташқи савдо операцияларини ўтказишида белгиланган тамойилларга амал қилишга рози бўлган мамлакатларни бирлаштирувчи савдо ва тариф масалалари бўйича халқаро акт.

Глобал муаммолар — оламшумул иқтисодий, ижтимоий- сиёсий ва аҳамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишида жаҳондаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатларини талаб этувчи цивилизациялизмининг энг долзарб масалалари.

Давлат буюртмаси — давлат томонидан муайян маҳсулот турини тайёрлаш ва уни истеъмолчига етказиб бериш, ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот характеристидаги маълум ишни бажариш бўйича корхона ва хўжаликларга бериладиган топшириқ. У биринчи навбатдаги ижтимоий эҳтиёжларни кафолатлади.

Давлат бюджети — давлат даромадлари ва ҳаражатларининг пул билан ифодаланадиган йиллик мажмуи.

Давлат қарзи — давлатнинг ўз фуқаролари, банклар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, хориж мамлакатларидан қарзи. Ўз манбаига қараб, давлат қарзларига, ички ва ташқи давлат қарзига бўлинади. Давлат ўз ҳаражатларини даромади билан қоплай олмай қарз олади, қарз ҳисобидан ўз бюджетининг камомадини вақтингча қоплайди.

Давлат мулки — давлат вазифалари бажарашига хизмат қилувчи давлат корхона ва муассасаларининг мулки.

“Дауэс плани” — 1924 йилда қабул қилинган бўлиб, Чикаго банклари директори Ч. Дауэс (Морган банки билан чамбарчас боғлиқ) томонидан ишлаб чиқилган режадир. Биринчи Жаҳон урушидан кейинги йилларда Германияга ғолиб давлатлар (Англия, Франция ва

бошқалар) томонидан юкландын ҳарбий төвөнни (репарацион түлов) енгиллаштириш ва шу йүл билан Германия иқтисодиётини тиклашдир. Режага күра, Фарбий Европанинг етакчи давлатлари 200 млн. Долларли (унинг 110 млн. АҚШники) халқаро заём берган бўлиб. Бу ёрдам биринчи галда мамлакатнинг оғир саноатини ривожлантиришга қаратилган эди.

"Демографик портлаш" — жаҳоннинг кам ривожланган ва камбағал мамлакатларида назорат қилиб бўлмайдиган даражада аҳоли сонини ўсиши.

Девальвация — миллий валюта курсини хорижий валютага нисбатан пасайтирилиши (тескари жараён — ревальвация).

Демпинг — товарларни ташки бозорда ички бозорга нисбатан арzon баҳода сотиш. Ташки бозорни эгаллаш учун мамлакатлар ўз товарини баъзан ишлаб чиқариш ҳаражатларидан ҳам паст (арzon) баҳоларда четга чиқариши мумкин.

Доллар — доллар, биринчидан АҚШ пул бирлиги, 100 центга тенг. 1786 йилда кумуш доллар, 1965 йилда эса олтин, кумуш, мис-никелли доллар зарб қилинган. АҚШ доллари халқаро валюта ҳисоб-китобларида кенг қўлланади. Муомалада 100, 50, 20, 10, 5, 2,1 долларли қоғоз пуллар; 1 ва 0.5 долларли ва 5, 2, 2 центли мис тангалар ишлатилади. Доллар, иккинчидан Канада, Австралия, Янги Зеландия, Либерия, Эфиопия, Малайзия, Сингапур, Бермуд ороллари, Британия Гондураси каби давлатларда пул бирлиги ҳисобланади.

Евро - европа мамлакатлари учун ҳисоб-китоб-тўлов бирлиги бўлиб, ЕИга аъзо мамлакатлар худудида ЭКЮ ўрнига жорий этилган.

Европа валюта тизими (ЕВТ) — ЕИ аъзоларининг худудий валюта гурухи.

Европа Иттифоқи (ЕИ) — Фарбий Европанинг 25 та давлатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гурух.

Европа тиклаш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) — ўз фаолиятини 1991 йили бошланди, унинг таъсисчилари 34 мамлакат ҳисобланади. ЕТТБнинг асосий вазифалари лойиҳаларни молиялаштириш ва кредитлаш, хусусий капитал қўйилмаларга кафолатлар бериш, иқтисодиёт тузилишини қайта қуриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқариш.

Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ) - Европадаги қатор етакчи саноати ва савдоси ривожланган мамлакатларнинг савдо-иктисодий ташкилоти бўлиб, 1960 йилда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги ташаббуси билан Европа Иқтисодий Хамжамияти давлатларига посанги сифатида ташкил топди. “Умумий бозор”га кўшилиши муносабати билан 1973 йили Буюк Британия ва Данія, 1986 йили Португалия ЕЭСУдан чиқди. Бу уюшманинг ҳозирги аъзолари Австрия, Исландия, Норвегия, Швеция, Швецария, Финляндия. Котибиятнинг штаб-квартираси Женева (Швейцария) шаҳридир.

Жами ижтимоий маҳсулот — муайян давр мобайнида жамиятда ҳосил қилинган барча истеъмол қийматлари йиғиндиси. Жами ижтимоий маҳсулотни айрим кишилар, корхоналар, тармоқлар ва ҳоказоларнинг 1 йил давомида яратган маҳсулот мажмуи сифатида таърифлаш мумкин.

Жаҳон баҳоси - талаб ва таклиф эгри чизиқлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий нарх кўрсаткичлари таъсирида халқаро савдо марказларида ҳосил бўлади.

Жаҳон бозори — моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишидаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрбошлаш ва истеъмол босқичларни ўз ичига оловчи ХИМларнинг субъектларини (миллий ва худудий иқтисодиётлар, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар) ўзаро иқтисодий таъсирланишидаги глобал муҳитидир.

Жаҳон валюта-молия тизими (ЖВМТ) — халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида узок давом этган эволюция ривожланиш босқичлар натижасида шаклланган ва давлатлараро битимлар орқали мустаҳкамланган валюта муносабатларини ташкил этишдаги кўринишидир.

Жаҳон ишчи бозори (ЖИКБ) — миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва худудлар ўртасида жами миграцион айланмаси

Жаҳон пули — халқаро миқёсда ҳамма учун умумий харид воситаси, умумий тўлов воситаси, бойликнинг умумий моддий тимсоли, байналминал қиймат ифодаси бўлган пулдир. Жаҳон

пули вазифасини дастлаб маълум вазифадаги олтин ём билари бажарган, сўнгра халқаро миқёсда обрў-эътиборли миллий пул (доллар, фунт стерлинг) жаҳон пуллари деб эътироф этилган.

Импорт – ички бозорда сотиш учун мамлакатга хорижий товарлар киритиш ва хизмат келтириш. Импорт миқдори ва тақриби мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрнига боғлиқ.

Иммигрант – муҳожир, бошқа мамлакатдан кўчиб келган киши.

Иммиграцион квота — хорижий фуқароларни кириб келиши давлат томонидан миқдорий чеклаш.

Инвестор – ўз номидан ва ўз ҳисобидан мижозларнинг топшириғига биноан иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларига ўз капиталини қўювчи юридик ва жисмоний шахс.

Инвестицион мухит — мамлакатлар иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши, зарур бўлган шарт-шароитлар комплекси.

Инжиниринг — ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектини қуриб, ишга тушириш бўйича хизматлар соҳаси.

Инкассо — мижоз (экспортёр) буйруғига кўра жўнатилган товарлар ёки хизматлар учун импортёрдан тўловни қабул қилиш ва бу маблағларни экспортёр ҳисобига ўтказиш операцияси.

Инновацион фаолият — янги назарий моделни бозор талабига мос технология-товарга айлантиришдан иборат бўлган узоқ жараёндир.

Интеграция – бирор-бир элементларни бир бутунга бирлаштириш. Иқтисодиётда хўжалик ҳаётни байналмилалаштиришнинг олий шакли бўлиб, бунга халқаро меҳнат тақсимотини чукурлаштириш объектив равишда сабаб бўлади.

Инфляция – пулнинг қадрсизланиши. Муомаладаги пул массасини товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан тўлиқ таъминланмаслигидан келиб чиқади. Инфляция товар баҳосининг очиқчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади.

Информация ва технологиялар жаҳон бозори (ИТЖБ) — интеллектуал фаолият натижалари бўйича айирбошлишнинг халқаро соҳаси.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) – ўз фаолиятини 1975 йилда бошлади. Низом капиталининг миқдори ОТБдан 5 марта кам. Аъзолари: Ислом дини ҳукмрон бўлган мамлакатлар, яъни Ислом анжуманининг деярли барча аъзолари киради. Мақсади: аъзо мамлакатларнинг ривожланиш лойиҳаларини, ташқи савдони кредитлаш ва савдо ҳамда саноат компаниялари капиталларини сармоялашдан иборат.

Истеъмол савати – муайян озиқ-овқат, саноат моллари ва хизматларнинг тирикчиликни итаъминлашга етарли бўлган миқдори. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво кўтарилиб, баҳолар ўзгаради. Аҳолининг кўрадиган заарини қоплаш учун ҳукумат томонидан мамлакатда “Истеъмол савати”га кирган моллар нархининг ўзгаришини ўзганиш. Уларнинг индексларни белгилаб бориш ва шунга мос ҳолда аҳоли даромадларини индекслаштириш лозим бўлади.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) — БМТнинг асосий бошқарув органларидан бири бўлиб, унинг ХИМлар соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Иқтисодий интеграция — ҳудудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий мухитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларини ўзаро яқинлаштириш ва бир-бирига кириб бориш жараёнлари.

Иқтисодий иттифоқ — иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши бўлиб, у умумий ҳукуқий меъёrlар, солиқ базасини соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, ягона валютага ўтиш кабилар билан тавсифланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) – ташкилотга 10 та давлат: Туркия, Эрон, Покистон (1985), Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон. Қирғизистон, Тожикистон (1992) аъзо бўлиб, мақсад мамлакатлар ўртасида фан ва техника, қишлоқ хўжалиги алоқаларини ривожлантириш.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) – ташкилот 1961 йилда АҚШ ташаббуси билан мамлакатларнинг ягона иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиши ва назорат қилиши мақсадида тузилган. Унинг аъзолари АҚШ, Япония, Канада, Австралия, Янги Зеландия, ЕИга кирувчи 15 мамлакат, шунингдек, Исландия, Норвегия, Швейцария, Туркия ҳисобланади. Ташкилот қуйидаги муаммоларни: жаҳон иқтисодиётини ахволи ва келажаги, ривожланиши йўллари, халқаро савдони эркинлаштириш ва тартибга солиш масалаларини, саноати ривожланган мамлакатлар ҳамдо бозор иқтисодиётига ўтаётган янги давлатлар билан бўладиган ўзаро муносабатларни ўрганади ва ҳал этади.

Картель — ташқи савдо ассоциацияси (унинг аъзолари алоҳида товарлар гурӯҳи бўйича ишлаб чиқариш ва нарҳ сиёсатини мувофиқлаштириб олишади).

Квоталаш — давлат томонидан экспорт ва импортнинг қиймат ва жисмоний ҳажмини тўғридан-тўғри чеклаш сиёсати .

Клиринг — қарама-қарши товар оқимларида валютадан фойдаланмасдан (нақдсиз) воситачи орқали ўзаро ҳисоб-китобни назарда тутувчи савдо операцияси.

КОКОМ – 1950 йилнинг 1 январида тузилган. КОКОМ кўп томонлама экспорт назоратининг мувофиқлаштирувчи (координацион) комитет ҳисобланиб, унга жаҳоннинг 16 давлати. НАТОнинг 15 аъзоси (Исланидиядан ташқари) ва Япония аъзодир. Вазифаси: собиқ СССР ва социалистик давлатларга стратегик товарларни сотмаслик устидан назоратни олиб боришидир. Штаб-квартираси Париж шаҳрида жойлашган.

Конверсия — ҳарбий саноат комплекси корхоналарини фуқароларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни.

Конвертиланган (эркин алмаштириладиган) валюта – ҳар қандай хорижий мамлакатларига эркин ва чекланмаган микдорда алмаштирилиши мумкин бўлган валюталар (АҚШ, Канада доллари, Англия фунт стерлинги, ЕВРО, Япония иенаси).

Консалтинг — консалтинг фирма томонидан ҳар қандай истеъмолчига кенг кўламдаги маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

Концерн – манфаатларнинг мос келиши асосида корхоналар умумлашуви, бирлашувининг ривожланган шакли. Концернга кирувчи корхоналар мустакил корхона ҳисоблангани билан яҳақиқатда ягона хўжалик раҳбарлигига бўйсунади. Концернда консорциумдан фарқли ўлароқ, ягона иқтисодий сиёсат юргизиш, молиявий манбаларнинг бир қисмини тўплаш ва айrim бошқа вазифалар марказлаштирилади.

Кредит карточкаси — элетрон банк тизимлари орқали товар ва хизматларни нақд пулсиз тўлаш инструменти.

Кросс-курс — икки хорижий валютани кесишувчи котировкаси, бунда валюталарнинг ҳеч бири курсни белгиловчи битимни имзолаган иштирокчининг миллий валютаси бўла олмайди.

Кўнгилли экспорт чеклашлари (КЭЧ) - ташқи савдо ҳамкори томонидан иккинчи бири билан келишилган ҳолда экспорт операциялари ҳажмини чегаралаш.

Лизинг — машина, қурилмалар, технология ва кўчмас мулкни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун узоқ муддатга ижарага бериш.

Лицензиялаш — давлат томонидан ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ташқи иқтисодий операциялар олиб боришига рухсат бериш .

Маржа — валюта харидори ва сотувчиси курслари ўртасидаги фарқ.

Маржинал (қўшилган) фойда — сотиш нархи ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндилари орасидаги фарқ.

Маастрихт шартномаси – шартнома 1993 йилнинг 1 февралида имзолangan бўлиб, Европа иқтисодий ҳамжамиятияга аъзо бўлган 12 давлат ўртасидаги келишув.

“Маршалл плани” – АҚШнинг давлат котиби Ж.Х.Маршалл томонидан 1947 йилнинг 5 июнида илгари сурилди, АҚШ томонидан Иккинчи жаҳон урушида вайрон бўлган европа мамлакатлари хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун берилган иқтисодий ёрдамдир. Европанинг 17 давлати (собиқ СССР ва социалистик йўлни танлаган Шаркий Европанинг

барча давлатларидан ташқари) аъзо бўлган эди. Маршалл режасига кўра 4 йил ичида 14 млрд. долл. ёрдам уюштирилди. Кўрсатилган ёрдамнинг 60 %дан кўпроғи Буюк Британия, Франция, Италия ва Ғарбий Германияга тўғри келган эди. Бу давлатлар иқтисодиёти 50-йиллардан сўнг тез ривожланиш даврига қадам қўйди.

“Маунтбэттена плани” – иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўз мустамлакачилик таъсирини сақлаб қолишга интилган инглиз босқинчилари Ҳиндистоннинг икки доминионига – Ҳиндистон иттифоқи ва Покистонга бўлиб юбориш тўғрисидаги режа бўлиб, бўлинишда асосан аҳолининг будда ва ислом (мусулмон) динига мансублигига кўпроқ эътибор берилган. Унда худуднинг миллий ва хўжалик жиҳатдан бутунлиги мутлақо ҳисобга олинмади, мавжуд бўлган саноат корхоналарининг асосий қисми Ҳиндистон худудида қолган бўлса, уларни хомашё билан таъминловчи районлари эса Покистон худудида қолди. Бу эса, албатта икки мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожланишини ниҳоятда мураккаблаштириб юборишга олиб келган эди. Бироқ, Буюк Британия парламенти кўпчилик овоз билан “Маунтбэттена плани”ни қонун сифатида 1947 йилнинг 15 августида қабул қилиб, “Ҳиндистон”ни мустақил давлат деб эълон қилди.

Махсус қарз олиш хуқуқи — халқаро валюта фондининг махсус ҳисобларидаги кредит ёзувлари кўринишидаги халқаро активлар (яъни захира ва тўлов воситалар) бўлиб, уларнинг миқдори ХВФга аъзо-мамлакатларнинг квоталарига мос келади.

Мағриб давлатлари бўйича иқтисодий ташкилот – бу ташкилот 1974 йилда ташкил топган бўлиб Мағриб мамлакатлари (Жазоир, Ливия, Марокаш ва Тунис) бўйича умумиқтисодий консультатив комитет номи билан ҳам машҳурdir.

Монетаризм — бу назарияга кўра, давлат томонидан пул массасини ўсиш суръатлари барқарор ушлаб турилади (йилига 3-5%.атрофига) Давлат ҳаражатлариникис қартириш хусусий капитал учун бир иқтисодиётдан бошқасига эркин оқиб ўтиш имкониятларининг очади. Бу эса ўз навбатида мамлакатда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имкониятинии беради.

Мониторинг (хўжалик) — жами иқтисодий кўрсаткичларни кузатиш ва стаистик ишлов бериш жараёни.

Монополия – бирор нарсага нисбатан фавқулодда хуқуқ. Масалан, товарлар ишлаб чиқаришга, савдо қилишга, ташқи савдога, хизматлар кўрсатишга ва бошқалар.

Мутлақ устунлик — хўжалик субъектлари (мамлакатлар)нинг ишлаб чиқариш ҳаражатлари миқдорининг турличалигидан (масалан, бир жуғрофий шароитга эга бўлмаслик) фойдаланиши туфайли кўрган фойдаси.

Нарх — товарларнинг ижтимоий фойдалилиги ва қийматининг пул бирлигida ифодаланиши.

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) – 1960 йилда ташкил топди. 1993 йилда Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 13 мамлакатини (Жазоир, Венесуэла, Габон, Индонезия, Эрон, Ироқ. Катар, Кувайт, Ливия, Нигерия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Эквадор) бирлаштириди.

Нисбий устунлик — хўжалик субъектлари (мамлакатлар)нинг ишлаб чиқариш ҳаражатлари йиғиндисидаги нисбий фарқдан фойдаланиши туфайли кўрган фойдаси.

Ноу-хау — муаллифлик гувоҳномаси (патент) билан ҳимояланмаган ишлаб чиқариш тажрибаси ва маҳорат сирлари.

Озиқ-овқат хавфсизлиги — миллий ва глобал эҳтиёжларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти.

Осиё – Тинч океани минтақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти – ташкилот 1989 йилда ташкил топди. Янги Зеланди, Гонконг, Хитой, Австралия каби давлатлар ташкилоти бўлиб, шу худуддаги 11 мамлакатни, Япония, АСЕАНга аъзо 6 мамлакатни (Малайзия, Сингапур, Индонезия, Филиппин, Таиланд. Бруней) бирлаштиради.

Осиё ривожланиш банки (ОРБ) – 1966 йили БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг (ЭСКАТО) қарорига кўра ташкил топди (1968 йилдан бошлаб кредит фаолиятини бошлади). Акционер жамияти асосида иш юритади. Унга

45 дан ортиқ давлат аъзо. Вазифаси Осиёдаги ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ва савдо муносабатларига ҳомийлик қилиш, уларга молиявий ва техник, иқтисодий ёрдам кўрсатиш, иқтисод соҳасида минтақавий ҳамкорлик қилишидир. ОРБнинг штаб-квартираси Манила шаҳрида жойлашган.

Оферта — аниқ шарт-шароитлар асосида битим тузиш таклифи.

Оффшор ҳудудлар — бу жаҳон иқтисодиётида миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, бу ерда хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари тижорий операцияларни чет эл валютасида амалга оширашади.

Очиқ ҳисоб — ҳисоб-китоб товар импортёр томонидан олингандан сўнг амалга ошириладиган форма. Бунда экспортёр импортёрга ҳисоб-фактурани хужжатлар билан биргаликда почта орқали банклар иштирокисиз юборади.

Панжаралаш (хеджирование) — валюта хатарларини суғурталаш усулларининг мажмуаси.

Паритет — турли мамлакат валюталарининг олтинга айланган ҳолдаги нисбати ёки уларнинг харид қила олиш қувватига биноан нисбати.

Портфел инвестициялар — хўжалик обьектини эксплуатация қилиш туфайли даромад олиш ҳуқуқини кафолатловчи капитал қўйилмалари.

Протекционизм — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг бевосита ва билвосита усуллар орқали фаол аралашувини назарда тутувчи иқтисодий сиёсат.

Ратификация — шартномаларни тасдиқлаш.

Ревальвация — пул ислохотини ўтказмасдан туриб, пул бирлигини инфляциягача бўлган сотиб олиш қобилияти ва валюта паритетини аста-секинлик билан тиклаш. Ревальвацияни амалга оширишнинг муҳим шарти — қофоз пулларни чиқаришни қисқартириш, товарооборотнинг ўсишини таъминлашдир. Ревальвациянинг бошқача формаси қонунда кўрсатилган тартибда баҳо масштабини кўпайтиришдир.

Резидент — фуқаролиги ва паспорт статусидан қатъий назар давлат ҳудудида бир йилдан ошик яшаган жисмоний ва ҳуқуқий шахс тушунилади (бу мамлакатда штаб-квартирага эга бўлган дипломатик миссия ишчилари, ҳарбий персонал ва халқаро ташкилотлар ходимларидан ташқари).

Ролловер кредитлар — асосий миқдор, қўшимча (маржа) ва комиссион тўловлардан таркиб топган фоиз ставкасини қайта кўриш мумкин бўлган ҳолда ссуда бериш.

Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД) — БМТ тизими доирасидаги маҳсус муассаса.

Савдода энг қулай шароит яратиш режими — мамлакатлар ўртасида келишилган ҳолда ўрнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби.

Саноат тараққиёти бўйича БМТ Анжумани (ЮНИДО) — БМТ тизими доирасидаги маҳсус муассаса.

Своп — форвард битими ва спот шарти бўйича битим асосида амалга ошадиган турли хилдаги валюта операциялари

Синдикат — моноплситик бирлашманинг картелга нисбатан юқорироқ шакли, бир ҳил оммавий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бирлашмаси. Синдикат Франция ва Россияда кенг тарқалган. Унда иштирок қилувчилар мустақилликка эга бўлишади, бироқ ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлашманинг маҳсулоти сифатида сотилади.

Спот — битимни имзолаш пайтида контрагентлар қайд этган курс бўйича валютани дарҳол етказиб бериш билан боғлиқ бўлган касса операциялари.

Стагнация — иқтисодиётдаги турғунликни англатади.

Суғурта кафолати — маълум бонус эвазига суғурта компаниясининг экспортёrlарни (кредиторлар)га зарарини қоплаш ҳақида мажбурияти.

Ташки қарздорлик инқирози — давлат томонидан ташки қарзлар ва заёmlарни тўлаш графигини бузилиши

Ташки савдо сиёсати — экспорт-импорт товар оқимлари ҳажми, товар таркиби ва жуғрофий ўнналишини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган бюджет-солик фаолияти соҳаларидан биридир.

ТИФни тартибга солишининг тарифли усуллари — солиқ чеклашлари (божхона ийфимлари, божлар, акцизлар ва бошқалар) ёрдамида ташқи савдога таъсир ўтказиш воситалари йиғиндиши.

ТИФни тартибга солишининг тарифсиз усуллари — ташқи савдога таъсир ўтказишнинг бевосита, маъмурий воситалари гуруҳи (квоталаш, лицензиялаш, техник сандартларни жорий қилиш, санитар меъёрлар ва бошқалар).

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) - чет эл активларига эга бўлган йирик компанияни иқтисодий ташкиллаштиришнинг кўриниши.

Трест — саноат монополияларининг 20-йиллардаги энг юқори шакли. Унда маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш, корхоналарнинг молияси тўла бирлаштирилади. Трест муайян тармоқда хукмронлик қилувчи ягона улкан ширкатчилик жамияти бўлиб, АҚШда кенг таркалган монополистик бирлашма, унга кирувчилар ўзларининг ишлаб чиқариш. Тижорат ва юридик мустақиллигини йўқотади. Бу эса, ўз навбатида капитални доиравий оборотини тезлаштириш ва фойдани кўпайтириш имкониятини беради. Трестлар 19-асрнинг 90-йилларида АҚШда вужудга келди.

Тўғри инвестициялар — фойда олиш билан биргалиқда капитал қўйилаётган обьектга ўзидан назоратни таъминлаш хукуқини берувчи капитал қўйилмалар тушунилади.

Тўлов баланси — мамлакатнинг барча резидентларининг қолган барча мамлакатлар билан маълум вақт оралиғидаги (одатда бир йил) иқтисодий битимлари натижаларини системалаштирилган ҳолда қайд этилишидир.

Тўлов балансининг асосий моддалари - товар ва хизматларда экспорт-импорт, хорижий инвестистия капитали ҳаракатини ўз ичига олади.

Тўлов балансининг балансловчи моддалари — валюта заҳираларининг ҳаракати, қисқа муддатли активлар ҳажмининг ўзгариши, давлат қарзлари ва кредитлари, икки томонлама битимлар ҳамда ҳалқаро ташкилотлар линияси бўйича молиявий ёрдамларни акс эттиради.

Умумжаҳон банки — ўзаро бир-бири билан боғлиқ бешта институтдан таркиб топган кўп томонлама кредит берувчи ташкилотdir.

Умумий бозор — ишлаб чиқариш омилларини миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтишини таъминланловчи иқтисодий интеграцион кўриниши.

УСТ — Умумжаҳон савдо ташкилоти — ҳалқаро савдони институционал ва хукукий асосини ташкил этувчи мусакил давлатлараро ташкилот.

Факторинг — банк ёки фактор-компанияларнинг маҳсулот етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги ҳисоб-китоблар бўйича молиявий талабини, яъни қарзни кейинчалик харидордан ундириб олиш йўли билан тўлаш воситасидаги жами воситачилик операциялар тушунилади.

ФАО — БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ташкилоти, 1945 йилнинг 16 октябрида ташкил топди. Ҳозирги кунда бу ташкилотга расман 160га яқин давлат аъзодир.

Фиксинг — бу ҳар бир валютага талаб ва таклиф ҳажмини навбатма-навбат солишириш орқали валюталарнинг банклараро курсини аниқлаш ва қайд этиш жараёнидир.

Форвард — битим имзолангандан кейин икки кун ичидаги қатнашчилар томонидан хатарларни суғурталаш мақсадида келишилган курс бўйича олиб борилган банклараро валюта-молиявий операциялар тушунилади.

Форфетирлаш — бир компаниянинг тижорий хукуқларини бошқа компанияга нақд тўлов билан айирбошлишидир.

Франчайзинг — бир компаниянинг бошқа йирикроқ ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошқа атрибутиларидан фойдаланишидир.

Фритред (эркин савдо) — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг энг кам даражада аралашуви натижасида ўз фаолиятини эркин равишда танлашини назарда тутувчи иқтисодий сиёсатdir.

Фьючерс — қатнашчилар томонидан хатарларни суғурталаш мақсадида келишилган курс бўйича фонд биржасида бажариладиган тезкор муддатли валюта-молиявий операциялар тушунилади.

Ҳалқаро валюта фонди (ХВФ) — йирик хукуматлараро валюта-молиявий ташкилот бўлиб,

БМТнинг маҳсуслаштирилган муассасаси сифатида тартибга солиш, маслаҳат бериш ва молия-кредит соҳасидаги вазифаларни бажаради.

Халқаро иқтисодий муносабатлар — мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар иштирокидаги хўжалик алоқалари тизимидағи муносабатлар тушиунилади.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси — ишлаб чиқариш босқичларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида миллий иқтисодий комплексларнинг ҳамкорлик қилишидир.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви — мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти кўриниши бўлиб, унда ўзларининг ички эҳтиёжларидан ортиқча бир турдаги маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланувчи миллий ишлаб чиқаришларнинг табақаланиши юз беради.

Халқаро кредит — валюта ва товар ресурсларини қайтаришлик, шошилинч тўлов шартларида беришлиkdir.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) — ХТТБнинг шоҳобчаси сифатида 1956 йилда ташкил топди, унга 165 мамлакат аъзо (1995 й.). Мақсади: ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини қўллаб-куватлаш, корхоналарни капитал қўйилмалар ёрдамида молиялаштириш, ишалб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, иқтисодиётни бошқаришга ёрдам бериш.

Халқаро тиклаш ва тараққиёт банки (ХТТБ) — ўз фаолиятини 1946 йилда бошлади. Бу ташкилотга фақат ХВФга аъзо мамлакатлар кириши мумкин. ХТТБнинг мақсади: аъзо мамлакатлар иқтисодиётини қайта қуришга ва ривожланишига капитал қўйилмалар бериш ҳамда хусусий чет эл инвестицияларини рағбатлантириш орқали қўмаклашиш, тўлов баланси мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз бериш (25 йилгача). ХТТБнинг бошқарув кенгашида ҳал қилувчи овозга жаҳоннинг етакчи мамлакатлари (еттилик давлатлари) эга ҳисобланади.

Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) — ХТТБ нинг шоҳобчаси сифатида 1960 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Уюшманинг асосий мақсади кам ривожланган мамлакатларга ёрдам беришидир.

Халқаро савдо — миллий хўжаликлар ўртасида тўланадиган жами товар айланмаси кўринишидаги меҳнат маҳсулотлари айирбошлашнинг ўзига хос шаклидир.

Халқаро товар номенклатураси — мамлакатлар ўртасида келишилган, таснифланган товар позициялари рўйхати бўлиб, ҳар бир товар позицияси кодлаштирилган рақамларга эга бўлади.

Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) — энг ривожланган индустрнал мамлакатлар бирлашмаси.

Халқаро ҳисоб-китоблар — турли давлатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлардан келиб чиқувчи пул талаблари ва мажбуриятлари бўйича тўловларни ташкил этиш ва тартибга солиш жараёни.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки — давлатларапо банк. Мароказий банклар билан тижорат муомаласини олиб боради, халқаро валюта ҳамкорлигини ташкил қилишда қатнашади. 1930 йилги Гаага конференциясига мувофиқ Англия, Франция, Германия, Бельгия, Италия давлатларининг бошчилигига таъсис қилинган. Ҳозирги аъзолари: Европадаги 30 мамлакатнинг Марказий банклари, шунингдек АҚШ, Канада, Австралия, Япония ва Жанубий Африка Республикаси ҳисобланади.

Харид қобилияти паритети назарияси — валюта курси икки мамлакат пул бирликларининг нисбий қиймати билан аниқланади, у муомаладаги пул миқдорига боғлиқ. Жумладан, Дж. М. Кейнса тамойилига кўра, давлат томонидан фоиз ставкасини манипуляция қилиб, мамлакатга хориждан инвестиция оқимларини қуидагича ўзгартиради: фоиз ставкаси камайтирилса, ташки қарзлар ҳажми ортади, фоиз ставкаси оширилса, аксинча, камаяди.

Хекшер—Олин—Самуэлсон тамойили — мамлакатнинг экспортга ихтисослашуви миллий

иқтисодиётдаги ортиқча ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлигига асосланган тамойилдир.

Чек — чек имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берган ёзма фармойишидир.

Шарқий Африка бўйича иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЕКЕА) – ташкилотга Замбия, Кения, Мавритания, Молгаш Республикаси, Сомали каби давлатлар аъзо. 1966 йили БМТнинг иқтисодий комиссияларидан бири сифатида расман ташкил топди.

Шарқий Европа учун реконструкция ва тараққиёт Европа банки – Шарқий Европа мамлакатларига, жумладан Россия Федерациясига кредит бериш орқали уларнинг тараққиётига кўмаклашувини кўзда тутган Европа банки. 1990 йилнинг январида ташкил топган. Мазкур банк 12 давлат иштирокида тузилган.

Шимолий Америка мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (НАФТА) – ташкилот 1989 йилда ташкил топди. Шимолий Американинг 3 йирик давлатини (АҚШ, Канада, Мексика) бирлаштирган.

ЭКОВАС – БМТнинг иқтисодий комиссияларидан бири бўлиб, расман 1973 йилда ташкил топди. Фарбий Африканинг 16 давлатини бирлаштирган.

Экспорт квотаси – мамлакат экспорти қийматининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)га нисбати (фоизларда).

Эмбарго – алоҳида мамлакат ёки давлатлар гуруҳи билан савдони бутунлайн таъқиқлаш сиёсати.

Эркин иқтисодий ҳудудлар - мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортишдан озод этилади, яъни - бу миллий иқтисодиётнинг бир қисмини ташкил этиб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан кенг фойдаланилади.

Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ) — преференциал ҳудуд ҳисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан ҳоли савдо тартибига риоя қилинади.

ЭСКАТО – БМТнинг иқтисодий комиссияларидан бири ҳисобланади. Осиё ва Тинч океани минтақасида жойлашган мамлакатларнинг (31 та давлат) иқтисодий ҳамкорлик жамияти. ЭСКАТО 1947-74 йилларда Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳамжамияти ҳам деб юритилган. Унга РФ, АҚШ, Франция, Буюк Британия (Швейцария консультатив статусга эга) каби давлатлар ҳам аъзодир.

“Юнг плани” – Германия учун иккинчи репарацион тўлов (харбий тўловлар) режаси бўлиб, Дауэс режасининг ҳаммуалифлари О.Юнг томонидан ишлаб чиқилган. Режага кўра Германия ғолиб давлатларга 113,9 млрд. марка товон тўлаши кўрсатилган эди. Жаҳон капитализмининг умумий иқтисодий кризис йилларида (1929-1933) бу режа амалда бажарилмади. Лозанна конференцияси эса “Юнг плани”ни мутлақо бекор қилди (АҚШнинг роли катта бўлди). Германияда ҳарбий ва оғир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жуда катта тезликда ривожланиш даврига қадам қўйди.

ЮНКТАД – бу ташкилот 1964 йилнинг 30 декабрида ташкил топган бўлиб, унга БМТнинг барча аъзо мамлакатлари ва бошқа давлатлар ҳам киради. Вазифаси: халқаро савқдонинг ривожланишига хомийлик қилиш, унинг хуқуқий асосларини ишлаб чиқиши, халқаро савдо ва шунингдек халқаро савдо билан боғлиқ бўлган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборатdir.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — маълум давр (одатда бир йил) давомида бир мамлакат ҳудудида яратилган жами қиймат.

“Янги индустрiali мамлакатлар” (“ЯИМ”) — иқтисодий жиҳатдан энг тез ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатлар гуруҳидир.

Карз конверсияси — қарз мажбуриятларини иккиламчи бозорда ликвидли бўлган қимматли қоғозларга айлантириш.

Карзга хизмат қўрсатиш меъёри – қарзга хизмат қўрсатиш бўйича тўловлар ва миллий экспорт орасида нисбатдир.

Қарзни дисконтлаш – кредитор ва қарз берувчи ўртасида кредит суммасини ёки унинг бир қисмини ўчиришни туширмоқ керак.

Қарзни реструктуризациялаш – кредитни тўлаш муддатларини, фоизларни тўлашни орқага суриш орқали чўзишдир.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори – даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғозлар – акция, облигация, вексель, чек, депозит, сертификатларнинг олди-сотди қилиниши. Қимматбаҳо қоғозлар бозори амалда фонд биржалари, аукционлар ва банклардан иборат бўлади. Бозорда ҳам сотувчилар, ҳам харидорлар ўзаро муносабатда бўлади. Улар ўртасида маклерлар-брокерлар (даллоллар) воситачилик қиласиди. Қимматбаҳо қоғозлар бозори миллий ва жаҳон бозорларидан иборат.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 25.04.1996.
- “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 30.04.1998.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Т. Ўзбекистон, 1996.
- Каримов И.А. “Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда” Т. Ўзбекистон, 1999.
- Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август.
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
